



БОЛАЛАР ИНЕКОЛОГИЯСЫ



ТИББИЁТ
ИНСТИТУЛари
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

УҚУВ
АДАБИЁТИ

А.А. ҚОДИРОВА, ф.М. АЮПОВА
Д.Қ. НАЖМИДД ИНОВА

АБУ АЛИ ибн СИНО
НОМИДАГИ ТИББИЁТ
НАШРИЕТИ

Тақризчилар: Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институти, акушерлик ва гинекология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор *Д. Ф. КАРИМОВА*, тиббиёт фанлари доктори, профессор *М. Ц. СОДИК ОВА*.

- Қодирова А. А. ва бошқ.**
К 53 Болалар гинекологияси: Тиббиёт институтлари талабалари учун ўкув қўлланмаси/А. А. Қодирова, Ф. М. Аюпова, Д. Қ. Нажмиддинова.— Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1998.— 192 б.
1.1.2 Автордош.

Мазкур ўкув қўлланмасида болалар гинекологиясига доир талайгина масалалар: киз болалар жинсий аъзоларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари, гормонал ўзгаришлар, ялигланиш ва ўсма хасталиклари хакида батафил маълумотлар берилган. Шунингдек гигиеник омиллар, эстетика ва ахлоқ-одоб (деонтология) га доир муммаларга хам старлича ўрин ажратилган.

Қўлланма ўкув дастурига асосланиб ёзилган, тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган.

ББК 57.33я73

4108170000—004
К ----- 97
M354(04)97

18ВИ 5-638-01247-8

© А. А. Қодирова, Ф. М. Аюпова,
Д. Қ. Нажмиддинова

СҮЗ БОШИ

Киз болаларнинг жинсий аъзоларида, уларнинг она қорнидалиги давридан бошлаб, болалик ва балоғатга етгунигача, шу даврларга хос бўлган анатомик ва физиологик хусусиятларнинг юз бериши кузатилади. Бундан ташқари, уларнинг ривожланишида яна патологик ўзгаришлар ҳам кузатилиши мумкин.

Киз боланинг жинсий аъзоларида рўй берадиган нуксонларнинг вужудга келишига турлича заарли омиллар сабабчи бўлади: бир қатор юқумли касалликлар (бру- целлез, токсоплазмоз, листериоз, орнитоз ва б.к.), нотўғри ишлатилган дори-дармонлар, заҳарли моддалар (алкогол. тамаки, наркотиклар) шулар жумласидан.

Бу патологик ҳолатлар ҳомила туғилганидан кейин яққол намоён бўлади. Яна қизларнинг болалик ва ўсмирлик ёшларида учрайдиган турли хилдаги нуксонлар- дан ташқари, уларда катталаарда учрайдиган қатор касалликлар ҳам кузатилади.

Туғруқ жараёнининг нотўғри кечиши, ҳомиланинг туғруқ пайтида жароҳатланиши, асфиксияси каби хаста- ликлар ҳам чақалоқнинг саломатлигига путур етказади. Оналарнинг жинсий аъзоларидағи ҳомиладор бўлишдан аввал ва ҳомиладор бўлганидан кейин юз берган яллиғланиш жараёнлари ҳамда танадаги гормонлар нисбатининг бузилиши ҳам ҳомила саломатлигига салбий таъсир қиласиди.

Хусусан, она шу даврда сўзакка чалиниб тўла даволанмаса, унинг қорнидаги ҳомила ўша даврдаёқ ёки туғруқ пайтида бу хасталикка гирифтор бўлиши мумкин. Чунки она жинсий аъзоси ҳисобланган қинидаги микроб — гонококк боланинг жинсий аъзосига, кўзига ўтиши мумкин. Натижада, чақалоқнинг шу аъзолари хасталана- ди. У туфайли пайдо бўлган чандиқлар жинсий аъзо- ларнинг топографик ва физиологик хусусиятларини бузиб кўяди.

Бундан ташқари, қиз бола томоқ дифтерияси билан оғриса ва бу касаллик асорати қинга ҳам ўтган бўлса, қинда чандиқлар пайдо бўлиб, қин битов бўлиб қолиши мумкин.

Демак, қизларнинг соғ-саломат ўсиши, балоғатга етиб,

соғлом авлодни дунёга келтириши учун кенг кўламда профилактика ва санитария маорифи ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим.

Шу мақсад йўлида қиз болаларнинг саломатлигини доимо кузатиб бориш, профилактика ва муолажа ишлари- ни яхши ва сифатли ташкил қилиш учун туман, қишлоқ, вилоят ва умуман болалар поликлиникалари, маслаҳатхо- налари қошида болалар ва ўсмирлар учун гинекология бўлимлари очиш ва боғча, ясли ҳамда мактабларда қиз болаларни мунтазам равишда диспансер кўригидан ўтка- зиб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда 1970-йилларга қадар қиз болалар ва ўсмирларга гинекологик ёрдам кўрсатиш ишларига унча- лик эътибор берилмас эди. Ҳозир эса бу соҳага эътибор кучайиб, гинекологик ёрдам бериш тармоқлари сони тобора кўпаймоқда.

Республикамизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод учун» Ҳалқаро фонд ташкил этилди. Унинг вазифаси — ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш учун курашаётган барча мутахассисларнинг саъй-ҳарақатларига мадад беришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилда «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммоларининг комплекс ечими» деган муҳим Қарор чиқарди. Унда болалар ва ўсмирлар гинекологиясига доир муаммоларга ҳам катта ўрин берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан биргаликда, тиббий ёрдам кўрсатишининг 3 босқичли тизимиға таяниб, болалар ва ўсмирлар гинекологияси хизматини ташкил қилишнинг асослари ишлаб чиқилди. Бу тизим айнан бизнинг минтақамизга мос келади.

I босқич — бу, мактабгача бўлган болалар муассаса- лари, мактаблар, болалар санаторийлари, интернатлар, болалар поликлиникаларида амалга ошириладиган иш- лардан иборат. Бунда мактабгача ва мактабда ишлаётган педиатрлар, участка педиатрлари фақат жинсий аъзо- лардаги бирор-бир ўзгаришларни аниқлайди ва янада чукурроқ текшириш, профилактик текширувларни ўтка- зиш учун гинеколог хузурига маслаҳатга юборади.

II босқич— туман болалар поликлиникалари ёки гуман аёллар маслаҳатхоналари қошида ташкил қилинган болалар ва ўсмирлар гинекологияси кабинетлари. Бу босқичнинг вазифаси шуки, поликлиника шароитларида ташхис қўйиш ва даволаш, стационарга йўллаш, стацио- нардан чиққанларни кузатиб бориш.

III босқич— улар қошидаги ихтисослаштирилган гинекологик стационарлар ва консультатив кабинетлар. Уларнинг қиласидаги ишлари — ташхис қўйиш ва даво- лаш,

маслаҳат бериш, туман болалар гинекологлари билан шуғулланиш ва уларга раҳбарлик қилиш, кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ёрдам- дан иборат бўлади.

Маълум бўлишича, кўпгина гинекологлар болалар ва ўсмирлар гинекологиясига етарлича эътибор бермайдилар Шу сабабли фаннинг бу соҳаси эътибордан четда қолмоқда. Шу нуқсонларни кўзда тутган ҳолда биз ушбу қўлланмани, савоб ишга озроқ бўлса-да, ҳисса қўшиш мақсадида ўқувчиларга ҳавола этияпмиз.

Муаллифлар

ҚИСҚАЧА ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТ

Маълумки, 1920 йилда Туркистон давлат университети қошида тиббиёт факультетини ташкил қилиш ҳакида декрет қабул қилинган. 1931 йилда тиббиёт факультети дорилфунун таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил Ўрта Осиё тиббиёт институти ташкил топди. 1935 йилда Ўрта Осиё тиббиёт институти Тошкент Давлат тиббиёт институти деб номланди. Шу даврдан бошлаб даволаш факультети билан биргаликда акушер-гинекологик педиатрия курси ташкил қилинди.

1940 йилгача бу курс даволаш кафедраси билан биргаликда бўлган. 1940 йилда педиатрия кафедраси ажралиб чиқиб, бу кафедрага проф. Г. Л. Вайнштейн, Г. В. Пиньков ва Е. И. Гликина раҳбарлик қилган. 1967 йилдан бошлаб то педиатрия тиббиёт институти очилгунча проф. А. А. Қодирова мудирлик қилган.

Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институти очилгандан кейин педиатрия кафедраси шу институт таркибига ўтган (кафедра мудири А. А. Қодирова.).

1930 йилда Самарқанд тиббиёт институти очилиб (биринчи кафедра мудири А. В. Поляков), 1959 йилдан бошлаб бу даргоҳга И. З. Зокиров бошчилик қилиб келмоқда.

1965 йилда даволаш кафедраси билди биргаликда педиатрия курси ташкил қилиниб, 1974 йи. >1/1.111 даволаш кафедрасидан педиатрия кафедраси ажралиб чиқиб, унга биринчи кафедра мудири бўлиб Л. Л Қодирова, кейин эса М. Ҳ. Ҳамидов раҳбарлик қилмоқда

1955 йилда Андижонда, 1990 йилдан п<>шлаб эса Бухоро ва Хоразмда тиббиёт институти қошида акушер- гинекологик кафедралари ташкил этилди

Биз юқорида педиатрия кафедралари ҳакида тўхталиб ўтдик, бунга сабаб болалар гинекологияси масалалари билан ана шу кафедралар шуғулланади.

Болалар гинекологияси бошқа мутахассисликларга нисбатан анча кам тараққий этган.

Биринчи марта 1973 йилда Ўрта Осиё тиббиёт институтининг акушерлик-гинекология кафедраси хузури-да, Тошкент шаҳар 22-сонли поликлиника қошида болалар гинекология хонаси ташкил этилди. 1985—1992 йилларда Тошкент шаҳридаги 9-сон туғруқхона болалар гинеколо-гияси учун ихтисослашган бўлиб, бу ерда Тошкенттиббиёт институтининг кафедраси фаолият кўрсатган (кафедра мудири А. А. Қодирова).

Республикада биринчилардан бўлиб доц. З. М. Жамо-лова раҳбарлигига Ф. З. Низомова «Мактаб ёшидаги қизларда вульвовагинит» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Проф. И. З. Зокиров бир неча илмий мақолалар ёзган, проф. А. А. Қодирова «Қиз болаларни парвариш қилиш», «Қиз болалар гигиенаси» номли илмий- оммабоп рисолаларни кенг аҳоли оммасига тақдим этган.

Республикамизда болалар гинекологияси фани эндиғи- на ривожланиб келаяпти. Мустақиллик шарофати туфайли бу соҳани ривожлантиришга, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишни яхшилашга барча шарт-шароитлар вужудга келди. Бу имкониятлардан тўла фойдаланиш, шу тариқа соғлом авлодетиширишдекхайрли ишга ўз хисса- сини қўшиш ҳар бир врачнинг шарафли бурчидир.

I БОБ

БАЛОФАТГА ЕТГАН ҚИЗ БОЛАЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИНИНГ АНАТОМИК ВА ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Қиз боланинг жинсий аъзолари ички ва ташқи аъзо- лардан таркиб топган.

Ташқи жинсий аъзолар (^епНайа ex!егпа) қов. катта ва кичик жинсий лаблар, клитор, қин даҳлизи ва Бартолиний безларидан иборат. Ташқи жинсий аъзолар билан ички жинсий аъзоларни қизлик'пардаси ажратиб туради.

Қов (глопз уепепз) қорин деворининг пастки қисми бўлиб, қиз боланинг балофатга етиш жараённида шу соҳага ёғ қатлами йигила боради. Қиз бола тўла балофатга етганда бу ёғ қатлами анча тараққий қилган бўлади Чунки бу ҳолат гормонал жараён билан боғлиқ бўлади. Қовнинг ҳар икки ёнида қов бурмалари жойлашган. Қовнинг пастки чегараси катта жинсий лабга туташади. Қиз бола балофатга етган сари қов устида тук кўпая бориб, туклар горизонтал ҳолда ўсади.

ТАШҚИ ЖИНСИЙ ЛАБЛАР

Катта ва кичик жинсий лаблар (1аъта ридепсИа тарга е! тшога) қовдан бирмунча пастда, узунасига жойлашган катта тери бурмасидан иборат. Улар бир-биридан жинсий ёриқ билан ажралиб туради. Орқа томондан секин-аста пасая бориб (торая бориб), ўзаро қўшилади ва юпқа тери бурмасини ҳосил қиласди (согтзизига 1аъ1а роз1епог).


Балофатга етган қизларда катта жинсий лаблар сатҳи маълум миқдорда тук билан қопланган бўлади. Болалик ва балофатга етиш даврида катта лабларнинг териси жуда нозик, оч пушти рангда бўлиб, осон жароҳатланиши мумкин. Қиз бола балофатга етавергани сари жинсий лаблардаги ёғ қатлами қалинлаша боради.

Катта жинсий лабларнинг пастки 1/3 қисмида Барто-линий (**&1апс1и1а ВаКоНт**) бези жойлашган бўлиб, бу без фаолияти жинсий балофатга етиш давридан бошланади.

Кичик жинсий лаблар (1аъ1а рискида гипнога) катта жинсий лаблардан ичкарида жойлашиб, бир жуфт бўлади ва бўйлама жойлашган тери бурмаларидан иборат У орқа (пастки) томонда катта жинсий лабларга қўшилиб кетади Кичик лаблар бурмасининг ҳар бири 2 тадан бурмага ажралади ва ички ва ташқи оёқчалар деб аталади. Ҳар икки лабнинг ташқи оёқчалари ўзаро қўшилиб, кли- торнинг чекка кертомагини (ргаери1ит сШопсНз), ички оёқчанинг оёқчалари клитор остида кўндаланг жойлашиб, юганча (1гепи1ит сШопз) ҳосил қиласди. (1-расм)

Клитор (сШопз) ички жинсий аъзолар билан ташқи жинсий аъзоларнинг чегарасида жойлашган бўлиб, ко- нуссимон 2 тағовак танадан ташкил топган. Клиторнинг боши, танаси ва оёқчалари бўлгани учун у кўзга аниқ ташланиб туради. Клиторнинг оёқчалари қов ва қуймич суюклари устига ёпишиб туради. Клиторда жуда кўп миқдорда майда нерв шоҳобчалари бўлиб, бу шоҳобчалар туфайли уни жинсий сезиш аъзоси деб аташ мумкин. Клиторнинг ўзида маҳсус қон томири йўқ, у жинсий аъзо томирлари орқали таъминланади.

Қин даҳлизи (уезНЬШит уа^тае) ни қиндан қизлик



1-расм. Аёлларнинг кичик чаноғи ичидаги аъзолар (сагиттада).

1 — катта жинсий лаблар; 2 — кичик жинсий лаблар; 3 — кинга кириш жойи; 4 — кин; 5 — киннинг орка гумбази; 6 — киннинг оддинги гумбази, 7 — бачадон бўйни, 8 — бачадон танаси; 9 — сийдик қопи (ковук); 10 — симфиз; 11 — тўгри ичак; 12 — думгаза; 13 — ковук- бачадон оралиги, 14 — тўгри ичак бачадон оралиги (Дуглас бўшлиги).

пардаси ажратиб туради. Бу қисм ҳам юпқа тери қавати билан қоплаиган. Қин даҳлизида жуда кўп майдо шингилсизмон безлар ва чукурчалар бор. Қиз бола балоғатга етгунча шиллиқ қават юпқа бўлиб, осон жароҳатланиши мумкин.

Сийдик чиқариш йўли (иге1га), қиз болаларда ҳали калта бўлиб, балоғатга етиш даврида катталашиб бориб, бўй етган қизларда унинг узунлиги 3—4 см га етади. Унинг шакли деярли тўппа-тўгри бўлиб, қин олдинги деворининг ташқи юзасида жойлашган, юқори қисми сийдик қопи (ковук) билан бириккан бўлади. Шиллиқ қавати ци- линдрсизмон эпителий билан қопланиб, тўғри жойлашган бурмаси ҳам бўлади. Иўлнинг қовукқа яқин бўлган қисми мускул қаватининг айланма толалари билак зичлашиб, каналнинг ички сиқувчи мускули (сфинктер) ни ҳосил қиласди. Қаналнинг ташқи тешиги атрофида кўндаланг- тарғил мускуллардан ташкил топган ташқи сиқувчи мускул (сфинктер) бўлади. Сийдик чиқариш йўлининг ташқи тешиги клитордан 1,5—2 см пастда туради. Бу те- шик думалоқ, ёриқсизмон ва баъзан юлдузсизмон шаклда бўлади. Сийдик чиқариш йўлининг ташқи тешиги ёнида суюқлик чиқарадиган безлар жойлашган.

Қизлик пардаси (Бутеп) бириттирувчи тўқимали пардадан иборат, унда мускул ва нерв толалари, қон томирлари бор. Қизларда у кинга кириш тешигини бекитиб туради. Қизлик пардаси турли (халқасизмон, панжараси- мон, яримойсизмон,

парраксимон ва х.к.) шаклларда бўлади.

Баъзан туғма ёки яллигланиш жараёни (вульвит) натижасида парда тешиги битов бўлиши мумкин (бунинг оқибатларини жинсий аъзоларнинг нуқсонлари тасвиран- ган бобда айтиб ўтамиз).

Қизлик пардаси ҳар икки томонидан ясси эпителий билан қопланган.

Орқа чиқарув йўли билан ташки жинсий аъзо ўртаси- даги соҳа «чот» деб аталади. Чот эластик бўлиб, тери, мускул, фасция ва ёғ қатламларидан ташкил топган.

Ички жинсий аъзоларга қин, бачадон, бачадон найчалари ва тухумдан киради.

Қин (уа^1ба, со!роз) юмшоқ мускул тўқималаридан тузилган эластик найча бўлиб, балофатга етган қизларда узунлиги 8,9 см, кенглиги 2—2,5 см гача бўлади.

Қиннинг ўрта қисмида деворлари бир-бирига тегиб туради, юқори қисми эса кенгая бориб. 4 та, яъни олдинги, орқа ва иккита ён гумбазларни ҳосил қиласди. Бу гумбазлар юқоридан қин бўшлиғига кириб турган бачадон бўйинин ўраб туради. Шу сабабли бу гумбазлар олдинги, орқа ва икки ён томондаги қин гумбазлари деб аталади. Олд томондан қин деворининг пастки қисми сийдик чиқариш йўлига, юқори қисми эса қовнинг юзасига тегиб туради. Қиннинг орқа девори тўғри ичакка яқин туради (қиннинг орқа девори) ва ундан оралиқ тўқималар ёрдамида ажралган бўлади. Орқа деворининг юқори қисми қоринпарда билан қопланган. Икки ён томондан қинни чаноқдан мускуллар ва клетчаткалар ажратиб туради.

Қиннинг шиллиқ пардаси оч пушти рангда бўлиб, кўп қаватли ясси эпителий билан қоплангандир. У қиннинг орқа ва олдинги деворларида кўргина бурмалар (Со- 1итпае Ки^агит) ҳосил қиласди. Шиллиқ парда остида шиллиқ ости қавати бўлмай, фақат икки қават мускул жойлашган (айланма ва узунасига кетган).

Балофатга етмаган қиз болаларда қиннинг шиллиқ пардаси юпқа ҳамда нозик бўлади ва бурмалар деярли бўлмайди. Шунинг учун у осон заарланиши мумкин. Қиз бола балофатга етиши жараёнида шиллиқ парда ҳам такомиллаша бориб, балофатга етганида, худди аёлларни- кига ўхшаб кетади.

Кинда шиллиқ ости қавати бўлмаганилиги туфайли, безлар ҳам йўқ бўлади. У қон ҳамда лимфа томирларидан ва қисман бачадон бўйнидан ажралган суюқлик хисобига намланиб туради. Қин чиқиндисида қиндан кўчган эпителийлар, қиз боланинг ёшига қараб, грам-мусбат бациллалар — Дедерлейн таёқчалари (БасННзуа^таНз ЭайеНет!) бўлади.

Одатда, қиз бола балофатга етган сари қин суюқлиги нордон реакцияга айлана боради. Бу реакция қанча турғун бўлса, қин шунча тоза бўлади (балофатга етган қизлар- да) одатда қин

чикиндисининг тозалиги 4 даражага бў- линади:

- 1) эпителиал хужайралар ва қин таёқчалари (Де- дерлейн таёқчалари), pH 4,0—4,5, нордон реакцияли;
- 2) эпителиал хужайралар ва Дедерлейн таёқчалари, pH 5,0—5,5, нордон реакцияли, онда-сондд лейкоцитлар, кам миқдорда кокклар бўлади;

3) Дедерлейн таёқчалари анча кам, лейкоцитлар, эпителиал хужайралар, кокклар кўпроқ, pH 6,0—6,6, нейтрал ёки ишқорли реакцияли;

4) Дедерлейн таёқчалари бўлмайди, лейкоцитлар, кокклар, гонококк, трихомонада, трихомоноз ва бактерия- лар кўп, pH 7,0—8,0, ишқорли реакцияли Янги туғилган чақалоқларда ҳали Дедерлейн таёқчаси бўлмайди, аммо онадан ўтган гормон туфайли чилла даврининг бошлари- да қиз бола қинида нордон реакция сақланиши кузати- лади.

Бачадон (и1егиз)текис толали мускуллардан тузилган ковак аъзодир.

Балоғатга етган қизларда унинг узунлиги 6,7 см, туб соҳасининг кенглиги 4—4,5 см, деворининг қалинлиги 1 —1,5 см, оғирлиги 40—50 г бўлади. Ў бора-бора катталашиб, аёлларникининг ҳажмидек бўлиб қолади. Бачадон 4 қисмдан иборат: туби ({ипёиз), танаси (согриз), бўйин олди (хз^ътиз), бўйни (сегУ1з, соПит) бўлади.


Бачадон чаноқ суюгининг тўғри ўқи бўйича жой- лашган, унинг туби кичик чаноқнинг кириш қисми чегарасида (Иша тпотта!а), бўйиннинг ташқи тешиги қўймич киррасининг бириктирувчи чизиғида (зрта 18съ1а- (Иса) туради Бачадон танаси олдинга эгилган ва оғган (ап1еНехю, уегзю) ҳолатда бўлиб, бўйиннинг ташқи тешиги қиннинг орқа гумбазига қараган. Бачадон танаси билан бўйни ўртасида тўмтоқ бурчак ҳосил бўлган. Қовуқ тўлганда бачадон жуда олдинга, баъзан орқа томонга эгилган ёки юқорига кўтарилган ҳолда, тўғри ичак тўлганида қарама-қарши томонга сурилади. Шу ҳолни назарга олиб, қиз болалар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим бўлади. (2-расм).

Қин бўшлиғига кириб турган бачадон бўйиннинг қин қисми (рогНо уа^таИз), қинга ёпишиб турган жойидан юқорисини бўйиннинг юқори қисми (рогйо зиргауа^таНз) деб аталади.

Бачадон бўйиннинг шиллик қавати қийшиқ бурмали, қалинлиги 2 мм бўлади, узунчоқ цилиндр шаклидаги шителий билан қопланган. Шиллик қаватининг қалин жойида безлар кўп, улар ишқорли реакцияда суюқлик ажратади. Бачадон бўшлиғининг шиллик пардаси текис юзали бўлиб, бир қаватли цилиндрик, қисман киприкли чителий билан қопланган. Шиллик қаватнинг ўзи яна икки қаватдан, яъни бачадон бўшлиғига қараган, ҳайз циклига мувофиқ тарзда ўзгарувчан

функционал юза қават ва бачадоннинг мускул қавати устидаги базал қаватдан иборат бўлади. Бачадон мускуллари уч қаватдан (оўйлама, кўндаланг, айланма) иборат.

Бачадон мускуларининг ташки қисми билан бачадон иайчалари ва бойламларининг толалари ўзаро чамбарчас боғланган.



2-расм. Аёлларнинг ички жинсий аъзолари (фронтал кесилган)

1 — кин; 2 — бачадон бўйининг кин қисми; 3 — бўйин канали; 4 — бўйин олди, 5 — бачадон бўшлиги; 6 — бачадон туби; 7 — бачадон довори; 8 — бачадон найчаси; 9 — тухумдан. 10 найчанинг бачадон деворига кирган қисми, 11 — найчанинг истмик қисми; 12 — найчанинг ампуляр қисми; 13 — найча шокилалари; 14 — думгаза-бачадон бойлами; 15 — тухумданнинг маҳсус бойлами; 16 — воронка чаноқ бойлами; 17 — кенг бойлам, 18 — юмалок бойлам, 19 тухумдан (кесилган фолликулалар ва сарик танаалар); 20 — пароавариум.

Сероз парда бачадон мускул қаватини тўла қопламай ди. У кориннинг олдинги деворидан аввал қовуқ тепасини қоплаб, кейин бачадон бўйининг ички тешиги олдигача етиб, бачадон танаси ва тубини қоплайди. Бунда қовуқ билан бачадон орасида чўнтак (бўшлик) хосил бўлади (exscayatio ues1cop1eg1paе) ва шу жойда сероз пардада бурма вужудга келади (рНса ues1cop1epпае). Сероз парда бачадоннинг орқа томонидан то бачадон бўйининг ташки тешиги соҳасигача қоплаб, кейин тўғри ичакнинг олдинги юзасига ўтади. Бунда орқа чўнтак вужудга келади. Бу олдинги чўнтакдан анча чуқурроқ бўлади.

Бачадон найчалари (lvae иleppae, lvae FaNorp) бачадон танасининг юқори бурчагидан бошланиб, чаноқ-нинг ён деворларига қараб йўналади, сўнгра пастга қайрилиб, унинг букилган томони тухумдан томонга караган бўлади. Болалиқда найчалар анча ингичка ва чгри-бугри ҳолда бўлади. Қиз болалар балоғатга етганла-рида найчалар аёлларнига ўхшаб боради.

11айчаларнинг ташки тешиги воронкасимон кенгайиб, 41111111 киргоқларида шокилалар (фимбриялар) бўлади.

йўли блчадон бўшлиги билан қўшилган Бу ерда Найч.1 и.1|| (оцк, цц< мига нисбатан жуда тор, атиги 0,7— О.К мм

бўл.1)1Н 1»ач.1л<>||дли у.юқлашган сари найча кенгая бориб, 6,7 мм га етади. Найчаларнинг узунлиги 10—12 см атрофида бўлади. Уларнинг ташқи тешиклари қорин бўшлиғига қараб очилади. Найчалар 3 қисмдан: энг қисқа, бачадон девори орасига жойлашган (рагз т{ег\$Hc1aИз), бўйин олдиаги торайган (рагз тШпса) ва воронка қисмлардан (рагз атрШапз) иборат. Найчаларнинг шиллиқ қавати бир қаватли, цилиндрик киприкчали эпителий билан қопланган, шиллиқ ости қавати бўлмайди. Мускул қавати айланма ва узунасига жойлашган. Найчаларни устки ва ён томондан сероз парда ўраган, пастидан эса қон томирлари ва нервлар ўтади, буларни бой клетчатка ўраб туради.

Тухумдон (оуагшт) жуфт аъзо бўлиб, бачадоннинг икки ёнида, кенг бойламнинг орқа варағига олди сатҳи билан жойлашган (унга тегиб туради). Икки юзаси эса кичик чаноқ бўшлиғига қараган. Тухумдон ловия шаклида бўлиб, узунлиги 2,25 см, кенглиги 0,8 см, оғирлиги 5,7 г. Тухумдон бачадоннинг туб соҳаси ёнидан бошланиб, ўзининг маҳсус бойламига (H_3 атеп1ит оуапа ргорпа) осилиб туради. Тухумдон 4 қаватдан иборат: устки эпителиал қават, оқ парда (1ишса аИш^теа) пўстлоқ ва мия қаватларидан иборат. Тухумдоннинг пўстлоқ-қаватида бирламчи фолликулалар жойлашган, улар янги тугилган қиз болаларда 45 000—50 000 гача бў-лади.

Балоғатга етиш жараёнида фолликулаларнинг бир қисми атрофияланса-да, баъзилари етарли даражада ривожланмай, атрезияга учрайди. Агар аёл бутун ҳаёти давомида бирор марта ҳам ҳомиладор бўлмаган бўлса, унда 450—500 та фолликул етишади.

Бутун жинсий тараққиёт давомида фолликуллар аста- секин етила боради, балоғатга етгач, улар кетма-кет етилиб, ёрилганидан кейин (овуляция) 13—14 кун ўтиб, қиз бола ҳайз кўради. Баъзи патологик ҳолатларда овуляциясиз ҳам ҳайз кўриш мумкин. Бу ҳол қуйида батафсил кўриб чиқилади.

Тухумдоннинг мия қаватида қон, лимфа томирлари ва нерв толалари жойлашган.

ИЧКИ ЖИНСИЙ АЪЗО БОЙЛАМЛАРИ

Чаноқ туби мускуллари кичик чаноқ ичидағи аъзо- ларнинг нормал туришини таъминлайди. Ички жинсий аъзоларга қуйидагилар киради:

1) юмалоқ бойлам (H^3 атегИит (егез и!еп) бачадон бурчакларидан, найчалар олдидан бошланиб, кенг бойламнинг олдинги қаватининг пастки чети бўйлаб чов каналининг

(сананв ип^шпайз) ички тешиги томон йўналади. Бойламнинг узунлиги 10—12 см. Бойлам чов каналидан ўтгач, елпигичга ўхшаб ёйилиб, қов устидаги ва жинсий лаблардаги клетчаткаларга тарқалиши билан тугайди. Юмалоқ бойлам бачадон тубини олдинга тортиб туради (3 а-расм);

2) кенг бойлам (Н&атеп1ит 1а1ит и!еп) қорин пардасининг ички қаватидан ташкил топиб, ён деворлари томон йўналган бўлади. Ҳар иккала вараги орасида клетчаткалар, қон томирлар ва нерв шоҳобчалари жой- лашган;

3) воронкасимон чаноқ бойлами (И^атегПит 1п1ип(Н-Б1ае реMc!) кенг бойламларнинг ҳар иккала қават вараклари бачадон найчаларининг ампуляр қисмида қўшилиб, чаноқ девори томонига йўналади. Бу бойлам орқали тухумдон артерияси ўтади (3 б-расм);

4) думгаза-бачадон бойлами (И§. засгои(еппит) бачадонни ушлаб турувчи бойлам бўлиб, бачадоннинг орқа юзасидан (бачадоннинг танаси билан бўйни чегара- сидан) бошланади ва думгаза суюгининг ички юзасига бориб ёпишади;

5) бачадон атрофидаги биритиувчи тўқималар бачадонни осилган ҳолда ушлаб туради. Бу тўқималар чаноқ аъзоларининг атрофини ўраб турган ҳолда жой- лашган.

ЧАНОҚ КЛЕТЧАТКАЛАРИ


Қоринпарда тагидаги бўшлиқни тўлдирувчи чаноқ клетчаткаси 4 қисмга бўлинади:

1) бачадон атрофидаги клетчатка (рагате(пит), олд ва орқа томондан кенг бойламнинг олдинги ва орқа вараги билан чегаралангандан ҳамда бачадоннинг ён бўлимидан то чаноқнинг ён деворигача бўлган бўшлиқни эгаллайди;

2) қовуқ атрофидаги клетчатка (рагауезгсанз) қовуқ- нинг олдинги орқасидаги бўшлиқни эгаллайди;


3) қин атрофидаги клетчатка (рагасо!роз) тўғри қин ён деворининг то чаноқ деворигача бўлган бўшлигини эгаллайди;

4) тўғри ичак атрофидаги клетчатка (рагагес(ит) гўғри ичакни ҳамма томонидан ўраб олади. Бу клетчатка- пир бир бири билан туташган ҳода жойлашган




3- расм (А). Жинсий аъзолар бойлами.

I — бачадон; 2 — бачадон найари; 3 — тухумдон; 4 — тухумдоннинг мхус с бойлами; 5 — воронка чанок бойлами; 6 — юмалок бойлами; 7 — тўгри ичак.



3- расм (Б). Жинсий аъзолар бойламлари.

1 — бачадон; 2 — бачадон найи; 3 — тухумдон; 4 — тухумдоннинг махсус бойлами; 5 — воронка чанок бойлами; 6 — думгаза-бачадон бойлами; 7 — тўгри ичак; 8 — кснг бойлами.



4- расм. Жинсий аъзоларнинг лимфа ва қон томирлари ҳамда лимфанинг безтугунлари. Юқоридан пастга: бел, ёнбош, думгаза, чот тугунлари.

Чаноқ клетчаткалари кичик чаноқ ичидаги аъзолар орасидаги бўшлиқларни тўлдириб туришдан ташқари, бу ердаги жуда кўп қон ва лимфа томирлари, безлар ва нерв тугунлари ҳамда шахобчаларини ўраган ҳолда бўлади. (4-расм).

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ҚОН ВА ЛИМФА БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Ички жинсий аъзоларни қон билан асосан бачадон артерияси ва тухумдан артерияси, ташқи жинсий аъзоларни чса уятли артериялар таъминлайди

Бачадон артерияси (а. и(еппае) асосан ички ёнбош

arterиядан (а. Шаса т(егпа) ажралиб чиқади. У бачадон бўйни каналининг ички тешиги қаршисига етгач, бача- донга ўтиб, унинг ёни бўйлаб найчалар томонга кўтарила- ди. Бачадон arterияси бачадонга етмасдан 1,5—2 см нарироқда ички сийдик йўли билан кесишади. Юқорида тухумдан arterияси билан бирикади (анастомоз).

Тухумдан arterияси (а. оуапса) ҳам бир жуфт бўлиб, у аортанинг олд томонидан (чап arterия бавзан буйрак arterиясидан бошланади) чиқиб, чаноқ томон йўналади, ундан воронкасимон чаноқ бойлами (11£ ШШпсШЫШит ре1у1С1) қалинлигидан ўтиб, тухумдонга киради ҳамда бачадон arterияси билан бирикади. Найчаларга (а. Шеп- пае) ҳам а. оуапса шохобчалар беради.

Ташки жинсий аъзоларни таъминлайдиган уятли arterия (а. ридепия ех!егпа) сон arterиясидан чиқади ва катта жинсий лабларга боради. Ички ёнбош arterиясидан чикувчи ички уятли arterия (а. рийепда Ш1егпа) оралиқ гоҳасига етганида иккига ажralади. Булардан бири (а. сШопШз) бирмунча йўғонрок бўлиб, клиторни қон билан таъминлайди ва бошқа қўшни аъзо қисмларига ҳам шохобчалар беради. Жинсий аъзоларнинг веналар систе- маси шу arterияларга таалтуқли бўлади.

Аёллар жинсий аъзосида жуда қўп лимфа тугунлари ва томирлари бўлади. Тананинг пастки қисмидан ва ички жинсий аъзолардан лимфа суюқлигини олиб келувчи лимфа томирлари пастки кавак вена ҳамда лимфа тугунлари томон йўналади. Қиннинг юқори учдан икки қисми, бачадон бўйни ва бачадоннинг пастки қисмидан лимфа, кенг бойлам асосидаги клетчатка ичидан лимфа томирлари орқали қорин ва ёнбош қон томирлари олдидаги лимфа тугунларига боради. Қиннинг пастки учдан бир қисми ҳамда ташки жинсий аъзолардаги лимфа томирлари четдаги лимфа тугунларига боради. Бачадон танасининг лимфа томирлари четдаги лимфа тугунларига боради. Бачадон танасининг лимфа томирлари юмалоқ бойламлар билан бирга чукурда ётган чот лимфа тугунларига туташади.

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ НЕРВ СИСТЕМАСИ

Жинсий аъзоларни идора қилувчи нервлар орга- низмнинг бошқа соҳаларидагига нисбатан кўпроқ бўлиб, бунда симпатик ва парасимпатик ҳамда орқа миядан чикувчи бир неча соматик нерв ишТИрок этади. Орқа мия нерв толалари билан кўшиладиган бу симпатик нервлар бачадонни идора қилишда асосий вазифани ўтайди. Симпатикнерв системасининг аорта соҳасидаги чигалидан (р1ехиз аогйсиз) симпатик нерв толалари чиқиб, қуёш чигали толалари билан қўшилади ва бел умуртқаси юзасида қорин усти чигали (р1ехиз йуро^азйчсиз зирепог) ни

ҳосил қиласи. Бу чигал пастга ва ён томонга давом этиб, чап ва ўнг пастки қорин чигалларини (р1ехиз Үуро^азШиз тТепог) ҳосил қиласи. Сўнгра у бачадон бўйни каналининг ички тешиги қаршисида, клетчаткадан бачадон-қин чигали (р1ехиз и(его — уа^тайз) нинг толалари билан қўшилади. Пастки қорин чигали (р1ехиз Үуро^азЬтсиз тГепог) нинг нервлари бачадондан ташқари тўғри ичак, қов, сийдик чиқариш йўли ва қинни идора қиласи. Чаноқдан парасимпатик нервларнинг шохлари бачадон-қин чигалига (р1ехиз и(его — уа^тайз) қўшилиб, бу икки системанинг толалари қин, бачадон, қов, бачадон найчаларининг ички (медиал) ярмини идора қиласи.

Тухумдан чигалидан (р1ехиз оуаги) чиқувчи нервлар тухумдонни ва бачадон найчаларининг ташқи (латерал) ярмини идора қиласи ва бачадон-қин чигалига боради.

Ташқи жинсий аъзоларни ва чаноқтубини уятли нерв шохлари идора қиласи. Бачадонда, бачадон найчалари деворида ва тухумдоннинг мия қаватида жойлашган нерв толалари интерорецепторлар, ташқи жинсий аъзолардан қабул қилиб олувчи нерв учлари эса экстерорецепторлар деб аталади.


Жинсий қўзғалиш ташқи муҳитдан ички жинсий аъзоларнинг рецепторлари орқали қабул қилинади ва бу сезгилар марказий нерв системасига нерв толалари орқали боради.

Жинсий аъзоларга марказдан нерв толалари орқали қайтиб келган импульслар мускулларнинг қисқаришини, безларда суюқлик ишланиб чиқишини вужудга келтиради.

ТУХУМДОН ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ҳайз қўриш (ой қўриш— тепшз) деб, балоғатга етган қизларнинг бачадонидан вақти-вақти билан кон келишига айтилади. Маълумки, ҳайз балоғатга етиш даврининг охирида менархе сифатида бошланади.

Ҳайз қўриш оралиги кўпинча 24 кун, камдан-кам ҳолларда 21, 26, 30, 32 кун бўлиб, 3—4, гоҳо 7 кун давом этиши мумкин. Қизлар 16—17 ёшларида жинсий жиҳатдан тўла етиладилар. Биринчи ҳайз — менархе 13—14, баъзан 11—12 ёшдан бошланиши ҳам мумкин. Баъзиларда тартиб



5-расм. Нормал хайз цикли (R. Shredler бўйича). Схема, юкорида — тухумдан цикли. Пастда — бачадон шиллик пар-ласидаги ўзгариш.

циклик ҳолатда бўлмайди. Аввал ановулятор ҳолати кузатилади, секин-секин нормал ҳолга тушиб кетиши ёки бирор патологик сабабга кўра, анча вақтгача ва ҳатто бутун ҳаёти

давомида шу ҳолат давом этиши мумкин.

Қиз бола ҳар гал ҳайз күрганида 40—70 мл қон йўқо- тади. Ҳайз вақтида ажралган масса фақат қондангина иборат бўлмай, унда бачадон шиллиқ қавати функционал қисмининг кўчиб тушган бўлакчалари ҳам бўлади. Ҳайз қони ишқор реакцияли, кўнғир рангда бўлиб, унда ивиш жараёни суст кечади. Таркибида гликоген, ёғ моддалари ва ферментлар ҳам бор.

Қиз болалар биринчи марта ҳайз кўра бошлаганлари- да улар организмида бир қатор ўзгаришлар юз беради. (5- расм).

Ҳайз циклида шу жараёнда иштирок этадиган аъзо- ларда ритмик равишда ўзгаришлар юз беради. Хусусан:

Тухумдонда — тухумдоннинг ҳайз цикли;

Бачадонда — бачадоннинг ҳайз цикли;

Организмда—бутун организмнинг ҳайз цикли.

Ҳайз цикли физиологик жараён бўлиб, охирги ҳайзнинг биринчи кунидан то кейинги ҳайзнинг бошланиш кунигача бўлади. Уни мураккаб нейрогуморал система бошқаради. Ҳозирги тушунчаларга биноан, ҳайз цикли 5 та босқичда ўтади: 1) бош мия пўстлоғи; 2) гипоталамус; 3) гипофиз; 4) жинсий безлар — тухумдон; 5) периферик аъзолар (бачадон найчалари, бачадон, қин). Бу аъзолар тухумдондан ажраладиган гормонлар таъсирида шу ҳайз циклида иштирок этади ва унга таъсир кўрсатади.

II БОБ

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН АСОСИЙ СИСТЕМАЛАР

Бош мия пўстлоғи — ҳайз циклини бошқариш ва тартибга солиш вазифасини бажаради. Бош мия орқали ташқаридаги таассуротлар нерв системасининг пастидаги ҳайз циклида иштирок этувчи бўлимларига узатилади. Тажриба ва клиник кузатувлар шуни кўрсатдики, асабий ҳолатларда жинсий аъзо системаларида бир қатор ўзгаришлар содир бўлиб, ҳайз циклининг тартиби ва ҳолати издан чиқади. Аммо ҳозир ҳам бош мия пўстлоғида ёки унинг бирор қисмида ҳайз циклини бошқаруичи марказ бор-йўқлиги аниқланмаган.

Гипоталамус— оралиқ миянинг бўлими бўлиб, бир қатор ўтказувчи нерв толалари (аксонлар) туфайли, бош миянинг турли бўлимлари билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, у марказий нерв системасининг ҳайз циклини бошқаришда ҳам иштирок этади. Гипоталамусда барча периферик гормонлар учун, шулар қаторида тухумдон учун ҳам рецепторлар бор. Демак, гипоталамус организмга атроф-мухитдан узатиладиган импульсларнинг бир-бiri билан мулоқот қилишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда у ички секреция


безларининг фаолиятида ҳам иштирок этади.

Гипофиз — гипоталамус билан мураккаб анатомик фаолияти жиҳатидан бир-бирига мураккаб равишда боғлиқдир

Гипофиз олдинги бўлагининг фаолияти гипотала- мусдан ажраладиган паст молекуляр полипептидлардан иборат бўлган нейрогормонал секреция таъсирида назорат қилинади. Гипофизга таъсир кўрсатувчи нейрогормонлар рилизинг омил ёки либеринлар деб аталади (озод қилиш демакдир).

Шу билан бир қаторда статин номи билан юритилувчи *тромп нейрогормонлари* ҳам мавжуд. Гипофиз икки бўлак- дан иборат бўлиб, олдинги бўлаги *аденогипофиз*, орка бўлаги эса *нейрогипофиз* деб юритилади. Унинг ол- динги бўлагида ацидофил, базофил хромофоб хужайра- лар бор.

Хозирги тушунчалар бўйича соматроп (СТГ) гормони ни ацидофил хужайралар ишлаб чиқаради.



6- рис м. Фолликуланинг тарақкӣ қилиш босқичлари. Чапда — бирламчи (пр^е мордиал) фолликулалар; ўртада — фолликуланинг стила бошлага- ни ўнгда — етилаётган фолликулада бўшлиқ хосил бўлиш босқичи.

1- гуҳум кужайраси; 2 — фолликуляр эпителий; 3 — биринкирувчи тўқима пардаси; 4 — фолликула бўшлиғи.

Базофил хужайралар эса тиреотроп (ТТГ) ва фолликуланинг етилишини (ФСГ) ҳамда сарик тананинг тарақкӣ- ётини таъминлайдиган (ЛГ) гонадотропинларни ишлаб чиқаради.

Кўпгина олимларнинг фикрича, юқорида қайд этилган хужайралар адренокортикотроп (АКТГ) гормонини ҳам ишлаб чиқаради.

Тухумдон — жинсий без (гонада) бўлиб, 2 та асосий вазифани бажаради. Булардан: 1) фолликулларнинг циклик равишдаги тараққиёти, овуляцияси етишган тухум хужайрасининг ажралиши; 2) тухумдон 2 хил жинсий гормон: эстроген ва прогестерон ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, қисман эркаклар гормони — андрогенлар ҳам ажратади (6-расм).


Тухумдонда бошлаб фолликул етила боради, бу жараёнга ФСГ ва ЛГ гормонлари ҳамда окситоциннинг рефлектор таъсири ва фолликул деворига протеолитик ферментларнинг таъсирида фолликулнинг қорин бўшлиғи томони ёрилади, яъни овулляция вужудга келади

Демак, бирламчи фолликул З та: регенерация, етишиш ва овулляция босқичларини босиб ўтар экан (7- расм).

Фолликулнинг энг етилган, ёрилишига тайёрланган давридаги ҳолатини Грааф пуфакчалари деб аталади, шундан кейин овулляция рўй беради. Овулляциядан кейин ёрилган фолликул ўрнида янги тана, яъни сариқ тана (согриз 1ileit) вужудга келади. Бунинг вужудга келиши қуйидагича кечади: овулляция натижасида тухум хужайра фолликул суюқлиги билан биргаликда ажралади. Бу- лардан бўшаган фолликулнинг ички пардаси бужмайиб, буришиб қолади. Ўнинг ички юзасида гранулез (донадор) хужайралар бироз сақланиб қолади. Бундан кейин сариқ тана ҳосил бўлади. Бунда фолликулга, унинг ёрилиши туфайли куюлган қоннинг ҳам таъсири бўлади. Ўндан ажралган гемосидерин модда шу сариқ рангни таъмин- лайди.

Сариқ тананинг шаклланиши ва тараққий этиши жараённида гранулез (донадор) хужайралар кўпаяди, тухумдоннинг мезенхима стромаси қон томирлари билан биргаликда ривожланади. Натижада сариқ тана вужудга келади.

Бу жараён ҳам қуйидаги босқичларни босиб ўтади: / босқич — пролиферация (қалинлашиш) босқичи оўц|1(1. у қ.1И < бошланганидан кейин 8-14 кунни ўз ичига •! 1(1 1>у лаирда грапулез хужайралар катталашади ва <!•>>>• >|нм >1Н111п н>1ки пўстлоғи бўртиб чиқади;



7-расм. Етилган фолликула.

1 — тухумдон хужайраси; 2 — тухум ташувчи дўмбог; 3 — донали парда; 4 — фолликуланинг бириттирувчи тўқима пардаси; 5 — тухумдоннинг тухум ташувчи дўмбог соҳасида юпкалашадиган девори, шу ерда фолликула ёрилади.

2- босқич — кон томирлари билан таъминлаш босқичи (қайз циклининг 14—16 кунлари). Бу босқичда гранулез қужайралар катталашади, полигонал холатда бўлади, ранги сариқ тус олади. Шунга кўра улар сариқ рангли бўлади. Сариқ хужайралар кўпайиши билан ички парда- даги майда қон томирлари (капиллярлар) кўшма тўқима толалари билан бирга ўсади, сариқ тана ҳосил бўлади, майда қон томирлари айниқса сариқ тана ичидаги чигалла- шади.

3- босқич — гуллаш босқичидир. Ҳайз келганидан бошлаб, 3 ҳафта давомида сариқ тана ўсиб этилади. Сариқ қават қалин ва кўп бурмали бўлиб қолади. Сариқ тана ўртасида майда қон томирларидан иборат қон лахталари бўлади. Бунда сариқтанан ички эндокрин безига айланади Сариқ тана ривожланиш давридаёқ суюқлик ишлаб чиқаради.

4- босқич — сариқ тананинг сўниш (орқага қараб ўсиши) босқичидир. Бунда сариқ тана хужайралари ҳажми кичиклаша боради. Бириттирувчи тўқима толалари қалинлашади, майда қон томирлари пучайиб, камая боради. Натижада сариқ тананинг марказий қисми бириттирувчи тўқима толалари билан тўла бошлайди. Сариқ қават йўқолади ва сариқ тана гиалинли ўзгаришга учрайди. Натижада у оқ рангли ялтироқ

бириктирувчи тұқимага айланади ва бориб-бориб йүқолади. Бу жараён 13—15 кун давом этиб, ҳайз қонининг ажралиши билан намоён' бўлади. Агар овуляция натижасида ажралган тухум хужайраси сперматозоид билан қўшилса, унда сарик тана 14—16 ҳомиладорлик ҳафтаси давомида сақланади.

Бачадонда ҳайз циклининг кечиш жараёнида бача- доннинг шиллиқ пардасида 4 та циклик жараён юз беради: 1) пролиферация, 2) секреция, 3) десквамация, кўчиб тушиш-ҳайз кўриш, 4) регенерация фазалари.


Пролиферация фазасида шиллиқ парданинг функцио- нал қаватида регенерация фазасидан кейин пролиферация фазаси бошланади. (8- расм).

Регенерация жараённда эндометрийнинг базал қавати стромаси ва безлар иштирок этади. Бу жараён бачадон шиллиқ қаватига эстроген гормон таъсирини оша бориши билан ўтади. Пролиферация жараёни авж олган сари безлар ҳам катталаша боради ва бирмунча бурала бошлайди. Пролиферация жараёни тухумдонда фолли- кулларнинг тўла етишиб, овуляция бўлгунигача давом этади (28 кунлик ҳайз циклининг 12—14 кунларида). Бу даврда бачадоннинг шиллиқ қавати қалинлашиб, 3—4 мм гача этади. Шу билан пролиферация фазаси ниҳоясига этади.


Иккинчи фаза — секреция фазаси бўлиб, у геста- генларнинг борган сари кўпроқ таъсир кўрсата бошлаши натижасида тараққий қиласи. (9- расм).

Ҳайзниң 16-кунидан бошлаб без эпителийлари ядросида бўлиниш жараёни тўхтайди. Хужайралар бўйига қараб узунлашиб, суюклиқ (секрет) билан тўлади, пармага ўхшаб кетадиган безлар янада кўпроқ эгри-бугри бўлиб қолади (ўсиши натижасида). 19—20 кун ичида цилиндрик эпителийлар узунлашиб, арасимон бўлиб, без бўшлиғи томон кўпроқ ўса бошлайди. Шиллиқ қават қалинлашади, худди децидуал хужайраларга ўхшаб кетади. Унинг хужайралари шишиб, катталашади Бунда шиллиқ қават тўқимаси 3 қаватга: *компакт*, *спонгиоз* ва базал қлпатлярга бўлииади

Секрғ! .1/крл 11ПП босқичинингохирги муддл1ини ҳайз кўриш олди ёки ҳомиладорликнинг ЛошллииН лшри деб ҳисобласа Лўллдн



8- расм. Пролиферация фазаси.
Бачадоннинг шиллик қавати ан- ча
қалин, безлар ҳам кўпроқ,
баъзилари пармага ўхшаб, бур-
мали бўлади.



9- расм. Секреция фазасининг
охири.

Бачадон шиллиқ пардасининг кейинги ўзгаришини десквамация босқичи дейилади. Бу босқичда без йўллари- даги эпителийлар аста-секин ҳалок бўлади, шиллиқ қават қисман эриб (аутолиз), қисман парчаланади ва яна қисман фагоцитоз натижасида устки спонгиоз қавати кўчиб тушади. Базал қават юзасидаги кўчган спонгиоз қават ўрнида қолган яра юзасидан ҳайз қони кетади,

5— 6 кундан сўнг қон тўхтайди ва янги давр бошланади.

ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эндокрин системанинг организмдаги тутган ўрни нерв системаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндокрин система ҳам, нерв системаси каби организм фаолиятини тартибга солади ва уни бошқаради. Шу система туфайли организмдаги гомеостаз жараёнининг мувозанати сақланиб туради.

Нерв ва эндокрин системаларнинг ўзаро мулоқоти нейронлар орқали эффекторларга ёки бир нейрон орқали иккичи нейронга узатган импульслари физиологик фаол модда — медиаторлар орқали бажарилади.

Медиаторлар ажратган моддалар нерв хужайралари билан эндокрин система хужайраларини бир-бираiga яқинлаштиради.

Ички секреция безларининг фаолияти бошқа аъзолар каби, нерв системаси томонидан назорат қилинади.

Эндокрин безлар секрецияси инсоннинг ёшига қараб ўзгаради. Кичик ёщдаги болаларда суст, балогатга етиш даврида фаоллашган, балогат ёшида анча юкори, қари-ликда анча сусайиб кетган бўлади.

Нейрогормонал система ва унинг эндокрин системаси фаолиятининг бузилиши: бирламчи, тугма, мустақил, идиопатик ёки иккиламчи, бошқа касалликлар билан кечадиган ёки бирор касаллик белгиси сифатида, баъзи юқумли касалликлар, токсик ҳолат, жароҳат, ўсма ва бошқа турдаги ҳолатларда кузатилади.

Қиз бола организмидаги гормонал ҳолатнинг бузи-лиши:

а) нейрогормонал (гипоталамогипофизар) фаолиятнинг бузилиши натижасида, бирор эндокрин без фаолияти-нинг бузилиши;

б) инфекция, интоксикация, жароҳат, ўсмалар туфай-ли бир ёки бир неча эндокрин безлари фаолиятининг бузилиши;

в) айрим безлар гормон ишлаб чиқаришни кучланти-рувчи фермент фаолияти издан чиққанда;

г) айрим гормонларнинг бузилиши ёки фаоллигининг йўқолиши натижасида керакли аъзо системаларига етиб боролмаслиги;

д) гормонларнинг таъсир қилиш шароитининг бузилиши (хусусан тўқималарда электролитлар мувозанатининг бузилиши);

е) гормонларнинг реактив хусусиятларининг ўзга-риши.

Ҳар бир гормонни айрим-айрим ўрганиш шу гормонлар ва синтетик препаратларни кўрсаткичлар бўйича тўғри татбиқ қилишда катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, биз, баъзи эндокрин безларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари устида

қисқача тұхталиб үтамиз.

ГИПОФИЗ

Гипофиз мия асосида чин жойлашган бўлиб, гипотала- мик соҳа билан, оёқлари миянинг З-қоринчасига во- ронка — ўймтаси ва оёғи билан боғлангандир

Калла суюги асоси турк эгарида жойлашган. Бу эгарнинг усти миянинг қаттиқ парда бурмаси билан қопланган, бундан гипофизнинг оёғи ўтган бўлади.

Гипофиз асосан Зта асосий қисмдан иборат. У олдинги, ўрта ва орқа бўлакларга бўлинниб, ҳар бири маълум бир вазифани бажаради. Урта бўлаги эпителииал қисм бўлиб, аденогипофиз билан биргаликда ташкил топган. Орқа бў- лагини, яъни, нейрогипофиз воронкасининг дистал қисми- ни кенгайган қисм (ргосеззиз 1пий1П(Нъи1ап8) ва ней- роглиялардан ташкил топган қисм ташкил қиласди. Гипофизнинг олдинги бўлаги бир қатор гормонлар ишлаб чиқаради. Улардан 5 таси тропли гормонлардир: адreno- кортикотроп (АҚТГ), тиреотроп (ТТГ), фолликулани стимуллаштирадиган (ФСГ), лютениловчи (ЛГ) ва лак- тотроп (ЛТГ) ёки пролактинлардир.

Юқорида қайд этиб ўтилган гормонлардан ташқари, соматотроп гормонлар ҳам бўлиб, улар ўсиш жараёни ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир қиласди.

Куйида гипофиздан ажраладиган гормон хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

ТИРЕОТРОП ГОРМОН (ТТГ)

Бу гормон кимёвий хусусиятига кўра гликопротеинлар қаторига киради. Унинг молекуласи таркибида 200— 300 аминокислота қолдиқлари ва углеводлар (манноза, глюкозамин, галактоамин, фруктоза) бўлади. Унинг физиологик хусусияти шуки, у таркибида сульфагидрал туркуми ва а-амино гурухлари бўлган бўқоқ бези фаолияти (қалқонсимон без фаолияти) ни фаоллаштира- ди. Меъёрда у қонда кам бўлиб, фақат тиреоид гормонлар етишмаган ҳолларда ошади.

Тиреотроп гормон қонда бир соатдан кам сақланади. Гипотиреозда у қондан секин-аста йўқола бошлайди.

ГОНАДОТРОП ГОРМОНЛАР

Гипофизнинголдинги бўлаги гонадалар, иккита айрим гонадтроп: фолликулларни разбатлантирувчи (ФСГ) ва лютениловчи (ЛГ) гормонларни фаоллаштиради. Бу ҳар иккала гормон ўзининг кимёвий бирикмаси ва физикавий

хусусиятларига қараб, бир-бирларига жуда яқин туради. Ҳозиргача буларни тоза ҳолда ажратиб олишга эри- шилмаган. Бу гормонларнинг кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирларига яқин туриши, уларнинг физиологик жи- ҳатдан бўлган хусусиятларининг бир-бирига bogлиқли- гидандир. Улар организмдаги жинсий фаолиятни бош- қаради.

ФСГ фолликулаларнинг ўсишини тезлаштиrsa, унинг секрет ажратиш қобилиятини таъминлашда ЛГ гормони микдорининг таъсири ҳам зарур бўлади.

ЛГ овуляция ва сариқ тананинг тараққиётини даъ- минлайди.

ФСГ ва ЛГ ларнинг биргаликдаги таъсиридан қатъий назар, улар гипофизнинг олдинги бўлагининг айrim ҳосиласидир.

ЛГ айrim гипоталамик механизм томонидан бошқари- лади. Шунга кўра, гипоталамуснинг баъзи бир заарлани- шида ЛГ нинг гипофизда чегаралangan ҳолда ишлаб чиқиши тўхтайди, аммо бунда ФСГ ишлаб чиқарилишига унча путур етмайди ва аксинча, ҳатто кўпаяди.

Кимёвий бирикмаси бўйича ФСГ, ЛГ ва ТТГ каби гликопротеинлар туркумига киради.

Физиологик хусусиятлари уларнинг молекуласида углевод компонентлари (гексоза, фруктоза, гексозамин ва сиал кислота) борлигига боғлиқдир.

Кичик ёшдаги ёки умуман ёш болаларда ФСГ кам, ЛГ деярли бўлмайди. Бу гормонларнинг концентрацияси жинсий тараққиёт даврида ошиб боради. Балоғатга етганда ЛГ кўп микдорда ажrala бошлайди. Болаларда ФСГ нинг гипофиздаги ва ЛГ концентрацияси 3:1 га, катталарда 1:1 га етади.

ЛАКТОТРОП ГОРМОН

Гонадотроп гормонлар қаторига ЛТГ гормони ҳам киради, шунга кўра у сариқ тана фаолиятини қўллаб туради. ЛТГ гормонининг асосий хусусияти шуки, у бево- сита кўкрак безига таъсир қиласи

Кўкрак безининг анатомик жиҳатдан тараққиётини ЛТГ гормони эмас, балки овариал гормонлар таъминлай- ди. Бунда эстроген гормони айниқса аҳамиятлидир. ЛТГ гормони асосан кўкрак безларида сут алмашинувини таъминлайди.

Пролактин оқсилли гормон ҳисобланади. Молекуласи таркибида 211 аминокислота қолдиқлари бор.

АДРЕНОКОРТИКОТРОП (АКТГ) ГОРМОНИ

Гипофизнинг олдинги бўлагидан, гормонлар қаторида, ўзига хос маҳсулот ажратиб, у буйрак усти безининг қобигида глюокортикоид ва андроген ажратиш қобилия- тини фаоллаштиради. Бу гормон АКТГ гормони деб юритилади. У

кимёвий таркиби жиҳатидан оддий гормон бўлса, куйи молекуляр оғирлиги 4500 атрофида бўлади ва полипептидлар қаторига киради. Таркибида 39 та амино- кислота бўлиб, улар полипептид занжирини ҳосил қиласди.

АКТГ фақат буйрак усти безининг қобигига таъсир қилмасдан нейтрал мойлар гидролизини оширади. Шу билан бирга мойларнинг ачиш жараёнига таъсир қиласди, кетогенезни ошириб, нафас олиш коэффициентини сусай-тиради, мускулларда гликоген тўпланишини таъминлайди, қон плазмасида аминокислота миқдорини камайтиради ва уларнинг мускул тўқимасига ўтишини кучайтиради.

СОМАТОТРОП ГОРМОН (СТГ)

Гипофизнинг олдинги бўлагидан ажралади. Бу ўсиш гормони бўлиб, организмга таъсир кўрсатади.

Гипофиз бези яхши тарақкий этмай қолса, боланинг бўйига ўсиши сустлашади ёки бутунлай тўхтаб қолади. Мабодо аксинча бўлиб, гипофиз олдинги бўлаги ортиқча ривожланса, эозинофилли аденома вужудга келса, бола-нинг бўйи жуда ўсиб кетади (гигантизм, акромегалия).

СТГ гормони тана суюгининг хондрогенез ва остеогенез жараёни фаоллашиши натижасида бўйнинг жуда ўсиб кетиши кузатилади.

Хондрогенез жараёни нордон мукополисахарид, айниқ-са хондроитин — сульфат кислота синтези ва алмашинувига боғлиқдир.

СТГ ёғ алмашинувига ҳам таъсир кўрсатади, у деподан ёғ чиқишини таъминлайди, шунингдек углеводлар алмашинувига ҳам таъсир этади.

Кишида СТГ молекуласи битта пептид занжирини ташкил қилиб, 188—190 аминокислота қолдиқларидан иборат бўлади.

Венага СТГ юборилганда унинг биологик жиҳатдан яrim парчаланиши 20—25 дақиқа бўлганлиги сабабли у қонда узоқ турмай, тез йўқолади.

МЕЛАНОЦИТЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ГОРМОН

У гипофизнинг ўрта бўлагидан ажралади. Унинг асосий таъсири шуки, у пигмент ҳужайраларини *хромаго-фор* ёки *меланофор* жиҳатдан кенгайтиради.

Бу гормон кўз пардасининг таёқча ва қадаҳчалари-нинг фаоллигини кучайтириб, кўзнинг коронғида кўриш кучини оширади, деган фикр ҳам бор. Шунга кўра, бу пре-паратдан кўз пардаси заарланганда фойдаланилади.

Меланоцитларни кувватловчи гормон алмашинувининг бузилиши натижасида вужудга келадиган касаллик-лардан

ташқари, аденокортикотроп гормонининг кўп ажралиши туфайли кўп ажрала бошлайди.

Бунинг асосида ҳар иккала гормоннинг аминокислота- лар таркиби жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги ётади.

НЕЙРОГИПОФИЗ ГОРМОНИ

Гипофизнинг орқа бўлагида 2 турдаги гормон — вазопрессин (антидиуретик — АДГ) вақ окситоцинлар аниқланган. Булар олдинги гипоталамуснинг нейресекре- тор хужайралари томонидан ажратиб чиқарилса ҳам, гипофизнинг орқа бўлагида йиғилади ва шу ердан қонга ажралади.

АНТИДИУРЕТИК ГОРМОН (АДГ) — ВАЗОПРЕССИН

АДГ гормони бирламчи ва тўғридан-тўғри нефронлар- га оқадиган суюқликни реабсорбция қиласи.

Гипофиз орқа бўлагининг фаолияти сусайганда реабсорбция камаяди, натижада полиурия ва организмнинг сувсизланиши кузатилади. Бу гормон таъсирида дистал қисмдаги нефрон каналчалари сувни реабсорбция қиласи. бунда сийдик микдори камайиб, концентрацияси ошади.

Қонда осмотик босим ошганда ёки ҳажми камайганда, осморецепторлар таъсиrlаниши натижасида рефлектор реакция сифатида АДГ секрецияси вужудга келади.

ОКСИТОЦИН

У асосан бачадон қисқаришини кучайтиради. Эстроген эса бачадоннинг окситоцинга нисбатан реактивлигини оширади.

Окситоцин сут ажралишини тартибга солиша ишти- рок этади. Бунда сут безларининг альвеолалари миоэпите- лиал хужайралар, айниқса сут йўлларининг қисқаришини ошириш йўли билан сут ажралишини яхшилади (кўпай- тиради). Бола эмайётганида кўкрак учидаги рецепторлар- нинг қитиқланиши Ҳам сут ажралишини кучайтирувчи омиллардан биридир. Бунда ҳам окситоциннинг аҳамияти каттадир.

IV БОБ

ҚИЗ БОЛАНИНГ ТАРАККИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки, 60-йилларда қиз болаларнинг тарақкиёти- да қуйидаги даврлар муҳим деб белгиланган эди.

| | |
|--------------------------|-----------------------|
| 1. Чакалоқлик даври | (1—10 кун) |
| 2. Эмиш ёши даври | (10 кундан 1 йилгача) |
| 3. Ёш болалик даври | (1—3 йил) |
| 4. Бирламчи болалик ёши | (4—7 ёш) |
| 5. Иккиламчи болалик ёши | (8—11 ёш) |
| 6. Ўсмирлик ёши | (12—15 ёш) |
| 7. Ўспириинлик ёши | (16—20 ёш) |

Бизнинг фикримизча, ҳомиланинг она қорнидаги ҳаётини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Кўпгина олимлар муолажада қуидаги таснифларга амал қиласидилар:

- 1) она қорнидаги тараққиёт даври;
- 2) чақалоқлик даври;
- 3) «нейтрал» давр — 7 ёшгача;
- 4) препубертат давр, балоғатта етишдан олдинги давр, 7 ёшдан ҳайз кўргунча;
- 5) пубертат-давр—ҳайз кўриш бошланганидан то 16 ёшгача;
- 6) ўсмирлик даври — 16 дан 18 ёшгача.

Биз қуида ҳомиланинг она қорнидаги умумий тараққиёти устида қисқача тўхталиб ўтамиз, чунки бу жараённи ҳисобга олмай туриб, жинсий авзоларнинг тараққиёти, анатомик ва физиологик хусусиятларинигина ўрганиш кифоя қиласидилар.

Врачлар кейинги 15—20 йил ичидагина қиз болалар гинекологияси билан қизиқа бошладилар Унгача ба-лоғатга етмаган қиз болаларнинг ҳолати ҳакида деярли иш олиб борилмаган. Ҳозиргача болалар гинекологияси билан шуғулланадиган йирик даволаш тармоқлари ва болалар гинекологиясини ўрганадиган бирор йирик мута-хассис ҳам йўқлиги бунинг яққол исботидир.

Болалар шифокорлари ҳам бу масаладан деярли четда турадилар. Ҳолбуки, болаларда учрайдиган турли патоло-гик ўзгаришлар катталарницидан анча фарқ қиласидилар. Шунга кўра, болалар врачи ва болалар гинекологлари ҳамкорликда иш кўрсалар, болалар гинекологиясининг кўпгина муаммолари ойдинлашар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишда анчагина ютуқларга эришилган бўлар эди.

Қатталарда учрайдиган турли патологик ҳолатлар қиз болалар организмининг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлиги аниқдир.

Болаларда учрайдиган касалликларни даволаш ва уларда юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш учун, балоғатга етиш вақтида кузатиладиган патологик ҳолатлар ва физиологик ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиш керак бўлади. Бунинг учун:

1) жинсий аъзолар анатомияси ва физиологиясини чуқур ўрганиш;

2) жинсий аъзоларда учрайдиган ўзгаришларни қиз болаларда улар то балоғатга етгунча, катталарда учрай- диган физиологик ўзгаришларни ва жинсий аъзолардаги қиз болаларга хос бўлган анатомик тузилишларни уларнинг ёшига қараб ўзгаришини ўрганиш;

3) қиз болаларнинг аъзолари ва системаларида, хусусан, суяқ системасининг тараққиёт даврида юз берадиган анатомик вафункционал ҳолатларнинг ўзгари- шини аниқлаш;

4) маълум бўлган текшириш ва даволаш усулларидан самарали фойдалана билиш;

5) турли лаборатория текшириш усулларини тўғри қўллаш.

Қиз болаларда, уларнинг она қорнидаги давридан бошланиб, туғилиши ва балоғатга етишгунча бўлган давр мобайнида, турли патологик ва физиологик жараёнлар кузатилади. Ешга қараб юз берадиган ўзгаришлар уларнинг суяқ ва гормонал системаларида ҳам пайдо бўлади. Қиз бола биринчи ҳайз кўргунича бўлган вақтда, унда шу ёшга хос бўлган иккиласми жинсий белгилар пайдо бўлади

Врачлар ана шу тараққиёт даврини яқиндан ўрга- нишлари ва уни кузатиб боришлари лозим. Айни шу даврда турли ўзгаришлар юз бериши олдиндан маълум.

Аввало, қизлардаги нуқсонларни улар ҳали эмадиган вақтидаёқ аниқлаш ва шу нуқсонларни бола неча ёшга кирганида даволаш мумкинлигини белгилаш жуда му- химdir. Акс ҳолда, шундай нуқсонлар бўладики, уларни бартараф қилиш кечикса, боланинг асаб системасига салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, *гермафродитизм* (нармода, хунасалик) да болани генетик жиҳатдан чуқур текшириб, унинг қайси жинсга мансублигини ўз вақтида аниқлаб, унга муолажа қилиш лозим. Чунки у ўзини ўғил бола деб ҳисоблаб юрса-ю, 15—16 ёшларга кирганида унга «Сен қиз бола экансан» дейилса, бу унга оғир зарба бўлади. Булардан ташқари, жинсий аъзолардаги нуқ- сонлар: қин, бачадон ва унинг найчаларидаги, қизлик пардаси ва қиндаги битовлик ҳолларини ҳам ўз вақтида аниқлаб, уларни дарҳол даволаш тақозо этилади. Қиз болаларда учрайдиган турли юкумли касалликлар нати- жасида (бўйма, яллигланиш) жинсий аъзоларнинг, хусу- сан, қиннинг чандиқлар туфайли бекилиб қолиши ва бошқа ҳолларни ҳам врачлар назардан четда қолдирмас- ликлари керак.

Эмизикли ва болалик даврида ҳам юкумли ка- салликлар (дизентерия, сўзак, захм ва бошқалар), қон кетиши ва турли ўсмалар ҳам учраб туради. Яна, уларнинг эндокрин тизимида ҳам, ёшига қараб, бир қатор ўзга- ришлар кузатилиши билан бир қаторда, баъзан патологик ўзгаришларни ҳам учратиш мумкин. Булар ҳаммаси қиз боланинг нормал тараққий этишига путур

етказади.

Маълумки, бир эндокрин безидан ажраладиган гор- мон, албатта, бошқа эндокрин безларига ҳам таъсир қилмасдан кўймайди. Улар бамисоли бир занжир каби, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Масалан: қиз боланинг суяқ системасининг тараққиётида эндокрин безларидан гипофиз, бўқоқ ости бези, буйрак усти безларининг фаолияти муҳим ўрин тутади.

Биз энди қиз боланинг умумий тараққиётида ва жинсий аъзоларнинг ҳомиладорликдаги тараққиётида юз берадиган ҳоллар устида тўхталамиз.

Қиз болаларнинг жинсий аъзоларини ривожланиши уларнинг туғилишларидан олдинроқ кучаяди. Бунга онанинг гормони билан биргаликда, қисман ҳомиланинг ўзидағи гормон ҳам таъсир қиласди. Туғилганидан кейинги дастлабки йилларда бу тараққиёт бир оз орқага суриласди. Пубертат даврида ва ундан олдинги даврда жинсий аъзолар тараққиёти яна кучаяди. Бу пайтга келиб қиз боланинг эндокрин системасининг иши фаоллашади. Бу даврда қиз боланинг тана тузилишига катта аҳамият бериб бориш лозим.

Кўпинча ота-оналар болаларининг яхши ўсмаётгани- дан, жуда озгинлиги ёки семириб кетганлигидан шикоят қиласдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, болалардаги ўсиш жараёни ҳаммасида ҳам бир хилда бўлмай, баъзиларида тезрок, айримларида секинроқ кечади.

Баъзан болаликда оғриган бирор касаллик боланинг ўсиш жараёнига таъсир қилиб, у тенгқурларидан орқада қолади, ёки эндокрин системасида патологик ўзгариш юз берган бўлса, унда ҳам ўзига хос ўзгаришлар кузатиласди.

Умуман қиз боланинг қандай тараққий этишини, унинг она қорнида қандай ҳолларни бошидан кечиришига қараб ҳам баҳолаш мумкин бўлади.

V БОБ

ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ

ҲОМИЛАНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ

Маълумки, одам эмбриони жуда тез ўсади. Бир неча миллиграммдан иборат бўлган ҳомила тухуми, туғилиш даврига етганида 3 кг ёки ундан ҳам кўпроқ оғирликка эга бўлади. Акушерликда ҳомилани 2 ойлик бўлгунигача эмбрион, кейинги муддатларда ҳомила, деб юритиласди.

Ҳомила тухуми бачадон деворига жойлашиб олгани- дан кейин жуда тез ривожлана бошлади. Унинг озиқлани- ши гистиотрофик тарзда кечади.

Уругланган тухум хужайрасининг ташқи пардаси хисобланган трофобласт тухум хужайрасининг бачадонга жойлашиши ва эмбрионнинг озиқланиши учун керак бўлади. Трофобласт ўзидан фермент модда чиқариб, бу модда қўчиб тушадиган пардани эритади ва унинг орасига уругланган тухум хужайраси аста-секин ботиб боради ва шу ерга жойлашади. Ана шундан кейин она организми ва эмбрион ўртасида алоқа бошланади. Ҳомиладорлик даври ўрта ҳисоб билан 280 кун ёки 10 акушерлик ойи — яъни 40 ҳафта давом этади. Шу муддат давомида уругланган тухум хужайрасидан одам эмбриони, кейинроқ эса ҳомила вужудга келади.

Учинчи акушерлик ойининг охирларида ҳомилада одамлик белгилари пайдо бўла бошлайди Унгача эмбриони жопиворникидан ажратиб бўлмайди.

Ҳомила уч ойлик бўлганида унинг оёқ-қўллари шаклланиб, узунлиги 9 см гача этади. Боши ва танасининг узунлиги бирбирига мувофиқлашади. Оғирлиги 20—25 граммгача бўлади. Қўл-оёқ бармоқлари ва тирноқ-ларнинг бошланғич аломатлари ҳам кўзга ташлана бошлайди. Ташқи жинсий аъзолар шаклланади. Тўртинчи ойининг охирларига келиб унинг жинси аник бўлади

Ҳомиланинг териси юпқа, қизғиш рангда бўлиб, тери остидаги ёғ қавати бутунлай бўлмайди. Бу даврга келиб, қомила бўйининг узунлиги 12 см, оғирлиги 120 граммга этади.

Бешинч ой охирида ҳомилада пайдо бўлган ёғ безларидан ёғ моддаси ажрала бошлайди. Ажралган ёғ билан кўчган тери эпидермисининг қипиғи аралашиб, кулранг ёғ ҳосил қиласди. Ҳомила териси тўқ қизил рангга кириб, майин туклар билан қопланади. Ҳомиланинг юрак уришини стетоскоп ёрдамида қорин девори орқали эштиш мумкин. Ҳомила сезиларли даражада қимирлаб туради. Бу пайтга келиб унинг оғирлиги 280—300 г, бўйининг узунлиги 25 см га этади. Олтинчи ойининг охирларида ҳомиланинг териси қариларнига ўхшаб буришган, боши ва танасининг ҳамма жойи туклар билан қопланган, қулоқ, бурун тоғайлари юмшоқ, тирноқлари ҳали бармоқ учига етмаган бўлади.

Қиз болаларда эса кичик жинсий лаб ва клитор ҳамда катта жинсий лаблар етарлича ўсиб етилмаганлиги сабабли, ташқи жинсий тешик ҳали ёпилмаган бўлади. Ҳомиланинг оғирлиги 600—680 г, бўйи 30 см га этади. Саккизинчи ой охирида ҳомила териси анча текис ва майин туклар билан ҳопланади, бўйи 40 см, вазни 1500—1600 гр. га этади.

Етти ойлигига, яъни чала туғилган чақалоқларнинг бўйи 35 см, оғирлиги 1000—1200 г атрофида бўлади.

Тўққизинчи ой охирида ҳомила териси остидаги ёғ қатлами анча қалинлашиши натижасида, унинг терисида-ги буришиш йўқолади, текисланади ва оч пушти рангга киради. Туклар

камаяди, бошидаги сочлар узунлашади, тирноқлари ўсиб, бармоқ учларига етади. Қулок, бурун тогайлари ҳам қаттиқлашади.

Ҳомила туғилганида қаттиқ қичқириб йиғлаб, кўзини очади, одатда кўқракни эмаоладиган бўлади. Бундай ҳомила яшашга қобилиятли бўлади. Ҳомиланинг шу вақтдаги узунлиги 45 см, вазни 2400 — 2500 кг га етади

Акушерликнинг учинчи ойи давомида ҳомиланинг тараққиётидаги барча камчиликлар йўқолади. Ўнинчи ой охирида ҳомила тўлиқ етилиб, териси оч пушти рангга киради, текислашади, тирноқлари ҳам ўсиб, бармоқлари- нинг учига етади. Ҳомилада жинсий аъзолар тараққиёти ҳам давом этаверади

ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Ташқи жинсий аъзоларнинг шаклланиш вақти унчалик аниқ эмас. Баъзилар, эмбрион 13—15 мм бўлганида шаклланади, десалар, бошқалар 6 — 7 хафталигидан бошлаб шаклланади, деб ҳисоблайдилар.

Ташқи жинсий аъзолар ҳар иккала жинсдаги ҳомила- да ҳам клоака пардасида (клоаканинг ички девори) бир хил кечади.

Ўсиқсимон урогенитал бурма клоакани 2 бўлимга ажратади: бири дорсал бўлим бўлиб, бундан тўғри ичак шаклланади, иккинчи бўлим вентрал бўлим бўлиб, у анча кенг, бирламчи сийдик — жинсий синусли эмбрионнинг узунлиги 15 мм бўлганида, сийдик-жинсий бурма клоака- нинг пардасига етиб боради. Бу билан у чов (бут) ни шакллантиради. Шу муддатдан бошлаб ичак ва сийдик ҳамда жинсий аъзоларда тараққиёт жараёни чегаралана- ди, яъни ҳар бир аъзода айрим-айрим давом этади.

Қиз болаларда ташқи жинсий аъзоларнинг феминиза- цияси ҳомиладорликнинг 17 — 18 хафталаридан билиниб қолади. Жинсий бўртма (дўмбоғ)нинг дорсал сатхидан уретра чизиги (*борозда*) вужудга келади. Унинг четлари юпка, бироз кўтарилиб турган пластинкадан иборат бўлиб, бирламчи сийдик-жинсий тешикни йирик шаклда қилиб бирластиради. Дастреба вужудга келган чов (бут) тўғри ичак тешиги билан сийдик-жинсий аъзо тешигини ажратиб кўяди. Жинсий дўмбоғ асоси айланма равишда жинсий дўмбоғни ўраб туради. Бу даврда ҳар иккала жинсдаги ҳомилада ҳам ташқи жинсий аъзоларнинг кўриниши бир хилда бўлади. Шу сабабли бу давр бисексуал давр, деб юритилади.

Ҳомиланинг 11 — 13 хафталигига қиз болаларнинг ташқи жинсий аъзоларида ўзгариш юз бермайди, фақат жинсий дўмбоғ ўз йўналишини бирмунча ўзгартиради, яъни тик ҳолатдан кўндаланг ҳолатга ўтиб қолади.

Ҳомила 14—16 хафталик бўлганида ҳам ташқи жинсий аъзо

аввалги ҳолиңа қолаверади. Фақат ҳажми катталашади, аммо морфологик жиҳатдан ўзгариш бўлмайди. Жинсий дўмбог (клитор) анча каттароқ кўринади, у унча тараққий этмаган катта жин< ий лабдан анча кўтарилиб туради. Унинг қалинлиги 3:5 мм, аногенитал оралиғи эса 3 мм. бўлади.

катталаша бориб, қов дўмбоғигача етади, ор- қадан эса, орқа

17 — 19 ҳафталикда ташқи жинсий аъзолар аёлларга хос
кўринишга эга бўлади. Катта жинсий лаблар

чандиқ- да туташади, шу йўсин- да жинсий тешик атро- фи ўралиб қолади. Кли- торнинг кўндаланг ўл- чови ортгани сабабли, унинг бўйи кичиклашиб қолади. (10-расм).

Сийдик чиқариш йўлининг ёриги олди- дан жинсий лаблар шаклланади. Кейин у 2 оёққа бўлиниб, бир оё- фи клитор устида чек- ка кертмакни (*крайняя плоть*), иккинчи оёғи унинг остидаги юган- чани хосил қиласди.

вожланади.

Хомила 17—18
ҳафталигидан кичик


Морфологик ўзга-
ришлар билан баробар
равишда вульванинг
клиторидан ташқари
қисмлари ҳам тез ри-

жинсий лаблар юпқа тери бурмасидан иборат бўлиб, узунлиги 4 мм (катта жинсий лабларнинг 1—3 қисмини ташкил қиласди) га етади. Бу мувозанат 23—24 ҳафталаргача сақланади, кейин кичик жинсий лаблар катталаша бошлайди, катта лабдан ошиб, унинг 2—3 қисмини ташкил қиласди.

Етилмаган ҳомилаларда кичик жинсий лаб катта жинсий лабдан бироз кўтарилиб туради, етилган ҳомила- ларда эса, катта жинсий лаб билан тўла бекилган бўлади. Клитор бўйига караб деярли ўсмайди, бўйига нисбатан кенглиги 1:1 бўлиб қолади.

Қинга кириш жойи 19 — 20ҳафталарда воронкасимон шаклда бўлиб, юпқа парда билан қопланиб, унинг чуқурлигига қизлик пардасининг бошланғич жияги кўри- ниб туради. 24 — 25 ҳафталарда қиннинг тешиги бирмунча текисланиб, қизлик пардаси кўриниб қолади. 28 — 30 ҳафталик ҳомилада қизлик пардаси кўпинча айлана ҳолида бўлиб, унинг тешиги ёриксимон бўлади. Қизлик пардасининг қалинлиги 2 — 3 мм га етади.

ҚИННИНГ ЭМБРИОНАЛ ТАРАҚҚИЁТИ



10- расм. Чакалоклар чаногининг сагиттал қирқилган кўриниши. Бачадон юқорида жойлашган бўлиниб, тўғри ичак ва қин гўё осилиб тургандек, қиннинг олдинги девори сийдик қопига тегиб турмайди.

Қин ҳомиладорликнинг 8 ҳафталаридан бошлаб шаклана бошлайди. У парамезонефрал йўлларнинг дум қисмининг бир-бирига қўшилиши натижасида вужудга келади. Ўзи юпқа деворли мезенхиманинг қин орасида, тўғри, ичак билан сийдик-жинсий бўшлиқнинг орасида жойлашган. Унинг юқори қисми шиша (колба) га ўхшаб қенгайган ва юқорида сийдик-жинсий бўшлиқ соҳасида бирикиб кетади.

Ҳомиланинг 10 ҳафтасида қин узунлиги 1,8 мм, диаметри 0,09 мм га етади. Юқори томондан қин аниқ бир чегарасиз, бачадонга тулашган бўлади. 12 ҳафтали ҳомилада бачадон-қин канали 3,4 мм бўлиб, 17 — 19 ҳафталик ҳомилада қин гумбазлари шаклланади ва қин бачадондан ажралади.


20 — 21 ҳафталарда қин бўшлиғи шаклланади, 19-ҳафтадан то 28 ҳафтагача қин тез ўсади. 20 ҳафтадан кейин ҳам қиннинг шиллиқ қаватида кўндаланг бурмалар вужудга келиб, унинг юқори қисмида бу бурмалар анча текис бўлади. 23 — 24 ҳафтада бурмалар анча баландла-шиб 8—10 ҳафталикада қиннинг шиллиқ қавати бир қаватли призматик эпителий билан қопланади. 17-ҳафта-нинг охирига келиб кўп қаватли, эндодермал бўлган эпителий билан қопланади. 22 ҳафталикада эпителийнинг асосий қавати шаклланади (ўсувчи, оралиқ, юзаки) ва қиннинг ўз қаватлари вужудга келиб, шу билан қин шиллиқ қаватининг гистогенези ниҳоясига етади.

Дастлаб эозинофил юзаки ҳужайралар пайдо бўлиб, таёқчасимон ядролар кемасимон чегарада думалоқ шакл-ни олади, уларнинг ҳажми 6 мкм гача камайди, бу эса чин *пикнотик* ядродир. Бу қиннинг пастки қисмидаги юзада жойлашган ҳужайраларда мавжуд бўлиб, қиннинг юқори қисмида ҳали бу ҳилдаги ҳужайралар бўлмайди. Ҳужайра-лар ичida гликоген кўпая боради. 28 ҳафтада қиннинг шиллиқ қавати ва айникса унинг эпителиясида кучли пролифератив жараёнлар кузатилади. 30 ҳафталик ҳоми-лада эпителийларнинг кўчиб тушиши (*десквамация*) холатини кўриш мумкин. Ҳомила туғилишидан 2 — 3 ҳафта олдин қинда кўчиб тушиш натижасида (*дес.квама-ция*) йўқолган эпителий сатҳи тикланади Эпителийнинг функционал зонасида кўп микдорда гликоген тўпланади Демак, қиннинг тараққий этиши ҳомиланинг ривожланишига қараб шаклана бошлайди.

БАЧАДОН ТАРАҚҚИЁТИ

Бачадондан олдин, даставвал унинг бўйни шаклана бошлайди. 40 — 45 мм узунликдаги парамезонефрал йўл дум қисмида бир-бири билан қўшилишиб, бачадон бўйини ташкил қиласиди. Қин билан бачадон бўйни қомиладорликнинг 4-ойи охири, 5-ойининг бошларидаги бир-бири билан чегараланади.

Бачадон бўйни бошлаб *ци-линдрик*, ҳомиладорлик даврининг охираша *коник (пона)* шаклига эга бўлиб қолади. Бачадон бўйининг орқа лаби



11-расм. 3—10 ойлик чакалоқларда бачадон, найча ва тухумдонларнинг турли шакллари (жасаддан олинган).

олдинги лабидан қаттиқроқ бўлади. 27 — 28 ҳафтагача бачадон бўйининг ташки тешиги нуқтасимон, кейин ёриққа ўхшаб кетадиган бўлади. Бачадон танаси пара- мезонефрал йўлнинг пастида қўшилишиб, 65 мм га етади.

3 ойли ҳомилада бачадон танаси 2 шохли бўлади. У бора-бора қисқариб, 3,5 ойларда бир-бирлари билан қўшилишади, натижада эгарсимон бачадон танаси ву- жудга келади.

Қиз бола туғилганида ҳам бачадонда бир оз эгарсимон шакл сақланиб қолади.

А. Ф. Қупертнинг кўрсатишича, ҳомиладорлик пайтида бачадон 4 маротаба катталашади. Аммо унинг танаси билан бўйининг катталавиши ҳар хил бўлади. Агар бачадон танаси 6 маротаба катталашса, бўйни 3 маротаба катталашади. Ҳомиланинг бутун ҳаёти давомида бачадон бўйни танасига нисбатан узун бўлади. У 33 — 34 ҳафталик бўлганида бачадон бўйининг умумий узунлиги 3 — 4 см бўлади. Бачадон танаси ва бўйни 6 ва 9 — 10 ойларда айниқса тез тарақкий этади. Бачадон мускуллари унинг бўйни ва танасида 18 — 19 ҳафталарда факат айланма мускуллардан иборат бўлиб, ташқарисидаги қўшувчи тўқимада онда-сонда тик мускуллар кузатилади. 20 — 24 ҳафталик муддатда айланма мускуллар кенгаяди, аммо бачадон тубида сусттарақкий этган бўлади.

Ташқаридаги тик мускуллар ҳам кенгайиб, баъзи толалари айланма мускуллар орасига киради.

27—28 ҳафталикда биринчи маротаба шиллик парда остида тик мускуллар вужудга келади. Шу йўсинда бачадон мускулларининг гистогенези ниҳоясига етади

Бачадон шиллик қавати (эндометрий) нинг тараққиё- тини 3 босқичга бўлиш мумкин:

биринчиси — 24 ҳафтада гистогенезнинг ниҳоясига этиши;

иккинчиси — 32 ҳафталикдаги пролифератив ўзгариш; учинчиси — 33 ҳафтадан то 40 ҳафтагача —■ секретор жараённинг ўзгариши.

Хомиланинг 19 ҳафталигида эндометрий ҳали яхши шаклланмаган, қон томирлари кам, безлар бўлмайди Шу даврда шиллик қават юзаки — функционал қават ва компакт — базал қаватга ажralишга мойиллиги кузати- лади. 21—22 ҳафталик муддатда шиллик қаватда безларнинг бошланғич ҳолати кузатилади. У эпителий билан қопланган чуқурча шаклида кўринади.

Дастлабки безлар бачадон бўйинининг ички тешиги соҳасида кузатилади. 24-ҳафтада бачадон шиллик қавати- нинг гистогенези ниҳоясига етади.

Бу соҳада бир оз миқдорда найчасимон безлар кўзга ташланади. Без эпителийлари призма кўринишида, тиник цитоплазмали, ядрои овал шаклда турли оралиқ таш- кил қилиб жойлашган бўлади. Бачадон тубида безлар бўлмайди.

Юқорида келтирилган ўзгаришлардан сўнг, бачадон функционал жиҳатдан деярли тайёр бўлади. Аммо катталарницидан фарқли ўлароқ, шиллик парда циклик ҳолатда ўзгармайди. Пролифератив ўзгаришни 25 ҳафта- дан то 32 ҳафтагача кузатиш мумкин.

Безлар бора-бора бачадон тубида ҳам пайдо бўлади. Без ўйллари кенгайиб, уларнинг девори бурмали бўлиб қолади.

33 ҳафтадан то туғруққача секретор фазани кузатиш мумкин. Фақат 33-ҳафтанинг охирида призматик эпителий бачадон бўйинининг қин қисми каналини ҳам қоплаб олади.

Бачадон найчаларининг тараққиёти ҳам бачадон ва қин юқори қисмининг тараққиётига ўхшаб, мезонефрал йўйлар (Мюллер канали)дан вужудга келади. Бу буйрак ва сийдик чиқариш йўли билан чамбарчас боғлиқдир. Сийдик-таносил аъзоларининг тараққиётида бошланғич эмбрионнинг барча вараклари, айниқса ўрта — мезодерма қисми иштирок этади.

Мезодермадан найчалар, бачадон, қин ва жинсий безларнинг эпителийси вужудга келади.

Кўпгина муаллифларнинг айтишларича, найчалар ҳомила тухуми 2,5—3 ойлигига ташкил бўлади (шакллана- ди). 4 ойликда эса анатомик жиҳатдан шаклланади. 18 — 19 ҳафтада эса найчалар шокиласи ҳосил бўлади. Хомиланинг 37 — 38 ҳафталигида бачадон найчаси ўнг томонда 43 мм, чапда эса 41

мм бўлади.

Ҳомила 16 — 17 ҳафталигида найчалардаги бурмалар ҳали тараққий қилмаган бўлади. Шу даврда найчаларда айланма қават мускуллар бўлмайди. 18 — 19 ҳафталигида айланма мускуллар билиниб қолади. 20 — 21 ҳафталиқда найчаларнинг шиллик қаватидаги тукчалар ҳилпиллаб туриш хусусиятига эга бўлади. 26 — 27 ҳафтада шиллик қаватидаги бурмалар кўзга ташланади. 30 — 40 ҳафта- лиқда эпителийларда секреция ажратиш қобилияти ву- жудга келади. Эпителийдаги киприкчалар анча тараққий қилган бўлади. Шиллик қаватидаги бурмалар найча- ларнинг ампуляр қисмида яхши тараққий қилиб, найча- ларнинг бачадонга яқинлашгани сари, камайиб боради.

ТУХУМДОННИНГ ТАРАҚҚИЙ этиши

Е. ^УКзий, (1963) тухумдон тараққиётини 5 даврга бўлади:

1. Индифферент даври бўлиб, бу давр 5 — 6 ҳафталик эмбрионда кузатилади.
2. Жинсий шаклланиш даври. Бу давр 7 — 8 ҳафтага тўғри келади.
3. Оогонийнинг кўпайиш даври. Муддати — 8 — 10 ҳафта
4. Ооцитларнинг ҳали бўлинмаган даври — 10 — 20-ҳафталар.
5. Бирламчи фолликуляр даври 20 — 38-ҳафтага тўғри келади

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида тухумдон пўстлоғи этиша бошлайди, бунга сабаб, унинг дарвозаси орқали қўшувчи тўқиманинг киришидир. Бу даврда қон томир толаларининг тарқалганлиги кўзга яққол ташланади Эпителий ва пуфаги мезенхима билан анча майдага қисмларга бўлинади, одатда у битта Ооцитни тутиб, яссиланган фолликуляр хужайралар билан ўралган бўлади. Уларни бошланғич (примордиал) фолликулалар деб аталади.

Ҳомиланинг 18 — 20-ҳафталигида, биринчи маротаба примордиал (бошланғич) муддатда, тухумдоннинг қобиқ билан мия қисми чегарасида фолликулалар кўрина бошлайди. Бора-бора тухумдоннинг бошқа қисмларига ҳам, айниқса, чет қисмларига тарқалади. Ю. А. Чуркин (1986) нинг айтишича, ҳомилада фолликулаларнинг этилиши маълум тартибда кечади. 10-ҳафтада бошланғич фолликулалар тухумдоннинг пўстлоқ қаватида анча чуқурроқда жойлашган бўлади. 27-ҳафталигидан бошлаб бошланғич тека (қобиқ)ли бўшлиқ олдидағи фолликулалар пайдо бўлади. 33-ҳафталиқда катта бўшлиқли фолликулалар кўзга ташланади. Улар яхши шаклланган бўлиб, бунда 5 — 7 мм ҳажмдаги фолликулалар учрайди. Уларнинг бир қисми атрезия ҳолатида бўлади. Қейинги даврда тухумдонда унча сезиларли ҳоллар кузатилмайди.

Ҳомиладорликда тухумдоннинг гормонал фаолияти- нинг фаоллиги 18 — 28 ҳафтадан кўрина бошлайди. Бу асосан

голокрин типидаги секреция бўлиб, гонадаларнинг герминатив элементинингкўплаб ҳалок бўлиши натижаси- да юз беради.

32 — 34 ҳафтали ҳомилада гормонал фаоллик анча юкори бўлади, аммо туғилишга яқин қолганида камаяди.

Тухумдан билан бачадон шиллиқ қаватининг бир турда бўлган фаолияти бачадон шиллиқ қаватида бўладиган пролиферация жараёни билан ифодаланади. Демак, ҳомила ана шу пайтда, яъни она қорнидаги давридаёқ бачадон билан тухумдан маълум бир мулоқот (алоқа)да бўлар экан.

VI БОБ

ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ЁШИГА ҚАРАБ РЎЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

ЧАҚАЛОҚПИК ВА БОЛАЛИК ДАВРИ

Ҳомиладорликда чақалоқлик плацентасидан ҳомилага ўтадиган гормонлар сийдик орқали ўтади

Қиз бола нормал тарақкий қилган бўлса, қиз бола сифатлари билан туғилади. Чақалоқларда кичик жинсий лаблар қисман катта жинсий лаблар билан бекилган бўлиб, бир оз қизарган ва шишган бўлади. Клитор бироз каттароқ кўринади. Ташқи жинсий аъзолар бир оз пигментланган, баъзан дастлабки мой (смазка) билан қопланган бўлади.

Бу даврда қизлик пардаси анча чукурликда жой- лашган бўлиб, қинга кириш жойидаги безлар ҳали ишламайди. Қин тик йўналишда жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 25 — 35 мм га етади. Қиннинг орқа гумбази бир оз билиниб қолган бўлади. Унинг шиллиқ қаватидаги бурмалар ва қин мускуллари анча сезиларли даражада (онадан ўтган гормон туфайли) бўлади.

Агар чақалоқ қинидан суртма олиб кўрилса, эозино- фил ва кариопикнотик индекс анча юкорилиги маълум бўлади. Қинда нордон реакция бўлади. Ҳатто Дедерлейн таёқчалари ҳам учрайди. Бу даврнинг охирида эпителиал қават 30 — 40 қаватдан 2 — 3 қаватга тушиб қолади. Оралиқ хужайралар 30 фоиздан ортиқ бўлмайди. Чақалоқ- нинг бачадони ҳали қорин бўшлиғида бўлади. Бачадон узунлиги 30 мм га teng.

Эндометрийда секретор ҳолати қузатилади. Баъзи чақалоқларда бачадон шиллиқ пардасининг десквамация- си туфайли ҳайз қони каби, қиндан 1 — 2 кунгача кон ажralиб чиқади. Бу онадан ўтган гормоннингтаъсири, деб ҳисобланади.

Чақалоқлар туғилганида бачадон найчалари узун, ўртacha узунлиги 35 мм ва бироз эгри бўлади.

Кўпчилик муаллифларнинг айтишича, чап найча, одатда, 55 мм дан узунроқ бўлар экан. Чақалоқларнинг тухумдени қорин бўшлиғида жойлашган бўлиб, ци- линдросимон кўринишда бўлади. Уларнинг узунлиги 14 — 26 см гача бўлиши мумкин.

Юзлари фолликулалар туфайли бироз дўпайган бўлиб, анатомик жиҳатдан катталарницидан унча фарқ қилмайди. Аммо чақалоқ- ларнинг тухумдонида бошланғич (примордиал) фоллику- лалар бўлиб, уларнинг микдори 45000 — 50000 га етади. Аммо уларда фолликулалар атрезияси кўп бўлади. Факат ўнг тухумдан чапдагидан каттароқ ва оғирроқ бўлади, деб ҳисоблайдилар. Қиз болаларнинг нитрал даврида жинсий аъзоларда тараққиёт анча сустлашади. Бартолини безла- ри ҳали унча тараққий қилмаган бўлади.

Бола З ёшлигига жинсий аъзолар анча пастга, чаноқ ичига силжийди. Булар билан биргаликда, қўшни аъзолар ҳам сурилади. Бу давр охирига келиб қиннинг узунлиги 40 мм. га етади. Эпителиал қават анча юпқалашади, қиннинг шиллиқ қавати бурмали бўлиб, бир оз гликоген тутади. Қиндаги муҳит ўзгариб, у ишқорли ёки нейтрал бўлиб қолади.

Агар кин суртмасини олиб текширилса, унда эпителия- нинг чуқур қаватидаги хужайралар, онда-сонда лейко- цитлар кўзга ташланади. Аммо бу даврда қиннинг инфицирланиши осон бўлади. Бунга сабаб, унинг ўзгари- шидир.

Қиз боланинг биринчи йилги ҳаёти вақтида бачадон анча кичиклашади, бачадон бўйни бора-бора танасидан анча калта бўлиб қолади. Бачадон антеверсия ва антефлексия ҳолатида туради, уч ёшнинг охирларида бачадон туби чаноқ кириши сатҳида бўлади.

Тухумдан бошқа жинсий аъзоларга нисбатан эртароқ чаноқ соҳасига тушса ҳам, анча юқорироқда бўлади. Уларнинг ўлчови ва шакли унча ўзгармайди.

Қиз болаларнинг тухумдонида қисман етилаётган ва етилган, атрезияга учраган фолликулалар бўлади. Бу даврда примордиал фолликулалар 2 баробар ка- майиб кетади. Фолликулаларда циклик ҳолат кузатил- майди.

ПРЕПУБЕРТАТ ДАВРИ

Бу даврда ёғ тўқимаси кўпайганлиги ҳисобига ташки жинсий аъзолар катталаша бошлайди. Қизлик пардаси тешиги ҳам катталашиб ва бу парда анча юзага чиқкан бўлади. Шу даврга келиб, бартолин безининг фаолияти бошланади. Қиз бола 12 — 13 ёшдалигига қин узунлиги 62 — 63 мм га етади. Қиннинг шиллиқ пардасидаги бурмалар анча тараққий қилган бўлади.

Қиннинг орқа гумбази анча чукурлашиб, парабазал хужайралар оралиқ ва юзаки хужайраларга нисбатан қўпроқ бўлади. Бу даврда Дедерлейн таёқчалари кўрина- ди. Қариопикнотик индекс 30 % га, эозинофил 20% га етади.

Маълумки, болаликда қиннинг ички сатҳини қоплаган кўп қаватли ясси эпителийда гликоген бўлмайди. Шунга кўра, бу

ёшда қиндаги мұхит нейтрал ёки ишқорли бўлади. Шу сабабли, қинни инфекция осон заарлаши мүмкін. Қиз бола балоғатта етгани сари қиндаги мұхит ўзгара боради, яъни нордон реакцияли бўлиб қолади. Бунга қинда сут ачими Дедерлейн таёқчаси пайдо бўлгани сабабли, қиндаги мұхит ачимлашиб, аста-секин микроблар ҳам йўқола боради. Нихоят қиз бола балоғатта стганида, у соглом бўлса, қини стерил ҳолатда бўлади, Дедерлейн- нинг ҳаётий маҳсулоти сифатида пужудга келган сут кислотаси қинда нордон реакцияни таъминлайди. pH менархе вақтида 4,5 — 5,0 бўлади.

Кин чиқиндисини болаларнинг ёшига қараб ўзгариши- ни аникроқ тасаввур қилиш мақсадида қўйидаги жадвал- дан фойдаланамиз (1-жадвал).

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, боланинг ёшига қараб қинда сезиларли даражада ўзгаришлар юз берар экан.

Бу ҳолни қўйидагича тақлйл қилиш мүмкін:

Чақалоқ туғилган пайтида, она қорнидалигида она- нинг гормонлари таъсирида бачадони нисбатан катта бўлади. Қейинги тараққиёт даврида, она гормонлари камайгани сари жинсий аъзолар тараққиёти ҳам физиоло- гик жиҳатдан пасая бошлайди. Препубертат ёшида эндокрин безларнинг аста-секин тараққий этиши, гормон- ларнинг шу ёшга хос нормал миқдорда ажrala бошлиши билан жинсий аъзолар яна тараққий қила бошлайди.

Препубертат ёшда тухумдан такомиллашади, унинг оғирлиги 4—5 г, узунлиги 3 — 3,5 см га етади. Фолли- қуллар тараққий қилишда давом этади. Премордиал хужайралар фолликулалар атрезияси туфайли 100 000 — 300 000 гача камайиб кетади.

Оаъсҳа бўйича:

1- жадвал

| Кўрсаткичлар | Қиз боланинг ёши | | |
|---------------------------|-----------------------|----------------------|--------------------|
| | 10—12 ёш | 11 —13 ёш | 12—15 ёш |
| Иккиламчи жинсий бслгилар | + | + | + |
| Хайз қўриши | 0 | 0—+ | + |
| Кин чиқиндисининг миқдори | кўп, суюқ, сариқ ранг | кам, суюқ, оқ рангли | жуда кам, сувсимон |
| Бактерия флораси: | | | |
| Кокклар | кўп | кам | 0 |
| Дедерлейн таёқчаси | кам | кам | 0 |
| 1 [итологик кўриниши | | | |
| Лейкоцитлар | Кўп | кам | 0 |
| Эпителиал қужайралар | кам | кўп | + |

Бу давр балоғатта етиш даврининг чегараси бўлиб, бундан кейин пубертат даври бошланади. Бу балоғатта ўтиш даврида қиз болаларнинг жинсий аъзолари катта- ларнига ўхшаб кетади. Киннинг узунлиги 90 — 100 см га боради. Қолпоцитологик кўриниш циклик жараённи кўрсатади. Кариопикнотик индекс камдан-кам ҳолларда 60 % га етади. Бачадон анча катталашиб, унинг 12 — 13 ёшдаги оғирлиги 6,5 — 6,7, 16 ёшда эса 23 г бўлади Тухуммдан ва эндометрияда циклик характер тўлиқ намоён бўла бошлайди.

Бу давр охирида жинсий жиҳатдан такомиллик кузатилади.

VII БОБ

БАЛОҒАТГА ЕТИШ ДАВРИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

ПУБЕРТАТ ДАВРИ

Балоғатга етмаган ва балоғатга етган қиз болалардаги физиологик ҳолатни ўрганмасдан туриб, юзага келиши мумкин бўлган патологик ҳолларни билиш мумкин эмас.

Қиз болаларнинг балоғатга етиш даврини аниқлаш жараёнида кўплаб текширишлар ўtkазилган.

Маълумки, қиз боладаги физиологик ўзгаришлар катталарнидан анча фарқ қиласди. Айниқса, қиз бола балоғатга етганидан кейин унда шу даврга хос бўлган бир қатор ўзгаришлар кузатилади. Жинсий безларнинг фаоли- яти фаоллашади. Қиз болада соматик жиҳатдан ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Унинг организми, хусусан, жинсий аъзолари ва эндокрин системаси насл қолдириш қобилиятига тайёр бўлади.

МагзайП (1922) нинг айтишича, «Жинсий тараққиёт даврида қиз болада конституцияга хос бир қатор ўзгаришлар бўладиким, булар жинсни аниқ белгилаб беради, бу даврда иккиласми жинсий белгилар пайдо бўлиб, насл қолдириш аъзолари катталашади».

АздеП (1946) нинг фикрича, «жинсий етуклик — бу шундай даврки, бунда илк бор репродуктив фаолият, яъни жинсий хужайралар ажрала бошлайди».

Жинсий етукликтин чегараси ҳакида аниқ бир фикр йўқ.

М. А. Жуковский (1971) «Жинсий етуклик биринчи маротаба ҳайз кўришдан бошланади», деб талқин қиласди. М. Шаш ва бошқа муаллифлар (1967) «биринчи марта ҳайз кўриш, жинсий тараққиётнинг тугалланганлигидан дало- лат беради» деб ҳисоблайдилар.

Балоғатга етиш даврини икки ёки уч даврга бўлади- лар.

81иаг! (1946) балоғатга етишдан оддинги давр деб, бўйнинг ўсиши, жинсий аъзоларда туклар чиқишини белгиласалар, балоғатга етган давр деб, биринчи ҳайз кўриш (менархе), ўсмирлик даври, бўйни ўсиши тўхтаган даврни тушунадилар.

И. И. Богоров ва М. Н. Кузнецовалар балоғатта етиш даврини 2 га бўладилар. Балоғатта етиш ва унинг давом этиши ҳақида алоҳида фикр йўқ. Баъзи муаллифлар (8еске1, 1946, АУПктз, 1957) балоғатта етиш 8 ёшдан бошланади десалар, бошқалар (Йоуас, 1944, ва б.к.) 9 — 10 ёшни кўрсатадилар.

Аммо кўпчиликнинг фикрича, соғлом болаларда балоғатта етиш 9 ёшдан 16 ёшгача бўлиши мумкин экан.

Хозирги тушунчалар бўйича, балоғатта етиш соғлом қизларда 8 — 9 ёшдан бошланиб, 17 — 18 ёшларда тугайди. Биринчи босқич 8 — 9 ёшдан бошланиб, 13 — 14 ёшда, иккинчиси 13— 14 дан бошланиб, 17— 18 ёшда тугайди.

Балоғатта етиш давридаги ўзгаришлар 2 кўринишда бўлади:

- 1) Гипоталамус — гипофиз, гонадалар;
- 2) Жинсий безларнинг гормон ишлаб чиқариши.

Биринчи кўриниш маҳсус текшириш йўли билан аниқланса, иккинчиси иккиламчи жинсий белгилар орқали намоён бўлади. Шунга кўра, буни аниқ белгилаш мумкин бўлади. Иккиламчи жинсий фарқ даражаси жинсий гормонларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Кўп муаллифлар жинсий тараққиётни 3 даврга бўлади:

- 1) жинсий тараққиётдан олдинги давр;
- 2) жинсий тараққиёт даври (2 — 2,5 йил);
- 3) жинсий етуклик даври.

РКАБЕ жинсий тараққиёт давридаги ўзгаришларни қуидаги жадвалда акс эттиради. (2-жадвал).

Тез фурсатда қиз бола организмида, аввало жинсий аъзоларда ва қиз боланинг умумий кўринишида ўзга- ришлиар содир бўла бошлайди.

Муаллифлар (А. С. Заводова, 1962, Л. С. Беднякова, 1970) фикрича, қиз болаларда эстроген ажралиши 7 ёшгача секин бориб, кейин нарвонсимон ҳолатда бўлади,

11 — 13 ёшларда кўп ажрала бошлайди. Жинсий тараққиётнинг кейинги йилларида эса, соғлом аёлларникидек, циклик равишида кечади. Қиз болалардаги жараённинг аёлларнидан фарқи шуки, эстрогенлар секретор фазада кўп ажралиб, бу ҳол жинсий аъзоларда пролифератив жараённи оширади. Бу қиз боланинг жинсий аъзоларининг шаклланиши учун жуда зарурдир.

Андрогенларнинг ажралишини аниқлаш учун кўпинча сийдикдаги 17-ҚС текширилади.

2- жадвал

| Киз боланинг ёши | Соматик жиҳатдан ўзгаришлар | Гормонларнинг ишлаб чиқилиши |
|------------------|---|--|
| 8 ёшда | Инфантил ҳолатда | Жуда кам микдорда эстроген ва 17-кетостероидлар ишланиб чиқилади |
| 8—9 ёшда | Бачадон катталаша бошлайди | Эстроген ва 17-кетостероидлар ажралиши кўпая бошлайди |
| 10—11 ёшда | Бўй ўсиши кучаяди | Эстроген ва 17-кетостероидлар анча кўп ажрала бошлайди |
| 11 — 12 ёшда | Чапок аёлларникидек тарақкий эта бошлайди, кўкрак безининг ўсиши кучаяди | Сийдикда гонадотропин кузатилади |
| 13 ёшда | Қўлтиқ остида жунлар пайдо бўлиб, менархе бошланади. Ҳайз аполовлятор типида бўлади | |
| 14—15 ёшда | Бу ёшда ҳайз цикли фазали бўлади | 2 Сариқ тана фазасида сийдикда пропандиол топилади |
| 15— 16 ёшда | Хуснбузарлар чиқа бошлайди | |
| 16—17 ёшда | Эпифиз бекилиб, бола' ўсишдан тўхтайди | |

17-КС компонентлари: қон зардобида олtingугурт ачими билан бириккан ҳолда андростерон ва дегидроэпи- анд — росторон бўлади.

Чақалоқларда бу ҳолдаги адрогенлар концентрацияси жуда юқори бўлиб, тез фурсатда яна камайиб кетади. 5 — 7 ёшдан андрогенлар оша бориб жинсий тараққиёт даври- да катталардагидек бўлиб қолади.

И. И. Богоров (1966) нинг кўрсатишича, қиз болаларда андроген 10 ёшгача аста-секин кўпайиб боради: бир ёшлигида 1 — 3 мг, 12 — 13 ёшда 3 — 5 мг, 16 — 18 ёшида худди катталарникидек микдорда бўлади (текшириш усулига қараб 8—12 мг).

17-КСни балоғатга етишдан олдин фақат буйрак усти бези ишлаб чиқаради. Прогестерон балоғатга етиш даврида адроген ва эстрогенларга нисбатан кам аҳами- ятлидир. У сут безлари алвеолларида пролиферация жараёнининг кучайишини таъминлайди

12 ёшгача прогестерон ҳам ажралади Ҳай < кўрилгуни- ча сийдик билан қўшилиб 1 мгатрофида прсгпнлиол қам ажралиб чиқади. Биринчи ҳайздан кейин, унинг биринчи фазасида 2 мг гача ажралади.

Балогатга етган ёш қызларда прегнандиол катта ёшдаги аёллардагидек миқдорда ажралмайды.

Балогатга етиш даврида эстроген ва адрогенлар биргалашиб, тана скелетининг тараққий қилиши ва ўсишини таъминлайди. Бундан ташқари, ташки жинсий аъзолар тараққиёти, кўлтиқ остида ва ташки жинсий аъзоларда тукларнинг ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Яна сут безларининг катталashiши, бачадоннинг ўсиши, қин эпителийсининг етилиши, ёғ қатламларининг аёллардагига ўхшаб тақсимланишини ҳам таъминлайди.

Жинсий томондан етилиш даврида тухумдондан ажраладиган гормонлар асосий ўрин тутади.

Қиз бола чақалоқларда тухумдан пармага ўхшаш, узунлиги 10—16 мм, қалинлиги 1,5—2,5 мм, кенглиги 2—3 мм бўлади (Л. Е. Этинген, 1964 й.).

Қиз бола туғилган пайтида унинг тухумдонидан 100.000 дан то 400 000 тагача фолликуллар бўлади. Болалиқдаги физиологик атрофия ва атрезия туфайли, 14 ёшга етганида 10 500 тага яқин қолади (НиНтап, 1971).

Жинсий тараққиётнинг биринчи даврида овуляция рўй бермайди, фолликуллар тараққиётнинг турли даврида бўлади. Жинсий тараққиёт даврида бачадон ҳажми катталаша бориб, бўйни ва танасининг мувозанати ўзгаради. Янги туғилган чақалоқларда бачадон оғирлиги 1,88 г, узунлиги 35 мм, 2 ойлигига бачадон оғирлиги камайиб, 1,36 г, узунлиги 25 мм га етиб, 7 ёшлигига бачадон узунлиги 3,7 см, 9 ёшида 4 см, 11 ёшида 5,5 см бўлади (НиНтап, 1971).

Қиз бола 11 ёшга кирганидан кейин бачадонининг оғирлиги оша боради. 11—15 ёшларида 6,85 г га етади. Ёши катталашгани сари, бачадон ва танаси ҳамда бўйнининг мувозанати ҳам ўзгара бошлайди. Янги туғилган қызларда бачадон танаси 1 см бўлса, бўйни 2,5 см бўлади ва жинсий тараққиётнинг охирида бачадон бўйни танасининг 1/3 қисмини ташкил қиласди. Жинсий тараққи- ёт давомида бачадон тез ўсиб, унинг танаси ва бўйни оралиғида бурчак ҳосил бўлади. Бачадон узунлиги 8 см, оғирлиги 50 г ни ташкил қиласди. Болалиқда эндометрий- нинг қалинлиги деярли ўзгармайди Янги туғилган гўдакларда 0,6 мм бўлса, 70 ёшга кирганида 0,4 см бўлади.

Болалиқда қиннинг шиллиқ қавати юпқа ва қуруқ, девори чўзилмайдиган бўлади. 6—7 ёшда унингузунлиги 4,5—5 см бўлиб, жинсий тараққиёт даврида ўсиб, давр охирида 10,5—11,5 см га етади.

Дастлабки ҳайз кўришдан олдин қиннинг шиллиқ пардасида бурмалар кўпая боради, бачадон бўйни ва қинга кириш йўлидаги безларда секреция миқдори оша боради.

Жинсий тараққиёт даврида кольпоцитограмма ўзга- риб, қин шиллиқ қаватининг эпителийсида шохланиш жараёни бошланади. Бу конда эстроген гормонининг овуляцияядан олдин

күпайғанлигидан дарак беради.

Овуляция жараёни рўй берганидан кейин, прогестерон миқдоринингошганлиги сабабли, эстроген эпителийларда- ги шохланиш жараёнининг турғунлигини бошқара олмай қолади.

Юқорида қайд этилган ўзгаришлардан бир оз вақт ўтгач, организмда соматик ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Чаноқ суяги кенгайиб, 8—10 ёшларда тери остига аёлларга хос аломат — ёғ қатлами тўпланади, қиз боланинг овози анча ўзгариб, иккиламчи жинсий белгилар тараққий қила бошлайди. Сут безлари катталашади, қов соҳасида туклар пайдо бўлади, кейинроқ қўлтиқ остига ҳам чиқа бошлайди, ана шу даврда биринчи ҳайз (менархе) кўрилади. Ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда сочнинг ўсиши олдинроқ бошланади. Қов соҳасидаги жун қиз болаларда горизонтал (кўндаланг, ўғил болаларда вертикал — тик) ўсган бўлади.

Она қорнидаги ҳомила ҳомиладорликнинг охирги даврида анча тезроқ ўсади. Қейинчалик секинлашади ва жинсий тараққиёт ривожланиши олдидан яна тез ўсади.

XIX аср охирларидан маълумки, ҳайз кўришдан 2—3 йил олдин қизларда бўйнинг ўсиши тезлашади. Балоғатга етишдан олдинги бўй ўсиши СТГ ва бўқоқ безининг гормонига боғлиқ бўлади. Эстрогенлар су- якларнинг етилишини, адрогенлар эса, тана скелетининг ўсишини таъминлайди.

Тана скелетининг ўсиши ўсиш потенциалининг йўқолишига боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида эпифизнинг бекилиши ёки суякка айланишига боғлиқ бўлади. Бу жараён қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан эрта бошланади (2 йилча илгари).

Вақтидан олдинроқ балоғатга етганларда скелет ўсишдан тез тўхтайди, гипогонадизм анча узоққа чўзила-ди. Биринчи ҳайз бошланниши билан ўсиш мароми сустлашади.

Хайз кўришнинг қачон бошланганлигини панжа суягини рентген тасвири орқали ҳам билши мумкин (СгепНсъ, 1954).

Айрим муаллифларнинг фикрича, кўлиинг бош бар- мояда синостоз кўринса, бу ҳайз бошланганлигини билдирап экан. Биринчи ҳайз кўриш асосан 12—14 ёшда бошланади. Маълум назарияга қараганда, иссиқ минтақада яшовчиларда ҳайз кўриш жараёни совуқ минтақадаги-дан олдинроқ бошланар экан. Бундан ташқари, биринчи ҳайз қанчалик тез, эрта бошланса, климакс жараёни ҳам шунчалик эрта бошланади, деган фикр бор.

Олинган маълумотларга қараганда қиз бола илк бор ҳайз кўра бошлаганида, у балоғатга етди деб хисобланса ҳам, бу камолга етди деган сўз эмас. Қиз бола қачонки, турмушга чиқиб. ҳомиладор бўлиб, соғлом фарзанд кўра олишга қодир бўлгандағина, у камолга етган аёл бўла олади. Бу давр 17—18 ёшларга тўғри келади.

В. И. Бодяжина ва бошқалар (1971—74 й.) жинсий етуклик

гипоталамуснинг нейросекретор фаоллиги ва морфологик жиҳатдан етилганлигига боғлик, деб ҳисоб- лайдилар.

Н. А. Борисова (1970) ва бошқаларнинг фикрича, жинсий ажралиш гонадотроп гормонининг ажралишига қараб аниқланади. Муаллиф томонидан олиб борилган тажрибада, гипофизнинг олдинги бўллагини бир жинсга ўтказиб, гипофизи олинган иккинчи жинсга ҳам ўтказиб кўрилганида, жинсий ажралиш гипофизга эмас, балки гипоталамусга боғлик эканлиги тасдиқланди. Одамда гипоталамуснинг дифференцирланиши у бир ёшлигига ёк бошланади. ФСГ ва ЛГ гормонлари 7 — 8 ёшларда бирмунча кўп ажралишини кўпчилик олимлар ўз тажриба- ларида тасдиқладилар.

Бир қатор физиологларнинг олиб борган кузатишлари- дан маълум бўлишича, қиз бола организми учун, у туғилга- нидан кейинги давр жуда муҳим ҳисобланар экан, чунки унинг келажакда қандай аёл бўлиб вояга етишиши шу даврдан бошланади.

ҚИЗ БОЛАНИНГ АСАБ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Қиз бола балоғатга етган даврида ўзининг қайси жинсга мансублигини яхши тасаввур қиласи. Шунга кўра, унинг хулқатворида ҳам бир қатор ўзгаришлар кузатила- ди. Үнда даставвал бошқа жинсга қизиқиш уйғонади, ўзига оро бера бошлайди, чиройли кўринишга харакат қиласи.

СОМАТИК ЎЗГАРИШЛАР

Бўйнинг ўсиши тезлашади, жинсий тараққиётнинг охири ёки жинсий етуклик даврида бўй ўсиши тўхтайди. Чунки эпифиздаги тоғайлар сувакка айланиб, бўйнинг ўсишини тўхтатади. Кўп олимларнинг фикрича, жинсий тараққиёт қанча тез ниҳоясига етса, қиз бола шунчалик тез ўсишдан тўхтайди.

Агар болалик даврида бўйнинг ўсишини фақат марказий асаб тизими бошқарса, жинсий тараққиёт даврида эса, тухумдан ва буйрак усти бези қобиғи ҳам иштирок этади. Шунинг учун бу даврни кўпчилик «бўйнинг стероид типидаги ўсиши» деб таърифлайди.

Хозирги акселерация даврида, бўйнинг ўсиши жинсий тараққиёт даврининг бошиданоқ тезлашганлиги сабабли, бўйи узун қизлар кўпайган.

Жинсий тараққиётнинг бошлангич даврида қўл ва оёқлар танага нисбатан тез ўсади. Шунга кўра қиз болалар бу даврда анча кўримсиз, гўё евнухOID кўри- нишда бўладилар. Жинсий тараққиёт қанча узоқ давом этса, бу ҳолат ҳам шунча узоқ давом этади.

Қиз болаларнинг чаноги ўғил болаларнига нисбатан анча кенг бўлиб, аёллар чаногининг типик ҳолатига киради.

Уларнинг мускулларини тарақкӣ этиши ҳам ўзига хос бўлади (ўғил болаларда асосан елка мускули ривожланган бўлади). Мой қатламларининг жойлашуви ҳам шундай бўлади. Уларда мой қов, думба ҳамда елка соҳаларида кўпроқ бўлади.

ЭНДОКРИН БЕЗЛАРНИНГ БАЛОҒАТГА ЕТИШ ДАВРИДАГИ ХУССИЯТЛАРИ ВА ШУ ТИЗИМДА УЧРАЙДИГАН НУҚСОНЛАР

Маълумки, эндокрин безлар киз боланинг нормал тарақкӣти ва организмининг умумий фаолиятида катта аҳамият касб этади. Шу безлардан ажраладиган гормон-лар қон оркали организмнинг ҳамма қисмига тарқалади. Гормонлар катализатор вазифасини ўтаб, тўқима хужай-ралари фаолиятини йўлга солади. Шунингдек баъзан, уларнинг фаоллигини камайтиради. Яна шуни ҳам назарда тутиш лозимки, гормонлар бутун организм бўйлаб тарқалиб, бирбр гормон ўз таъсирини бошқа бир гормонга ўтказиши ҳам мумкин. Шунга кўра, эндокрин система фаолиятида маълум даражада мувозанат бўлса, бунда у организмининг нормал тарақкӣтини таъминлайди. Бу мувозанатнинг бузилиши организмда патологик ҳолатни вужудга келтириши мумкин.

Киз бола скелети тарақкӣтида: гипофиз, бўқоҳ бези, бўқоқ ости бези, жинсий безлар ва буйрак усти безлари фаолиятининг аҳамияти катта Қўйидя ана шу безлар фаолияти устида фикр юритами.ч

ГИПОФИЗ

Гипофиздан ажраладиган гормонлардан 4 таси организм тарақкӣтида ва суюклар ўсишида жиддий ўрин тутади. Булардан:

- 1 Ўсиш гормони (соматотроп гормон — СТГ).
- 2 Гонадотроп гормон (фолликулни стимуллайдиган ФСГ, лютеинлайдиган ЛГ гормонлар).
- 3 Тиреотроп гормони (ТТГ).
- 4 Адренокортикотроп гормон (АКТГ).

Тухумдондан фақат жинсий хужайраларгина етишиб чиқмай, балки у эндокрин бези сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Тухумдон эндокрин системаси фаолиятини асосан фолликулаларнинг эпителиал хужайралари бажа-риб, дастлабки гормон — эстроген гормонидир.

Гипофиз ажратадиган ўсиш гормони билан жинсий безлар ажратадиган гормонлар ўртасида қўйидагича алоқа бор. Гипофиз ажратадиган гонадотроп гормон базофил хужайралар томонидан ажратилади, бу асосан жинсий безларнинг нормал тарақкӣ этиши ва фаолиятини таъминлайди. Эстрогенлар суюкларнинг шаклланиш ва оҳак ўтириб қолиш жараёнини

кучайтиради.

ГИПОГОНАДИЗМ

Бичилганды (жинсий без олиб ташланганида ёки бирор бир таъсир натижасида унинг фаолиятига путур етганида) сүяклар тараққиёти ва эпифизар тогайдаги пролиферация жараёни узоққа чўзилади. Натижада, тана скелети улкан ҳолатда бўлиб, чаноқ суяги инфантиллигича қолади.

ГИПЕРГОНАДИЗМ

Жинсий безларнинг тез тараққий этиши ҳам бўйнинг ўсишига таъсир қиласи. Жинсий жиҳатдан муддатидан олдин етилиши, қиз бола тараққиётининг дастлабки ой ёки йиллари давомида жинсий без секрециясининг кўп ажралишида, буйрак усти пўстлоғининг гиперплазиясида ёки ғуддасимон без ўсмасида кузатилади.

Гипергонадизмда боланинг тана скелети ўсиши тезлашиб, бу унинг бўйининг тез ўсишига ҳам сабаб бўлади. 5 ёшли қиз боланинг бўйи 140 см га етади, сүякланиши 5 ёшли болага хос бўлади. Аммо бўйнинг тез ўсишига қарамай балоғатга етганларида улар унчалик баланд бўйли бўлмайдилар, чунки уларда эпифизларнинг бирикиши тезлашган бўлади.

ПРОГЕСТЕРОН

У эстрогеннинг антагонисти бўлиб, бунинг гувоҳи сифатида ҳомиладорликда аёлларнинг сүяк системалари- да бўладиган ўзгаришларни келтириш мумкин бўлади. Баъзи ҳолларда ёш ҳомиладор аёлларнинг бу даврда бўйлари бирмунча ўсганлиги кузатилади. Бу ҳолат эпифиз тогайнинг ҳали сақланиб турганидан дарак беради.

БЎҚОҚ ОСТИ БЕЗИ

Бу безнинг физиологик фаолияти шундан иборатки, тўғридан-тўғри улар иштирокида марказий асад тизими- нинг кальций ва фосфор алмашинуви мувозанати таъ- минланади.

БУЙРАК УСТИ БЕЗИ

Қиз болаларда жинсий тараққиёт даврида бўйнинг бирданига ўсиб кетиши буйрак усти бези ажратган андроген гормони таъсирида юз беради.

Қиз боланинг тараққиёт жараёнини уч даврга бўлиш мумкин:

1) ФСГ ва ЛГ синтезининг гипоталамусни нейросекре- тор ҳолатининг маълум даражада етилганлиги натижаси- да кўпайиши. Аммо ҳар икки гонадотроп гормон экскреци- яси

ациклик характерда бўлиб, ҳар 5 — 7 кунда айрим- айрим ҳолатда ажralиши билан характерланади.

Бу даврда оз миқдорда тухумдондан ажralган эстро- генлар ўсиш жараёнини тезлаштиради. Митотик бўли- нишнинг кучли стимулятори кузатилади.

Бу даврнинг ёш чегараси 7 — 9 ёш;

2) ҳар иккала гонадотроп гормонининг маълум циклик характерда ажralиши, ФСГ нинг ЛГ дан кўра кўпроқ ажralиши.

Бу даврда эстроген гормони жинсий аъзолар ва иккиламчи жинсий белгилар тараққиётини, скелет ва мускуллар тараққиётини, мой қатламининг организмда тақсимланишини таъминлайди. Бу давр биринчи марта ҳайз кўриш, менархе билан тугалланади Бу даврнинг ёш чегараси 11 — 13 ёш.

3) бу даврда гонадотроп гормонларининг циклик ўзгаришлари вужудга келади. ЛГ гормонининг II кўтари- лиши кузатилиб, унинг ажralиш чегараси ошади. Ту- хумдоннинг эстроген ва гонадотроп функцияси ва гипота- ламик нейрон секретор тизимининг фаолияти гурғунла-шиб, бирикиб қолади. Бу давр 16—17 ёшга тўғри келади

МЕНАРХЕНИНГ КЕЧИШИ

Менархенинг бошланиши қиз боланинг умумий ахво- лига, соглиғига, шунингдек оиласи шароитга ва иқлимга боғлиқдир.

Баъзи олимларнинг фикрича, менархе совук иқлим шароитида кеч (15 — 16 ёш), иссиқ иқлим шароитида эса эрта (13 — 14 ёш) бошланар экан. Яна, шаҳарда яшовчи қизларда менархе қишлоқда яшовчи қизлардан кўра эртароқ бошланади, деган фикр ҳам бор. Асабий омиллар, очлик, жинсий аъзоларга боғлиқ бўлмаган турли ка- салликларда ҳам менархе кеч бошланади.

Менархе бошланган қиз болада ҳомиладор бўлишлик қобилияти вужудга келади, деб ўйлаш хато бўлади. Чунки менархе бошлангани билан ҳайз узоқ вақт давомида овулациясиз кечади. Шу сабабли ҳомиладорлик ҳам рўй бермайди. Бу жараён бир неча ойдан ҳатто бир неча йилгacha чўзилиши мумкин.

Менархенинг бошланишида баъзан ирқий омил ҳам маълум ўрин тутади.

Менархе кечикиб бошланган қизларда кўп ҳолларда ҳайз циклининг бузилиш ҳолатлари кузатилади.

VIII БОБ

КИЗ БОЛАЛАРНИ ГИНЕКОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Қиз болаларда учрайдиган гинекологик касалликлар- ни даволаш омилларини түгри уюштириш, касалликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Қиз болаларда учрайдиган гинекологик касалликлар орасида биринчи ўринни ташқи жинсий аъзолар ва қиндаги яллиғланиш жараёни (70 %) эгаллади. Иккинчи ўринда ҳайз циклининг турли ўзгариши (23 %), учинчи ўринни жинсий тараққиётнинг бузилиши (1,2 %), тўртин- чи ўринда жинсий аъзолардаги ўсмалар (1 %), бешинчи ўринда жинсий аъзолар тараққиётидаги аномалиялар туради. Бошқа турдаги (дисменорея, синехия, ташқи жинсий аъзолардаги лейкоплакия, кондиломалар) ка- салликлар 0,8 % ни ташкил қилади.

Қейинги вақтда қиз болаларда учрайдиган гинеколо- гик касалликларни даволаш ва профилактика қилиш усуллари уч босқичда олиб бориляпти:

1- босқич — болалар боғчалари, мактабларда, интернатлар, ўрта билим юртлари ва болалар санаторийларида.

Бундан асосий мақсад — санитария маорифи ишлари ни кенг миқёсда олиб бориш.

Ота-оналар, ўқитувчилар орасида қизлардаги касалликни ўз вақтида аниқлаш учун уларни врач кўригидан ўтказиб туриш кераклиги тўғрисидаги ташвиқот ишларини олиб бориш;

2- босқич — болалар поликлиникаларидаги гинекология кабинетларида қизларни ҳар томонлама текширувдан ўтказиш. Бундан асосий мақсад — болаларни поликлини шароитида даволаш ва муолажадан кейин ҳам уларни мунтазам равишда кўриқдан ўтказиб туриш;

3- босқич — муолажани маҳсус ажратилган гинекологик стационарларда ва улардаги консультатив хоналарда олиб бориш. Бундан асосий мақсад — касалликларга стационар шароитида ташхис қўйиш, даволаш, тумандаги болаларга гинекологик хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг ишларини назорат қилиб туриш, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий-текшириш ишларини олиб бориш, ташкилий ва услубий ишларни уюштириш.

Қиз болаларни гинекологик текшириш маҳсус усуллар бўйича олиб борилади. Бундан асосий мақсад — қиз боланинг ёшига қараб, рўй берадиган физиологик ва патологик ҳолатларни ўрганиш (қиз бола туғилганидан бошлаб то 16 ёшга киргунига қадар). Гинекологик текширишлардан асосий мақсад, олинган маълумотлар асосида аниқташхис қўйиш. Қиз болалардаги гинекологик касалликларни аниқлаш учун текшириш умумий ва маҳсус усулда олиб борилади.

КИЗ БОЛАЛАРНИ УМУМИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛИ

Дастлаб онадан олинган маълумотлар билан танишиб чиқиш: она ҳомиладор бўлишидан олдин ва шу қизига ҳомиладор бўлганидан кейин қанақа касалликларни бошидан кечирган, ҳомиладорлик ва туғруқ қандай ўтганлиги, боланинг туғилган вақтидаги вазни, шу жараёндаги патологик ҳолати, она сути етарли бўлганми ёки бола сунъий равишда овқатлантирилганми, у қандай нуқсонлар билан туғилган, балоғат давригача қанақа касалликлар билан оғриган, менархе бошланганми ёки йўқми, ана шулар дикқат билан ўрганилади

Яна, қиз боланинг кун тартиби, овқатланиш режими, яхши кўрган машғулотлари, ўз тенгдошлари билан қандай муомалада бўлиши, ота-онаси билан муносабати ва оиласдаги мухит кабилар орқали ундяги патологик ҳолат сабабларини аниқлашимиз мумкин

Онадан керакли маълумотлар олиб Оўлганимиздан кейин, қиз боланинг касаллигидан шикояти, касалликнинг бошланиши, қаери оғриётгани, оғриқнинг характеристи (кучлими, унчалик кучли эмасми, оғриқнинг қанча вақт давом этиши), атрофга тарқалиши (корин бўшлиғигами, пастгами, тўғри ичак соҳасигами ва х.к.лар), тана ҳарорати, уйқуси, иштаҳаси, кайфияти сўралади. Албатта, шу ёшгача юқумли касалликлар билан оғриганми-йўқми, буни ҳам билиш керак бўлади.

Врач киздан, юқумли касалликларга чалинган бе-морлар билан (сил, сўзак, ўтқир юқумли касалликлар, бўғма, қизамиқ, скарлатина) мулокотда бўлганми-йўқми, сўраб билиши шарт. Олинган мульумотлар орқали ундаги гинекологик касалликларни аниқлаш мумкин қадар осон кечади.

Киз болаларни текшириш, уларнинг умумий тана тузилишини кўздан кечиришдан бошланади. Томир уриши, тана ҳарорати, артериал қон босими, ўзининг умумий аҳволи, тана тузилиши шаклининг хусусиятлари, жисмо-ний этилиши, тараққиётидаги нуқсонлар, тери сатҳининг ҳолати, тил ва оғиз шиллиқ пардасининг қўриниши ҳамда иккиласмичи жинсий белгилар, шу белгиларнинг унинг ҳозирги ҳолатига тўғри келиш-келмаслиги аниқланади, сўнг нафас олиш, қон айланиш, жигар ва сийдик чиқариш, овқат ҳазм қилиш аъзоларига ўтилади.

КИЗ БОЛАЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН ГИНЕКОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Еш ва балоғатга етган қизларни гинекологик текширишнинг ўзига хос усуллари бор, улар бир-биридан фарқ қиласди.

Киз бола ёш бўлса, уни чалқанча ётқизилиб, тizzаси бўғимидан букилади (оёғи корин деворига яқинлаштири-лади).

Балоғатга етган ёки этиш арафасида бўлган қизлар эса тизза

ва сон бўғимларини буқадилар, бунда оёқлари қорин деворига яқинлашади. Бундай ётқизилганда, қин анча калталалиши, бачадонни бироз олдинга суради, бундай текшириш анча қулай бўлади.

Текшириш бошланишидан олдин тўғри ичак ва қовук бўшатилиши лозим. Текшириш қуйидагича олиб борилади қиз боланинг умумий аҳволи, териси ва кўзга кўринадиган шиллиқ пардаларининг ранги, кўкрак безининг ҳолати (бу балоғатга етиш даврида бўлганларга тааллуклидир), қорин девори ва унинг нафас олишда иштироки, кўпчиғанми ёки йўқлиги аниқланади. Пайпаслаш орқали жигар, қора талоқ, йўғон ичак ва ошқозон, кўр ичак ҳолатини ҳам аниқлаш зарур. Ҳозирги давр талабига кўра врач ҳар томонлама етук мутахассис бўлиши даркор. У ички аъзоларнинг патологик ҳолатини жуда аниқ билиши лозим (пайпаслаб, тукиллатиб кўриш орқали ва х.к.). Қорин бўшлиғидаги аъзоларнинг ҳолати текшириб бўлин- гач, қов юзасининг ҳолати, ундаги ёғ қатлами (маълумки, балоғатга етиш даврида қовда ёғ қатлами ҳам оша боради, бу ҳол гормонал жараённинг таъсиридан, деб талқин қилинади), соchlар ва ниҳоят ташқи жинсий аъзолар, хусусан, катта ва кичик лабларнинг қанчалик ривожланганлиги, сийдик чиқариш йўли тешигининг ҳолати аниқланади (қизиллик, яра, жароҳат, доғлар ва б.қ.ларга эътибор берилади). Қейин қизлик пардаси ва қин олди даҳлизи кўздан кечирилади. Қин даҳлизидаги безлар, уларнинг секрет чиқариш тешикларининг ҳолати, парау- ретрал йўлларни ҳам кўздан кечириш лозим бўлади. Бундан ташқари, без йўллари ва сийдик чиқариш йўлларининг тешиги, парауретрал йўллар, қин ва тўғ- ри ичакдан суртма олиш керак бўлади. Суртма. олиш учун турли асбоблар қўлланилади. Булардан болалар учун маҳсус ойнадан ишланган катетер, томизғич, най- чалар, уни думалоқ зонд, турли катталиқдаги қошиқча- лар, агар улар бўлмаса, стерилланган, ёғочдан ишланган таёқчаларга паҳта ўраб, шулар ёрдамида суртма олинади. Суртма олиш усуслари ҳам турличадир: шу тек- шириладиган юзага бир оз тегизилиб ёки қириб олина- ди. Қин чиқиндисини эса пипетка ёки ноксимон баллон ёрдамида олинади. Олинган суртма буюм ойнасига сур- тилади ва унга жинсий аъзонинг қайси қисмидан олин- ганлиги ёзиб қўйилади, сўнgra қуритилади. Қуритил- гач, суртма тўғри сақланса, узок вақт туриши мум- қин.

Қиз болаларда қин орқали текшириш усули қўлланил- майди.

Мабодо тўғри ичак ёки қинда шиш бор деб тахмин қилинса, бунда жуда эҳтиётлик билан жимжилоқни қин- га, бошқа бармоқни тўғри ичакка тиқиб, текширилади (албатта, бу хилдаги текшириш балоғат ёшида қўлланил- гани мақсадга мувофиқдир) (12-расм).

Қиз болаларнинг ички жинсий аъзоларининг ҳо- латини билиш учун тўғри ичак орқали текширилади. Агар қин орқали текшириш зарур бўлиб қолса, унда бу унинг отонаси руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Текшириш пайтида қизнинг онаси па яма бирорта киши

қатнашиши лозим. Акс ҳолда врач, ҳатто жавоб- гарликка тортилиши ҳам мумкин.

Қин ва бачадон бўйни- ни текширишда маҳсус, болалар учун ишлатила- диган қин ойнаси ёки уретроскопдан фойдалани- лади.

Қичик ёшдаги қизлар- ни (3—4 ёш) кўришда (тўғри ичак, қорин девори орқали) наркоздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ- дир. Бунда қорин девори ва чот ораси бироз бўша- шиб, кўриш осон бўлади.

Текширишни қиз бола- нинг индивидуал ҳолати керак.

Юқорида келтирилган қатор усууллар ҳам боркинига ёшига қараб белгилаш енгиллаштиради.



12- расм. Тўғри ичакни абдоминал текшириш.

усууллардан ташқари, яна бир ,

ҚЎШИМЧА, МАҲСУС ТЕКШИРИШ УСУУЛЛАРИ

Вагиноскопия. Турли ёритувчи асбоблар ёрдамида қин ва бачадон бўйнининг қин қисмини кўздан кечириш усулига вагиноскопия дейилади.

Баъзан қулоқ ва бурунни кўрадиган асбобларни ҳам ишлатиб, бу ойналар орқали керакли натижага эриша олинмаган.

Шунинг учун бундай ойналар клиникада кўп ишлатилмайди. Уретроскоп (сийдик йўли текшириллади) ёрдамида текширишда анча ижобий натижа олинди. У қулай, оддий асбоб бўлгани учун, унинг ёрдамида текшириш осон кечади. Кўпроқ Валентина уретроскопи шакллари ишлатилади. Эндоскопияда ишлатиладиган асбобларни эҳтиёт-лик билан ишлатиш керак, акс ҳолда қиз боланинг жин- сий аъзоларига шикаст етиши мумкин.

Вагинография. Бунда қин рентген нури ёрдамида кўздан кечириллади. Балоғатга етиш даврида, хайз кўрилмасдан олдинроқ, қинда бирор нуқсон ёки қиннинг торай- ганлигига шубҳа туғилса, вагинографиядан фойдаланиш мумкин. Бу усул қуйидаги: новокайнинг 0,25% ли эрит-

маси қызлик пардасигү ёки шу соҳадаги чандиқ тўқимага укол орқали юборилади. Укол учун йўғонлиги 1,5—2 мм, узунлиги 10 см (мандренли) бўлган нинадан фойдаланилади. Укол қилинганида мандрен нина ичидан бўлиши ло-зим. Чунки мандрен нина ичига ёғ тўқимаси ёки қон қуй- қаси тушиб қолишидан сақлайди. Нина орқали сувда эрий- диган 20—50 мл контраст эритмадан юборилади (бунда қиннинг катта-кичиклигига қаралади), контраст модда қинга ҳеч қандай тўсиқсиз, осон кириши керак. Бу мақсад- да шприц орқали босимни ошириш ярамайди. Мабодо контраст моддани киритишда қийинчилик туғилса, бу нина учи қин бўшлиғида эмаслигидан ёки қин бўшлиғининг кичикилигидан дарак беради.

Вагинографияни эритма қуйилган заҳоти амалга ошириш лозим. Албатта, бундан олдин қовуқ ва тўғри ичак бўшатилади.



13- расм. Бачадон зонди.


Зонд ёрдамида текшириш. Бу усул қиз болаларни текширишда ишлатилади (13-расм.). Бунда қиннинг ҳола-ти аниқланади. Баъзан тўғри ичак ва қин орқали текши-ришда ҳам зонд ишлатилади. Бундай усул ёрдамида қинга кириб қолган ёт жисмлар (тугмача, чўп ва б.к.)ни аниқлаш ва уларни олиб ташлаш амалиёти бажарилади. (14-расм). Қин тўсиқли бўлганида, қызлик пардаси берк бўлганида (қинга қон тўлган бўлади) нина ишла-тилади.

КОЛЬПОЦИТОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Бу усул болалар гинекологияси амалиётида кенг қўлланилади. Бу йўл билан тухумдоннинг гормонал фаолияти аниқланиб, агар лозим бўлса, онкоцитологик текширишда ҳам қўлланилади.

Тухумдон фаолиятини аниқлаш учун суртмани қин-нинг ён гумбазларидан, онкоцитологик текширув учун эса, бачадон бўйинининг ташқи тешиги ва қиннинг орқа гумбазидан олинади.

Аспирация (сўриб олиш) усули ҳам қўлланилади. Кейинги вақтларда бачадон бўшлиғида питологик текши-



14- расм. Зондни бачадонга кирғизиш.


рув ўтказиш мақсадида аспирациядан фойдаланилмоқда. Қыз болаларнинг бачадон бўйни каналини аспирация қилиш учун Браун шприцидан фойдаланиш анча қулайлик туғдиради.

ФУНКЦИОНАЛ ДИАГНОСТИКА УСУЛИ


Бу усулга базал ҳароратни ўлчаш ва колъпоцитологик текшириш усуллари тааллуклидир. Ундан болалар гинекологияси амалиётида кенг фойдаланилади. Бу усул ёрда- мида ҳайз циклининг фазалари аниқланади.

Функционал текшириш усуллари қуйидагича амалга оширилади:

1) **базал ҳароратни ўлчаш.** Бу усулдан фойдаланиш- га тўғри ичак, қин, оғиз ҳароратини ўлчаш ишлари кира- ди. У ҳайз циклини тартибга солувчи марказнинг гипер- термик таъсирига асосланган. Бунинг учун қиз бола эрта- лаб, ўрнида ётган ҳолида, ҳар куни маълум бир соатда, битта (алмаштирилмаган) термометрни тўғри ичагига 5—10 дақиқа мобайнида солиб қўяди ва натижани ҳар куни ёзиб боради. Бир неча ой давомида олинган натижага графикка туширилиб, ўшанга қараб эстроген ва прогестерон мувозанати, яна овуляция бор-йўқлигини аниқлаш мумкин бўлади (15—16-расмлар). Агар эстроген ва про-



15- расм. Хайз цикли кунлари. Тўғри ичакнинг нормал ҳайз циклида эрталабки харорати (базал харорат). Овулятор цикл.



16- расм. Хайз цикли кунлари. Тўғри ичакнинг ҳайз циклидаги эрталабки харорати. Ановуля- тор цикл.

гестерон мувозанати нормада бўлиб, овуляция бўлган- лиги аникланса, графикни баҳолашда (интерпретация) 2 фаза кузатилади. Яъни, биринчи фаза — гипотермия фазаси бўлиб, олинган харорат натижаси 37° гача, овуля- ция бўлганидан кейин эса, гипертермия фазаси, яъни ҳаро- рат натижаси $37,0—37,4^{\circ}$ гача кўтарилиди. Бу маълумот, овуляция бўлиб, сариқ тана тараққиёти натижасида про- гестерон етарли даражада ажralаётганлигидан далолат беради ва прогестерон фазасида шу харорат кузатилади.

«КЎЗ КОРАЧИГИ» ФЕНОМЕНИ

Бу усул ёрдамида эстроген гормонининг концентра- ция ҳолати аникланади.

Ҳайз циклининг фолликуляр фазасида бачадон бўйни каналидаги безлар кўп микдорда шиллик лжратади, эстроген- фолликулин гормонининг концентрацияси ошган сари уларнинг микдори ҳам ошиб боради.

Овуляция даврига келиб секрет жуда кўпаяди. Секрет ошгани сари бачадон бўйнининг ташқи тешиги кенгая боради, ниҳоят унинг кенглиги $0,25—0,3$ см га етади, шакли ёриққа ўхшаб кетади, лекин бўйин шакли сақланиб қолади (овуляция

вақтида бўйин шакли думалоқ бўлади).

Қин ойналари ёрдамида бачадон бўйин канали кўздан кечирилганда, ҳайз циклининг 8—9 куни унинг тешигидан кўз корачиғига ўхшаб кетадиган ҳолат кузатилади. Бачадон бўйин каналида ойнасимон тиник шиллик бўлади. Лекин бачадон ичи қоронги бўлгандиги учун, у ҳам қорамтириб бўлиб кўринади. Шу сабабли у кўз корачиғига ўхшайди.

Маълумки, эстроген бачадон бўйнидан ажralадиган шилликни суюлтиради, прогестерон эса уни қуюқлаштира-ди ва камайтиради.

Кўз корачиғи феноменининг ҳолати қуидагича белгиланади:

- а) агар (—) бўлса (манфий), аниқ эмас;
- б) агар (+) бўлса (мусбат), бироз аниқ;
- в) агар (++) бўлса, унда бачадон бўйни каналининг ташқи тешиги 0,2 см га очик, қисман аниқ;
- г) агар (+++) бўлса, бачадон бўйин каналининг ташқи тешиги 0,3 мм очик бўлади, шиллик кўп, эстроген гормони етарли ҳисобланади.

ШИЛЛИҚНИНГ КРИСТАЛЛГА АЙЛANIШ БЕЛГИСИ (АРБОРИЗАЦИЯ)

Бачадон бўйни каналидан ажralадиган шиллик таркибида натрий хлор бўлгани сабабли, уни олиб, хона ҳароратида қуритилса, кристаллга айланади. Буни исбот-лаш учун, шу шилликдан 2—3 томчисини буюм ойнасига суртиб, унга 1 томчи физиологик эритма томизилади ва хона ҳароратида 10—15 дақиқа давомида қуритилади. Ҳайз циклининг 5—7 кунида унда кристаллизация белгиси кўринади, бу овуляция вақтида айниқса кўзга ташланади. Бу вақтда қуриган шиллик худди папоротник барги шаклини эслатади. Сариқ тана авж ола бошлиши билан кристаллга айланиш камая боради. Унинг ҳарактери ўзгариб, барг элементлари радиал ҳолатда бўлиб, кўшув (крест) аломатига ўхшаб кетади, уларнинг чети жуда аниқ билинмайди. Ҳайздан бир неча кун олдин кристаллизация йўқолади. Бу белги ҳам қуидагича баҳоланади:

- а) (—) эстроген кам, кристаллизация йўқ, шиллик аморф ҳолатида, хужайра элементлари эса тўпланган ҳолатда бўлади;
- б) (+) эстроген оз микдорда бўлади, кристаллизация унча аниқ бўлмайди, айрим шохчалар ёки кристаллар кўринади;
- в) (++) эстроген қисман бор, папоротникнинг аниқ шакли ҳам бор, шакли юпқа;
- г) (-|-|-) эстроген максимал ҳолатда, кристаллар йирик, туркум-туркум бўлиб жойлашган, папоротник шакли аниқ,

унинг шохлари қалин ва улар 80° ҳосил қилиб ёйилган ҳолатда жойлашган.

БАЧАДОН БҮЙИН КАНАЛИ ШИЛЛИГИНИНГ ЧҮЗИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Бунинг учун узун пинцет ёрдамида бачадон бүйини каналининг шиллиғи олиниб, уни чўзиб кўрилади. Унинг максимал чўзилиш даражаси овуляция вақтига тўғри келади. Бу ҳам қуйидагича белгиланади:

- a) (+) — шиллиқ 6 см гача чўзилади, бироз эстроген бор;
- б) (Н—|-) — шиллиқ 8—10 см гача чўзилади, қисман эстроген бор;
- в) (++) — шиллиқ 10—15 см гача чўзилади, эстроген максимал концентрацияда. Бу юқорида келти- рилган усуллар: «кўз қорачиғи» феномени, шиллиқнинг кристаллга айланиш белгиси қиз болаларда қўлла- нилмайди.

ҚИН ЧИҚИНДИСИНИ ЦИТОЛОГИК УСУЛДА ТЕКШИРИШ (КОЛЬПОЦИТОЛОГИЯ)


Халқаро Гинекология Академияси 1950 йилда қин шиллиқ қаватида 4 хил ҳужайра борлигини ва уларнинг миқдорига қараб гормонал ҳолатини аниқлади.

- а) юзаки ҳужайралар;
- б) оралиқ ҳужайралар;
- в) атрофик ҳужайралар;
- г) парабазал ҳужайралар.


1938 йили 8-ағап 4 реакция ёрдамида гормонал ҳолатни белгилаш мумкин эканлигини аниқлади.

1-реакция — атрофик ҳужайралар ва лейкоцитлар, эстроген етишмайди (17-расм).

П-реакция — базал қаватнинг атрофик ҳужайралари кўп бўлмаган ҳолда бироз оралиқ ҳужайралар. лейко- цитлар ва эстроген бор (18-расм).



17-расм. Қин суртмаси, 1-реакция.



18- расм. Қин суртмаси. 2-реакция.

3-реакция — турли шаклда ва катталиқдаги оралиқ хужайралар бор, хужайраларнинг түп-түп ҳолати — қисман эстроген етишмайды (19-расм).



19- расм. Қин суртмаси 3-реакция.



20- расм. Қин суртмаси, 4-реакция.

4-реакция — шохланыётган ёки шохланган хужайралар. Лейкоцитлар ва базал хужайралар йўқ, озгина оралиқ хужайралар бор, эстроген гормони етарли. (20- расм).

Шохланган хужайралар анча юза жойлашган, суст бўлади, пикнотик ядроли — бу фолликуляр фазага хосдир.

Оралиқ хужайралар — ҳажми кичик, ядроси анча катта, барча фазада маълум миқдорда бўлиб, айниқса, сариқ тана фазасига хос бўлади.

Базал ёки атрофик хужайралар:

улар унча катта эмас, протоплазмалари базофил, ядроси деярли катта. Бу ҳол тухумдоннинг гипофункцияси- ни билдиради.

КОЛЬП ОЦИТОГРАММА

Қиндан олинадиган суртмадаги, қин шиллик қаватида- ги хужайралар фоизда ҳисобланади. Кольпоцитограммада- ги маълум индекс орқали 100, 200 ёки 500 та хужайралар миқдори ҳисоблаб аниқланади.

Умумий хужайралар миқдорига қараб пикнотик ядроли хужайраларнинг кариопикпотик индекси аниқла- нади. Парабазал, оралиқ ва юзаки хужайраларнинг 100 тасига нисбатан олинниб, 5 (20) деб белгиланади.

Бу формулани кўриб чиқсак, у сурилиши етишмаган хужайраларнинг кўпайғанлигидан дарак беради.

а) ўнг томонга оғса, етилган хужайраларнинг кўпай-

ганлиги, чап томонга оғса, етилмаган ҳужайралар камлигидан далолат беради. Бу ҳолат эстроген гормонлар таъсирида юз беради.

Қин эпителийсінинг турли қаватидаги ҳужайраларни санаш билан юзаки ҳужайралар орасидаги полихром бўялган ацидофил ва базофил индекс ҳисобланади. Индексни катталашибиргандан ҳолда ($43X10$) микроскоп остида кўрилади.

Ҳайз цикли яқинлашганда кариопикнотик индекс 30%, ҳайз тамом бўлганидан кейин 20—25% бўлади, овуляция 60—65%, ацидофил индекс овуляция вақтида 30—45% га тенг бўлади.

ЖИНСИЙ ХРОМАТИННИ АНИҚЛАШ

Жинсий хроматинни текшириш чақалоқларда учрай- диган жинсий тараққиёт нуқсонларини аниқлашга ёрдам беради. Шу усул ёрдамида жинсий тараққиётнинг издан чиққан ҳолларини аниқлаш билан бирга яна даволаш усулларидан тўғри фойдаланиш имкони туғилади. Баъзи олимлар теридан биопсия олиб текшириш усулини тавсия этсалар, ЭауИзоп ва бошқалар эса, полисегментли, ядроли лейкоцитларнинг морфологик фарқини аниқлаш усулидан фойдаланишни тавсия қиласадилар. Яна энг яхши усул оғиз бўшлиғидан, қиннинг шиллиқ пардасидан намуна олиб текшириш бўлиб, аникроқ маълумот беради, деб таъкидлайдилар. Бунда ядроларни тўғри танлаб ҳисоблаш катта аҳамиятга эгадир. Бу каби талабларга парабазал ва оралиқ ҳужайралар жавоб беради, юза ҳужайралар, айниқса пикнотик ядролар жараёни бунга ярамайди.

Н. В. Қобозева ва б.қ.лар (1988), қин эпителийсида жинсий хроматинни текширишнинг афзаллигини таъ- кидлайдилар. Уларнинг фикрича, жинсий хроматин ҳоми- ланинг қин эпителийсида ясси-дўппайган ёки уч бурчак шаклда бўлар экан, катталиги 1 мкм бўлиб, ҳужайра қобиғи сатхининг бироз эгилган ерига жойлашган бўлади. 20—22 ҳафтали ҳомилада жинсий хроматин $41,5\pm2$ бўлади. Ҳомиладорликнинг кейинги муддатларида (29 ҳафталигига) жинсий хроматин 11% гача камай- ган.

Ҳомила қонидаги хроматиннинг бу хил ўзгариши, ундаги гормонал ҳолат билан боғлиқдир, деб таъкидланади. Улар, эстрогенлар концентрациясининг ошишини хроматин мусбат бўлган ҳужайралар миқдорининг камай- ишидан юзага келади, деб ҳисоблайдилар.

Ҳомила 30 ҳафтали бўлганда эстроген миқдори прогестеронга нисбатан кам бўлиши, прогестерон таъсири туфайли жинсий хроматин оша бориши мумкин. Ҳомила- нинг туғилиш муддатининг яқинлашиши, эстроген гормони таъсирининг ошиши, жинсий хроматиннинг яна камайиб

кетишига сабаб бўлади.

ІХ БОБ

ГИНЕКОЛОГИЯДА ҚЎШИМЧА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

РЕНТГЕНОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Бу усулдан қиз болалар жинсий аъзоларининг ҳолати-ни аниқлашда фойдаланилади. Бунинг учун рентгенопельвиометрия, гистерография, рецтгенопельвиография, вагинография, буйрак усти безининг пневморетроперитонеуми кўлланилади.

ГАЗЛИ РЕНТГЕНОПЕЛЬВИОГРАФИЯ

Бунда чаноқ бўшлиғидаги аъзолар сунъий газли контраст-пневмоперитонеум ёрдамида текширилади, бунда чаноқ бўшлиғи аъзолари аниқроқ кўринади. Бу усулни амалиётда кўллаш учун:

- 1) беморни тайёрлаш,
- 2) пневмоперитонеум қилиш,
- 3) рентгенопельвиография қилиш.

Беморга уйқуга ётишдан олдин клизма (хукна) қилинади, текшириладиган куни bemorга овқат емаслик буюрилади, текширишдан 2 соат олдин яна клизма қилинади. Пневмоперитонеумдан олдин сийдик қопи бўш бўлиши лозим. Текшириш кичик операция қилинадиган хонада, асептик шароитда, врач томонидан бажарилади. Қорин деворини тешиш учун 1,5—2 мм диаметрга, охири 45° га қийшайтирилган, узунлиги 10 см бўлган мандренли нинадан фойдаланилади. Тешишдан олдин, новокаин эритмаси ёрдамида киндиқдан 3 см пастдаги, 3 см чапроқдаги жой оғриқсизлантирилади. Л—14 аппарати ёрдамида қорин бўшлиғига ҳаво, кислород ва азотзакиси, яхшиси кислород юборилади. Бу амал 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизларда кўлланилади. Боланинг ёшига қараб, ҳаво турли миқдорда юборилади. Масалан, 4 ёшгача 300—700 мл, 4 ёшдан то 8—9 ёшгача 700—1200 мл, 16 ёшдан бошлаб 1200—1800 мл бўлиши мумкин.

ГИСТЕРОГРАФИЯ

Бу бачадон ва бачадон найчаларини рентген ёрдамида текшириш усули бўлиб, бачадон ичига сувда эрийдиган рентген контраст моддаси юборилади. Бу мақсадда 0,25% ли новокаин эритмасидан қизлик пардаси қалинлигига юборилади, кейин эҳтиёткорлик билан қин ойналари кўтаргичи киргизилади,

кичик қисқич ёрдамида бачадон бўйни қисилиб, қин чиқишига томон аста суриласди, кичик ҳажмдаги зонд ёрдамида олдин текширилиб, кейин бачадон бўйни каналига болалар учун мўлжалланган найча киритиласди, бачадон ичига (ёшига қараб) 2—5 мл диодон эритмаси юбориласди ва шу заҳоти гистерограмма қилинади.

ЧАНОҚНИ ПЕЛЬВИОГРАФИЯ ҚИЛИШ

Бу усулдан турли хил ўсмаларнинг ички жинсий аъзо деворлари қалинлигига тарқалганлигини аниқлаш учун фойдаланилади. Чунки, баъзан уни пневмопельвиография усулида аниқлаш қийин бўлади. Чаноқ пельвиографияси қуидагича амалга ошириласди:

Кичик чаноқ венасига контраст модда юбориласди (тўғридан-тўғри бачадон девори орқали ёки қов суягининг кўндаланг шохига). Сўнгра рентгенографий қилинади. Рентгенограммаларда кўринадиган қон томири чигали патологик жараённинг ҳолатини аниқлаб беради. Контраст модда сифатида сувда эрийдиган йод, диодон, кардиотраст ва бошқалар ишлатиласди.

ЧАНОҚ ЛИМФОГРАММАСИ

Бу усул хавфли ўсмаларнинг тарқалган чегарасини аниқлаш учун қўлланилади. Унинг ёрдамида ўсманинг тарқалганлик даражаси аниқлангач, даво омиллари белгиланади.

Сувда эрийдиган йод ёки унинг мойли эритмаси оёқ товонининг лимфа томирига (тўғри лимфограмма) ёки юмшоқ тўқимасига (тўғри бўлмаган лимфограмма) юбориласди. Эритма юборилгач, лимфа тўрлари рентгенда кўриласди. Бунда лимфа томирларининг кенгайланлиги, лимфостаз ва уларнингдеформациясига учрагани кузатилади.

Мабодо, бемор оғир аҳволда, яъни юрак-томир тизими, ўпка, жигар ва буйраклари касал бўлиб, шу препа-ратларга нисбатан унда аллергия ҳолати аниқланган бўлса, бу усул қўлланилмайди.

УЛЬТРАТОВУШ ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ (УЗД)

Бу ички жинсий аъзолардаги ўсмаларни текшириш учун қўлланиладиган қўшимча усул ҳисобланади. У турли тўқималарнинг ультратовуш нури таъсирида турлича акс этишига асослангандир.

Тўқималар ўзининг хилма-хиллигига қараб, ультратовушни ҳар хил ўтказади. Энергиянинг акси экранга тушади.

Электрон аппаратдаги нурли найча ёрдамида экранда қайд қилинади. Бу эхограмма, дейилади

Беморга ультратовуш ёрдамида ташхис қўйиш учун, унинг қовуғи тўла бўлиши лозим. Шунда чаноқдаги аъзолар аксини тўғри олиш мумкин бўлади.

РЕКТОСКОПИЯ

Бу найчали ойна бўлиб, у окуляр ва ёритадиган асбобга эга бўлади. Унинг ёрдамида тўғри ичак ҳолатини, агар ичкарироқ киргизилса, йўғои ичак пастки қисмининг ҳолатини ҳам қўриш мумкин бўлади. Бу асбобни киритишдан олдин, хуқна қилиниб, ичаклар тозаланиши керак.

ЦИСТОСКОПИЯ

У мураккаб ёритувчи асбоб бўлиб, унинг ёрдамида қовуқ ва жинсий аъзолар нуқсони аниқланади. Бу амалиётни бошлашдан олдин, сийдик қопига (сийдик қопи бўшатилганидан кейин), 200 — 300 мл борий кислотаси юборилади, кейин эҳтиётлик билан сийдик қопининг ички сатҳи ва унинг ўзидаги ўзгаришлар ўрганилади.

КУЛЬДОСКОПИЯ

Бемор чалқанча ётқизилади, ташқи жинсий аъзолари ювилиб, спирт ва йод суртилади, кейин орқа гумбазга 0,25 % ли новокаин эритмаси юбориб, огриқсизлантирила-ди. Сўнг bemор орқасига ўтирилиб, тизза ва тирсакларига гаяниб туради. Қинойналар ёрдамида орқа гумбаз очилади ва унинг марказига нина суқилади. Бунинг натижасида қорин бўшлиғига мустақил равища ҳаво киради, бу ҳаво ичакларни диафрагма томонга суради. Шундан кейин орқа гумбазни нина тикилган еридан қирқилади. Ҳосил бўлган тешик орқали троакар киргизи-лади, у гильза орқали лапароскопга уланади. Лапаро- скопни айлантириш йўли билан бачадоннинг орқа девори, тухумдан найчалари кўздан кечирилади. Бу усул орқали аъзолардаги турли ўсмалар ва ўзгаришларни аниқлаш мумкин бўлади.

КОЛЬПОСКОПИЯ

У бинокуляр ёки монокуляр лупадан иборат бўлиб, штативга жойлаштириладиган ёритувчи асбобига эга. Кольпоскоп аъзони 10 — 30 марта катталаштириб кўрса-тади. Унинг расмга оладиган тури ҳам бор. Бу асбоб ёрдамида бачадон бўйни ва қинидаги патологик ҳолатлар аниқланади. У орқали ракдан олдинги ҳолат ва ракнивг бошланиш хили аниқ кўринади (эпителий ва қон томирлари ҳамда тўқималардаги

ўзгаришларга қараб).

Болаларда бачадон бўйни ва қинни кўриш учун вагиноскоп асбобидан фойдаланилади. У ингичка катетер шаклида бўлиб, ёритадиган асбобга уланади. Вагиноскоп қизлик пардаси тешигидан киритилади (бунда парда бузилмайди) ва диққат билан кузатилади.

ГОРМОНЛАР ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ

Гипоталамик релизинг-омил гормонини текшириш. Улардан бир нечтасини кўриб ўтамиз.

Бу усул асосан балоғатга етиш даврининг сўнгги пайтларида бўладиган аменореяга гипофизнинг алоқаси бор ёки йўклигини аниқлаш учун қўлланилади (гипо- физдаги ўсмалар, некроз, бирор хил ўсма туфайли ўзгариш ва б.к.лар). Беморга бир марта релизинг-омил юборила-ди. Агар гипофиз заарланган бўлса, унда релизинг- омил салбий реакцияли бўлади.

Хориал гонадотропин (хориогонин) билан текшириш. Тухумдон фаолиятини аниқлашда (жинсий тараққиёт орқада қолганда, гипоменструал ҳолат юз берганида ва ҳ.к. ҳолларда) ўтказилади.

Хорионал гонадотропин (ХГТ) одатда, тухумдон фаолиятини кучайтиради. У қиз боланинг ёшига қараб, 3 — 5 кун давомида мускул орасига 1000 — 1500 бирликда юборилади, гормонал мувозанат, эстроген ажралиши тестлар бўйича аниқланади.

Адренокортикотроп (АКТГ) гормони ёрдамида текшириш. Унинг ёрдамида буйрак усти безининг гипофункция-си, нуксонлари (заарланганлиги) аниқланади.

Қиз боланинг ёшига қараб, 2 кун давомида то 40 бирликкача бўлган АКТГ дан мускул орасига юборилади. Кейин 17-кетостероид ва 17- оксикортикостероид текширилади. Агар' натижа ижобий бўлса (17-КС ва 17-ОКС ошса), унда касалликнинг келиб чиқишида гипофиз, салбий бўлса, буй- рак усти безининг патологик ҳолати намоён бўлади.

Глюкокортикоидлар ёрдамида (кортизон, преднизолон, дексаметазон ва б.к.лар) текшириш. Бу йўсинда буйрак усти безининг ўсмаси билан адреногенитал синдромнинг дифференциал ташхисини олиб бориш амали бажарилади. Гипофизнинг адренокортикотроп фаолиятини тўхтатиш учун кортизон (умумий дозаси 400 — 500 мг), аммо кўп ҳолларда преднизолон (15 — 20 мг дан 5 кун давомида) ёки дексаметазон қўлланилади (1 — 2 — 3 мг дан 5 кун давомида). Булар таъсирида гипофиздан АКТГнинг ажралиши ва уларнинг буйрак усти безининг строидогенез фаолиятини стимуляция қилиши камаяди. Шунга қараб, буйрак усти безининг андроген

гормони таъсирига эга бўлган гормонлар ва уларнинг метаболитлари (17-КС, дигидроэпиандростерон ва б.к.лар) камаяди. Бу гормон- ларнинг нормал чегарагача камайиши буйрак усти бези қобигининг строидогенези бузилганлигидан далолат бера- ди. Бунда текшириш ижобий бўлса, адreno-генитал синдром, деб ҳукм чиқариш мумкин бўлади.

Генетик текшириш. Генетик усулдан гонадаларнинг турли шаклдаги дискинезиялари, жинсий дифференцияла- нишнинг бузилиши, ҳусусан, адreno-генитал синдром, псевдогермофродитизм ва тананинг бошқа хил бузилишларини аниқлашда фойдаланилади.

Иммунологик усул. Баъзи бир турдаги патологик ҳолатлар (яллиғланиш жараёни ва б.к.лар)да қўлланилади.

Сил касаллигини аниқлашда туберкулин билан текши- риш усули қўлланилади.

Х БОБ

ҚИЗ БОЛА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ НУҚСОНЛАР

Биз қуида ушбу нуқсонлар устида бирма-бир тўхта- ламиз. Умумий организмдаги нуқсонлар ва жинсий аъзо- ларга хос бўлган нуқсонлар айрим-айрим кўриб чиқилади.

Нуқсонлар ҳомила ҳали она қорнида эканидаёқ вужудга келиши мумкин. Булар ҳозирча тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Баъзи муаллифлар нуқсонларнинг пайдо бўлишини нерв системасининг фаолиятига боғлаб, бунинг натижасида ҳомиланинг қон айланиши бузилади, деб тахмин қиласидар.

Маълумки, ҳомилада нуқсонларни вужудга келтиради- ган омиллар ва сабаблар ҳам ҳар хилдир. Ҳусусан, эндокрин касалликлар (диабет, гипергипотиреоз ва б.к.лар), генетик омиллар ва хромосомалар аберрацияси- нинг ташқи шароит таъсирида бузилиши, токсик моддалар (пестицидлар ва кимёвий моддалар), радиация, заарли одатлар (гиёхвандлик, чекиш, ичкилик ичиш), турли юқумли касалликлар (брүцеллёз, паротит, цитомегалия, қизилча, токсоплазмоз, грипп, листериоз, орнитоз ва х.к.лар) ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, она ва ҳомила ўртасида АВО омилларининг мос келмаслиги ҳам жиддий сабаб бўлади. Ҳомила тараққиётида она организми ташқи шароит бўлиб ҳисобланади. Она организми эмбрион аъзоларининг шаклланиши даврида заарланса (радиация, рентген нурларидан), унда эмбрио- патия ва фетопатия ҳолати кузатилади.

Онадаги ҳомиладорликнинг 8 — 9 ҳафтасидан бошлаб ҳомиланинг аъзолари ва йўлдоши шакллана бошлайди. Ана шу

даврда эмбрион турли таъсирларга дарров берилувчан бўлади. Шунга кўра унинг турли аъзо ва системаларида нуқсонлар вужудга кела бошлайди.

Хаётий муҳим бўлган аъзолар шикастланганда, туғил-ган чақалоқлар яшаши қобилиятсиз бўлади. Улар баъзан она корнида ўлиб қолиши ёки чала туғилиши ҳам мумкин.

Кўпгина муаллифларнинг айтишларича, эмбрион 2 — 3 хафталикдан то 8 хафталик бўлгунича зарарли омилларга ўта сезгир бўлади. Кейинги муддатларда шулар сабабли, ҳомила тараққиёти орқада қолиб, турли ка-салликлар (модда алмашинуви, эндокрин система фаолия-тининг бузилиши) га осон чалинадиган бўлиб қолади. Ҳомиладорликнинг 2 — 3-ойида камсувлик, умуртқа поғонасининг қийшайиши, қўл-оёқларнинг маймоқ бўлиб қолиш ҳоллари кузатилади. Мабодо ҳомиладор аёл турли гормонал дориларни керагидан ортиқ ичса, унда бу дори ҳомилага ҳам таъсир қилиб турли патологик ҳолатларга сабаб бўлади.

ГИПОФИЗАР НАНИЗМ

Бу касаллик гипофизнинг олдинги бўлагидан ажрала-диган соматотроп ва гонадотроп гормонларнинг етишмас-лиги оқибатида юз беради. Карлик-нанизмда — балоғатга етган аёлнинг бўйи 120 см дан ошмайди (Шмилк, 1962). Албатта, бўйнинг узун ва калта бўлиши одамнинг наслига ҳам боғлиқ бўлади. Агар ота-онаси ёки баъзан олдинги аждодида нанизм ходисаси учраган бўлса, 3-наслда ҳам бу ҳол такрорланиши мумкин. Бу ка-салликнинг этиологик омили ҳали аниқ эмас. Кўп олимларнинг фикрига қараганда, бунга гипофиз-гипоталамус безларининг фаолияти сабаб бўлар экан. Яна бу аъзоларнинг фаолиятига турли инфекция, заҳарланиш, ҳомиладорлик ва туғруқ давридаги турли патологик жараёнлар ҳам сабаб бўлади деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолнинг асосий клиник кўриниши бола ўсиш ва жинсий тараққиётдан орқада қолади. Аммо тана тузилиши ўз мувозанатини сақлагани ҳолда, руҳий ҳолатлар ҳам деярли нормал бўлади.

ТИРЕОГЕНЛИ НАНИЗМ (КРЕТИНИЗМ, ЎСМИР ЁШИДАГИ МИКСЕДЕМА)

Бу ҳолда бўйнинг бир хил мувозанатда ўсмаслиги кузатилади. Бундай болалар руҳий жиҳатдан орқада қолади. Улар бўшашибган, уйқучан бўладилар. Кўпинча қабзият ҳам кузатилади. Касаллик одатда 1—11 ёш-ларда ёки ундан кечроқ сезила бошлайди. Бундай бо-лаларнинг боши катта, пешанаси тор, бўйни калта, тили қалин, шишган (баъзан тиш ўрни билинади), ово-зи паст, бурун тогайи кенг, шишган, оқ рангда бўлади, териси қуруқ бўлиб қипикланади, суюкланиш кечикиди.

ДАУН КАСАЛЛИГИ

Бу түгма патологик ҳолат бўлиб, бу касаллик билан оғриган боланинг бўйи паст, ақлий ривожланишдан орқада қолган, қўзлар қисиқроқ, боқишилари маъносиз бўлади. Одатда уларнинг бошлари кичкина, юзларида маъносиз табассум, мускуллари бўшашган, жуда сез- гир бўлсаларда, эслаш қобилиятлари ёмон бўлади. Тогайларнинг суюкка айланиши нормал ҳолатда ёки кечиккан ва жинсий тараққиётдан ҳам орқада қолган бўлади.

ХОНДРОДИСТРОФИЯ

Суякланиш жараёнининг бузилиши . натижасида бўйнинг патологик ҳолати кўзга ташланади, аммо су- якларнинг периостал (шаклланиши) бузилмаган бўлади. Оёқ-кўлларнинг узунлиги тана тузилишидан анча орқада қолади. Айниқса, елка ва сон суяклари жуда калта бўлади. Билак ва болдир суяклари эгарсимон қийшайган, оёқ-кўл панжалари йўғон, гўё кесилганга ўхшаб калта бўлади. Тирноқлари кенг, ясси, боши нисбатан катта, пешана ва чакка суяклари ҳам анча катта бўлади. Жинсий тараққиёт эса нормал кечади.

ҲОМИЛА БОШИГА СУВ ЙИГИЛИШИ — ГИДРОЦЕФАЛИЯ

Бош ва орқа- мия суви мия қоринчалари- га ёки субарахноидал бўшлиқларга жойла- шади. Сув бир неча литр бўлиши мумкин. Гидроцефалия ўрта ҳисоб билан 360 — 400 туррукда битта уч- райди.

Бу патологияда ҳомиланинг боши жуда катталашади, бош суя- ги юпқалашиб, суякда- ги чок ва лиқилдоқлар кенгайиб кетади. (21-расм). Бош айланаси катта бўлади. Жин- сий аъзолар тараққи- ётдан бирмунча орқада қолади. Бундай бола- лар дунёга келганидан кейин, кўп ўтмай турли сабабларга кўра, тез



АНЭНЦЕФАЛИЯ

Бунда бош мия тараққий этмаган, юз қисми нормал шаклланган бўлади. Ҳомила боши катта бўлмагани сабабли,

21-расм. Гидроцефалия.

нобуд бўладилар. Баъзи ҳолларда, агар енгил тури бўлса, улар яшаб кетсалар ҳам, ақлий ва жисмоний тараққиётдан орқада қолиб, жинсий такомиллашиши ҳам деярли жуда суст кечади.

тургук нормал кечади. Аммо ҳомиланинг қўрини- ши жуда ғалати бўлади. Унинг боши, бўйни бўлмаганлиги туфайли тўғридан-тўғри елкага бириккан, кўзлари чақчай- ган, оғзи очик

ва тили осилган (бақабош) бўлади. Бошқа хиллардаги нуқсонлар, хусусан орқа умуртқанинг очиқ бўлиши ҳам учрайди. Унда жинсий аъзолар деярли тарақкий қилмаган бўлади.

МИЯ ЧУРРАСИ

Ҳомиланинг катта лиқилдоғи, бурун усти соҳаси дўппайиб чиқкан бўлади. У турли катталиқда бўлиши мумкин. Бу хил нуқсон билан туғилган чақалоқлар тезда нобуд бўлади. Жарроҳлик ёрдамида муолажа қилиш деярли самарали натижа бермайди. Жинсий аъзолар ҳам тарақкий этмаган бўлади.

ОРҚА УМУРТҚАНИНГ АЖРАЛГАН БЎЛИШИ

Бу хил нуқсонда орқа умуртқа сужклари ажралган бўлиб, оқибатда шу ажралган умуртқа қисмларидан орқа мия дўппайиб чиқкан ва унинг усти мия пардаси юпқа тери билан қопланган бўлади. Одатда, бу хилдаги патологияда умуртқалар кичкина очилган бўлса, уни жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволаш мумкин. Лекин самарали натижага эришишга деярли умид йўқ.

КИНДИК ЧУРРАСИ

Уларнинг ҳажми ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзан киндик чурраси ичида жигар, ичаклар, қора талоқ, қорин чарвиси ва бошқа аъзолар жойлашган бўлиши мумкин. Киндик чуррасининг енгил турини операция йўли билан даволаса бўлади. Оғир турида чақалоқ нобуд бўлади. Жинсий аъзолар ҳолати чақалоқ ёшига мос бўлади. Баъзан бачадоннинг тўла тушган ҳолатини ҳам кузатиш мумкин.

ҚҮЛ ВА ОЁҚ НУҚСОНЛАРИ

Бундай нуқсонлар бироз кўпроқ учрайди. Хусусан синдактилия (бармоқлар бир-бирига ёпишиб кетганлиги сабабли, уларнинг сони кам бўлади), полидактилия (бармоқлар сони ортиқча бўлади) ҳоллари тез-тез учрайди. Баъзан ҳар иккала оёқ қўшилиб кетган ёки қўл-оёқларнинг бўлмаслиги (амелия), қўл-оёқларнинг бирор қисмининг кам бўлиши (гемимелия) ва бошқа ҳоллар ҳам кузатилади. Жуда камдан-кам ҳолларда елка сужги, болдири, сон, баъзан бўғимлар, жинсий аъзо аномалияларини биргаликда учратиш ҳам мум-кин.

ЮҚОРИ ЛАБНИНГ АЖРАЛГАН БЎЛИШИ (ҚҮЕНЛАБ) ВА «БЎРИ ОФИЗ»

Бу патология ҳомиланинг бошқа аъзо ва системалари-га салбий таъсир қилмайди. «Бўри оғиз» нуқсони билан туғилганларда (оғиз бўшлиғи танглайдан ажралган бўлади) оғиз

ва бурун бўшлиқлари бир-бирига ту- ташганлиги сабабли, бола эма олмайди, эмган сутлари нафас йўлларига ўтиб кетади. Бошқа аъзо ва системалари тараққий этган бўлади.


ҲОМИЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ЁПИШИБ ҲОЛИШИ

Кўп ҳомилали ҳомиладорликда, агар бир тухум хужайрасидан вужудга келган ҳомилаларнинг сув пардаси биргаликда бўлса, улар бир-бирларига ёпишиб қолган бўлиши мумкин. Бу ҳолга асосан ҳомиланинг шакллани- шидаги нуқсонлар сабаб бўлади. Ҳомилаларнинг бир- бирига ёпишиб қолиш ҳоллари турличадир. Ҳомила бир қисми билан (боши, боши ва кўкраги, чаноқ қисми), бош ва чаноқ қисми билан, кўкрак, қорин, орқаси ёки ён томони билан ёпишган ҳоллар учрайди.

Ҳомилада икки бош, икки юз, икки чаноқ бўлиб кўкрак қафасларининг бир-бирига қўшилиб кетганлиги оғир нуқсонлардан ҳисобланади. Баъзи ҳомилаларда ички аъзолар ҳам қўшилган бўлади, баъзан танаси биру, ички аъзолари бошқа-бошқа бўлиб ривожланганлари ҳам кузатилади. Жинсий аъзоларда айтарли ўзгариш бўл- майди.

ЮРАК-КОН ТОМИРИ ТИЗИМИДАГИ НУҚСОНЛАР

Боталлов йўлининг битмаслиги, овал тешик ёпилмаган бўлиши, юракнинг кўкрак қафасида ўнг томонда жой- лашган бўлиши, қон томирларининг иккига ажralганлиги ва нотўғри жойлашиши, қон томирининг кенгайган бўлиши (аневризма) ва бошқа турдаги нуқсонлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда жинсий тараққиёт нормал ёки орқада қолган бўлади.



22- расм. Тұғри ичак, ташқи чиқарув тешиги атрезияси. Чапдан юкорига — чиқарув тешиги ва тұғри ичак йүли берк. Пастда — апиз граелег павега^{Кз} уез^{Пье1ан8, Ъ1\$1и1а гес-}(оуе\$11Ы1ан8, ану^{нинг} нормал ҳолати.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ АЪЗОЛАРИДАГИ НУҚСОНЛАР

Қызылұңгач, ошқозон ва бошқа аъзоларнинг тор ёки ёпиқ бўлиши, орқа чиқарув йўлининг битиб қолган ҳоллари ҳам кузатилади (22-расм).

СИЙДИКЧИҚАРИШ ЙЎЛИДАГИ НУҚСОНЛАР

Битта ёки ҳар иккала буйракнинг бўлмаслиги, улар- нинг тақа шаклида бўлиши ва буйрак кисталари бўлиши мумкин. Кўпинча, сийдик ажратиш йўлининг тортишиб қолган ёки тор бўлиши, гипоспадия ҳамда бошқа хил нуқсонлар кузатилади.

XI БОБ

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР

Тухумдоннинг бутунлай бўлмаслиги камдан-кам учрайдиган ҳолдир (ар1аз1а оуагп). Бундай нуқсонлар фақат яшашга қобилиятсиз бўлган болаларда уч- райди.

В. И. Бодяжина ва бошқаларнинг кўрсатишларича, илмий адабиётларда фақат биргина аёлда тухумдон бўлмаганлиги тўғрисида ёзилган экан. Тухумдони бўлма- ган аёлларнинг бўйлари пастёки аксинча, баланд. Жинсий аъзолари яхши тараққий қилмаган, баъзан уларнинг тараққиёти бутунлай

тўхтаб қолган бўлади.

Мабодобачадон бир шоҳли бўлса, унда тухумдан ҳам бир шоҳли бўлиши мумкин. Аммо кўпинча шу ҳолда ҳам тухумдан иккита бўлади. Маълумки, бачадон ва найча, қин Мюллер ипларидан, тухумдан эса бошқа хужайра- лардан тараққий этган бўлади. Тухумдонларнинг анатомик ва физиологик жиҳатдан ривожланмаганлиги ,кўп ҳолларда бошқа аъзо ва тизимлар аномалияси билан биргаликда кечади. Кўшимча тухумдан камдан-кам ҳолларда учрайди, учинчиси деярлиrudiment (яхши тараққий қилмаган), асосий тухумдоннинг четига ёпишган ҳолда бўлади. Бу кўшимча тухумдоннинг функционал жиҳатдан аҳамияти йўқ.

БАЧАДОН, УНИНГ КЎШИМЧАЛАРИ (НАЙЧАЛАР) ВА ҚИННИНГ НУҚСОНЛАРИ

Баъзи ҳолларда бачадон ва унинг найчаларининг яхши тараққий қилмаган ҳоллари ҳам учраб туради.

Бачадон бўлгани ҳолда, найчаларнинг бўлмаслиги ёки уларrudiment ҳолда бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда қўшимча найчалар ёки найчаларда қўшимча тешиклар ҳам бўлади. Бу қўшимча найча асосий найча бўшлиғига очилиб, унинг шокилалари бўлади.

Қиз болаларнинг жинсий аъзоларидағи оғир нуқсонлардан бири — бачадоннинг бўлмаслигидир. Кўпинча бачадон бўлмаса, қин ҳам бўлмаслиги мумкин. Бундай қизлар тўғри ичак оркали текширилганида, япалоқ тасмага ўхшаш танача кўлга илинади. Бу бачадон ва қиннингrudiment кўринишидир. Қиннинг бўлмаслик (ар1аз)о уа[^]тае) ҳоллари кўп учрайди. Бу нуқсон асосан ҳомила ҳали она қорнида эканлигига, Мюллер йўллари- нинг (бачадон, қин ва бачадон қўшмалари шу Мюллер йўлларидан вужудга келади) пастки қисмининг яхши тараққий этмай қолганлиги натижасида рўй беради. Кўпинча ана шу ички жинсий аъзоларrudiment ҳолда бўлганидан, қиз боланинг бутун организми ҳам тараққи- ётдан орқада қолиши мумкин. Бу оғир патологик ҳолат бўлиб, буни эртароқ аниқлаш болалар врачи, она ва тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Акс ҳолда, қиз бола буни кейинроқ, яъни балоғатга етганида билиб қолса, унинг руҳиятига оғир таъсир қиласи.

Қиннинг бўлмаслиги ҳам оғир нуқсонлардан бўлиб, бунда қиз болада менархе бўлмайди, балоғатга етган бўлса ҳам amenoreя (чин ёки ёлғон) кузатилади. Агар ёлғон amenoreя бўлса, ҳайз даврида ажralадиган қон ташқарига чиқолмай, бачадон ва унинг найчаларини тўлдиради, ҳатто қорин

бўшлиғига ҳам оқиб ўтиши мумкин. Бу нуқсонда қиз бола ҳайз кўрганида кучаяётган оғриқдан шикоят қиласиди. Бундай ҳолда жарроҳлик йўли билан сунъий қин ҳосил қилинади.

Сунъий қин, одатда, қорин пардасидан, ингичка ичакдан, тўғри ичак ва сигмадан ёки ташқи жинсий аъзолар терисидан қилинади.

Мабодо бачадон билан бирга қин ҳам бўлмаса, бу ҳолларда сийдик қопи билан тўғри ичак оралиғи кенгайти- рилиб, жинсий алоқа учун каналча ясалади.

Юқорида қайд этиб ўтилган операция турлари бола балоғатга етгач, факат ўзи ёки яқинларининг илтимоси ва розилиги билангина қилинади. Яллиғланиш натижасида баъзан қин деворлари бир-бирига ёпишиб қолади. Бу ҳам жарроҳлик йўли билан тузатилади, яъни чандиқлар қирқилади ёки бўлмаса, аъзо зонд ёрдамида кенгайтири- лади.


ҚИН ВА БАЧАДОННИНГ ИККИГА АЖРАЛГАН ҲОЛАТИ

Бу асосан Мюллер ипларининг бир-бири билан қўшилмаганлигидан вужудга келади. Агар ҳар иккала томондаги Мюллер иплари бир-бирига яқинлашиб қў-шилса, унда битта бачадон ва битта қин вужудга келади.


Баъзи ҳолларда бачадон иккига ажралиб ривожланса, уларда бўшлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Баъзан бачадон бўшлиғи қисман сақланган бўлади. Бундай ҳол қинда ҳам учрайди, бу ҳар икки томондан ёки факат бир томондан кўриниши мумкин.

Қин ва бачадон бўшлиқлари бўлмаслиги, баъзан бачадон ва қин бутунлай бўлмаслиги ёки қисман бўлиши мумкин. Яна шундай ҳоллар учрайдики, бачадон ва қин гўё нормалдек бўлишига қарамай (битта бачадон ва битта қин), уларнинг ички томони ўртасидан тўсиқ билан тўсилган бўлиб, шу тўсиқ туфайли қин ва бачадон ичи иккига бўлинган бўлади.

Кўпинча, бачадон ва қин иккига бўлингани билан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам нормал тараққий қилиб,



23- расм. 1Легиз <11с1е1биз.



24- расм. Наешалосолро8 1алега1з, Лсгив <1ир1ех, ўнгдаги қин берк.


фаолияти жиҳатидан ҳам деярли нормал бўлиши мумкин. (23-расм). Аммо бунақа бачадонларнинг ҳар бирида биттадан қўшимча бўлиб тухумдан ҳам битта бўлади. Бачадон бўйни ҳамда қин иккитадан ва улар мустақил бўлади. Баъзан битта бачадон ва қин тўла сифатли бўлиши ёки иккинчиси ҳам яхши ёки ҳар иккаласи ҳам тараққий қилмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда бачадон (и1егиз (1ир1ех) ва қин (уа^ша бир1ех) кўшалоқ бўлиб, ҳар иккиси бир-бирига яқин жойлашган, баъзан фақат пастки қисмлари бир-бирига яқин бўлади.

Кўшалоқ қиннинг биттаси очик, иккинчиси битов бўлса, биринчи ва иккинчи ҳайзлардан ажралган қон ана шу қинга тўпланиб қолади (Баеталосолро8) (24-расм). Агар бачадон бўйни берк бўлса, унда қон бачадонга тўпланади (Баешалоте(га), шу йўсинда бачадонда қўшим- ча шоҳ ҳам бўлиши мумкин ва қиз бола ҳайз кўрганида (агар шу шоҳ бўшлиғи бачадон бўшлиғига кўшилмаган, берк бўлса),

ажралган қон шу бачадонга түпдана бориб, бунда ҳам гематометра юз беради. Бу оғир клиник ҳолат бўлиб, бемор операция қилиниб, шу бачадон шохи олиб ташланади. Мабодо қинга ёки шу бачадонга йифилган қонга инфекция тушса, унда оғир инфекцион жараён юз беради.

Аёлларда ана шу қўшимча шохда ҳомиладорлик вужудга келса, бу бачадондан ташқарида рўй берган ҳомиладорлик деб аталиб, оғир оқибатларга, яъни бачадон йиртилиши, кучли қон кетиб, аёл ўлимига сабаб бўлиши мумкин.

Баъзан қўш бачадон, қўш бўйин бўлиб, қин ярмидан бошлаб фақат тўсиқ билан ажралган бўлади (и^егиз Ъ1согшз, Ъ1соШз уа§1па яиъзер^а) (25-расм).



25- расм. 1Иеги\$ Шсогтз, Ъ1со1115, уа^па 8иб\$еп1а.



Бачадон икки шохли, битта бўйинли ва битта қинли (Шегиз Ъ1согп18 ишсоШз) бўлиши ҳам мумкин. Ёки бачадон эгарсимон (Шегиз агсиашз) ва баъзида тўсиғли бўлади (Шегиз агсиашз зерБсиз) гоҳо қисман тўсиқ- ли (Шегиз агсиашз зиБзерНсиз) бўлади. Кўпинча битта шохли бачадон (Шегия рзеидоишсогшз) бўлади.

Сийдик ва жинсий тўсиқнинг нуқсони бўлиб, шунинг учун ташқи чиқарув (апиз) йўли қинга кириш йўлига, қизлик пардасидан пастроққа очилади (апиз уезНьШа- пв). Апиз уа^шайз да эса, тўғри ичак тешиги қинга қараб очилади. Бу хилдаги нуқсонларда тўғри ичак тешигининг қисадиган ҳалқаси (сфинктери) яхши та- раққий қилганлиги сабабли, ахлат оқиб турмайди, аммо ич келганида ахлат шу ичак тешиги очилган жойдан келади. Шу сабабли, болалар ёшлиқда шикоят қилмасликлари мумкин. Бемор жинсий тараққиёт даврида ва жинсий ҳаёт бошлагандагина бундан шикоят қиласди. Туғрук

жараё- нида түғри ичак ҳатто йиртилиб кетиши ҳам мумкин. Бунинг давоси — түғри ичак чиқарув тешигини жаррохлик йўли билан асли жойига ўтказишдан иборат.

ҚИЗЛИК ПАРДАСИ (НЦМЕ1Ч) ДАГИ НУҚСОНЛАР (Н1ЖЕМ ОССЕОБОЗ)

Қизлик пардаси ҳар хил шаклда бўлишидан ташқари, баъзан қалинроқ ва ҳалқасимон бўлиши ҳам мумкин (26-расм). Айниқса, қалин бўлса, жинсий мулоқотда кўпгина кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳалқа-




26- расм. Қизлик пардасининг (Иугпеп) турли шакллари.

симон бўлса, жинсий мулоқот даврида йиртилмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Гоҳида қизлик пардаси берк (атрезия) бўлиб, буни ҳам кечикиб аниқлаш ҳоллари учрайди. Қиз бола балоғатга ета бошлагач, бошлангич ва сўнгги ҳайз бўлмаётгани, ой сайин қорин пасти, думғаза, бел соҳаларида оғриқ туриб, у борган сари кучаяётгани- гидан шикоят қиласи. Оғриқнинг борган сари кучая боришига сабаб — бачадондан ажралган қон, қизлик пардаси берк бўлганлиги учун, паст томонга, асосан қинга, қин тўлгач, бачадонга (каета(оте(та) ва найчаларга оқиб келиб, уларни тўлдириди (Баеталоярлпх), баъзан қорин бўшлиғига ҳам оқиб келиб, қорин пардасини қитиқлади. Бундай пайтда қиз болага тез ёрдам кўрсатиш зарур бўлади. Ёрдам кўрсатилмаган тақдирида, қорин пастидаги оғриқ бора-бора

кучая бошайди.

Қорин девори орқали пайпаслаб кўрилганида, кичик чаноқ ичи ва баъзан ундан юқорига томон кўтарилиган, колбасага ўхшаш қаттиқ эластик шиш сезилади. Тўғри ичак орқали текширилганида ҳам шу ҳол сезилади (27-расм).



27- расм. Қичик чанокнинг ташки кўриниши.

Кин, бачадон ва найчалар бўшлиғига йифилган қон инфекциянинг авж олиши учун жуда қулай манба ҳисобланади. Йифилган пироген моддаларининг шимили- шига кўра, қиз болада гипертермия ҳолати юз беради. Унинг тана ҳарорати $37,2$ — $37,8^{\circ}\text{C}$ гача боради. Мабодо қиз бола организмидаги қаршилик кўрсатиш кучи

суст бўлиб, инфекциянинг вирулентлиги кучли бўлса, тана ҳарорати янада кўтарилиши мумкин. Бу аъзоларда яллиганиш бошланганлигини кўрсатади. Қиз бола врач ёрдамига ниҳоятда муҳтож бўлади. Беморга ташхис кўйишда қорин ва тўғри ичак орқали текширишдан ташқари, УЗД, лапароскопия, цистоскопия, ректоромано- скопия усуулларидан фойдаланилади.

Даволашда асосан жарроҳлик усулидан фойдаланила- ди. Бунда асосан қизлик пардаси қўшув аломати каби кесилади, йигилган қон, сероз ва йириинг олинниб, яллигла- ниш жараёни юз берган бўлса, яллиганишга қарши муолажа қилиш керак бўлади. Операция қилинганлиги тўғрисида қизнинг онаси ёки ўзига хужжат (далолатнома) берилиши шарт. Чунки Марказий Осиё халқларининг урф- одатларига кўра, қизлик пардаси қиз боланинг иффатли эканини билдиради.

ПСЕВДОГЕРМАФРОДИТИЗМ

Бунда жинс жинсий безларнинг фаолиятига қараб аниқланади. Чин гермафродитизм (Бегта Гобб Шзш уега) да эркак уруғига хос фаолиятли эле- ментлар ва уруғ халтаси (оуо^еяНз) бўлади. Мабодо эркаклик уруғи то- пилмаса, у чин гермафродитизм бўл- майди, деб талқин қиласидилар (28- расм).

Псевдогермафродитизм шундай бир нуқсонки, унда жинсий аъзолар жинсий безларнинг тузилишига мос келмайди. Бачадон, қин, бачадон қўшимчалари, тухумдонлар бўлишига қарамай, жин- сий аъзонинг тузилиши эркак кишининг аъзосини эслатади. Яна, қиз болаларда ўғил болалар характерига хос соматик ва руҳий ҳолат кузатилиши мумкин. Тўла псевдогермафродитизмда ташқи ва ички гермафродитизм кўринишлари бўлади, аммо бу ҳол жуда кам учрайди. Ташқи гермафродитизмда клиторнинг гипертрофияси худди эркак кишининг олати (регпз) ни эслатади, лекин ундан кичикроқ бўлади. Ўрта чизиқда катта жинсий лаблар бирга кўшилиб, эркак- лар уруғ халтасини эслатади. Аммо тухумдон, найчалар, бачадон, қин тараққий этган бўлади. Шунга қарамай, Вольф йўли (уруг чиқадиган йўл) ва про- стата безининг



28- расм. Псевдо- гермафродитизм.

гомологи парауретрал без бўлади, бу ички псевдогермафродитизм ҳисобланади.

СИЙДИК ЧИҚАРИШ ТИЗИМИДАГИ НУҚСОНЛАР

Жинсий аъзолар нуқсони билан бир қаторда сийдик чиқариш йўлларининг нуқсонлари ҳам учраб туради.

ИЧКИ СИЙДИК ЙЎЛИ НУҚСОНЛАРИ

Туғма равишда сийдик йўли бўлмаслиги ёки иккига ажralган бўлиши мумкин. Агар ички сийдик йўли бўлмаса, албатта, ажralган сийдик буйракда йифилиб, гидронефроз вужудга келиши мумкин ва бу ҳол оғир оқибатларга олиб келади, яъни бу нуқсон билан туғилган болалар яшашга қобилиятсиз бўлади. Баъзан ички сийдик чиқариш йўли иккита бўлса ҳам, яхши тараққий этмаган бўлади. Ёки биттаси иккига ажralган бўлади.

Сийдик чиқариш йўли бутун бўйича иккига ажralган бўлиши (иге!ег дир!ex) ёки фақат юқори қисми ажralган (иге!ег Нзиз) ҳолда ҳам учраши мумкин. (Шаш Михаил, ва б.қ.лар, 1967).

Ички сийдик чиқазиш йўли тешигининг сийдик қопига бирикадиган қисмида берк бўлиш (атрезия) ҳоллари қўпроқ учрайди. Чунки буйракдан чиқсан сийдик шу сийдик йўлига йифилиб, уни тўлдиради ва кенгайтириб боради, бемор бел ва қорин соҳасидаги оғриқнинг борган сари кучаяётганлигидан шикоят қилади. Ўша жойлар пайпаслаб кўрилганда, чаноқ соҳасидаги чегарарада колба- сага ўхшаш, кистасимон ўсма сезилади. Буни урография ва УТТ ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Бунда сийдик чиқариш йўлининг торайган ёки бекилиб қолган жойи кенгайтирилади, ҳатто керак бўлганида, операция йўли билан очилади.

ЭПИСПАДИЯ

Бунда — сийдик чиқариш йўли ва клиторнинг тўла ёки қисман ажralган ҳолда бўлишидир. Баъзи ҳолларда бу хилдаги нуқсонларда сийдик қопининг тўла ёки қисман ажralганлиги билан бирга қов суюгининг ажralганлиги ҳолати ҳам учрайди.

ГИПОСПАДИЯ

Бундай нүқсонлар бироз күп учрайди. Ташқи сийдик чиқариш йўли анча калта бўлиб, баъзи бир оғир ҳолларда унинг ҳатто, орқа девори бўлмайди (29-расм). Бунда бола-нинг сийдиги доимо оқиб туради. Даволашнинг бир-дан-бир усули — жарроҳлик амалиётидир. Унда пластик операция усули кўлланилади. Агар сийдик йўлининг орқа девори бўлмаса, у қин ёрдамида бекитилади. Жарроҳлик усули қизларда балоғатга етиш олдидан ёки етганидан кейин амалга оширилади.



29- расм. Гипоспадия. Сийдик чиқариш канали қинга кирган.

СИЙДИК ҚОПИ (ҚОВУҚ)НИНГ ЖОЙЛАШИШИДАГИ НҮҚСОНЛАР

1

Бунақа аномалиялар эмбрионнинг она қорнидалигида, эрта тараққиёт даврида вужудга келади. Бунинг асосида мезодерма ва сийдик-жинсий синуснинг (бўшлик) эмбрион тараққиёти даврида бўлган бузилишлар ётади.

Аллантоиснингоёғи қовуқ яқинида жойлашган бўлади ва баъзан эмбрионнинг сийдик йўлига бириниб қолади. Баъзи ҳолларда сийдик қопи қорин девори мускуллари орасидан (агар уларда ҳам нүқсон бўлса) дўппайиб чиқиб туради. Сийдик қопининг шиллик қавати ва ички сийдик йўлининг сийдик қопига бириккан жойининг тешиги I кўриниб туради.

Енгил турида фақат сийдик қопининг олдинги девори дўппайиб чиқсан бўлади. Бу хилдаги патологик ҳол қов суягининг ажралган ҳолати билан бирга кечади. Бундай аномалия bemорга ёмон таъсир қиласи, чунки пешобнинг : мунтазам оқиб туриши ўнгайсизлик туғдиради. Бунга ; қўшимча тарзда сийдик тизимиға инфекция кириши осонлашади, бу ўз навбатида буйракнинг яллиғланиши (пиелит, пиелонефрит) га олиб келади.

**Сийдик-жинсий аъзолар системасидаги нуқсонлар
(Шаш Михаил ва б.қ.лар, 1967 й.)**

| | |
|---|--|
| Тараққиётдаги нуқсонлар | Беморлар шикояти |
| Мюллөр йўллари аъзоларининг Урологик жиҳатдан арз қиласи. бўлмаганлиги сабабли сийдик йў- лицд бўладигай нуқсонлар | |
| Мюллөр йўллари аъзолари бўл- маса: Мснархснинг йўқлиги, қийин аме- бачадон қўшимчалари ва бачадои норея. қамда киннинг бўлмас- лиги | |
| Икки шохли бачадон, битта шо- хи рудимент ҳолатда | Латсрал гематометрия |
| Кин на қизлик пардасининг би- тов бўлиши | У криптоменорея, гематокольпос, ге.матрометра, гематосальпинксдан шикоят қиласи. |
| Ички сийдик чиқариш гешигининг сийдик қопидан ташқарига очил- ганлигига | Эрта болалик ёшида сийдикни тутаолмаслик. |
| Ички сийдик чиқариш йўлининг сийдик қопига кириш жойида олдининг берк бўлиши | Ички сийдик чиқариш йўли кистасимон кенгаяди. Қорин па- стида огриқ сезилади, чаноқ ичида шу кистага ўхшаш шиш кўрилади. Бола тутилиши биланоқ бу нуқ- сон кўринади, сийдик оқиб ту- ради |
| Сийдик қопининг ағдарилиб чи- қиши | Сийдик оқиб туради, оқиц алж- ралади, баъзан кольпит кузати- лади |
| Эписпадия ва гипоспадия | Бола тутилиши биланоқ аниқ бў- лади. Унда гермафродитизм бел- гилари кўрилади. |
| Вульвапинг нуқсонлари | |

Шунинг учун бу касаллик билан оғриган болаларни яшаш шароитини белгилаш лозим бўлади. Давоси — пластик операция. Операция 2 босқичда бажарилади. 1-ички сийдик чиқариш йўлини йўғон ичакка ўтказиб (улаш) ва П-корин деворини тиклашдан иборат бўлади.

СИЙДИК ЙЎЛИ ОҚМАСИ

Маълумки, сийдик йўли бир бутун найчасимон бўлиб, у ҳомилада сийдик копини киндиқ тешиги билан боғла^йди. Ҳомила 6 ойлик бўлганида бу бир бойламга ўхшаб қолади, яъни бўшлиғи бекилади (облитерация). Баъзи ҳолларда (>у камчилик сезилмай, чақалоқ қовуқ-киндиқ оқмаси билан туғилади. Яиа, сийдик йўлининг кистага ўхшаб кенгайиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди.

Ҳомиланингтуғма нуқсонларидан бири бўлиб, айниқса киндик чурраси кўп учрайди. Қиндик чурраси бут (чов) чурраси билан бирга келиши кўпроқ кузатилади.

Кин ўсиғи, қорин пардасининг дўппайган қисми бўлиб, у думалоқ бойлам бўйлаб пастга суриласи ва бора-бора атрофияга учрайди. Агар бу ҳол юз бермаса, қорин пардаси найчасимон кенгайиб, болада чот (бут) чурраси вужудга келади. У қорин бўшлиғига қараган ҳолда бўлиб, қиз болаларда 10 % учрайди, аммо ўғил болаларда кўпроқ кузатилади. Кўпинча бут чурраси ўнг томонда бўлиб, фақат 15 % и чапда бўлади (Шаш Михаил ва б.қ.лар, 1967). Юқоридаги нуқсонларни аниқроқ тасаввур қилиш учун биз Шаш Михаил ва бошқалар (1967)тавсия қилган жадвални (З-жадвал) келтирамиз.

XII БОБ

ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ НУҚСОНЛАР

ЦИЗ БОЛАНИНГ ЖИНСИЙ ЖИХАТДАН ВАҚТИДАН ОЛДИН ЕТИЛИШИ

Бу ҳолат кам учрайди, у қиз болалардаги гинекологик касалликларга нисбатан 2,5 % ни ташкил қилади. Бунда иккиламчи жинсий белгилар 8 ёшданоқ билина бошлайди.

Вақтдан илгари изосексуал типда жинсий етилиш бош мияга боғлиқ бўлиб, бунда 2 турдаги патологик ҳолат кузатилади:

- 1) фақат органик ҳолат;
- 2) функционал ҳолат.

Марказий нерв системасининг органик бузилиши туфайли, туғилмасидан олдин ва туғилиш жараёнидаги патологик ҳолатлар (асфиксия, тугрук жароҳатлари) натижасида бу аномалиялар юз бериши мумкин. Инфекция ва токсик инфекция касалликлари эртанги муддатда осон таъсир қилибгина қолмай, диэнцефал соҳада су-рункали гипертензив синдромни ҳам вужудга келтириши мумкин. Бунда Ш-қоринча ва мия асосини гипоталамусга механик тарзда босиш йўли билан таъсир қилинади.

А. Г. Тумилович ва бошқалар (1973) нинг фикрича, марказий асаб тизими таъсирида вужудга келган органик бузилишдаги характерли белгилардан бири, церебрал гипотензиядир. Бу касалликда, беморларда гидроцефалия ҳолати кузатилиб, унинг боши катталашади. Бундай bemорларнинг боши рентгенда кўрилганда, калла суюгига бармоқ билан босилганига ўхшашиб кўчурчалар кўринади. Бу бош мия суюги ичидаги босимнинг ошганлигини кўрсатади.

Церебрал патологияда, эрта балогатга етган bemорлар ЭЭГ да текширилганида, бош мия ярим айланаси оралифида

дисритмик фаолликнинг тезлиги бўйича ва парма каби тез чайқалувчан ва бир гурух секин тўлқинланадиган гиперсинхроз аломати кўрилган (М. А. Ахунди, 1966, А. А. Волохова, 1968 й.).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар миядаги умумий патологик ҳолатга тааллуқлидир. Гипоталамик соҳанинг вақтидан олдин балоғатга етишишидаги функция-онал ҳолатнинг изосексуал бузилишида томоқ, ютқин соҳасидаги инфекция катта ўрин тутади. В. С. Мальцина (1966 й.)нинг фикрича, миянинг диэнцефал бўлишида, унинг патологияси шуинфекцияга боғлиқдир. Демак, эрта балоғатга етишда церебрал патологик ҳолатнинг вужудга келишида асфиксия, туғруқ жароҳати, ҳомиладорликдаги патологик ҳолат, ҳомиланинг вақтидан олдин туғилиши, операция йўли билан туғдириш ва бошқа сабабларнинг таъсири каттадир.

Бу омиллар фақат мия структурасигагина таъсир қилиб қолмай, токсик-инфекцияларга нисбатан ҳам сез-гириликни оширади.

КЛИНИКАСИ

Вақтидан олдин балоғатга етишишнинг органик характеридан ҳисобланган изосексуал тури бир қатор неврологик белгилар—боланинг ақлан суст тараққий қилиши, эмоционал турғунликнинг бўлмаслиги каби турлича патологик рефлекслар билан кечади. Бу патологик ҳолатга хос белгилар: анизорефлексия, патологик реф-лекслар, III — VIII ва XII жуфт мия нервлари фаолияти-нинг бузилиши, кўз олмаси остидаги соҳада қоннинг туриб қолиши, мускуллар тонусининг бузилиши, церебрал гипертензия ва бошқалар кузатилади. Беморнинг эмоцио-нал ҳолати ҳам ўзгаради: жаҳлдорлик, руҳий аҳволнинг кескин ўзгариши кабилар юз беради. Церебрал патология-да функционал ҳолатнинг бузилишидаги белгилар: модда алмашинуви — вегетатив ўзгаришлар унга хос белги-лардир.

Функционал характердаги церебрал патологиядан бошлаб гипоталамус структурасига тааллуқли белгилар юзага келади. Бу кўпинча асосий белги бўлиб қолади.

Диэнцефал структура фаолиятининг бузилишида гипергидроз, акроцианоз, субфебрилитет, ёғ қатламишининг бироз қалинлашуви ва кўпайиши сезилади. Аммо бунда қўпол неврологик белгилар — хусусан, интеллект тараққи-ётида сезиладиган белгилар кузатилмайди. Органик характердаги церебрал патологияда бу белгиларнинг вужудга келиши кечроқ намоён бўлади.

Жинсий жиҳатдан эрта етишган қизларда жинсий тараққиёт одатдагидек тўлиқ бўлмайди. Тўлиқлик икки-ламчи жинсий белгиларнинг тараққий этиши ва ҳайз кўриш орқали билинади.

Жинсий тараққиёт түлиқ бўлмаса, иккиламчи жинсий белгилар турлича ривожла- nib, қиз бола ҳайз кўрмайди.

Жинсий жиҳатдан түлиқ етилганларда суяк системаси ва тана оғирлигидаги ўзгаришлар түлиқ бўлмаганлардан анча юқори бўлади ва уларда суюкланиш ҳамда ўсиш жараёни анча тез кечади.

Тўлиқ бўлмаганларда суяк ўсиши ва унинг суюкланиш жараёни бирга кечади. Бу қиз боладаги гормонал ҳолатга боғлиқ бўлади. Тўлиқ шаклда эстроген ва гонадотро- пинларнинг ажralиши бошқаларникига нисбатан анча юқори бўлади (В. И. Бодяжина ва б.қ.лар, 1973 й.).

А. Г. Тумилович (1971)нинг фикрича, сут безларининг тараққий қилиши билан биринчи ҳайз кўриш оралиғи ўртача 18 ойга тўғри келади. Бу одатдаги нормал физиологик ҳолатдан анча тездир.

Тўлиқ бўлмаган формасида эрта бошланган жинсий тараққиёт даврида сут безларининг катталашуви секинла- шади. Аммо жинсий тараққиёт тизими, нормал физиологик жинсий тараққиётга нисбатан 2 баробар тез рўй беради. Гонадотропин, эстроген ва кольпоцитология натижасининг кўrsatiшича, эрта балоғатга етишишнинг тўла формасида овулятор цикл кузатилади. Тўла бўлмаган формаси эса, 10— 12 ёшли қизлардаги каби бўлади.

Эрта балоғатга етишишнинг изосексуал типида ту- хумдон шакли ўзгариши кам кузатилиб, бу асосан гормонал фаол ўсмалар ёки тухумдондаги фолликуляр кисталарда учраши мумкин.

Тухумдондаги гормонал фаол ўсмалар ҳам эрта балоғатга етишишга сабаб бўлиши мумкин. Одатда, ўсманинг катта- кичикилиги ва ажralадиган эстрогенлар миқдори билан боғлиқлик кузатилмайди.

ЭРТА БАЛОҒАТГА ЕТИШИШДА ГОРМОНАЛ ФАОЛ ЎСМАЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Бунинг церебрал формадан фарқи, даставвал қиндан қон келиши бўлиб, у бир хил кечмайди. Иккиламчи жинсий белгилар: сут бези сўргичи ва унинг атрофининг қорамтири рангга кириши, сут безларининг бироз катталашуви, қўлтиқ ости ва жинсий аъзоларда тукнинг кам ўсиши. Бунда ички ва ташқи жинсий аъзолар эстроген таъсирида бўлади: ташқи жинсий аъзо кўкимтири рангга киради, қиннинг шиллиқ қаватидаги бурмалар ўсиб, кўз қорачиги белгиси мусбат бўлади, бачадон катталашади. Эстроген миқдори балоғат ёшидаги аёллардагидек бўлади. Гонадотропин кам ажralади. Тана тузилиши ва скелети беморнинг ёшига хос бўлади. Бу эстрогеннинг вақтинчалик таъсири остида бўлади.

Фолликуляр кистада дастлабки белги — қиндан қон келиши, сут безларининг анча катталашуви орқали намоён бўлади.

Соматик тараққиёт тезлашмайды.

Фолликуляр киста балоғатга етишиш натижаси бўлиши мумкинлиги тўғрисида бир қатор назариялар мавжуд. Баъзилар бу киста туфайли эрта балоғат даври бошланади, десалар, бошқалар аксинча фикр юритадилар, яъни гипофизни вақтидан илгари фаоллашиши ва тухумдоннинг гонадотропинга бўлган реакцияси ёки гиперэстрогенемия- нинг ўзи сабаб бўлади деб талқин қиласидар.

В1зъор (1954) ва А. Т. Тумилович (1973) эрта балоғатга етишишга фолликуляр киста сабабчи бўлади, деб ҳисоблайдилар. Фолликуляр кистаси бор иккита қиз бола операция килинганда, операциядан кейин уларда эрта балоғатга етиш жараёнининг тўхтаганилиги аниқланган.

Фолликуляр кистали қизлар балоғатга етганда юқорида қайд этиб ўтилган белгилар кузатилган.

А. Т. Тумилович (1971) 6 нафар қизни кузатиб, уларнинг анамнезида ҳеч қандай инфекцион касаллик бўлмагани, онада ҳомиладорлик ва тугруқ нормал кечганлиги, электроэнцефалограммада касалликларда учрайдиган патологик белгилар бўлмагаилиги, гонадотропин, 17 — КС, тухумдоннинг функционал диагностикаси пубертат даврига хослигини аниқлаган. Муаллиф уларда ги эрта балоғатга етишиш ҳолатини уларнинг ички мухитидаги конституционал форманинг генетик ўзгариши—яъни акселерация натижаси, деб изоҳлайди.

Эрта бошланган жинсий тараққиётни тўхтатиш усули 2 хил:

1) асосий касалликни даволаш;

2) эрта бошланган жинсий тараққиётни тўхтатиш.

Ҳозирда дизенцефал патологияни даволашда етарлича чоралар мавжуд эмас. Кўпгина муаллифлар витамин, дигидратацион терапия, бурунни электрофорез қилиш усули, витамин В1 ва новокаиндан қониқарли натижа олишган. Вақтидан олдин жинсий етилишнинг олдини олишда, онанинг ҳомиладорлиги ва туғиши жараёнининг нормал бўлишини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир.

АЛЬБЮНТ СИНДРОМИ (ЭРТА БАЛОҒАТГА ЕТИШ ЖАРАЁНИНИНГ СУЯКЛАРНИНГ ФИБРОЗЛИ ДИСПЛАЗИЯСИ БИЛАН БИРГА КЕЧИШИ)

Бу белги А1Ь1§Ь1 томонидан 1937 йилда биринчи марта қайд этилган.

А1Ь1§Ь1 нинг айтишича, бу касалликка хос белгилар: 1. суюкларнинг тарқалган ҳолатдаги (тарқалган фиброз — кистоз остеодистрофия) ўзгариши; 2. терининг пигментацийаси; 3. жинсий томондан эрта етилиш.

КПеу (1960) бу касалликда гипоталамус фаолияти туғма бўлишини тахмин қиласиди. Яна баъзиларнинг фикрича, бундай

беморларда буқоқ ёки гипертериоз учрайди. Хасталик кўпроқ балоғатга етган қизлар ва ёш аёлларда кузатилиб, одатда вақтидан илгари балоғатга етишдан аввал сүяқ системасида ўзгаришлар сезилар экан. Бу жараён бора-бора секинлашиб тўхтайди ёки бутунлай тўхтамайди. Қасалликнинг бу тури факат қизларда учрайди, сабаби аниқ эмас.

Баъзи муаллифлар, бунга гипоталамуснинг туғма аномалияси сабаб, деган тахминни олдинга сурадилар, аммо шунга қарамай, унча сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмаган, факат гипофизда базофил adenomasини кузатганлар, холос (Мс Сипе ва б.қ.лар, 1937 й.).

Санчқисимон ва бўқоқ бези гиперплазияси хақида ҳам маълумотлар бор.

Бош суюгининг қалинлашуви ва унинг ўсмаларида мия ичи босимининг ошиши туфайли жинсий балоғатга етиш даври эрта бошланади, деган хуносалар ҳам бор.

Бунда тери сатҳидаги доғ кофенинг сут билан аралашмаси рангида бўлиб худди жуғрофия харитаси каби чегараланган бўлади. Бу хилдаги доғлар ҳар хил катталиқда бўлиб, кўпроқ зааралangan суюклар сатҳида жойлашган бўлади.

СУЯКЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Скелетнинг узун суюклари кўпинча турли хил деформацияга учрайди. Баъзан юз суюкларида ҳам деформация ҳолатини кўриш мумкин. Суюкларнинг ўз-ўзидан синиб кетиши ҳоллари ҳам кузатилади. Бир қатор муаллифлар- нинг фикрича, суюқ ҳосил қилувчи мезенхима суюқ каналига кириб, уни тўлдиради ва ҳатто эпифизга ҳам етади. Шунга кўра, рентгенда кўрилганида, суюқ тўқимаси- нинг анча сийраклашиб, баъзи қисмларида остеопороз рўй берганлиги кўринади.

Юз суюкларида, кўз ва мия остида гиперостаз ҳолати бошланиб, натижада юз деформацияга учрайди. Шегуа! (1959 й.) мия асос суюгининг деформацияси жараёнида кўрниш нерви босилганда кўриш хусусияти бузилган.

Кўз чукурчаси деформациясида эса, кўз олмаси чақчайиб чиқади. Шунингдек чаноқ ва қовурға суюклари деформацияси ҳам учрайди. Суюклар деформациясида bemor оғриқдан шикоят қиласиди, қонда фосфатаза миқдори бироз кўтарилиб, Са ажралиши кўпаяди.

Бундай bemорларда юқорида айтиб ўтилган клиник белгилардан ташқари, жинсий жиҳатдан эрта етилиш ҳолати кузатилади.

Илмий адабиётларда берилган маълумотларга қара- ганда 4 1/2 ёшда ҳайз бошланиб, 6 ёшда жинсий етуклиқ рўй берган.

КАСАЛЛИКНИНГ НАТИЖАЛАНИШИ

Эрта болалик ёшида сүяклардаги ўзгариш анча суст кечиб, балоғатга етиш билан тұхтайди. Бу хилдаги дифференциал ташхисни идиопатия ва церебрал ҳамда ёлғон етилиш белгилари билан қўшиб олиб бориш керак. Даволащда гормонлар деярли ишлатилмайды. Специфик даво омиллари йўқ. Фақат касалликнинг клиник белгила- рига қараб муолажа қилинади.

ГЕТЕРОСЕКСУАЛ ТУРДАГИ ЭРТА ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТ (ОДДИЙ ВИРИЛИЗАЦИЯ ҚИЛУВЧИ ФОРМАДАГИ ТУҒМА АДРЕНОГЕНИТАЛ СИНДРОМ)

Адреногенитал синдром 3500 — 5000 туғруқда битта- дан учрайди. Вақтидан олдин балоғатга етишишнинг олдини олишда, ҳозирги эндокринологик клиникаларда гипофизнинг гонадотроплик фаолиятини босиш учун турли хил препаратлардан фойдаланиляпти.

Сўнгги йилларда синтетик эстроген-гестаген препа- ратлар кўлланиб, анча ижобий натижаларга эришилмок- да. Бунда беморга ҳар 10—14 қунда 100—200 мг дан метоксипрогестерон берилиб кўрилди. Оқибатда Сирегтап ва б.қ.лар (1962) сут безларининг кичиклашганини ва ҳайз цикли тўхтаганлигини кўрганлар. К1сътап ва б.қ.лар (1971) шу препаратни катта дозада (200 — 300 мг) бериб кўрганларида, сүякларнинг етилиш жараёни пасаймагани- ни ва буйрак усти безида гиперкортицизмни кузатганлар. Эстроген-гестаген препаратлар буюрилганида у шу гор- монларга боғлиқ бўлган аъзоларга специфик таъсир кўрсатишини ҳам назарда тутмоқ керак. Гормонлардан, марказий генез фаолияти бузилган ҳолларда, кенг миқёсда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Тухумдондаги гормонал фаол ўスマларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш лозим. Фолликуляр кистада операция қилиш маслаҳат берилмайди. Бундай қизлар доимо гинеколог назорати остида бўлишлари керак. Кўпинча, эрта тараққиёт белгилари 2 — 3 ойдан сўнг йўқолиб кетади. Бу генетик-туғма касаллик бўлиб, фермент системаси 21-гидроксилазанинг буйрак усти пўстлоғи фаолиятидаги етишмовчилик билан боғлиқдир. Бу ҳолат кортизолнинг етарли даражада шаклланма- ганлиги ва АҚТГ ннинг кўп ажralиб чиқишига олиб келади. Унинг юқори даражада стимуляция қилиниши ҳар икки томондаги буйрак усти қобиғининг гипертрофияси ва гормонларнинг кўп синтез қилинишига олиб келади. Адрогенларнинг кўп ажralиши жинсий аъзоларда вирилизацияни оширади (клитор катталашади, урогени- тал синус вужудга келади), бу ҳолат бола ҳали она қорнидалиги давридаётқ намоён бўлади. Онадаги ҳомила- дорлик ва туғиши жараёни, одатда нормал кечади. Боланинг ҳам руҳий ва аъзоларииинг умумий ҳолати нормал

кечади.

КЛИНИКАСИ

Ташқи жинсий аъзолар тузилиши ўзгариб, вирилиза- ция анча сезиларли бўлади, жинсий белгиларни аниқлаш қийинчилик туғдиради.

Клитор турли ҳажмда катталалиб (гипертрофия ҳолидан то пенисга ўхшашиб ҳолгача), урогенитал синусни аниқлаш йўли билан ташхис қўйилади. Бундан ташқари, қинга кириш жойидаги чуқурча, бутнинг баланд бўлиши, катта ва кичик жинсий лабларнинг етарли даражада тараққий этмаганлигини билдиради.

Адреногенитал синдром билан оғриган болаларда, ҳаётларининг биринчи ўн йилида бўй ўсиши тезлашгани кўринади (7 — 10 ёшдаги қизлардан икки баробар тез). 12 ёшларга боргандаги ўсиш бироз секинлашади. Уларнинг бўйи 12 — 15 ёшлардаги соғлом қизлардан анча паст бўлади. Аввало бўйнинг тез ўсиши ва суюклар эпифизи- нинг тез суюкланиши кузатилади.

Адреногенитал синдром билан оғриган қиз болаларда суюкланиш 12 ёшда (панжалардаги) тугаб, 16 ёшда эса суюкланиш 23 ёшдагиларникига ўхшаб кетади. Бу ка- салликда остеогенез суюкларнинг резорбциясидан юқори бўлади, соғлом қизларда бу жараён нормал (бир хил) кечади. Қиз болаларнинг тана тузилиши диспластик характерда: елкалари кенг, чаноги тор, оёқ-кўллари калта, найсимон суюклари соғлом қизлар ва ҳатто аёлларникига нисбатан анча йўғон бўлади.

Вақтидан олдин бошланадиган жинсий тараққиёт баъзан жуда эрта (6 — 7 ёшдан) бошланади: эркаклик — иккиламчи жинсий белгилар вужудга келади (клитор катталашади, тук эркакларникига ўхшаб чикади, овози йўғонлашиб, мускуллари кучи ошади). Аммо сут безлари ривожланмайди ва албатта, ҳайз ҳам кўрилмайди.

Адреногенитал синдромда 16— 18 ёшларда бачадон ҳажми анча кичик бўлиб, соғлом қизларнидан секин ўсади. Адроген кўп бўлишига қарамасдан, буйрак усти бези ажратган эстроген таъсирида бўлади.

Умумий гонадотропин ва ЛГ туғма адреногенитал синдромда ҳаётининг биринчи 10 йиллигида -соғлом қизларнидан анча баланд бўлади. Электроэнцефа- лограмма бундай патологияда миянинг фаоллик ритми- нинг анча эрта шаклланганлигини кўрсатди.

Демак, қиз боланинг соматик тараққиёти церебрал структура фаоллигининг тезлашишидан ва адрогенлар- нинг анатомик таъсириданadir, деб талқин этилади.

Адреногенитал синдром билан оғриган беморларда 17-ҚСнинг концентрацияси анча юқори бўлади. З ёшдан б ёшгача 18 мг дан бир кунда (нормада 2,3 мг); 16 — 18 ёшда бир кунда 50 — 55 мг (нормада 7—8 мг).

Дифференциал ташхис: гермафродитизм вирилизация- га сабаб бўладиган буйрак усти безларидағи ўсмалар билан олиб борилади. Адреногенитал синдромнинг характерли белгиларидан — клиторнинг катталашиши, уро генитал синус, бачадон, тухумдон ва қиннинг борлиги, унинг урогенитал синусга қараб очилганлиги, жинсий хроматиннинг мусбат бўлиши аёллар кариотипининг 46XX лиги, преднизолон ёки дексаметазон билан олиб борилган текширишда 17-ҚС ажралиши камайиб кетишидир.

МУОЛАЖАСИ

Асосан АҚТГ (адренокортикотроп гормон) билан даволаш оддий вирилизацияда экскрецияни нормаллаштиришга қаратилади. Бунда глюкокортикоидлардан фойда-

ланилади (гидрокортизон, преднизолон, преднизон ёки дексаметазон). Глюкокортикоидларнинг бир кунлик дозаси: 5 ёшгача — кортизон 20 — 30 мг, преднизолон 5 мг, дексаметазон 1 мг; 6—12 ёшгача — худди шу тартибда 25 — 50 мг, 5, 7, 5: 2 мг; 12 — 18 ёшгача кортизон 50 — 100 мг, преднизолон 10 — 15 мг, дексаметазон 2 — 4 мг ни ташкил қиласи. Даволаш натижасида тухумдоннинг эндоген секрецияси ошибгина қолмай, гипофизнинг гона- дотроп фаолияти ҳам нормаллашади. Даволашни қачон бошлишнинг аҳамияти катта. Уни 7 ёшдан бошлиш ижобий натижа беради.

Глюкокортикоидлар ўсиш ва сүякланиш жараёни тезлигини камайтиради. Даволашни 10 ёшгача бошланган қизларда сут безлари катталашади, 12 — 15 ёшларда бошланган қизларда эса гипопластик ҳолича қолади.

Гипертрихоз камаяди, аммо бутунлай йўқолмайди. Хулоса шуки, даволанишни ўз вақтида бошлиш, туғма адреногенитал синдромининг кечиш жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Ташқи жинсий аъзоларни операция йўли билан тиклаш 2 босқичда олиб борилади: 1-босқичда пенисга ўхшаган клиторни олиб ташлаш (аниқланган заҳоти олиб ташлаш бемор асабига салбий таъсир қилмайди);

2-босқич — қинга кириш жойини тиклаш, бу бола 10—11 ёшга кирганида қилинади, чунки бу даврда даволаш натижасида тўқималар бирмунчга юмшоқ тортган бўлади.

КЕЧИККАН ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖИНСИЙ ЕТИШМОВЧИЛИК

Кечиккан жинсий етилиш деб, умуман 14 — 15 ёшдан кейин балогатга етишга айтилади, агар шу ёшгача жинсий ^тилишнинг бирор хил белгилари сезилмаса, бу кечиккан жинсий тараққиёт бўлади.

Шаш Михаил ва б.қ.лар, Ковач — Лайош билан биргаликда қуидаги тасниф (классификация) ни таклиф «илишган:

- 1) идиопатик кеч етилиш;
- 2) гипоталамик кеч етилиш;
- 3) семирмасдан вужудга келадиган жинсий камчилик (инфантлизм);
- 4) семириш билан кечадиган жинсий етишмовчи- ликлар;
- 5) Лаигепсе — Мооп — ВтесП синдроми;
- 6) гипофизар — гипогонадизм паканалик (карлик- лик) билан кечадиган;
- 7) гипофизар жинсий етишмовчилик;
- 8) гипофизар-гипогонадотроп евнухойдизм;
- 9) гипофизар — гипогонадотропли, вақтинчалик евнухойдизм;
- 10) бирламчи гонадли жинсий етишмовчилик;
- 11) тухумдон агенезияси (Тернер синдроми);
- 12) жинсий безлар гипоплазияси;
- 13) жинсий безлар дисплазияси.

ИДИОПАТИК ТИПИДАГИ КЕЧ БАЛОФАТГА ЕТИШ

Бу хилдаги патологик ҳолатнинг вужудга келиш механизми аниқ эмас. Бунда жасад ёриб кўрилганда гипоталамус ва ҳайз жараёнида иштирок этувчи бошқа эндокрин системаларда морфологик ўзгиришлар кўзга ташланмайди, шунинг учун бу турни идиопатик хил, деб юритилади.

Мабодо, қиз бола 17 — 18 ёшга кирганида ҳам жинсий тараққиёт белгилари кўринмаса, уни жуда диққат билан текшириш лозим бўлади.

Бўйнинг ўсиши, суюкланиш ядроси ҳамда тананинг евнухойд мувозанати, яъни суюкларнинг ўсишини текши- риш ўйли билан аниқлаш, унга ташхис қўйиш ва прогнозни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Қиз болаларда суюкларнинг тараққий этиши 10 '/2 ёш- дан бошланади. Бу ёшда жинсий тараққиёт билинмайди. Агар текшириш натижасида эндокрин безларда ҳайз кўриш жараёнига боғлиқ бўлган бирор-бир патологик ҳол кузатилса, Шаш Михаил ва Қовач — Лайошлар (1967) го- надотропин билан муолажа қилишни тавсия қиласидар. Буни амалга ошириш учун муолажа қуидаги схема бўйича олиб борилади: Пролиферация циклига қараб, ҳар 3 кунда бир марта, 400 бирликда мускул орасигий гонадотропин (буқа қони зардобидан олинади) юборила- ди. Бу фолликулнинг етилишини таъминлайди. Қейинги 2 ҳафта

давомида ҳар 3 кунда 500 бирликда хорионгона- дотропин юборилади, бу сариқ танага таъсир кўрсатади, 2—3 ойдан кейин бу курс яна қайтарилади. Шундай даволаш усули ёрдамида менархега эришилади

ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СЕМИРИШ БИЛАН БЎЛАДИГАН ЕТИШМОВЧИЛИК СИНДРОМИ ФКЕМСИ

Бу касалликда клиник белги — гипоталамуснинг фао- лияти гонадотропиннинг ажралишига боғлиқлигидир. Бу ҳол ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда кам учрайди. Клиник белгиларидан: беморнинг оёқ-қўллари узун, мускуллари ёмон тараққий этган, териси туксиз — духобасимон, ёнбош суюклари кенг бўлади, аммо улар ақлий тараққиётдан орқада қолмайди.

ГИПОТАЛАМУС ФАОЛИЯТИ ТУФАЙЛИ ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТДАН ОРҚАДА ҚОЛИШ

Бу хилдаги жинсий етишмовчилик шу организмдаги оғир патологик жараённинг қисман бир кўринишидир. Бунда кўпроқ соматик ўзгаришлар кузатилади.

ЖИНСИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СЕМИРИШГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛДА ОРҚАДА ҚОЛИШИ

Бу белгини биринчи марта 1944 йили АУПпз ва F1e18съшаплар аниқлаганлар. Бу синдром марказий асаб тизими ўсмаларида (краниофарингиома, гипотала- мусдаги глиомада) учрайди. Бундай bemорлар кўпинча ўсишдан орқада қолиб, жинсий тараққиёт юз бермайди, мияда куйидаги клиник белгилар бўлади: қўз нерви сўрғичининг шишиши, гемиплегия, битемпорал гемиа- нопсия ҳолати кузатилади. Бундан ташқари, гипотала- мик синдромлардан сийдикнинг қандсиз ажралиши, уйқучанлик, тана ҳароратининг кўтарилиши ва бошқа белгилар кузатилади. Аммо семириш юз бермайди, бу унинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Эстроген ишлаб чиқарилмайди. Колъпоцитологик ҳолат атрофик характерни кўрсатади.

ХЕНДА — МЮЛЛЕР — КРИСЧЕН КАСАЛЛИГИ (КРАНИАЛ КСАНТОМОЗ)

Бу наслдан ўтадиган касаллик бўлиб, гипоталамус билан бош мия ва гипофизлар касаллиги ҳисобланади.

Аутосом-рецессив типидаги наслдан ўтадиган касаллик. Унинг белгилари: экзофтальм, қандсиз диабет, ксантоматоз, лимфа безларининг катталашуви, тана скелетидаги

кучли ўзгаришлар, бош суюгининг юмшаб кетиши (гўё жуғрофия харитасига ўхшаб), суякларнинг тешилиши (рентгенда худди пона билан тешилганга ўхшаб кўринади), узун найсимон суякларда ва чаноқ суягида кистозли ўзгаришлар бўлиши.

Бемор бўйи паст (нанизм), жинсий инфантил, ҳайз кўрмайди ёки гипоменструал синдром кузатилади.

Даволаш: овқатланиш режими (пархез), ёғли овқат- лар емаслик, рентгенотерапия. Ёмон натижаланади.

ГИПОФИЗАР-ГИПОГОНАДОТРОПНИНГ ЕВНУХОИДИЗМИ

Гонадотроп гормонининг етишмаслиги билан боғлиқ- дир. Гипофизнинг бошқа фаолияти бузилмагани ҳолда, абгепагсбе нормал ҳолатда, 17- кетостероидлар ҳам шундай, қандни инсулин билан текшириш манфий бўлади. Бу фақат жинсий хроматин ва гонадотропинни текшириш йўли билан аниқланади. Жинсий тараққиётнинг кечикиши ҳар хил бўлиб, баъзи bemорларда кўкрак бези гипоплазия-си ва умуман ҳайз кўрмаслик кузатилади. Айрим bemорларда ҳайз ановулятор кўринишда кечади.

Касаллик этиологияси ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

ГИПОФИЗ ФАОЛИЯГИ ТУФАЙЛИ ГИПОГОНАДОТРОПНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ЕВНУХОИДИЗМИ

Оғир касаллик, хусусан, очлик, руҳий жароҳатланиш, кахексия натижасида юз беради. Бунга вактинча гона- дотропин ишлаб чиқилмаслиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунда жинсий етишмовчиликнинг клиник кўриниши деярли кўринмайди. Тухумдан фаолияти вактинча тўхтай-ди. Гонадотропин бўлмаганлиги сабабли, ҳайз цикли бирмунча вақт издан чиқади. Агар асосий белгилар йўқотилса, мавжуд белгилар аста-секин нормаллашади.

XIII БОБ

ГИПОТАЛАМУС-ГИПОФИЗАР СИСТЕМАНИНГ ЗАРАРЛАНИШИДА УЧРАЙДИГАН КЛИНИК СИНДРОМЛАР

В. Шрейбер (1963) гипоталам-гипофизар синдромга хос бўлган куйидаги клиник белгиларни кўрсатади: 1. Нейровегетатив. 2. Метаболик. 3. Психик. 4. Эндок- рин ҳолатининг ўзгаришидаги белгилар.

Бир қатор таснифлар борким (Д. Г. Шефер, 1962, В. Г.

Вогралик, 1964, В. Н. Грищенко, 1963), улар турлича талқин қилинади:

В. Н. Грищенко, (1963) бўйича:

- 1) нейроэндокрин формаси;
- 2) нейроатрофик формаси;
- 3) вегетатив-томирлар формаси;

- 4) диэнцефал эпилепсия;
- 5) мускул—дистрофик формаси;

6) уйку ва уйгоқлик ҳолатининг бузилиши.

Диэнцефал соҳа фаолияти билан боғлиқ бўлган нейроэндокрин касалликлар:

A) . 1) гипопитуитар синдром;

2) бўй ўсишидаги патология;

3) Йценко — Күшинг касаллиги;

4) гипоталамик (нейро — эндокрин) семириш;

5) Барракер — Симонс синдроми;

6) Деркум касаллиги;

7) адипозо-генитал дистрофия;

8) Лауренс-М.ун-Барде-Бидл синдроми;

9) гипермускуляр липодистрофия;

10) Моргани-Морель-Стюарт синдроми.

B) . Гипоталамо-нейрогипофизар касалликлар:

1) қандсиз диабет;

2) гипергидропексик синдром (Пархон синдроми).

ГИПОПИТУИТАР СИНДРОМ. СИММЕНДС КАСАЛЛИГИ

Бу турдаги синдром гипофиз ва гипоталамуснинг заарланиши натижасида вужудга келади. Улар қуйида- гича таснифланади:

1. Аденогипофиз фаолияти бузилганида болаларда учрайдиган гипопитуитаризм синдроми;

а) бўй ўсиш патологияси;

б) жинсий тараққиётнинг орқада қолиши;

в) аденогипофизар дистрофия — семириб кетиш ёки кахексия.

Болаларда гипопитуитар синдромнинг вужудга кели- шига турли соматик инфекцион касалликлар, жароҳатла- ниш, тугрук жараёнидаги шикастланишлар, тугруқдан олдинги патологик ҳоллар сабаб бўлади.

ЭТИОЛОГИЯСИ

Гипопитуитаризмга аденогипофиздаги инфаркт, не- кроз,

қон қуиилиши, эмболия, тромбозлар, интоксикация ва турли инфекциялар сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек диэнцефал соҳадаги яллиғланиш, дегене- ратив жараён, қон томирларидағи ўзгаришлар ва турли ўスマлар унинг келиб чиқишига ҳисса қўшади.

ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ

Бу қасалликда морфологик ўзгариш гипофиз атрофия-си ва без элементларининг бириктирувчи тўқимага айланиши билан ифодаланади. Қасалликда паренхиматоз аъзоларда атрофия ҳолатини кўриш мумкин (спланхио- микрия). Тери сатҳида бир қатор патологик ҳолатлар (склеродермия), тер ва ёғ безларида, соchlар пиёзида ҳамда тери остидаги ёғ қатламида ҳам ўзгаришлар кузатилади, скелет мускуллари атрофияси, орка мияда ёғли ўзгаришлар (жировое перерождение) юз беради. Буйрак усти ва бўқоқ бези ҳамда жинсий безларда атрофик ҳолат рўй беради.

КЛИНИК КЕЧИШИ

Бемор жуда озиб кетади, барвақт қариди, модда алмашинувининг атрофик бузилиши, спланхиомикрия, инкретор безлар фаолиятининг бузилиши ва шу каби ўзгаришлар кузатилади. Кўп учрайдиган белгилардан озиб кетиш (Эндокринология, 1973., Алёшина). Тери ости ёғ қатлами атрофияга учраб, боланинг кўз косаси ичига ботиб киради, соchlари синувчан, тузи хира бў- либ, асл рангини йўқотади, баъзан қоши ҳам тўкилиб кетиши мумкин. Пастки жағ атрофияга учрайди (қариларникига ўхшаб), териси шалпайиб, ажин босган, рангсиз ёки ер рангида ва қуруқ бўлади. Кўпинча bemор тана оғирлигини бир ойда 3 — 6 кг га, баъзан 20 — 25 кг гача йўқотади. Бемор скелетга ўхшаб қолади, қимирламай ётади. Ички аъзолар ҳажми ҳам кичиклашади, эпикардда, буйрак соҳасида ёғ қолмайди, сүякларда диффуз ҳолатда декальцинация ҳолати рўй бериб, bemор сүякларида оғриқ сезади, остеопороз кузатилади.

Юрак уриши секин, брадикардияга хос бўлади, артериал гипотония ва коллапс ҳолати ҳам юз бериши мумкин. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, яъни иш- таҳа пасайиб, анорексия юз беради, қусиши, баъзан қабзият ҳолати кузатилиб, қорин соҳасида кучли оғриқ пайдо бўлиши мумкин, уларда ичаклар атонияси кузати- лади.

Жинсий аъзолардаги анатомик ўзгаришлар, хусусан, бошланиб келаётган иккиласмчи ижобий белгилар камаяди ёки

бутунлай тўхтайди. Оғир гипогликемик коматоз ҳолат юя беради.

МУОЛАЖАСИ

Даволаш этиологик омилларга қараб белгиланади Агар ўсма аденогипофизда бўлса, уни олиб ташлаш ёкн рентген нури билан даволаш мумкин бўлади.

Энцефалит билан оғриган болалар асаб касаллеклари ни даволайдиган врачлар назорати остида бўлиш тавсия этилади. Шунингдек етишмаган гормонлар ўрнини босади ган препаратлардан фойдаланилади. Булардан: кортизон, 15 — 25 мг дан, дезоксикортикостерон, кунига 0,5 — 2 мг дан, ҳафтада 2 — 3 марта, тиреоидиндан 0,05 — 0,03 мг, тестостеронпропионатдан 10 — 25 мг дан ҳафтада 2 — 3 марта берилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган препаратлар катталарга мўлжалланган бўлиб, болаларга уларнинг ёши, умумий аҳволи эътиборга олинниб, керакли доза белгиланади.

Бу препаратлардан ташқари, префизон ҳам яхши фойда беради. Уни аввал 5 — 7 кун давомида, кейин кун ора буюрилиб, умумий курси 30 та уколдан иборат. Беморга унинг умумий аҳволини яхшилайдиган даво чоралари (овқат рациони, витаминлар, умумий кувватни оширувчи препаратлар)ни кўллаш керак. Кон ишлаб чиқарилишини яхшиловчи темир препаратлари, фоли кислотаси, витаминалардан В12 ларни буюриш лозим. Беморнинг иштаҳасини очиш мақсадида инсулин ишлатиш ман қилинади. Акс ҳолда оғир гипогликемия ҳолати кузатилиши мумкин.

Гипотиреозда тиреотроп гормони, кейинчалик кам-роқ дозада тиреоидин (катталарга 0,01—0,03 г дан) берилади.

Биз юқорида фақат болаларга хос бўлган патологик ҳолатлар устида сўз юритдик.

XIV БОБ

ЖИНСИЙ ТАРАҚКИЁТНИНГ БЎЛМАСЛИГИ

Бу патология гонадаларнинг дискинезияси оқибатида рўй бериб, жинсий безлар тараққиётида турли нуқсонлар туфайли, ҳаттобаъзан тухумдан тўқимаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу хромосомадаги нуқсонларга боғлиқдир.

Гонадаларнинг дискинезиясига сабаб, ҳомила ҳали она қорнидалигида, яъни эмбриогенез вақтида она организмига зарарли омйллар, асосан интоксикация, инфекция ва бошқаларнинг салбий таъсирига боғлиқ бўлади.

Гонад тўқима жуда сезгир бўлиб, салбий омиллар уни заарлайди ва ҳалокатга учратади, оқибатда у қўшимча тўқимага айланади. Буни баъзилар бачадон ичидаги ҳомиланинг емирилиши, деб талқин қиласидар.

Кўп муаллифларнинг олиб борган тадқиқотларига қараганда гонада дискинезиясида 80 % беморларда жинсий хроматин ёки мезоцин бўлмайди. Бундан ташқари, уларда хромосом йифиндиси ҳам тўлиқ бўлмайди (46 та ўрнига 45 та).

Шундай қилиб, гонадалар тараққиёти жараёнида жинсий хромосомаларнинг эмбриогенез даврида бўлин- маслиги натижасида уларнинг дисгенезияси кузатилади.

ГОНАДАЛАР ДИСГЕНЕЗИЯСИ

Баъзан тухумдан тўқимасининг бутунлай бўлмаслиги (гонада аплазияси) ҳам учрайди. Гонадалар дисгенезия- сида аменорея ҳолати кўп учрайди (Козег ва б.қ.лар). Лейсоае бўйича (1962) 30 — 43 % гача бўлган бирламчи аменорея гонада аномалиясига боғлиқ экан.

ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Бу турдаги патология хромосомалар аномалиясига боғлиқ бўлади. Гонада дисгенезиясининг вужудга келиши- га она организмига салбий таъсир қиласидаги омиллар — инфекция ва интоксикациялардир деб, талқин қилинади. Бу ҳолат асосан жинсий безларнинг шаклланиш даврига тўғри келади.

Кўпгина муаллифларнинг фикрича, гонада дисгенезия- сида асосий сабаб, токсик таъсирлардан ташқари, хромо- сомалардаги нуқсонлар ҳамдир.

Жинсий хроматин бўлмагандага жинсий хромосома текширилади. Хромосомалар йифиндиси X0 тўла бўлма- ганлиги билинади (46 та хромосома ўрнига 45 та бўлади). Хромосома йифиндисининг нотўғри бўлиши унинг мейоз жараёнида бўлинмаслиги ёки эркак ҳамда аёл уруғи ва тухумининг қўшилиши жараёнидаги анафаз бўлинишида бирортасининг тушиб қолишидандир. Гонада дисгенезия- сида онада биттагина бўлган жинсий хромосом X дан турли ҳолатларни, хусусан, ранг кўрлик белгиси кузатилиб, бу фақат онада бўлади. Шундай қилиб, она томонидан жинсий хромосомаларнинг бўлинмаслиги тараққиётни овогенез ва сперматогенезнинг эрта муддатда уларнинг дифференция қилиш вақтида тўхташи гонада дисгенезия- смга олнб келади.

Гонада дисгенезиясида «тухумдан» томонидан гонадотропинга жавоб реакцияси бўлмагани натижасида компенсатор равишда гонадотропин ишлаб чиқариш жараёни

кучаяди. Аммо ҳамма беморларда гонадотропин концентрацияси юқори бўлмай, уларнинг 20 % да гона- дотропин нормал ёки пасайган қолатда бўлади.

Баъзи бир bemорларда ирсий — тугма ҳолат, гипофиз фаолиятининг етарли бўлмаслиги, унинг фаолиятининг тез сустлашиши, натижада, гормоннинг доимий этишмаслик ҳолати сезилади.

КЛИНИКАСИ

Клиникада гонада дисгенезиясининг 3 та синдроми кузатилади:

- 1) Шерешевский — Тернер синдроми;
- 2) гонада дисгенезиясининг «тоза» формаси;
- 3) аралаш формаси.

Ҳозиргача гонада дисгенезиясининг турли клиник шаклларининг сабаблари аниқланган эмас.

Те(ег) (1968), Шерешевский — Тернер синдроми генетик аномалиялар йигиндиси бўлиб, улардаги айрим тўқималарнинг тарақкий қилиш қобилиятининг бўлмаслиги (мезодермал қаватлардан бошланғич мускул ва терининг эмбрионал даврда заарланиши), «тоза» форма-си эса мускул, суяқ ва бошқа системаларнинг нормал тарақкий этишида гонадаларнинг чегараланган заарла- нишидандир. Аралаш шаклида ҳар икки шаклнинг белгилари бўлиши мумкин.

ГОНАДАЛАР ДИСГЕНЕЗИЯСИННИГ «ТОЗА» ФОРМАСИ

Биринчи маротаба 8\уауег томонидан 1955 йили гонадалар дисгенезиясининг тоза формаси ёзилган. Бунда жинсий тараққиёт жуда ҳам орқада қолсада, соматик нуқсонлар учрамайди. Одатда бундай bemорларнинг бўйлари нормал ёки баланд бўлиб, гавда тузилиши ҳам аёлларга хос бўлади (аёллар фенотипи).

Е. А. Кириллова ва б.қ.ларнинг кузатишиларича, 12 bemордан 7 тасининг бўйи 162 см дан баланд бўлган. Тана тузилиши диспластик характерда, баъзиларида тана тузилиши интерсексуал ҳолатда (кўкрак қафасининг айланаси катталашган, чаноқ ўлчовлари бироз камайган, яна бошқаларининг тана тузилиши евнухоид типида, чаноқнинг кўндаланг ўлчови жуда камайиб кетган, оёқлар узунлашган ҳолни кузатиш мумкин) бўлади. Бу беморларда сут безининг бутунлай бўлмаслиги ёки жуда кам тарақкий этганлиги, қўлтиқ ости ва ташки жинсий аъзолар соҳасида тукларнинг кам бўлиши, бадан ваташки жинсий аъзоларнинг яхши тарақкий қилмаганлиги кўзга аниқ ташланади. Қин суртмасида атрофияга учраган хужайралар учрайди, соматик нуқсонлар бўлмайди.

Буларнинг суюк системасида Шерешевский — Тернер нуқсонлари кузатилмайди. 17-ҚС нормал ҳолатда, гипо- физнинг гонадотроп фаолияти юқори даражада бўлади.

Нормал ҳайз кўрадиган аёллардагина тестостерон концентрацияси бўлади. Жинсий хроматин кўп ҳолларда камайган, баъзан нормал бўлиши ҳам мумкин.

Корин деворини очиб кўрганда ички жинсий аъзолар аёлларнига хос (бачадон ва найчалари бор), тухумдан ўрнида ингичка оқимтири, узун тўқимани кўриш мумкин, унинг морфологик кўриниши Шерешевский — Тернер синдромига ўхшаб кетади.

ГОНАДА ДИСГЕНЕЗИЯСИННИГ АРАЛАШ ФОРМАСИ

Бу хил формани дастлаб зокуа! (1965) ажратган. Бундай беморларда аёллар фенотипи (камдан-кам эркак- лар фенотипи учради) кўзга ташланади. Жинсий хрома- тин салбий, ташқи жинсий аъзолар аёлларга хос бўлиб, қин ва бачадон бўлади. Тухумдан ўрнида бир томонда қўшимча тўқимали гонадаrudименти, иккинчи томонда дисгенетик эркак уруғдони бўлади. Чин гермафроди- тизмдан гонада дисгенезиясининг аралаш формасиовари- ал ва тестикуляр элементлар борлиги билан фарқ қиласди.

Гонада дисгенезиясининг аралаш формасида bemor, одатда, баланд бўйли бўлиб, сут безлари бўлмайди. Ташқи жинсий аъзолар ва қўлтиқ ости туклари кўп бўлади. Баъзан гипертрихоз кузатилиб, bemорларнинг товуши паст бўлади, соматик нуқсонлар учрамайди.

Жинсий хроматин бўлмаган bemорларда цитогенетик текширишда кариотиплардан X0 (XX ёки XV) аниқланади. Корин деворини очиб қараганда бачадон найчаларининг яхши тараққий этмаганлиги, (баъзан факат бир томонда), гонадалардан бириrudимент ҳолатда бўлиб, оқимтири бириткирувчи тўқима, иккинчи томонида овал ёки думалоқ формадаги эркак уруғдони элементлари топилади.

Гонада дисгенезиясининг аралаш формасида ўсмалар ҳосил бўлиши, хусусан, кўпроқ гонадатомалар (жинсий зеHоН ва Лейдигнинг интерстициал ҳужайралари гона- добластомадап ташкил топган) типидаги ўсмалар учрай- ди Агар иккинчи томондаги эркак уруғонида ўсма вужудга келса, клиторнинг билинадиган даражадаги гипертрофияси, вирилизация, тана тузилишининг эркакка ўхшаб кетиши ва ҳоказолар учрайди. Агар ўсма борлиги аниқланса, албатта лапаротомия қилиш зарур. Гонада соҳасида шакли нотўғри, конституцияси бир хил бўлмаган ҳолат топилса, унда ўсма билан биргаликда бачадонни ҳам олиб ташланади.

ГОНАДА ДИСГЕНЕЗИЯСИННИГ ТАШХИСИ

Ташхис қўйиши. Бирламчи тухумдан фаолиятининг етишмовчилиги, бўйнинг пастлиги каби характерли нуқсонларни аниқлаш йўли билан олиб борилади.

Тана вазни енгил, оёқ-қўллари шишган янги туғилган ва эмизикли болаларга гонада дисгенезияси ташхисини қўйиши осон.

Яна, ташқи жинсий хроматиннинг салбий бўлиши (агар бемор хроматини ижобий бўлмаса) ҳам ташхис қўйишга ёрдам беради. ГТГ (50 бирликдан ортиқ) анча юқори бўлса, бу ҳам гонада дисгенезияси мавжудлигини тасдиқлайди. Балоғат ёшидаги ёки балоғатга етганларга ташхис қўйиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун бирламчи ва иккиласми жинсий белгиларнинг бўлмаслиги, ривожланишдаги характерли нуқсонлар ҳам- да жинсий хроматиннинг бўлмаслиги, ГТГ концентрация- сининг юқори бўлиши, бўйнинг «тоза» шаклида, нормал бўлиши, тараққиётда соматик нуқсонларнинг бўлмаслиги, жинсий хроматин ва гонадотроп гормонларни аниқлаш пневмоперитонеум ва гинекография қилиш ёрдамида тухумдан ўрнидаги жойни топиш йўли билан ҳам гонада дисгенезияси аниқланади.

ШЕРЕШЕВСКИЙ — ТЕРНЕР СИНДРОМИ

Бу турдаги патологик ҳолат биринчи маротаба, Н. А. Шерешевский томонидан ёзиб қолдирилган. Бундай болаларнинг тана оғирлиги енгил, оёқ-қўллари шишган (Бонневи — Ульрих синдроми) бўлади. Улар секин ўсади. Катта бўлганларида эса уларнинг оғирлиги 120 — 140 кг бўлади. Л. Г. Тумиловичнинг фикрича (1970), бу шу ёшдаги болаларнинг 55 % ини ташкил қилас экан.

Бундай беморларнинг кўкрак қафаси бочкасимон, сут безларининг сўрғичлари бир-бирларидан узоқ жойлашган, бўйни калта, бўйнидаги тери кўпинча буришган бўлиб, тирсак ва тизза бўғимлари вальгусли девиация кўриниши- да, қон томирларида кўпинча нуқсонлар бўлади, хусусан, аортанинг торайган бўлиши, птоз, эпикантус, ғилайлик, қулокларнинг паст жойлашганлиги, танглайнинг баланд, бўйин соchlари чегарасининг анча пастда бўлиши, синдак- тилия, булутсимон суякларда ҳамда чаноқ суягига, орқа умуртқа, бош ва эпифизда остеопарез ҳолатини кўриш мумкин бўлади.

Балоғатга етиш даврида bemорларда иккиласми жинсий белгилар вужудга келмайди. Сут безлари ҳам бўлмайди, қўлтик ости, қов суяги ва ташқи жинсий аъзолар устидаги туклар ҳам жуда кам бўлади. Қиннинг шиллик қавати юпқа, ялтироқ бўлади, бачадон ва қин кам тараққий қилган бўлиб, қин суртмасида

атрофик хужайра- лар бўлади. Бачадон шиллиқ қавати қириб кўрилганида атрофик ҳолат кўзга чалинади. Қирилганда ҳеч нарса олинмайди.

Илмий адабиётларда ёзилишича, Тернер синдроми билан оғриган bemорларда маскулинизация ҳолати учрай-ди, клитор гипертрофияси ва тукларнинг эркакларнидек чиқиши ҳолати кузатилади. Кўпчилик bemорларда жинсий хроматин бўлмайди. Гонада дисгенезиясининг етакчи белгиларидан бири аменореядир. Лаборатория текши- рувларидан сийдиқда гонадотроп гормоннинг ФСГ ҳисоби- га анча юқори бўлиши (60 дан 400 бирликкача — текшириш усулига қараб) аниқланган.

Эркакларнинг генетик ҳолати патолого анатомик текширилганда қуидагича: бачадон ва найларнинг тўғри шакли кузатилиб, тухумдон ўрнига эркак гонадасинингrudимент ҳолати кўринади. Баъзан бачадон ва найчалар ўрнида Нис1и5 тезоперийпиз нингrudимент шакли кўзга ташланади. Айrim ҳолларда бачадон бўлмайди, ргчиз- нинг 2 та ипи найчаларни эслатади. Бу ипларнинг ёнида гонаданингок, ингичка биритиравчи тўқимаси кўринади.

ПУБЕРТАТ ЁШИДА ҲАЙЗ ЦИКЛИНИНГ БУЗИЛИШИ

Маълумки, ҳайз жараёни бачадоннинг чегараланган фаолияти бўлиб қолмай, умуман организмнинг мураккаб физиологик жараёнидир.

Ҳайз циклининг қандай кечиши аёлнинг ёшига, жисмоний тараққиёт даражасига, оилавий ва хизмат шароитига, атроф-мухитга, иқлимга, овқатланишга ва асабий омилларга боғлиқдир. Шунингдек ўткир ва сурункали инфекцион касалликлар, заҳарланиш, нурла- ниш ҳам ҳайз циклига таъсир қилувчи омилларга киради.

Ҳайз циклининг издан чиқишида, жинсий аъзолардаги патологик ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади.

Пубертат ёшида ҳайз циклининг бузилиши, бу ёшдаги ўткинчи, патологик ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Маълумки, қиз болаларда ҳайз цикли уларнинг организми ҳали тўла етилмаган жараёнида бошланади. Марказий асабтизимидағи рефлектор боғланиш ҳали тўла йўлга қўйилмаган, эндокрин система (гипофиз, тухумдон, буйрак усти бези ва бўқоқ бези) ҳали турғун фаолиятга эга бўлмаган, шунингдек, бачадоннинг рецептор ва без аппаратлари фаолият жиҳатидан тўлиқ етилмаган бўлади. Шунинг учун турли заарли омиллар ҳайзни жуда осонлик билан издан чиқариб юбориши мумкин.

Е. И. Гуревич ҳайзнинг издан чиқишини нейро- эндокрин система ҳолати билан боғлиқ деб изоҳлайди.

Пубертат ёшидаги қызларда ҳайз циклиниң бузили- шини И. И. Бочаров 3 турға бўлади:

1. Ҳайзниң бўлмаслиги (аменорея), кам бўлиши — гипоменорея.

2. Ўсмирлик ёшидаги қон кетиши.

3. Ҳайзниң оғриқли бўлиши.

Юқорида қайд этилган омиллар ҳайзниң кўринишда- ги шу хилларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

ҲАЙЗНИҢ БЎЛМАСЛИГИ (АМЕНОРЕЯ)

Аменорея грекча сўз бўлиб, «а» бўлмаслиги, мен — «ой» ва «оқиши» демакдир.

Аменорея 2 турға бўлинади:

а) физиологик; б) патологик.

Физиологик аменорея қиз болаларниң жинсий та- раққиётга етгунча бўлган даврида ҳайз кўрмаслигидир. Болалик ёшидаги аменорея (жинсий тараққиёт давригача бўлган аменореяда) тухумдондаги бошланғич фолли- кулларниң тўлик етишмаслиги, бачадон шиллиқ пардаси- да шу туфайли ҳайзга тайёргарлик бўлмаслиги (пролифе- рация ва секреция жараёни) натижасида рўй беради. Қиз боланинг умумий эндокрин системаси ҳайз циклини вужудга келтиришга қодир бўлмайди.

Аменореянинг яна икки тури бор:

1) бирламчи аменорея, 2) иккиламчи аменорея.

Бирламчи аменорея ўз навбатида а) чин ва б) ёлғон турларга бўлинади..

Бирламчи аменореянинг ёлғон турида бачадон ва тухумдонда циклик жараён кузатилиб, аммо ҳайз қони ташқарига чиқмайди. Бу ҳолат жинсий аъзолардаги бир қатор нуқсонларда (қизлик пардаси, бачадон бўйининг берк (атрезия) бўлишида, қиннинг бирор қисмининг чандиклар туфайли бекилиб қолишида кузатилади. Бунда ҳайз қони механик тўсиқлар туфайли ташқарига чиқа олмайди.

Бирламчи чин аменорея организмдаги чуқур ўзга- ришлар натижасида юз бериши мумкин. Жойли омилларга фақат қизлик пардасининг ва қиннинг битов эканлигигина эмас, балки жинсий аъзоларниң бошқа қисмларида патрлогик жараён, хусусан, эмбрионал тараққиётдаги нуқсонлар, бачадоннинг бўлмаслиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, аменорея эндокрин система, жинсий безларниң фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Бу сўнгги патологик ҳол кам учраб, асосан туғма бўлади.

Бирламчи чин аменореяга қиз бола кичикилигига оғир сурункали ва ўткир инфекцион касалликлар билан оғриган бўлса, алиментар қахексия, руҳий жароҳатланиш (қиз боланинг айниқса балофатга етиш даврида) сабаб бўлади.

МУОЛАЖАСИ

Бирламчи чин аменореяни даволаш анча мураккаб бўлиб, жинсий аъзолардаги нуқсонларни ҳар до*им ҳам тузатиш мумкин бўлавермайди.

Эндокрин системадаги нуқсонларни гормонлар ёрдамида даволашда камдан-кам ҳолларда ютуқقا эришиш мумкин.

Бирламчи ёлғон аменореяни даволаш эса унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бунда қин, бачадон бўйни ва қизлик пардасидаги битовлар жарроҳлик йўли билан даволанади.

ЛЕРЕНС-МУН-БИДЛ СИНДРОМИДА БИРЛАМЧИ АМЕНОРЕЯ

ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Қасаллик асосан наслдан-наслга ўтади. Бунда геннинг бир қатор нуқсонлари кўзга ташланади. Патогенетик кузатиша гипоталамус ядроининг дегенератив ўзгарга-ни, ганглиоз хужайраларнинг камайганлиги, уларнинг ўрнига глия хужайралари ўсганлиги маълум бўлади.

Клиник кўриниши адипозогенитал дистрофияга ўхшаб кетади, беморнинг ақлдан озиши, ҳатто бутунлай эсини йўқотиб қўйиши, ва яна бир қанча нуқсонлар (гетероло-гия, амблиопия, кўрлик, полидактилия, синдактилия, тилнинг калта бўлиши, орқа чиқарув тешигининг берк бўлиши ва х.к.лар) кузатилади.

МУОЛАЖАСИ

Овқатланиш тартибига риоя қилиш, ёғли таомларни чегаралаш, рентген нурлари билан даволаш. Қасаллик — оқибати ёмон.

ҚИЗ БОЛАЛАРДА ҲАЙЗНИНГ БОШЛАНИШИ ВА КЕЧИШИ, ҲАЙЗНИНГ ОФРИКЛИ БЎЛИШИ (АЛЬГОМЕНОРЕЯ, АЛЬГОДИСМЕНОРЕЯ).

Ҳайз кўриш физиологик жараён бўлишига қарамай, баъзи ҳолларда қиз болалар биринчи ҳайз бошланишида, қорин пастида, думғаза, дум суяги соҳасидаги оғриқдан шикоят қиласидилар. Айрим қизлар ҳайз кўришдан 1 — 2 кун олдин ланжлик, кўнгил айниши, сезгириликнинг ошиши, баъзи хидларни, ҳеч кимни ёқтирамай қолиш, кўк-рак безининг тўлишиб оғриши, қорин деворининг пастки қисми кўпчиганидан шикоят қиласидилар (ҳайз олди синдроми). Бу ҳолатни Р. Р. Макаров — вегетатив невроз ҳолати бўлиб,

гормонлар таъсирида шу ҳайз кўриш олдидан ча- ноқ ичидаги органларнинг қон билан тўлишишидир, деб тушунтиради. Бу синдром баъзи қизларда балоғатга етиб бўлганидан кейин ҳам давом этиши мумкин.

Баъзан, ҳайнинг оғрикли бўлиши жинсий аъзоларда- ги патологик ҳолатдангина бўлмай, балки умумий асаб тизиминингфаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни қиз бола ҳайз кўриш нималигини ҳали билмаган, у билан она ёки ўзидан катталар бу борада ҳеч қандай сухбат олиб бормаган бўлади. Шунинг учун қиз бола ҳайз кўриши билан ёки кўриши олдидан бўладиган озгина оғриқдан ваҳимага тушиши мумкин. Шунинг учун врачлар бундай bemorларга айниқса алоҳида аҳамият беришлари лозим. Врач томонидан беҳосдан айтилган арзимаган бирор сўз ҳам болага ёмон таъсир қилиш мумкин.

Ҳайз кўрган вақтда кузатиладиган оғриқ сабаблари куйидагича:

1. Яллиғланиш — агар қиз боланинг жинсий аъзоларидан бирор қисмида яллиғланиш жараёни бўлса, ўшандан қолган асоратлар туфайли (чандиқлар туфайли ҳам);

2. Вегетатив асаб тизимининг парасимпатик бўлимидаги кўзғалиш хусусиятининг ошиши юз беради. Бу ҳол одатда, бачадон мускуллари қисқаришининг ошиши, бачадоннинг кучли қисқариши унинг нерв учларига таъсир қилиб, оғриқ бўлишига сабаб бўлади.

Р. Шредернинг айтишича, нерв системасининг бу ҳолати бошқа бир қатор клиник белгилар билан, хусусан, кўп терлаш, ошқозон безларидан кўп секрет ажralиши, юрак уриши, эозинофилия, тупук ажralиши билан бирга кечиши ҳам мумкин экан.

3. Жинсий аъзоларнинг яхши тарақкий этмаганлиги- да— инфантализмда ҳам оғриқ бўлади. Гипопластик (яхши тарақкий қилмаган) бачадон, суст тарақкий қилган мускул қавати ва унинг оралиғига жойлашган оралиқ тўқима шу қаватнинг анча зичлиги, шунга кўра, чўзилиш қобилиятининг суст бўлиши, натижада ҳайз кўриш жараёнида яхши кенгая олмасликка ва ўз навбатида оғриқка сабаб бўлади. Кўпинча бачадон инфантализмидаги тухумдоннинг тўла етилмаганлиги ҳам кузатилади.

4. Эндометриоз — бу патологик ҳолат қиз болаларда ҳам учраши мумкин. Баъзи муаллифлар, буни ҳомила тараққиётида бачадон шиллиқ қавати ташқарида бошқа қаватларга жойлашиб қолишидан, деб хисоблайдилар. Эндометриоз бошқа холларда ҳам қиз болаларда пайдо бўлиши мумкин. Булардан қиз бола ҳайз кўрганида, ҳайз қони бачадон шиллиқ пардаси билан найчага, тухумдон, бачадон бўйни орқаси, орқа гумбаз соҳасига ўтиб жойлашиши мумкин. Бунда менархедан кейинги ҳайз кўришда найчалар ҳамда

лимфа томирлари орқали бачадон ичидан бошқа қисмларга тарқалған шиллик парда ҳам организмдаги гормонлар таъсирида ҳайз жараёнинг тайёрланиб, қиз бола ҳайз күрганида шу шиллик пардада ҳам бачадон шиллик қаватида бўладиган ҳол кузатилади (пролиферация ва эксудация). Қейин бачадон шиллик қаватининг функционал қавати кўчиб, қон ажралади. Бачадондан ажралиб чиқсан ҳайз қони қин орқали ташқарига чиқади, аммо бошқа қисмлардаги ҳайз қони шу жойларга йиғила боради, суюқ қисми ташқарига чиқиб, куюқ қисми қолади. Шу йўсинда келгуси ҳайзда ҳам бу жараён қайталаниб, ҳайз массаси кўпая бориши натижасида оғриқ кучая боради.

В. П. Баскаков, эндометриоз бутун аъзо ва система- ларга тарқалиши мумкинлигини, шунинг учун бу жара- ённинг кечишини барча тиббиёт мутахассислари пухта билиши шарт, деб (ички касалликлар, нерв касалликлари, кўз-кулок-бурун касалликлари враchlари, рентгенологлар ва бошқалар) уқтиради.

Бизнинг фикримизча, болалар врачи, болалар ва ўсмирлар гинекологлари ҳам бу касалликларни яхши ўрганишларн лозим.

5. Пардали альгодисменорея.

Р. Шредернинг фикрича, бу хилдаги патологик ҳолатда бачадон кучли қисқарип пластинкали зич тўқимани сиқиб чиқаришга уриниши кузатилади. Бунда шиллик қаватнинг бир қисми ажралади ва зич ёпилган бошқа бир қисми эса [ажралмайди. Ана шунда бачадон кучли қисқаради ва натижада оғриқ сезилади. Р. Шредер буни гормонал муовзанатнинг бузилиши, гиперфолликулинемиядан деб қисблайди. Маълумки, фолликулин кўп бўлса, унинг I таъсирида бачадон кучли қисқарип, натижада оғриқ бошланади.

6. Р. Шредернинг айтишича, ҳайзниң оғрикли бўлишига рефлектор невроз сабаб бўлар экан. Бу ҳолни у «бурун» дисменореяси, деб атайди.

Жинсий аъзолар ва буруннинг пастки тоғайи ҳамда унинг тўсиғининг шиллик пардасида маълум даражада рефлектор ва улар орасида алоқа бўлади. Агар бурун шиллик қавати қитиқланса, томоқ соҳасида тиришиш, йўтал, ҳамда бошқа ҳолатлар юз беради ва бу аъзолар таъсиранади. Бунга бачадон ҳам тааллуклидир. Агар Е бурун пардасининг бирор қисмига кокайн суртилса, ҳайз I оғриги анча босилади.

7. Ҳайзда оғриқ бўлишининг сабабларидан яна бири — | бачадоннинг нотўғри ҳолатидир. Одатда, бачадон ўқи ча- > ноқ ўқи бўйлаб жойлашган бўлиб, ўзининг туби ва танаси > билан қов томонга бироз эгилган (ап!еPех1o) ва оғган (ап1еуегз1o) ҳолатда бўлиб, танаси билан бўйин чегараси- I да эгилиши 45° га teng бўлади. Баъзи ҳолларда бачадон ҳаддан

ташқари олдинга эгилган ва оғган (рурегап1eГ- 1ex1o) бўлади. Кўпчиликнинг айтишича, қорин бўшлиғида I босимнинг ошиши (қиз бола кичиклигида оғир жисмоний | меҳнат билан шуғулланган бўлса ва ҳ.к.лар) натижасида I бачадон ҳаддан зиёд ташқи томонга эгилиб қолади.

| . Булардан ташқари, бачадоннинг орқага (думғаза I соҳасига) эгилиб қолишига турли яллиғланиш жараёнла- » ри сабаб бўлади. Бунда ҳайз қонини сиқиб чиқариш учун I' бачадондан кўпроқ куч талаб қилинади, шунинг учун I у кучлироқ қисқара бошлайди, натижада оғриқ бошла- нади.

Шундай қилиб, биз ҳайз жараёнининг оғрикли I бўлишига олиб келадиган бир қатор омилларни кўриб чиқдик. Бундан шундай хулоса чиқадики, оғриқнинг келиб чиқиш сабаблари талайтина экан. Юқоридаги ҳолларни ҳисобга олган ҳолда, ҳайз жараёни оғрикли кечадиган қизларни ҳар томонлама чукурроқ текширувдан ўтказиш лозим. Сабаби аниқланилгач, муолажа тайинланади. Одатда, оғриқни қолдиришда тўғри ичак орқали оғриқни қолдирадиган препарат шамчалари ишлатилади. Бундан ташқари тўғри ичак фаолиятини яхшилаш ҳам катта аҳамиятга эга.

XV БОБ

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ФАОЛИЯТИ БУЗИЛГАНИДА БАЧАДОНДАН ҚОН КЕТИШИ (ДИСФУНКЦИОНАЛ ҚОН КЕТИШИ)

Қон кетишининг сабаблари жуда кўп. Қасаллик полиэтиологикдир.

■ Айрим сабаблари: организмнинг ёшига боғлиқ бўлган омиллар, асабий омиллар, оиласда ва ишда бўладиган кўнгилсиз воқеалар, периферик — эндокрин безларининг фаолиятининг бузилиши, ўткир ва сурункали кечадиган инфекцион касалликлар, жинсий аъзолардаги сурункали яллиғланиш жараёнлари ва ҳоказолар. Этиологик фактор- лар ичида, айниқса, қизларнинг жинсий тараққиёт даврида бошларидан кечирган юқумли касалликларни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Ю. А. Крупко — Большова ва б.қ.лар (1958) Осиё гриппида балоғатга етиш давридаги (ювенил) қон кетиши ҳодисаси 4 маротабагача кўп учрашини кузатганлар. Қейинроқ Ю. А. Крупко — Большова (1960) тджрибада грипп юқтириб кўрилган ҳайвонларнинг фолликуляр аппарати қон билан тўлганини, оралиқ тўқимага қон куйилганини, бачадонда эса, шиллиқ қаватнинг кўпчи- ганлигини ва қизариб кетганлигини кузатиб, касаллик оғирлашгани сари ҳайвоннинг жинсий аъзоларидаги патологик ҳолат ошиб борганлигининг гувоҳи бўлади.

Н. И. Грищенко (1957) вирусли гепатитда факат тухумдондагина морфологик фаолият жиҳатидан ўзгариш бўлиб қолмай, гипоталамусда ҳам худди шунга ўхшаш ўзгаришлар юз беришини изоҳлайди.

А. Ф. Добротина (1978), И. И. Довженко (1957) лар-нинг кузатишича, 45 та беморнинг 3 % да қон кетишига уларнинг руҳий ҳолатлари сабаб бўлган экан. Илмий адабиётларда ёзилишича касалликнинг бошланиши йил фаслларига ҳам боғлик бўлар экан. Бачадондан қон кетиши кўп беморларда пубертат ёшда, март-апрел ойларида юз бериб, ёзда камаяр, ноябр-декабр ойларида яна кўпаяр экан.

Эндоген ва экзоген факторлар ҳайз циклини бошқа-рувчи гипоталамус-гипофиз тухумдан системасининг турли қисмларига таъсир кўрсатиши оқибатида дисфункционал қон кетиши рўй бериши мумкин.

В. Г. Богралик (1973) нинг изоҳлашича, организмдаги гормонал система фаолиятини бошқарилишининг бузилишига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлар экан:

1. Эндокрин безларнинг бирортасини нейро-гормонал (гипоталамус гипофиз) омиллари таъсирида фаолияти бузилади.

2. Инфекция, интоксикация, жароҳатлар, ўсмалар туфайли бир ёки бир неча безлар фаолиятининг бузилиши.

3. Маълум безларда гормонларнинг вужудга келишида ферментлар стимуляциясининг етарли бўлмаслиги;

4. Бирор бир гормоннинг организмнинг керакли жойига етиб бормаслиги;

5. Гормонларнинг таъсир қилиш шароитининг бузилиши;

6. Баъзи бир гормонларнинг таъсир қилиш фаоллигининг бузилиши, Р. Шредер (1915, 1920) бу ҳолатни қуйидагича талқин қиласди:

Киз болаларнинг жинсий тараққиёти даврида фолликуллар ёрилмай қолиб, кистачаларга айланиб қолиши натижасида улардан ажралиб чиқсан фолликулин таъсирида эндометрия қалинлашуви (пролиферация) ва ниҳоят бачадондан (жинс.ий аъзоларнинг анатомик жиҳатдан нормал тараққий килганига қарамасдан) қон кетиши геморрагик метропатия, деб аталади.

Қ. Н. Жмакин (1978)нинг айтишича, фолликуллар-нинг ёрилмай қолиб кетиши натижасида кистачаларга айланиши, уларнинг атрофияга учраши ҳам бачадондан қон кетишига сабаб бўлади. Аммо у фақат шунинг ўзигагина эмас, балки кўпроқ тухумдондаги бир қатор морфологик ҳолатларга, огулятор ва ановулятор фаолия-тига ҳам боғлик бўлар экан.

Ановулятор қон кетиши:

1. Қисқа муддатда фолликуллар ёрилмай қолиб, майда

кистачаларга айланганида.

2. Фоллиуллар узок вақт мобайнида ёрилмай, майда кистачаларга айланганида.

3. Етилмаган фоллиулнинг атрезияси (ёрилмай қолиши) ёки кистачага айланиб қолиши.

Хозирда кўп олимлар, бачадондан дисфункционал қон кетишига гипофизнинг олдинги бўлаги фаолияти ва ФСГ ҳамда ЛГ гормонларининг циклик равишда ажралиб чиқишининг бузилиши сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Ю. А. Крупко — Большова (1966) гормонал тадқи- қотлар натижасида, қиз болаларнинг жинсий тараққиёт вақтида гипофизнинг гонадотроп фаоллиги кучайганлиги ва шу туфайли фоллиулларнинг узок вақт мобайнида кистачалар ҳолатида қолишини аниқлаган.

К. Г. Роганова ва б.қ.лар (1968) ЛГ (сариқ тана гормони)нинг ажралиш жараёнини ўрганиб, ўсмирлик ёшида қон кетишида bemорларни З туркумга ажратдилар:

Биринчи туркумдаги қиз болаларда ановулятор қон кетишида ЛГ нинг бир хилда ажралмаслиги аниқланган (70 мг/л дан).

Иккинчи туркумда бу гормон гиперсекреция (секреция-нинг кўп ажралиши) ҳолатида бўлади (125 — 250 г/л дан). Учинчи туркумид^а ЛГнинг ажралиши нормал ҳайз циклига мос бўлади. Ўсмирлик ёшида бачадондан дис- функционал қон кетишида гипоталамуснинг жинсий аъзолар фаолиятини тутиб туриш (тормоз) фаолияти камаяди: эндоген ва экзоген омиллар онтогенез даврида гипоталамус ҳужайраларининг рецептор фаолиятига таъ- сир этишига кўра, унинг марказининг таъсирчанлиги ошади. Гипоталамус бу ҳолда гипофизга тўлиқ таъсир кўрсата олмайди. Шунга кўра, гонадотроп гормони кам ажралади.

А. Ф. Добротина ва б.қ.лар (1972) нинг кузатишлари- ча, bemор аёлларнинг жинсий тараққиёти даврида гонадотроп гормони бир хил, кам микдорда ажралади.

Маълумки, бачадондан қон кетиши кўпроқ жинсий тараққиёт даврида, менархеда, менопауза ва климактерия ёшида рўй беради. Ўсмирлик (ювенил) даврида қон кетишининг бир неча номлари мавжуд: вирил-ўсмирлик, пубертат даврида қон кетиши ва ҳ.к.

КЛИНИКАСИ

Ановулятор дисфункционал қон кетиши, ҳайзнинг тўхтаб қолиши (7 — 8 ҳафта давомида) бачадондан қон кетиши билан характерланади. Бу қиз болаларда кўпинча менархедан бошланади. Баъзан нормал ҳайз кўриш бир- мунча қисқаргани ҳолда, дисфункционал қон кетиши билан алмашиниб туради.

Ҳайз тўхтаб қолганидан кейинги қон кетиши турли микдорда, тезликда ва турли муддатларда давом этавера-ди. Дисфункционал қон кетиши жинсий тараққиёт даврида вужудга келиб, унда ҳам қон кетиб, қизларда ҳатто қон камлиги касаллигини келтириб чиқаради. Бу ҳолат бачадоннинг шу даврдаги қиекариш фаолиятининг бузилиши, яъни сусайишидан деб ҳисоблайдилар. Агар бола вирусли касаллик билан ёки томоги оғриган бўлса, кўпроқ қон кетади. Қон кетиши яна қон қуйилиши (қуюлиши) ва суюлтириш системаси фаолиятининг бузилганлиги билан ҳам кечиши мумкин. Бу ҳол қон кўп кетганида билинади.

Қизлардан дисфункционал қон кетганда кўпинча уларнинг соматик ҳолати ҳам бирмунча ўзгаради.

Н. В. Қобозева (1988) нинг кузатишича, дисфункцио- нал қон кетиши юз берган 350 та қизда (84,7% ида) соматик ҳолатнинг ўзгаргани аниқланган. Антропометрик текширишда қизларнинг 36,7% ида интерсексуал морфотипик ҳолат кузатилган, уларнинг тана тузилишлари инфантил ҳолатда, морфотипнинг нормадан ошиқ бўлиши ҳоллари эса, 18,6 ва 16,3% ида учраган, нормостеник ҳолат 28,4% қизда аниқланган.

Шуниси характерлики, дисфункционал қон кетиши рўй берган 11 — 14 ёшли қизларда сексуал морфотип норма-дан баланд бўлар экан, каттароқ, яъни 15— 17 ёщдаги қизларда эса, интерсексуал ва инфантил морфотип ҳолати кузатилган.

Антропометрик жиҳатдан, одатда, қиз болалар 12 ёши- да бўйлари тез ўсиб, ёшларига нисбатан анча баланд бўладилар, 15 ёшларида бўйнинг ўсиши ёшга нисбатан орқада қолади.

Ўсмирлик (ювенил) ёшидаги дисфункционал қон кетиш популяцияга нисбтан анча эрта бошланади. Шунга кўра, бачадондан дисфункционал қон кетиши юз берган қизларнинг жинсий тараққиёт даври соғлом қизлардан жисмоний, жинсий жиҳатдан анча фарқ қиласди. Уларда биологик етилиш тез рўй беради, аммо пубертрат ёшининг биринчни фазаси бошланиши анча секинлашиб, каттароқ ёшга етганларида қон кетиши яна сурункали бўлиб, қайтарилиб туради. Бунга сабаб стероидогенез жараёни- |нинг эстроген ва андрогенлар мувозанатининг бузилиши- ' дир. Бу ҳолат касаллик кучайгани сари авж ола боради. Гинекологик жиҳатдан текшириб кўрилганда бундай bemорларнинг жинсий аъзолари нормал шаклланган бўлади. Кўп ҳолларда катта ва кичик жинсий лаблар гипоплазия ҳолатида бўлиб, уларнинг кўпчилигига бача- * дон яхши тараққий қилган, камдан кам ҳолларда гипоплазия кузатилади.

БАЧАДОНДАН ДИСФУНКЦИОНАЛ ҚОН КЕТИШИДА ТЕКШИРИШ

УСУЛЛАРИ

Бунда фойдаланадиган усуллар:

1. Базал (тўғри ичак) ҳароратини ўлчаш.
2. Бачадон бўйни шиллигининг циклик ўзгариши, «папоротник» ва «кўз қорачиғи» белгиси.
3. Гормонал колпоцитология.
4. Эндометрийни биопсия килиб, олиб текшириш.
5. Эстрогенлар ва уларнинг метаболитларини текшириш.
6. Сийдик таркибидаги прегнандиолни текшириш.
7. Сийдикдаги гонадотроп гормонлар концентрацияси ни аниқлаш.

Базал ҳароратни ўлчаш — бошқа текшириш усуллари билан қўшиб олиб борилади. Агар қиз болада дисфункционал қон кетишидан ташқари, яна инфекцион касалликлар ҳам бўлса, унда бу усулдан фойдаланилмайди. Чунки олинадиган маълумот нотўғри чиқади.

А. Ф. Добротинанинг (1978) текширишлари бўйича — дисфункционал қон кетиши билан касалланган қизларнинг 84,7% ида ҳарорат бир фазада бўлган. Унинг кўрсатиши-ча, бир фазали базал ҳарорат бир неча турда учрайди. 1) гипотермия — бунда ҳарорат $0,1—0,3^{\circ}\text{C}$ ўртасида чайқалиб туради; 2) гипотермик — ҳарорат $0,4—0,6^{\circ}\text{C}$ орасида туради; 3) гипотермия — ҳарорат $0,7$ дан 1°C гача чайқалади; 4) атипик шакли — базал ҳарорат мунтазам равишда бир хил чайқалмайди, баъзи кунлари то 1°C кўтарилади.

5) Базал ҳароратнинг бир маротаба кўтарилиши 37°C ва ундан юқори ҳам бўлиши мумкин (доимий эмас).

6) гипертермик шакли — қон кетганида ва аменореяда ҳарорат 37°C ва ундан ҳам баланд бўлиб туради (бу климактерия даврига хос синдром).

Базал ҳароратнингmonoфазлик ҳолати факат гормонал ҳолатнинг маҳсус шакли бўлиб қолмай, экзоген ва эндоген омилларга, айниқса, вегетатив асад тизимиға ҳам боғлиқ бўлади. Албатта, бу белги тухумдонлар фаолияти-ни ҳам аниқлашга ёрдам беради. Базал ҳарорат ҳайзнинг овулятор ёки ановулятор турини аниқлашга имкон беради.

Аёлларда бачадон бўйни шиллигининг циклик ўзгариши, кристаланиши «папоротник» феномени ва чўзилиши кузатилади. Гормонал колпоцитология турли гормонлар таъсирида қин шиллиқ пардаси реакциясининг ўзгариши-га асосланган. (Бу хақда гинекологик касалликларни текшириш усули бобида маълумот берганмиз). Бу усулда ҳайз циклининг овулятор ёки ановулятор ҳолати, гормонлар билан даволаганда, унга қай даражада таъсир қилганлиги

аниқланади. Эндометрийни қириб олиб текши- риш усули болалар гинекологиясида жуда кам күллани- лади.

Эстрогенларнинг сийдик билан бирга ажралишини текширишни 1923 йили АПеп ва Эо12у лар, 1930 йили, П. Г. Шушаниялар тавсия этганлар. Жинсий тараққиёт даврида беморларда эстрадиол, эстрон, эстриолларнинг умумий эстрогенга нисбатан анча кам ажралиши кузат- тилган.

Куйидаги жадвалда бу ҳол яққол кўзга ташланади:

4- жадви:/

Дисфункционал қоп кетиши касаллиги билан оғриган беморларнинг бир кечакундузда олинган пешоби таркибидаги эстроген (сумма)лар, эстрадиол, эстрои, эстриоллар концентрацияси

| Эстрогенлар- нинг суткада (мкг) ажрали- ши | Статистик кўрсаткич | Жинсий тараққиёт даври | Ёш даврлари | |
|--|------------------------|------------------------------|---|-----------------------|
| | | | ҳомила бўлиш қобилияти бўлган давр | климакте- рик давр |
| Суммар эстро- ген | М± т р | 13,0 0,8 — | 20,5 1,6 0,01 | 22,8 1,8 0,01 |
| | М± г р | 2,4 0,16 — | 4,0 0,3 0,01 | 3,7 0,3 0,01 |
| | М± т р | — 4,0 0,2 | — 6,2 0,7 | — 7,2 0,6 |
| Эстроп | М± т р | — 4,0 0,2 | — 6,2 0,7 | — 7,2 0,6 |
| | М± т р | — 6,6 0,5 | — 10,3 1,1 | — 11,9 1,0 |
| | М± т р | — 6,6 0,5 | — 10,3 1,1 | — 11,9 1,0 |

Маълумки, жинсий тараққиёт даврида ҳайз циклининг нормал ва издан чиққан ҳолларида ҳам гипоталамуснинг тухумдон фаолиятига кучли таъсир қилишга кучи етмайди. Бунда жинсий гормон балоғат ёшидагидан кўра кам ишлаб чиқарилади. Эстроген фракциялари бачадондан дисфункционал қон кетишида нормал ҳайз кўришдагидан кам фарқ қиласди. Одатда, қон кетиши сийдик таркибида эстрогеннинг максимал миқдорда ажралишига тўғри келади.

Эстрогенлар ажралишининг турғун равишида паст бўлиши, етилмаган фолликулларнинг атрезиясида кузати- лади. Баъзан етилмаган фолликулларнинг майдаги киста- ларга айланган ҳолда ҳам учратиш мумкин. Жинсий тараққиёт даврида эстрогеннинг бу хилда ажралишини тухумдон фоалиятининг ҳали тўлиқ ривожланмаганлиги- дан, деб изоҳлаш мумкин. Бу даврда тухумдон гипофиздан узатилган нейрсгуморал импульсларга тўла реакция беролмайди. Гипоталамус марказининг импульсларга нис- батан тухумдонинг сезигирлиги бузилган бўлишига кўра, унга етарлича таъсир кўрсата олмайди.

Прегнандиолнинг сийдик орқали ажралишини текши- риш

усули ёрдамида, овулятор қон кетишида сариқ тана фаоллигини (гиполютизм ёки сариқ тананинг кистага айланишини) аниқлашда энг ишончли текшириш усулла ридан бири ҳисобланади.

С1оръег (1956)нинг кўрсатишича, балоғатга етгап аёлларда прегнандиол 3 — 5 мг/суткада бўлса, 16—18 ёшдаги қизларда 2 мг/суткада бўлади.

А. Ф. Добротина (1972)нинг маълумотига кўра, қич болаларнинг жинсий тараққиёти даврида ҳайнинг овуля тор циклида сариқтана фазасида сийдикдан ажralадиган прегнандиол кўтарилиб, $1,787 \pm 176$ мг суткага етади. Бу ёшга хос бўлган хусусиятни дисфункционал қон кетишида, сариқ тана фаоллигини аниқлашда ҳисобга олмоқ зарур.

Гонадотроп гормонининг пешоб билан ажralишини текшириш йўли орқали гипофизнинг фаолияти аниқланади. Кўп беморларда жинсий тараққиёт даврида А. Ф. Добротинанинг кўрсатишича (1972), бир хил (монотон) паст 10 билан 25 сичқон бирлигига суткада бўлганини, гонадотропинларнинг ўртача миқдори катталарда $12,1 \pm 0,8$ сичқон бирлигига суткада тенг бўлар экан. Қи.ч болаларда овулятор ҳайз циклида анча кам бўлади.

Пубертрат даврида гонадотропин ажralиши 8,2 дан 60,7 сичқон бирлигига бўлиб чайқалиб туради Баъзан қисқа муддатга 77 дан то 88 сичқон бирлиги бўлиб суткада гонадотропиннинг фаоллиги ошади.

Юқорида қайдэтилган маълумотлар шуни кўрсатади-ки, гипоталамус-гипофиз ва тухумдонлар ҳайз циклидаги бирдан-бир марказ бўлиб, шу звенодаги узилиш турли патологик ҳолларга олиб келади.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАШХИС

Маълумки, бачадондан қон кетиши бир қатор бошқа касалликларда ҳам кузатилиб, бунинг дифференциал ташхисида қуйидаги патологик ҳолатларни эътиборга олиш керак бўлади.

Киз болаларда уларнинг жинсий тараққиёти даврида қон кетиш сабаблари:

1. Тухумдоннинг гранулез-хужайрали ва мезодермал ўсмалари, текома, дисгерминома.
2. Жинсий аъзолар сили.
3. Бачадон ва қиндаги хавфли ўсмалар.
4. Геморрагик диатез.
5. Тромбоцитопения (Верльгоф касаллиги).
6. Гемофилия С (кўпинча наслдан-наслга ўтади), қиз болаларда омил X нинг етишмаслиги натижасида қоннинг

қуюлиши анча суст бўлади.

7. Ангиогемофилия Виллебранд — Юргенс касаллиги (бу ҳам наслдан-наслга ўтади). Бунда қон қуюлишида иштирок этадиган VIII омили бўлмагани учун қон кетиши узоқ давом этади.

8. Капиллярларнинг токсик ва аллергик ўзгаришида қон қуюлиши нормал бўлса юам, қон кетиши узоқка чўзилади.

9. Бўқоқ бези, буйрак усти бези, диэнцефал патология- да ҳам қон кетишини кузатиш мумкин.

Юқорида келтирилган патологик ҳолатни аниқлашда шу патологик ҳолатларга ташхис қўйиш учун белгиланган усуллардан фойдаланилади.

БАЧАДОНДАН ДИСФУНКЦИОНАЛ ҚОН КЕТИШИНИ ДАВОЛАШ

Бачадондан дисфункционал қон кетишини даволаш усуллари шу патологик ҳолатнинг вужудга келтирган ҳолатларини аниқлаб, шу асосида даво чораларини қўллашдан иборат. Бу ҳар бир беморни чуқур ўрганишни талаб қиласди.

Агар қон қисқа муддат кетиб, қайтиб такрорланмж а, буни даволаш унча щарт эмас. Бунда физиологик жараён астасекин изга тушиб қолади. Мабодо жинсий аъзо- лардан бошқа аъзоларнинг касаллиги туфайли қон кетаётган бўлса, шу касалликни даволаш максадида беморни ўша касаллик бўйича мутахассисга йўллаш лозим. Муолажани дастлаб қиз боланинг руҳини кўта- ришдан бошлаш керак бўлади. Унга руҳий ва жисмоний тинчлик яратиб, бундан ташқари, инфекция, интоксикаци- яларга қарши курашиш, овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини ўрнатиш керак бўлади.

Агар патологик ҳолат марказий нерв системаси билан боғлиқ бўлса, ундан даво омиллари ҳам (психотерапия, оралиқ мияга диатермияси, бром ва кальций билан электрофорез, бром ва кофеин, кам дозада транквилизаторлар орқали таъсир қилиш) шунга мос бўлиши керак.

Агар бачадондан дисфункционал қон кетиши ангинава грипп билан бирга келиб, касаллик анча узоқ кечеётган бўлса, кальций электрофорези ҳам яхши ёрдам беради. Кальций ионлари шиллик қават ва нерв йўлари орқали нафас олиш ҳамда уч шохли нервлар оралиғига, ундан орқа умртқа мияси суюқлигига ва нерв марказига ўтиб, парасимпатик нервлар фаоллигини ва текис мускуллар- нинг таранглигини оширади. Бу ўз йўлида қон то- мирларнинг қисувчи мускуллар тонусини ошириб, қон кетишининг камайишига имкон туғдиради. Баъзан бурун ичи орқали электростимуляция ҳам яхши ёрдам беради (бунда паст тезликдаги импульс токидан

фойдаланилади).

Новокаин билан бўйиннинг юқори қисмидаги ганглияларни электрофорез қилиш ҳам фойда беради. Аммо новокаиндан фойдаланишдан олдин қиз болада бу препаратга нисбатан сезгирилик бор-йўқлигини аниклаш шарт. Мабодо бемор аввал даволанмаган бўлса, баъзи ҳолларда синокаротид зонага гальванизация қилишнинг ҳам фойдаси бўлади.

Бел ва думғаза соҳасини титратадиган (вибрация) массаж ҳам қон томирларга таъсир кўрсатиб, вегетатив ганглияларнинг қўзғалувчанлигини ошириб, нерв импульсларининг нормаллашиши ва тухумдоннинг гормонлар ажратиш фаолиятини оширади.

Н. В. Кобозева ва б.қ.лар (1988) нинг фикрича 15 — 17 ёшдаги қиз болаларда қон кетишини тұхтатиши ёки сустлаштиришда титратадиган массаж (кўкрак учини) ёки гальванизация қилиш бачадон-бези рефлексларини оширади ва бу билан бачадоннинг қисқаришини кучайтиришга эришилади. Агар қиз болада кўп қон йўқотганлигига кўра, камқонлик вужудга келса, у ҳолда ана шу камқонлик касалига қарши даво чоралари қўлланилади. Бунинг учун сифатли овқатланиш, яъни овқат калорияли, витаминалар-га ва темир моддасига бой бўлиши лозим. Қон ва сийдикдаги қанд микдорини аниқлаган ҳолда инсулин ҳам бериш керак.

Оғир қон кетишида bemornining аллергик ва иммуно-логик ҳолатларини ҳисобга олиб, қон қуйиш керак бўлади. Кўшимча равишда К ва В₆ витаминаларидан бериш (бу витаминалар оқсил алмашинуви ва гемоглобин синтези учун ишлатилади), бундан ташқари, В1₂ ни 100 — 200 мкг дан мускул орасига, кун оралатиб, 3 — 4 ҳафта давомида, фолиев ачимидан 0,01 — 0,03 г дан ичиш учун бир кунда 2 — 3 маротаба, викасолнинг 1 % ли эритмасидан 3 — 5 мл дан мускул орасига, 0,1 граммдан кунига 3 маротаба ичиш учун буюрилади. Бошқа турдаги темир препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўсмирлардан қон кетишида М. В. Кобозева ва б.қ.лар (1973) рефлектор билан даволаш (рефлектротерапия) нинг икки хил усулини қўллаганлар: биринчиси — бачадон бўйинни электростимуляция ва электропунктура қилиш усули, бу бўйин-гипофизар рефлексини оширишда қўлланилади.

Айрим муаллифларнинг айтишларича, электропункту-ра қилинганда бўйин-гипофиз рефлексини вужудга келтиришга эришилар экан, аммо бу усулда жинсий аъзо китиқланмайди, шунинг учун қиз болаларни бу усулда даволаш мақсадга мувофиқдир.

Л. А. Рубин (1982) лазер билан даволашни тавсия этади.

Унинг фикрича монокроматик қизил рангли гелийли лазер физиологик стимулятор хисобланиб, тўқималарда модда алмашинуви жараёнини, гипофизнинг гонадотроп фаолиятини оширади, тухумдонда фолликуллар етилиши- ни таъминлайди.

Лазер билан даволаш билан бир қаторда, дорили препаратлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Бачадоннинг қисқаришини қучайтирувчи ва қон кетишини тўхтатувчи препаратлардан ҳам фойдаланила-ди. Булардан: 10% ли хлорид кальций вена орқали юборилади ёки ичилади, котарнин хлориддан 0,05-дан кунига 2 — 3 граммдан, pregnантолдан кунига 2 — 3 маҳал 0,02 г дан мускул орасига юборилади, маммифи- зиндан ҳам фойдаланиш мумкин.

АТФ, кокарбоксилаза, мексалинлар ҳам қон тўхта-тишда яхши фойда беради.

Жинсий тараққиёт вақтида гормонлар билан даво-лашда 2 та мақсад кўзда тутилади:

1. қонни тўхтатиш (гормонлар билан гемостаз);
2. ҳайз циклини тартибга солиши.

Қон кўп кетиб, гемоглобин пасайиб кетганда қонни тўхтатиш мақсадида гормонлар қўлланилади.

Аммо бир қатор соматик касалликларда (жигар касаллигига, гиперкоагуляцияда, бод касали қучайгани-да) гормонларни қўллаш ярамайди.

Кўпгина мутахассислар қонни тўхтатишида прогестерон, хориогонин, андрогенлардан фойдаланадилар.

Н. В. Кобозева ва б.қ.лар (1988) прогестеронни қиз болаларда ишлатишни маслаҳат бермайдилар. Бунга сабаб, прогестерон таъсирига жавобан ҳайзсимон реакция вужудга келиб, натижада беморда камқонлик қучайиб кетиши мумкин экан. Бу препарат қабул қилинганидан кейинги дастлабки 2 — 3 кун мобайнида қон кетишини кузатиш мумкин.

, Хориогониндан эса, тухумдонда кистозли дегенерация вужудга келиши мумкинлигини кўзда тутиб, ундан қиз болаларни даволашда фойдаланиш маслаҳат берилмайди. Андроген гипоталамус фаолиятини орқага суради, у гона-дотропиннинг циклик равишда ажралишига ва уларнинг бачадоннинг шиллиқ қаватига таъсир қилишига путур етказади.

Шунинг учун бу хилдаги гормонал препаратлардан қиз болаларни даволашда фойдаланилмагани яхшироқ. Уларнинг фикрича, қон тўхтатишида эстроген — гестагенлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Бунинг учун қуйидаги схема тавсия этилади:

Беморга 0,1% синэстрол эритмасидан 1 мл дан ҳар 2—4 соатда мускул орасига юбориш, 0,1 % диэтилстильбэ-стролни 1 мл дан ҳар 3 — 6 соатда мускул орасига, фолликулиндан 10 — 20 минг бирликда ҳар 2 — 3 соатда юбориш мумкин.

Одатда қон кетиши 24 соат давомида тұхтайди.

Н. В. Қобозева (1988) нинг фикрича, эстрогенлар ёрдамида қон тұхтатиши қони камайиб кетган қызларда қүл келади. Шуни ҳисобға олиб, қон тұхтаганидан кейин ҳам, қон кетиши яна такрорланмаслиги учун (организмда гормонларнинг камайиб кетиши сабаблы), эстроген дозаси аста-секин камайтириб борилади. Бу то гемоглобин микдори ошгунича давом этаверади. Үнга құшиб, кам қонликка қарши муолажалар ҳам олиб борилади. Эстрогендан кейин дархол гестагенлардан фойдаланиш керак. (Прогестероннинг 1% ли эритмасидан 1 мл мускул орасига 5 — 6 кун давомида ёки 12,5% ли 17 а оксипроге-стерон капранатдан бир маротаба мускул орасига юбориш ҳам яхши натижә беради).

Агар қон оз-оздан, анча вактдан бери кетаётган бўлса, унда бир кеча-кундузда 0,1 — 0,2 мг дан энтинилэстрадиол берилади, бу доза кейинчалик камайтирила борилади. Хайз реакциясини олиш учун гестагенлардан ҳам фойдала-ниш керак бўлади.

М. М. Кузнецова ва б.қ.лар (1978) синтетик эстроген-гестаген препаратларидан фойдаланишни тавсия этади-лар. Улар таъсирида гипофизда гонадотроп гормонлар ажралиши камаяди.

Қамқонникнинг енгил турида синтетик қўшилмали препаратлар (нон-овлон, бисекурин, эксклютон ва ҳ.қ.лар) ни қўллаш мумкин. Чунки, агар қиз болада оғир ҳолдаги қўнгил айниш, қусиши, камқонлик белгилари кузатилса, бу препаратларнинг таъсир кучи етарли эмасдир. Қон кетишини тұхтатиши учун препаратлардан кунига 2—3 таблеткадан 3 кун давомида бериб борилади (қўпинча бир кундан кейин дозани камайтириб, биттадан таблетка берила бошланади) ва шу дозада 15 — 25 кун (қизил қоннинг ҳолатига қараб) давомида берилади. Препаратни бериш тұхтатилганидан кейин, 2 — 4 кун ўтгач, ҳайзсимон реакция кузатилади.

Н. В. Қобозева ва б.қ.лар (1988) нинг фикрича, агар қон кетиши узоққа чўзилса, уни тұхтатиши учун 10 кун давомида бисекурин, қон кўп кетганида 21 кун давомида схема бўйича нон-овлон бериш керак экан. Гормонлар билан даволашда, уларнинг ахволи мунтазам текширилиб туриши зарур бўлади. Акс ҳолда гормонал жараён ҳаддан ташқари издан чиқиб кетиши мумкин.

Юқорида айтибўтилган омиллар ҳам ёрдам бермаса, унда жарроҳлик усулидан фойдаланишга тұғри келади. Вачадоннинг шиллиқ қаватини қириб тозалаш усули фақат қон кетишини тұхтатибина қолмай, балки ташхис қўйиши учун ҳам асқотади (гинекологик касалликнинг бор-йўқлиги аниқланади).

Бачадонни қириб текшириш айникса диэнцефал патологияда ёки гонаданинг тұла сифатли бўлмаслиги натижасида қон

кетганида, оптимал усул ҳисобланади.

Бачадон шиллик пардасини қириш яллиғланиш жараё- нида, лейкоцитозда ва баланд СОЭ бўлганда тавсия этил- майди.

Агар дисфункционал қон кетиши тез-тез қайтарилиб турса, унда лапароскопия қилиниб, тухумдондан биопсия олинади. Гистологик усул ёрдамида гонадаларнинг бир- ламчи ёки иккиламчи заарланганликлари аниқланади. Даволаш усули ҳам шунга қараб белгиланади.

Агар беморда соматик жиҳатдан аномалиялар бўлса, яна бўйи ҳам паст бўлса, унда генетик тадқиқот лозим бўлади.

Касалликнинг олдини олиш (қайталанишининг олдини олиш) учун организмдаги эстроген концентрацияси бир оз паст ёки юқори бўлганда, гестагенлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Хайз циклини бошидан нормаллаштириш учун, ўсмир- лик ёшида қон кетиши кузатилганда, 28 кунлик ҳайз циклни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ҳайз кўришдан тахминан 8 кун олдин мускул орасига 10—15 мг дан прогестерон ёки 10 мг дан 5 — 7 кун давомида туринал, норколут, 12,5% ли оксипрогестерон капранатдан 1 марта укол қилинади.

Ҳайз циклини шу усулда тартибга солиш 3 цикл давомида олиб борилади. Шундан кейин беморда бирдани- га овулацияя бошланиб кетиши мумкин. Буни аниқлаш учун тухумдон фаолиятини аниқлайдиган тестлар (тўғри ичак ҳарорати, қиндаги патологик ўзгариш, бачадон бўйни шиллигининг аҳволи ва ҳ.к.лар) ўтказилади. Бу текши- ришлардан ижобий натижа олинса, муолажа тўхтатилади, аммо яна 2 — 3 ой давомида тухумдон фаолиятини текшириб туриш лозим бўлади.

Синтетик эстроген-гестаген препаратларни 10 кунлик схема бўйича ҳайз циклининг 15 кунидан бошлаб 25 кунгacha ичиш яхши фойда беради.

Демак, дисфункционал қон кетиши кузатилган қизлар да ҳайз циклини нормаллаштиришда ишни менаҳедан бошлаш ҳайзнинг кейинги кечишларида ижобий натижа беради. Бу билан кейинчалик аёлнинг генератив фаолияти- нинг нормал бўлишига эришилади.

Профилактикаси. Асосан бачадондан дисфункционал қон кетишини келтириб чиқарган сабабларни (биз юқорида шу сабабларини айтиб ўтганмиз) ва жинсий аъзолар касаллигига алоқаси бўлмаган хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашдир. Яна гигиена қоидаларига амал қилиш, бадантарбия машгулотлари билан шуғулланиш ҳам бу хилдаги жараёнларнинголдини олишда катта аҳамиятга эга.

Касалликнинг оқибати. Касаллик ўз вақтида олди олинниб, тўғри патогенетик сабабларга амал қилиб, даволанса ижобий натижага эришиш мумкин.

Ю. А. Гуркин (1979)нинг фикрича, балоғатга етиш

давридаги қон кетишда, қўпинча тухумдонга' нисбатан аутоиммун ҳолат кузатилади. Касалликнинг оқибатида бу қўшимча усул бўлиши мумкин. Тахминан 5—15% қизларда балоғатга етиш давридаги қон кетиш (агар у яхши даволанмаган бўлса) даволанмаса, унинг ёши катталаша боргани сари ҳайз циклининг бузилиши, аменорея, бепуштлик, бачадон миомаси, рак олди ҳолати ва бошқа ўзгаришлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай беморлар албатта диспансер кўригидан ўтиб туришлари лозим бўлади.

XVI БОБ

ҚИЗ БОЛАЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ

Қиз болаларда жинсий аъзоларнинг, хусусан, ташқи жинсий аъзолар ва қиннинг яллигланиш касаллиги аёлларга нисбатан кўпроқ учрайди. Уларда қўшимча ташқи жинсий аъзолар ва қинда, тўғри ичакда сўзак туфайли яллигланиш касаллиги учраши мумкин. Бу асосан, жинсий аъзоларнинг анатомик ва физиологик хусусиятига боғлиқ бўлади.

Юқорида айтганимиздек, болаларнинг ташқи жинсий аъзолари юпқа ва нозик эпителий билан қопланган бўлиб, у жуда осон жароҳатланиши мумкин. У жойда гонококк ва шу каби бошқа микробларнинг жойлашиши учун қулай шароит бўлиб, яна, у ердаги вестибуляр безлар ва уларнинг йўллари бу микробларнинг ҳаёт кечиришини таъминлайди. Чунки гонококк цилиндрик эпителийга ўч бўлиб, шу ерда ўзига қулай жой топиб, узоқ вақт ўрнашиб қолиши мумкин. Бу цилиндрик эпителий чиқмайди. Мабодо организмнинг қаршилик кучи кам бўлса, унда арзимаган ташқи таъсир ҳам патологик ҳолатга олиб келади. Яна бошқа турдаги микроблар учун ҳам (стрептококк, стафилококк, ичак таёқчалари ва ҳ.к.лар) бир «бошпан» вазифасини бажаради.

Қиз бола нейтрал даврда инфекцияга чидамсиз бўлади. Болаликда бошдан кечирилган сўзак касали жинсий аъзоларнинг анатомик ва физиологик ҳолатига оғир зарар етказиши мумкин. Гонококкнинг найчаларга | ўтиши, уларни яллигланириши, натижада бу касаллик | тузалганидан кейин ҳам бу жойда чандиқлар қолиши мумкин. Бу бевосита аёлнинг бепушт бўлишига сабаб I бўлади.

Яллигланиш жараёни пубертат ёшида кам учрайди.

Чунки бу даврга келиб қиз боланинг жинсий аъзолари | анча етилган ва касалликка қарши курашиш қуввати анча I ошган бўлади.

Яллигланиш жараёнида биринчи ўринни инфекция

эгаллайди, кейин турли хил термик, кимёвий ва токсик I омиллар туради.

Агар организм соғлом бўлса, барча ташқи таъсиrlарга I бардош бера олади. Шунинг учун қитиқланиш таъсиrlари Г бўлса ҳам, яллигланиш келиб чиқмайди. Мабодо организмнинг қаршилик кучи кам бўлса, унда арзимаган таш- I қи таъсиr ҳам патологик ҳолатга олиб келади.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шуким, яллигланиш айrim аъзодаги касаллик бўлмай, балки бутун организм касаллигиdir.

Болаларда яллигланиш белгилари, гигиеник қоида- ларга амал қилмаслик натижасида келиб чиқади. Шунинг б учун киз болаларнинг жинсий аъзоларини тез-тез, тўғри ичак соҳасидан юқорига эмас, балки аксинча, олдидан I орқага қаратиб ювиб туриш лозим бўлади. Акс ҳолда, г тўғри ичакдаги инфекция ва гижжалар жинсий аъзоларга тушади ва уларни заарлаб, яллиглантиради. Қийим- | бошлар ҳам тез-тез алмаштирилиб, ювилиб, яхшилаб дазмолланиб кийилиши керак.

Одам организмига турли микробларнинг таъсири бўлиб туради. Лекин организмнинг қаршилик кўрсатиш кучи орқали инфекция унчалик зарар кўрсата олмайди, шунинг учун унда патологик ҳолат кузатилмайди. Организмга таъсиr қилувчи омиллар: инфекция, заҳарланиш (интоксикация) ва турли термик таъсиrotлар ва б.қ.лар бўлиб, агар организм соғлом бўлса, уларга қаршилик кўрсата олади. Шу таъсиrotлар аъзо ва тўқималардаги рецепторларнинг индиферент толалари томонидан қабул қилиб олинади ва марказий асаб тизимиға узатилади. Унда шартсиз рефлекс сифатида (филогенетик ва онтоге- нетик тараққиётда ишланиб чиқилган) жуда тез химоя қилиш механизми вужудга келади ва яллигланиш жараёни билан намоён бўлади. Кўп ҳолларда инфекцион жараён тез босилиб, яллигланган жой характерли тўқима барьери (тўсиғи) туфайли тўхталади, натижада яллигланиш тугайди. Агар организмда бирор сабаб туфайли яллигла- ниш жараёнини қитиқловчи сабабларнинг йўқолишига шароит бўлмаса, унда шу ердаги тўқиманинг ҳалокати ва ҳатто бутун организмга тарқалишини кўриш мумкин. Организмни қитиқловчи сабаблардан химоя қилишда унинг деярли барча аъзо ва системалари: периферик, марказий асаб тизимини, эндокрин аъзолар ва қисман гипоталамус-гипофизар-адреналин системаси, қон ишлаб чиқариш, лимфоид системалари иштирок этади.

Маълумки, яллигланиш жараёнида қиз болаларда ҳам катталардаги каби бир қатор ҳолатлар: тўқиманинг ўзгариши, унинг зарланиши (альтерация), қон томирла- ри системасининг бузилиши, ҳужайра элементларининг кўпайиши (пролиферация) кузатилади.

Яллигланиш жараёнида заарланган жойдаги түқима- ларда модда алмашинувининг бузилиши, кислотали мұхит туфайли — түқималарда ацидоз, электролитлар мувозана- ти бузилиши учрайди (калий ионлари күпайиб, кальций ионлари камайиб кетади). Осмотик босим пасаяди ва коллоидларнинг дисперсия хусусиятлари ошиб кетади. Натижада түқималарнинг сувни ушлаб қолиш қуввати ошади. Бу ҳол хужайраларнинг заарланган жойининг нормал ҳолатига путур етказади ва шу жойда шиш пайдо бўлади ҳамда патологик ҳолат вужудга келади. Шу ердаги түқималар дистрофияси туфайли қон алмашинуви бузила- ди, натижада яллигланиш рўй беради.

Қитиқловчи сабаблар аъзо ва түқима томирларининг торайтирувчи нервларига таъсир кўрсатгани туфайли, шу қисмдаги томирлар қисқа муддатга тораяди, ундан кейин түқиманинг парчаланиши натижасида вужудга келган маҳсулот (продукт) лар (гистамин, аминокислоталар ва б.к.лар) томирларни кенгайтирувчи нервларга таъсир қиласи ва натижада қон томирлар кенгаяди. Шунга кўра, натологик жараён юз берган аъзо ва түқимадан кўп қон кела бошлайди, оқибатда жойли гиперемия вужудга кела- ди ва шу жойининг ҳарорати ошади.

Түқималарда парчаланиш юз берганлиги натижасида вужудга келган токсик моддаларнинг томирларнинг нерв ва мускул аппаратига таъсир қилиши натижасида, уларнинг фалажланишига сабаб бўлади. Шу ўзгаришлар натижасида томирлар деворининг ўтказувчанлик хусусия- тининг ошишига кўра, қондаги суюқ қисмлар камайиб (түқималарга шимилиб) заарланган түқималарга қон келиши, шу ердаги томирларнинг ҳажмига нисбатан қон миқдорининг мувозанати ўзгариади. Шунга кўра, қон оқиши секинлашади ва яллигланиш юз берган жойда тромб (тиқилма) вужудга келади.

Томирларнинг борган сари ўзгариб бориши оқибатида қоннинг суюқ қисми ҳамда шаклли элементлари то- мирлардан шимилиб, түқималарга ўтади, натижада экссудация пайдо бўлади. Экссудат серозли, қон ва йирингли, фибринозли ва сассик — ачиган ҳидли бўлади. Экссудатнинг характери шу касални қўзғатган микроб турига, заарланган қисмдаги түқиманинг реактив ҳолати- га ва умуман организмнинг қаршилик кучига боғлиқ бўлади. Ўнинг (экссудатнинг) транссудатдан фарқи ўзида кўп миқдорда оксили, айниқса, глобулин тутиши ва қоннинг шаклли элементлари (лейкоцит, баъзан эритроцит, тром- боцит) ҳамда бир қатор түқима элементлари миқдорига боғлиқдир.

И. И. Мечниковнинг фикрича, томирлардан чиқкан лейкоцитлар одатланмаган мұхитта тушганларида айрим лари фагоцитлар туфайли, айниқса яллигланиш марказига жойлашганлари ачимли реакция, юқори ва осмотик босим таъсирида ҳалокатта учрайди. Натижада лейкоцитлар билан

микроб танаачалари ва некрозланган тўқима элементлари экссудат билан биргалашиб йиринг пайдо қилади. Бу ҳолат бир қатор шароитларга, айниқса, организмнинг қаршилик кучи механизмига ва даволаш усулларига боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда яллиғланиш жараёни чегараланиб тузалади (шимилади) ёки авж олиб, қўшни тўқималарни ҳам заарлайди. Ҳатто, баъзан абсцесс ёрилиб ташқарига (қинга, тўғри ичакка, сийдик қопи, қорин бўшлиғи ва бошқа аъзоларга) қараб оқиб чиқади. Бу ҳолнинг намоён бўлиши турлича кечади. У асаб системаси ҳолатига, организмнинг умумий қаршилик кўрсатиш кучига, сақланиш механизмининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Албатта, бунда кўзғатувчи сабаб ҳам катта ўрин тутади.

Яллиғланиш касаллигида, баъзи ҳолларда оғриқ унча қаттиқ бўлмасада, физиологик ҳолат деярли ўзгармайди, бошқа ҳолларда оғриқ кучли бўлади ва физиологик ҳолатга ҳам путур етади. Яллиғланиш жараёни қайси жойда юз бермасин ва қайси аъзони заарламасин, унда ўзига хос 5 та клиник белги учрайди:

1. Қизариш (гивог).
2. Ўша жойда ҳароратнинг ошиши (§урег(еггпа)).
3. Шиш (1игпог).
4. Оғриқ (бо1ог).

5. Фаолиятнинг бузилиши (ТипБо 1аеза). Баъзан бу белгиларнинг бирортаси жуда аниқ билинмаслиги ҳам мумкин. Агар бола организми касалликни енга олса, унда яллиғланиш жараёни аста-секин орқага қайтади ва касаллик белгилари бирин-кетин йўқолади.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, макрофагларнинг фагоцитар хусусияти туфайли некрозланган тўқималарни, шу макрофаглар парчаланган тўқима бўлакларини йўқо- тади. У ердаги суюқ кисм эса, кон ва лимфа томир- ларига шимилиб кетади. Ундан кейин регенерация бошла- нади. Бунда тўқима хужайраларида қўшувчи тўқима кўпаяди, янги қон томирлари пайдо бўлади.

Янги, ёш фаол пролиферация қилувчи, қон томирлари- га бой грануляция аста-секин ўса боради. Натижада соғлом тўқима билан касал тўқима оралиғида тўсиқ (демаркацион тўсиқ) пайдо бўлиб, шу тўсиқ туфайли, яллиғланиш жараёни ортиқча чукурликка тарқалмайди. Яллиғланиш жараёни аста-секин тузала бориши билан ёш грануляцион хужайралар камая бошлайди, ниҳоят у ерда чандиқли тўқима пайдо бўлади. У аввал некрозланган чукурликларни тўлатади, у ерда чандиқлар вужудга келади.

Баъзан бу жараён сурункали кечади. Касаллик сурункали кечганида, организмнинг қаршилик кўрсатиш кучи камайиб кетади, ана шунда баъзан касаллик янга қайталаниши мумкин. Айрим ҳолларда, у заарланган аъзони бутунлай ишдан чиқариб, инфекциянинг янада авж олишига, унинг кенгроқ тарқалишига,

сепсис, септицемия- га ва ниҳоят бемор ўлими билан тугайдиган натижага олиб келиши ҳам мумкин.

Киз болалар жинсий аъзоларида бўладиган яллиғланинг 2 тури мавжуд:

1. Специфик яллиғланиш.

2. Специфик бўлмаган яллиғланиш.

Специфик яллиғланишга: а) сўзак; б) захм; в) сил; г) трихомоноз; паразитар касалликлар; д) оқариш (молочница); е) энтеробиоз, тарқалиши жиҳатидан; а) юқорига кўтаришувчи, б) пастга суришувчи, в) қон ва лимфа орқали тарқаладиган.

Специфик бўлмаган яллиғланиш жараёнларига стрептококк, стафилококк, ичак таёқчалари ва бошқа турдаги инфекциялар сабаб бўлади. Демак, яллиғланиш жараёни- га асосан инфекция сабаб бўлар экан.

Нима сабабдан?

Сабаби — жинсий аъзоларнинг анатомик тузилиши ва физиологик фаолияти инфекцияларнинг кириши ва ял- лиғланиш жараёнини авж олиши учун қулай шароит яратади. Айниқса, қиз болаларнинг жинсий аъзолари нозик тузилганлигига, организмда қаршилик кучи етарли бўлмаслигига ва микробларнинг вирулентлигига қам боғлиқ бўлади. Буни биз юқорида айтиб ўтганмиз.

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ СПЕЦИФИК БЎЛМАГАН ЯЛЛИҒЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Киз болаларда учрайдиган, специфик бўлмаган ял- лиғланиш жараёни қуидагича таснифланади:

- | | |
|------------------|-----------------------|
| 1. Вестибулит. | 6. Сальпингит. |
| 2. Вульвит. | 7. Оофарит. |
| 3. Қольпит. | 8. Периметрит. |
| 4. Эндоцервицит. | 9. Параметрит. |
| 5. Эндометрит. | 10. Пельвиоперитонит. |

Биз қуида қиз болаларда кўпроқ учрайдигаи ял- лиғланиш жараёнлари устида тўхталиб ўтамиз.

СПЕЦИФИК БЎЛМАГАН ЯЛЛИҒЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ

Юқорида айтиб ўтилган яллиғланиш жараёнлари қиз болаларда катта аёлларнидан бирмунча фарқ қиласди. Ҳусусан, қизларда вестибулит, вульвит, колъпитлар кўпроқ учрайди. Бу ҳол қиз болаларнинг жинсий аъзоларини анатомик ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Асосий сабаблари:

Термик омиллар (иссиқ ванна, қинни иссиқ сув билан

чайиш, грелка билан күйдириш);

Механик омиллар (турли жароҳатлар, ёт жисмлар — қизлар баъзан жинсий аъзоларига турли нарсаларни тиқиб қўядилар) ва лозимлардаги қўпол чоклар ва ҳоказолар жинсий аъзоларни жароҳатлайди. Шунингдек кимёвий омиллар ҳам. Қатта концентрацияли эритмалар билан қинни чайиш, аллергияни қўзғатадиган препа- ратлардан фойдаланиш, жинсий аъзоларни тоза тутмас- лик ҳам яллиғланиши келтириб чиқариши мумкин.

Вульвит— ташқи жинсий аъзоларнинг яллиғланиши (уиКН).

Қиз болаларнинг ташқи жинсий аъзоларининг териси нозик бўлғанлиги сабабли, турли таъсиrotлардан осон зарапланади деб айтиб ўтган эдик. Айниқса кичик жинсий лабларнинг қинга кириш йўлига қараган томони жуда юпқа бўлиб, шиллик қаватга ўхшаб кетади. Шунингдек жинсий аъзоларнинг анатомик, топографик жиҳатдан сийдик чиқариш аъзолари ва ахлат чиқариш йўллари билан яқин жойлашганлиги учун инфекция кириши осон бўлади. Умуман аёлларда бу ҳол деярли кам кузатилади. Сабаби — улардаги гормонал жараён такомиллашган бўлиб, шунинг учун, жинсий аъзолар ҳам яхши тако- миллашган бўлади. Уларнинг жинсий аъзоларини қоплаган эпителий қавати қиз болаларнига нисбатан анча қалин бўлади. Шунинг учун аёлларда вульвит кам учрайди. Унинг вужудга келишида қўидаги емиллар катта роль ўйнайди.

1. Қиндан ажраладиган чиқинди — қин ва бачадондан турли касалликлар натижасида ажраладиган чиқиндилар сабабли ташқи жинсий аъзолар ва оралиқ(бут) бичилади ва юзасида яралар пайдо бўлади.

2. Ташқи жинсий аъзоларнинг сийдик таъсирида бичилиши. Бу холат айниқса қандли диабети бўлган беморларда кузатилади. Бунда сийдик микроорганизмлар- нинг тарақкий этиши учун шароит туғдириб беради.

Баъзан Бартолини безлари ҳам яллиғланиши мумкин.

3. Турли жароҳатлар натижасида шу жароҳатланган жой орқали инфекция тарқалиб, вульвит вужудга келиши- га сабаб бўлади.

4. Фолликулит, пиодермит ва чипқонлар ҳам инфекция манбай бўлиб хизмат қиласида ва вульвит вужудга келишига сабаб бўлади.

5. Семириб кетган қизларнинг кўп терлаши натижаси- да қичишиб шу аъзога инфекция кириб, вульвитнинг келиб чиқишига яна бир баҳона топилади.

6. Тўғри ичакдан ўтадиган гижжалар туфайли ҳам жинсий аъзолар соҳасида қичишиш юзага келади ва жароҳатланган теридан инфекция кириб, вульвит келиб чиқади.

Яна бир қатор бошқа сабаблар ҳам бор. Улар ҳам вульвитнинг келиб чиқишига ҳисса қўшади.

Вульгар вульвитнинг келиб чиқишига стафилококк,

стрептококк, ичак таёқчалари ва хоказолар сабаб бўлади. Унинг келиб чиқишида яна бир қатор касалликлар ҳам роль ўйнайди: юмшоқ шанкр (песиз тоПе) Дюокрея таёқчаси, қаттиқ шанкр (и1сиз бигит — оқ спирохета), бўғма (Лёффлер таёқчаси), замбуруғлар—(молочни- ца — 800г нурли Асйлтпсов) лейшманиоз ва шу кабилар.

Вульвитнинг характерли белгиларидан бири — қичи-шиш (ргутНиз уи1уаे) бўлиб, бу кўпроқ касалликнинг ўткир даврида кам бўлиб, сурункали ҳолида кучли бўлади. Терининг қизариши, шишиши, секрециянинг ошиши, касалланган соҳада оғриқ қўзғалиши сезилади. Ташқи жинсий аъзолар соҳасидаги яраларга қўшимча бўлиб, инфекция ҳам тушса, унда яна бир қатор ўзгаришлар: тана ҳароратининг кўтарилиши, СОЭнинг тезлашиши, лейкоцитоз белгилари бошланади. Яра юзаси кулранг йиринг билан қопланган, атрофи анча қизарган, грануляция деярли йўқ, шишган ва шу соҳада оғриқ сезилган ҳоллар рўй беради. Тащхис қўйишда вульвитнинг вужудга келиш сабаблари ҳисобга олиниб, шу асосда даволаш ва текшириш усуллари қўлланилади.

ДАВОЛАШ

Гигиеник омиллар: ташқи жинсий аъзо соҳасидаги тукларни олиб ташлаш (акс ҳолда улар инфекция манбаи бўлиб қолади), антисептик эритмалар билан ювиш, докани эритмалар билан ҳўллаб қўйиш тавсия этилади. Бемор ўринда ётиши, овқатланиш режимига риоя қилиши, умумий қувватни оширадиган дорилардан фойдаланиши лозим бўлади.

ВУЛЬВОВАГИНИТ (ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗО ВА ҚИННИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ)

Кўп ҳолларда қин ва ташқи жинсий аъзоларнинг яллиғланишиши биргаликда кечади. Биз шу мавзуда бироз тўхталиб ўтамиш.

Маълумки, қиннинг яллиғланишида умумий яллиғла-нишга хос бўлган 5 та белги мавжуд. Қиндан яллиғланиш туфайли кўп йирингли чиқинди ажralиб, у ташқи жинсий аъзоларнинг ҳолатига ҳам птур етказади, яъни шу соҳада ҳам яллиғланиш қўзғатади.

Вульвовагинитнинг клиникаси нимадан иборат?

Специфик бўлмаган вульвовагинитнинг специфик бўлганидан фарқи шуки, у секин-аста авж ола бориб, кўпинча сурункали кечади. Одатда bemor сийганида ташқи жинсий аъзолар соҳасида ачишиш, қичиш ва бир оз оғриқ сезади. Кичикроқ ёшдаги қизлар эса сон ва тизза соқасида ҳам оғриқ сезади, баъзида улар чўлоқланиб ҳам юради- лар. Бу оғриқ

рефлексдан эмас, балки болаларга хос бўлган бу оғриқнинг ҳали изга тушмаганлигидан деб изоҳланади. Қаттароқ ёшдаги қизлар оғриқнинг аниқ жойини айтиб бера олади. Бунда қиз боланинг умумий аҳволи деярли ўзгармайди. Аммо баъзан, жинсий аъзо соҳасидаги доимий қичишиш унинг асаб системасига таъсир қилмай қолмайди. Унда ҳатто невроз ҳолати ҳам кузатилиши мумкин. Тўхтовсиз қичишиш натижасида маастурбация ҳам кузатилиши мумкин. Бундан ташқи жинсий аъзолар соҳаси қизаради, шишади, қинда ҳам шундай ҳол рўй беради. Қиндан ажралган чиқиндидан чот ва сонларнинг ички сатҳи бичилади. Чиқиндининг ранги кулранг, сероз ва йириングли, баъзан фақат йириングли бўлади, ундан сассик ҳид келади. Агар ичак таёқчаси туфайли яллиғланиш жараёни юз берса, унда ҳид яна ҳам сассикроқ бўлади. Қасалликнинг оғир формасида йиринг аралаш қон ҳам ажралади. Касаллик тобора айж олиб, беморнинг аҳволи оғирлаша боради.

Специфик бўлмаган яллиғланиш жараёнига ташхис қўйишда, яхши йигилган анамнез тўлиқ маълумот беради. Бунда бола бошқа касалликлар билан (экссудатив диатез, аллергик дерматит) оғриган-оғримаганлигини аниқлаш, яна, агар оғриган бўлса, бу касаллик қанча вакт давом этганлиги (онаси орқали), унинг гигиеник режими қандай бўлганлиги ҳам аниқланади.

Бундан ташқари, боланинг қинидан патологик чиқинди келганми, оғриқ ва сийишдан ачишиш, қичишиш бўлган-бўлмаганлигини ҳам билиш лозим бўлади.

Қиз болани текширишга киришилганида, ташқи жинсий аъзолардаги шиш, қизариш ва тирналган жойлар борлиги кўринади. Баъзи қизларда яллиғланиш туфайли жинсий лаблар бир-бирига ёпишиб қолган ҳоллари ҳам кузатилади. Жинсий лаблар кўздан кечирилганида, ўсма полип ва ёт танаачалар бор-йўклиги аниқланиши лозим. Чунки булар яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши- га сабаб бўлиши ҳам кузатилган.

Ташхис қўйишда баъзан қинни вагиноскоп билан текшириш усули ҳам яхши ёрдам беради. Мабодо вагиноскопия қилишининг иложи бўлмаса, ёт танаачаларни аниқлаш учун зонд билан текшириш усулини кўллаш лозим бўлади.

Кин кўздан кечирилганда, шиллиқ қаватнинг қизариб кетганлиги, кин гумбази соҳасида қон нукталари (пете- хия) ни кўриш мумкин.

Яллиғланиш жараёнининг характерини вагиноскопия ёрдамида аниқлаш яхши натижа беради. Агар яллиғланиш жараёнини стафилококк ва стрептококклар келтириб чиқарган бўлса, унда йирингли пуфакчалар фақат қиндангина эмас, балки қинга кириш жойида, соннинг ички сатҳида ҳам бўлади. Яна кўшимча тарзда, кипнинг шиллиқавати қизариш билан бирга

ғадир-будир бўлиб, майда қон нуктачалари кўринади. Яллигланиш агар ичак таёқчалари туфайли келиб чиққан бўлса, унда қиннинг шиллиқ қавати қизариб майда қон қуйилишидан ташқари (петехия), сатҳи фибринозли йирингли хўл караш билан қопланади, ундан ахлат ҳиди келади.

Ташхис қўйишда бактериологик, бактериоскопик текширишлар ҳам яхши ёрдам беради. Кўшни аъзолар, асосан сийдик йўлининг касалланишини ҳам назарда тутган ҳолда сийдикни ҳам текширишдан ўтказиш керак,

ДАВОЛАШ

Специфик бўлмаган вульвовагинитда патологик жара- ённи йўқотиш учун аввало гигиеник омиллардан фойдала- ниш, тана ва жинсий аъзолар соҳасини тоза тутиш, кийим- бошларни қайнатиш ёки яхшилаб дазмоллаб кийиш, овқат рационини тартибга солиш, яъни углеводларни кўпроқ истеъмол килиш, шур ва аччиқ нарсаларни чеклаш, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш керак бўлади.

Вульвовагинит билан оғриган беморларни амбулато- рия шароитида, агар оғирроқ тури бўлса, стационарда даволаш мақсадга мувофиқдир. Бунда витаминларга бой моддалар солинган овқатлар истеъмол қилиш, аллергияга қарши ишлатиладиган омиллардан фойдаланиш керак. Бу билан бемор организмининг қаршилик кўрсатиш кучини оширишга эришилади.

Н. В. Қобозева ва бошқалар қуидаги муолажа чораларини тавсия қиласидилар: жойли даволашларда қинни ингичка катетер ёрдамида дезинфекция қиласидиган эритмалар: риванол (1:5000), фурацилин (1:10.000), перикись водород(3% ли эритмаси) кабилардан фойдала- ниш яхши натижа беради. Юқоридаги эритмаларни 38°C — 40°C ли сувга аралаштириб, ўтирадиган ванна қилиш ҳам фойдалидир.

Бундан ташқари, қинга 3% ли ичимлик сода ара- лашмаси (эримаси), ихтиолнинг сувдаги эритмаси, бодъён (бадана)нинг 5 гр ни 1 л сувда эритилгани, шалфей (14 гр.ни 1 л сувда) эритмасидан куйилиб, чайлади.

Ташқи жинсий аъзолар ва қин чайилиб, ванна қилинганидан кейин қуритилиб, фурацилин, цигерол (10%), оксалин (0,25%) мойлари суртиб қўйилади. Мабодо вульвовагинитда санация қилиш қийин бўлса, унда жойли антибиотиклар, нитрофуранлар ва гормон- ли препаратлардан (камдан-кам ҳолларда) фойдаланилади.

Қинга экмолин (10 МЛМ бирликда), пенициллин (300.000 бирликда), суюқ дизоцин (4 мл 0,26% лиси) баллон ёрдамида пуркалиб турилади. Бу муолажа 8 кун давом этиши лозим. Қўпинча антибиотикли шамчалар: 1) пенициллин ва

неомициндан 100.000 бирликда; 2) полимиксин М ва фуразолидонларни ишлатиш мумкин. Бу айниқса ичак таёқчаси туфайли вужудга келган яллигла- ниш жараёнида яхши ёрдам беради. Шамчалар учун ишлатиладиган препаратлар болаларнинг ёшига қараб берилади. М: бир ёшгача бўлган болаларга полимиксин 20.000 бирликда, фуразолидон — 0,01 г, 2 — 3 ёшликлар- га — 50.000 бирликда полимиксин, 0,03 г фуразолидон берилади. 5 ёшдан то 10 ёшгача — 100.000 бирликда полимиксин, 0,05 г. фуразолидон, 10 ёшдан катталарга — 200.000 бирликда полимиксин, 0,1 г. фуразолидон ишлатилиб, муолажанинг бир курси 5 кундан иборат бўлади.

Гормонлар жинсий тараққиётнинг тезлашишига сабаб бўлгани учун деярли қўлланилмайди.

Эстрогенлар терапевтик жиҳатдан фойдали бўлиб, вульва ва қин эпителийсининг тикланишига ижобий таъсир қиласди. Агар 6 — 8 ёшли болаларда хасталик оғир кечиб, яъни қайталаниб турса, эстрогенли мойлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда эстриол — 0,005 гр, ланолин — 30,0 г ишлатилиб, бу билан олдин ташқи жинсий аъзолар соҳаси ювилади. Муолажа 10 кун давом этади.

Баъзи ҳолларда эстрогенлар билан сульфаниламид препаратлари биргаликда қин таёқчалари шаклида-ишлатилиди. Бунинг учун норсульфазол — 0,5 г, фолликулин — 500 бирликда, фурацилин — 0,1, пальминатретинол — 0,003 г, какао мойи — 1,5 г керак бўлади. Бу таёқча қинни чайгандан кейин киритилади. Қинни чайиш учун перекис водород (3%) ишлатилиб, бу ҳар 2 — 3 кунда такрорлана- ди. Бир курси 5 — 7 кун давом этади. Буйрак усти бези гормонларидан фойдаланиш маслаҳат берилмайди.

Оғриқни камайтириш ва яллигланиш жараёнига қар-ши «Апилак» 3% ли мойи, цитрал эритмаси (1:20.000) билан қин чайилади, қинга балиқ мойи ёки эктерицил томизилади. Регенерация жараёнини тезлатиш учун витамин А ичирилади. Агар абсцесс бўлса, унда жарроқ-лик амалиёти қўлланилади.

Киндаги муқитни яхшилаш учун сут ачимидан фойдаланилади. Боланинг қинини чайиб бўлинганидан кейин унга бир суткада 5 — 10 г дан творог, қатик, ацидофилин, сут қанди берилади.

Қин лактобактерин билан ҳам чайилади. Бундан ташқари, қинга маҳсус тайёрланган қатик ёки сутли коли-бактерин куйилади. Куруқ лактобактерин (лактобациллин) дан 2 — 3 дозада ампулада ва 1 дозада таблетка сифатида тайёрланади. Бу билан бир вақтда ичиш учун берилади (овқатланишдан 1 соат олдин). Даволаш 10 кун давом этади. Унинг бир кеча-кундузлик дозаси: 6 ойлик болаларга — 1 — 2 доза, 6 ойликдан 12 ойликкача — 2 — 3 доза, 1 ёшдан 3 ёшгача 3 — 4 доза, 3 ёшдан бошлаб, ундан каттароқ ва ўсмиirlарга 4 — 10 дозадан берилади.

Жойли ва ичиш учун бериладиган биологик препаратлардан коли-бактерин, бифидумбактерин, бификол, бактисубтиллардан ҳам фойдаланилади.

Л. А. Ерзанкян вулвовагинитнинг қайталанишини олдини олиш мақсадида сут ачими аралашмаси бўлган «Наринэ» ни тавсия этади. Бу препарат жинсий тешик орқали қинга ҳар куни 15 — 20 кун давомида 3 — 5 мл дан қўйиб борилади. Кўрслар орасида бир ой танаффус қилиниб, муолажа 3 курс. бўлади.

АППЕНДИКУЛЯРГЕНИТАЛ СИНДРОМ

Ички жинсий аъзолардаги специфик бўлмаган ял- лигланиш жараёнини аппендицит ва пиеленефрит билан боғлиқлиги ҳақида Н. В. Қобозева ва бошқалар сўз юритганлар.

Қиз болада ички жинсий аъзоларнинг яллиғланиш жараёни жуда кам учрайди. Баъзи клиник кўрсатувларга қараганда, аппендицит билан оғриган қизларда иккинчи навбатда ички жинсий аъзолар заарланади.

Н. В. Қобозева ва бошқаларнинг фикрича аппендицитдан кейинги ҳолларда 25—30% аднексит ва периаднекситлар учраган.

Үзезеу Қ. (1979) аднексит билан оғриган қизларнинг 40 тасидан 37 тасида аппендицит борлигини аниқлаган.

Қиз бола аппендицит билан оғриганда, 25% ҳолларда, аппендикс ёрилиб кетганда, бачадон соҳасида яллиғланиш жараёни кузатилади. Буни бачадон қўшимчаларининг аппендицит туфайли инфицирланиши деб ҳисоблаш мумкин. Ллбатта, аппендицитни ва аднекситни аниқ ажратиб ташхис қўйиш жуда қийин. Чунки бу соҳадаги нервлар бир-бири билан жуда боғланиб кетганлиги туфайли, оғриқ белгилари ҳам ўхшаш бўлади, шунинг учун уларни аниқ ажратиш қийин кечади.

Бачадоннинг ўнг томондаги найчалари ва тухумдон аппендиксга топографик жиҳатдан яқин жойлашганлиги сабабли, шу найчалар кўпроқ заарланади деган фикр бор.

Бунда ташқи инфекция лимфа ва қон томирлари орқали ҳам тарқалади. Оқибатда аппендиксдан узокроқ жойлашган чап томондаги найча ҳам заарланиши мумкин.

Умуман олганда, ички аъзолар ва ички жинсий аъзоларнинг топографик жойлашиши инфекциянинг тар- қалишига шароит яратиб беради. Биз қўпинча, чаноқ пардаси ички жинсий аъзоларни ҳам қоплагани с.абабли инфекциянинг қорин бўшлиғидан ўтишига халақит беради деб ҳисоблаймиз, аммо инфекциянинг гематоген ва лимфоген йўллари орқали ўтиши ҳам мумкинлигини ҳисобга олмаймиз. Қўпинча қиз болалардаги бачадон қўшимчаларининг яллиғланиши аппендиксга ҳам ўтиши кузатилади.

Аппендикуляр-генитал синдромли касалликнинг клиник

кечиши ҳархил бўлиши мумкин. Баъзан аппендицитга, баъзан эса аднекситга хос бўлган белгилар кузатилади. Бундай патологик ҳолатни консерватив усулда даволаш кўпинча қийинроқ кечади. Чунки патологик жараён оғирлашиб, аднекситда найча кўпинча йиринг ёки сероз экссудат билан тўлган бўлади (пиосалпинкс, сакто- салпикс).

Баъзан Дуглас бўшлиғи соҳасида абсцессларни ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолда албатта аппендикс. билан найчани ҳам олиб ташлаш керак бўлади. Олиб ташламаса, бачадон найчаларида яллиғланиш бошланади. Унда фаол равишда консерватив даволаш усулларини кўллаш керак бўлади. Антибиотиклардан умуман жинсий аъзолардаги яллиғланиш жараёнларини даволашда кўлланиладиган чоралардан фойдаланилади.

Киз болаларда пиелонефрит бўлса, уларнинг 67 фоизи- да (Н. В. Қобозева ва бошқалар) вульва ва қиннинг яллиғланиши ҳам кузатилиши мумкин.

Бу жинсий аъзолардаги яллиғланиш жараёни сий- дикдаги инфекция туфайли давом этади ва авж олади. Аммо баъзи пайтларда ҳар иккала патологик жараён

айрим-айрим кечиши ҳам мумкин. Н. В. Қобозева ва бошқалар (1988) қуидаги жадвални тавсия этадилар:

5- жадвал

| Дифференциал белгилар | Специфик бўлмаган вульвовагинит | Пиелонефрит |
|--|--|---|
| Захарланиш (интоксикация) синдроми | Суст билинади | Анча сезиларли дарражада, мепингиал белгилар бўлиши мумкин. |
| Огрих | Суст даражада, ко-рин пастида ёки чот соҳасида оғриқ | Қорин ва бел соҳа-сида оғриқ |
| Дизурия | Сийганда ачишиш сезилади | Кўпинча полинурия, никтурия, сийганда оғриқ бор |
| Пешобнинг клиник таҳлили: лейкоцитурия протеинурия | Нейтрофиллар ҳисо-бига Бўлмайди ски жуда кам миҳдорда | Лимфоцитлар ҳисо-бига бўлади |
| цилиндрлар | Йўх | Донали цилиндрлар (камдан-кам ҳоллар-да) |
| Фракцион таҳлил | Лейкоцитлар фақат сийдикнинг биринчи норциясида | Лейкоцитлар I ва II порцияларда |
| Буйрак фаолияти Гольдфлам—Пастернацкий белгиси | Бузилмаган Салбий | Кўпинча бузилган Кўпинча ижобий |

Умуман пиелонефритда асосий касалликни даволашдан ташқари, жойл и даволаш омилларидан ҳам фоидалиниш керак бўлади

ОО^ОКНОЕАЕ, ҚИЗ БОЛАЛАРДА СЎЗАК КАСАЛЛИГИ

Сўзак — инфекцион касаллик бўлиб, уни специфик гонококк қўзғатади. Бу касаллик бизнинг асримиздан олдинги вақтларда ҳам маълум бўлган, шунга кўра у «гоноррея» (шаҳватнинг оқиши) деб ном олган. Илгарилари сўзак ва захм бир хил касаллик, деб ҳисобланган. Кейинчалик олимлар бу фикрни хато деб топдилар.

Буни аниқтаҳлил қилиш мақсадида, 1767 йили Гунтер пениснинг бош томонига сўзак билан оғриган бемор манийсини укол орқали юборган. Аммо бемор тасодифан ҳам захм, ҳам сўзак билан касалланган. Шунга асосланиб, Гунтер сўзак ва захм бир хил касаллик экан, деган фикрга келган. Бу назария то XIX асрнинг ўрталариғача сақланиб келди. Ниҳоят Рикорд (K1согб) сўзак касалининг бошқа касаллик эканлигини исботлади. Аммо

у сүзак касали юқумли эмас, деб катта хатога йўл қўйди. Сўзакнинг кўзғатувчисига «Нейссер таёқчаси», деб ном берилишига сабаб Нейссер (Ие^ззег) 1879 йилда бу микробнинг морфологик тузилишини, унинг кўпайиш хусусиятини х.ар томонлама ўрганиб, уни «гонококк» деб номлади.

Э. Бимм (Е. Витгп) 1885 йилда гонококкларни одам йўлдошидаги қуюлган қон зардобида ўстириб, микробнинг тоза культурасини олишга муваффақ бўлди.

Одатда гонококк ивимаган оқсил моддасида (қон агари, асцитбульон, асцит — агарда) ўсиб, унинг ха- рактерли хусусияти шундаки, у аэроб ва анаэроб ҳолатла- рида ҳам яшаш қобилиятга эга бўлади. Гонококк учун одам танасидаги ҳарорат — 36 — 37° бўлиши зарур. Бу оптимал ҳарорат хисобланади.

Сўзак касаллиги фақат одамларга хос касалликдир. Кўп олимларнинг олиб борган изланишлари бу фикрни тасдиқлайди, чунки улар бу микроб билан бирорта ҳайвонни касаллантира олмаганлар.

Гонококк ловия шаклида бўлиб, диплококк (жуфт) ҳолатда учрайди. Унинг ботиқ юзаси бир-бирига қараган бўлади. Гонококкнинг ҳажми унинг тараққиёт босқичига қараб ҳар хил, яъни ўрта хисоб билан бўйи 1,6 М, эни 0,8 М бўлади.

Электрон микроскопда текширилганида унинг пардаси борлиги кўрилган. Унинг яна бир хусусияти шундаким, у ҳужайралар ичига, хусусан, лейкоцитлар ичига кириб олиб яшашидир. Уни грамм усули бўйича бўялганида, мусбат натижа бўлади. Улар одатда қизил рангда бўлади. Манфийга бўяладиганлар гунафша рангда бўлади.

Шуниси характерлики, ҳужайра ичига жойлашган гонококклар фагоцитозга учраган ҳолда бўлмай, аксинча, яшашда давом этаверади, яъни кўпаяверади. Гонококк ҳеч қачон лейкоцитлар ядросига кирмайди, аммо лейкоцитлар ичida яшай олади. Улар перпендикуляр ҳолатда кўпаяди.

Гонококк одам организмидаги турли шароитда, ҳатто тана ҳарорати 40 — 41°C га чиққанида ҳам яшаш хусусиятини йўқотмайди. Аммо юқори ҳарорат (40 — 41°C) да уларнинг кўпайиш хусусияти пасаяди. Бундан ташқари уларга куёш нури ҳам салбий таъсир қиласи. Агар гонококкли суртма қуритилса, 1 — 5 соат давомида ҳалок бўлади. Хўл жойда эса гонококк анча узоқ, ҳатто 24 — 26 соат яшай олади.

Гонококк цилиндрик эпителийли аъзоларда яшаш қобилиятига эгадир. Камдан-кам ҳолларда унинг виру- лентлик (юқиши) хусусияти узоқ вақт, баъзан йиллар давомида сақланиб қолади. Гонококк цилиндрик эпите- лийда яшаш қобилиятига эга бўлгани қолда, у асосан безлар ичida, уларнинг йўлларида, бачадон бўйни, танаси, бачадон найчалари, тўғри ичак, сийдик чиқариш йўли, кўз, қовуқ ва бошқа аъзоларда жойлашиб, уларни касалланти- риши мумкин.

Аммо пубертат ёшида бачадон ичида гонококк яшай олмайды. Чунки бачадон шиллиқ пардасидаги циклик ўзгариш ҳайз күриш жараёнида у бачадон шиллиқ пардасининг функционал қавати билан биргаликда кўчиб тушади. Аммо бу орада у бачадон найчаларига ўтиб қолиши, шунингдек бачадон бўйнида сақланиб қолиши мумкин.

Гонококк ўзида эндотоксин тутади, бу заҳар гонококк ўлганидан кейин бемор организмига ўтиб, унга таъсир кўрсатади. Агар ҳалок бўлган гонококкни суюқ муҳитга солиб қўйилса, у то парчаланиб кетмагунича ундан эндотоксин чиқмайди. Турли дорилар ва ташқи шароит таъсирида гонококк бир тартибда ўсмай, ҳар хил катталикда бўлиши (гигант ёки микрогоноокк) мумкин. Уларда яна морфологик ҳолат ва биологик хусусиятлар ҳам турлича бўлиши мумкин. Баъзан уларнинг бўялиш хусусияти ҳам ўзгариб, грамм мусбатдан грамм манфий ҳолатини олади.

Агар гонококк ўсаётган муҳитга кислород кирмай қолса, унда у ўзининг биологик ҳолатини кам ўзгартиради. Агар узоқ вақт схемасиз даво чоралари кўлланилса, унда гонококк шу препаратларга ўрганиб қолади ва тараққи- ётда давом этаверади.

Гонорея билан оғриган бемор яна иккинчи марта ҳам касалланиши мумкин, чунки у ўзидан кейин иммунитет қолдирмайди. Баъзи олимлар, гонореяни келтириб чи- қарган гонококк ўзидан кейин енгил иммунитет қолдиради, деб ҳисоблайдилар. Мабодо эр-хотин иккаласи гонорея билан касалланган бўлса, у касаллик аста-секин енгилла-шиши мумкин. Аммо шу эр-хотин бошқа киши билан алоқада бўлса, унга юқтириши мумкин.

Касалликнинг яширин даври 2 — 3 кун, камдан-кам ҳолларда 2 — 3 ҳафта бўлиши мумкин. Бу микроорга- низмларнинг верулентлигига, бемор организмининг ҳола-тига боғлиқ бўлади. Касалликнинг инкубацион (яширин) даври қанча қисқа бўлса, касаллик шунча оғир кечади.

Кўп микроорганизмларнинг касаллик чақириши учун тўқималарда жароҳат юза бўлиши қулайдир. Аммо гонококк учун жароҳатнинг юза бўлиши шарт эмас. Гонорея касаллиги чегараланган жойли касаллик бўлмас- дан, у умумий организм касаллигидир. Инфекция шиллиқ парда соҳасига, хусусан, қинга тушиши билан тезликда юқорига кўтарилиб, ички жинсий аъзо ва системаларга тарқалади, аъзолар фақат касалланибина қолмай, ундан ажралган эндотоксин бутун организмга таъсири қиласи. Эндотоксин лимфоген ва гематоген йўллари бўйлаб тарқалади.

Сўзак билан оғриган беморларда ланжлик, бош оғриғи, ҳароратнинг кўтарилиши, мускул ва бўғимлардаги оғриқни шу эндотоксиндан келиб чиқади деб ҳисоблаш мумкин.

Қиз болаларда сўзак касаллигининг кечиши катталардагидан анча фарқ қиласи, асосан касалланиш сабаблари (этиологияси ва патогенези), касалликнинг клиник кечиши, ташхис қўйиш ва даволаш омиллари ҳам бошқачароқ бўлади. Уларнинг сўзак касали билан касалланиши туғиши жараёнида, (агар она сўзак билан оғриган бўлса) ўтиши мумкин. Бу жараёнда инфекция фақат жинсий аъзогагина кириб қолмасдан, то кўзгача ўтиши (бу аъзода ҳам цилиндрик эпителия бор) ва кўз сўзагини (бленорея) вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун, қиз болалар туғилганда уларнинг жинсий аъзолари ва қўзларига альбуциднинг 30% ли эритмаси томизилади. Бу усул профилактика омиларидан бўлиб, қиз бола-ларнинг сўзак билан оғришларини олдини олади.

Уларда сўзак касалининг вужудга келиш шароити турличадир. Жинсий йўл орқали касалланиш уларда 5—10—15 фойизни ташкил қиласи. Пубертат ёши ва балоғатга етиш даврида сўзак микроби онаси, опалари ёки қариндош уруғларидан, агар уларнинг ётиш жойлари бир бўлса, ванна ва бошқа нарсалардан бирга фойдаланилса, ўтиши мумкин. Жинсий йўл орқали ўтиши кам учрайди. Аммо қиз боланинг сўзак билан оғриганлигини аниқлаш мобайнида (айниқса ўсмир ёшида), унинг жинсий муло-қотда бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш шарт.

Қиз болаларда касалликнинг клиник кечиши, унинг организмининг анатомик-физиологик хусусиятига, сийдик чиқариш ва жинсий аъзоларининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Қиз боланинг қини 5—6 қават нозик-юпқа, ясси эпителий билан қопланган, бундан ташқари, қиндаги нейтрал ёки ишқорли мухит ҳам микроб учун қулай шароит яратиб беради.

Янги туғилган қиз болалар қинида онадан ўтган гормонлар туфайли, нордон шароит бўлади, бу шароит маълум даражада инфекция учун қаршилик кўрсатади. Қиз бола онасини эмиш даврида қинда нордон шароит бўлиб туриши мумкин. Аммо бу ҳолат бола ўсгани сари ўзгариб боради. Яъни, қиндаги нордон реакция аста-секин сустлашиб, нейтрал ёки ишқорли реакцияга айланиб, бу ҳолат бола 8—9 ёшга киргунича сақланиб қолади. Унинг организмида эстроген гормони оша боришига қараб, қин реакцияси аста-секин нордонлашади ва ниҳоят катта-ларникига ўхшаб қолади. Бундан ташқари, қиз бола-ларнинг бачадон бўйни канали аёлларникига ўхшаб, шиллиқли тиқин билан бекилган бўлмайди.

Одатда, аёлларда тухумдондан ишлаб чиқилган эстроген гормони туфайли бачадон бўйнидаги безлар қўп микдорда шиллиқли секрет ишлаб чиқара бошлайди. Бу шиллиқ аста-секин бўйин каналини тўлатиб, ниҳоят тухумдоннинг фолликулин фазаси охирида, бўйин каналининг ташқи тешигига кўз қорачигига ўхшаб кетадиган шиллиқ кўриниб қолади (кўз қорачиги белгиси). Бунда бачадон бўйиннинг ташқи тешиги 2,5

— 3 мм кенгаяди, аммо бачадон бўйин канали берк бўлади.

Қиз болаларда эстроген гормони кам бўлгани учун уларда бу ҳол кузатилмайди. Демак, қиндаги нейтрал ёки ишқорли реакция, қин шиллиқ пардасининг нозик бўлиши сўзак касалининг тарқалиши учун қулайлик туғдиради. Қиз болаларда одатда, сўзак аввало сийдик чиқариш йўли, парауретрал йўлларда, қинга кириш жойи, бачадон бўйни, ҳамда тўғри ичак соҳасини заарлайди. Ана шу ҳол катталардаги сўзакдан фарқ қиласиди.

Болаларда ҳам жинсий аъзо, пастки ва юқори қисми деб, иккига бўлинади. Уларда ҳам сўзакнинг яширин даври 2 — 4 кун, баъзан ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Қиз болаларда сўзак ўткир тусда ўтиши ёки сурункали тарзда кечиши мумкин. Ёки суст формада кечади. Сўзак сурункали кечганида, касаллик ҳатто 2 ойгача давом этади. Бундай даврда касалликнинг клиникбелгилари суст бўлгани учун, кўзга ташланмаслиги мумкин. Қасаллик шу йўсинда кечиб, вақти-вақти билан кучайиб, қайталаниши мумкин. Қасалликнинг торпид (суст) кечиши организм-ning қаршилик кўрсатиш кучи пасайганда, турли ка- салликлар, хусусан, озиб кетган, экссудатив диатези бор, қони кам, семиришга мойил бўлган қизларда учрайди.

Камдан-кам ҳолларда сўзак касали аниқ клиник белгисиз кечиши натижасида то етуклиқ давригача давом этиши мумкин. Бундай қизлар турмушга чиққанида, биринчи жинсий алоқадаёқ эркакни касаллантиришлари мумкин.

Сўзакнинг кечиши фақат қиз бола организмининг умумий қолатига ва унинг ёшига эмас, унинг организмнда-ги микроорганизмларининг верулентлик хусусиятига ҳам боғлиқдир.

Чақалоқлардаги сўзак касали даволанса, у 2 — 3 ҳафтада тузалиб кетиши мумкин. З ёшдан ошган, 8 — 9 ёшгача бўлган қизларда сурункали кечиши ва қайтари- либ туриши мумкин. Чунки бу ёшдаги қизларда гормонал жараён ҳали етарли бўлмай, гонококк микробига қарши курашишга организмнинг кучи етмайди. Касалликнинг давом этиши унинг қайси аъзода жойлашганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар вестибулит ва вагинитлар тезроқ тузалса, цервицит ва эндоцервицитлар узоқдавом этади. Чунки бу жойлардаги микроблар анча чукур жойлашган бўлади.

ВЕСТИБУЛИТ (ҚИН ДАҲЛИЗИ СЎЗАГИ, УЕ8Т1В1ЛЛТ18 ОО^ОНКНО1СА)

Сўзакнинг бу тури қизларда кўпроқ учрайди. Касаллик ўткир кечганида, шу соҳада тарқалган шишнинг қизарган- лиги, умумий яллигланиш жараёнининг барча белгилари кузатилади. Касалликнинг 2 — 3 ҳафтасидан кейин қин даҳлизининг шиллиқ

қавати рангсизланади, қизиллик фақат бартолин бези ва кичик жинсий лабларнинг ички сатҳида кўзга ташланади. Баъзида фолликуляр вестибу- лит ҳам кузатилади.

Микроскоп, кольпоскоп остида кўрилганда, лимфоид тўқиманинг гиперплазияси ва тери ўсимталарининг сўргичи (сосочка) гипертрофиясини кўрамиз. Микроскоп остида кўрилганда, сийдик чиқариш йўлининг ташқи тешигида полипоз ўсимталари кўринади.

Баъзан ажралиб чиқаётган чиқиндилар туфайли яллигланиш жараёни катта жинсий лабларга, чот (бут) га тарқалиб, у жойлар ҳам қизаради ва шишади.

КОЛЬПИТ (ҚИН СЎЗАГИ, СОЕР1Т18 ООИОРРНО1СА)

Кольпитнинг ўткир турида қиннинг шиллик пардаси шишиб, қизаради, ундан кўп микдорда йиринг ажралиб чиқиб туради. Агар қасаллик сурункали формада кечса, қиннинг шиллик қавати унча қизармайди, баъзи жойлари- дагина қизарган ҳолатни кўриш мумкин. Қин чиқиндиси кўп ва йирингли бўлади. Баъзан қиннинг шиллик қаватида, унинг сатҳида кўп микдорда қип-қизил тошма- лар (донга ўхшаш) кўзга ташланиб, бу белги гранулоз вагинит, деб аталади.

УРЕТРИТ (СИЙДИК ЧИҚАРИШ ЙЎЛИ СЎЗАГИ, 6НЕТК1Т15 СОМОКВНО1СА)

Кўп олимларнинг фикрича, сўзак касали бирламчи бўлиб, сийдик чиқариш йўлини заарлайди.

Уретритда сийдик чиқариш йўлининг кириш жойи ва шиллик қавати қизариб, шишади ва йиринг ажралади. Сийганда оғриқ сезилади (бola йиғлайди). Унинг тез-тез сийгиси қистаб туради. Қасалликнинг ўткир қолати I—2 қафта давомида сустлашади.

СЎЗАК ВУЛЬВОВАГИНИТИ, УОЕУОУА61МТ18 60МОККН01СА

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қиз болаларга гормон- лар етишмаслиги туфайли, қасалликнинг юқиши механизми аёлларникига нисбатан клиник кечиши билан бирмунча фарқ қиласди.

Қасаллик катталарга асосан жинсий йўл билан юқса, болаларда эса жинсий йўлга алоқаси бўлмайди. Инфекция чақалоқ туғилаётганида онасидан ўтиб, микроблар бола- нинг кўзи ва жинсий аъзоларига тушиши мумкин. Яна, ҳаммомда булат, кийим-бош ва ҳоказо орқали ўтиши- ни ҳам тахмин қиласдилар. Қиз бола чақалоқлик пайтида унинг жинсий аъзолари, қин ва ташқи жинсий аъзоларни қоплаган эпителийлар юпқа ва нозик бўлади.

Вульвовагинит кўпроқ 3 — 6 ёшдаги болалар орасида

учрайди.

Баъзи олимларнинг фикрича, болалар қўпроқ жинсий тараққиёт даврида касалланар экан.

КЛИНИКАСИ

Ташқи жинсий аъзолар шишади ва қизаради, сийдик чиқарув йўли ҳам қизариб, унда қотган йириңг чиқиндиси кўринади. Ажралиб чиқсан йириңгнинг қотиб қолиши натижасида жинсий лаблар бир-бирига ёпишиб қолади. Жинсий аъзодан оқаётган йириңг чот терисининг би-чилишига олиб келади, касаллик оғриқ билан давом этади. Агар катта лаблар йириб очилса, қон чиқади. Шиллик қават сарик-барг рангидаги йириңг билан қопланган бўлади. Қиндан чиқинди кўп ажралади. Яллигланиш жараёни жуда осонлик билан сийдик йўли ва бартолин безларига ўтиши мумкин. Чунки бу аъзоларнинг шиллик қавати цилиндрик эпителий билан қоплаган бўлгани учун, гонококк шу эпителийга ўч бўлади ва унга яқин жойлашиб олади. Аммо болаларнинг сийдик чиқариш йўли ва бартолин бези катталарникига нисбатан кам касалланади.

Юқорига кўтариувчи инфекция боланинг ёшига қараб бўлади. Бола қанча ёш бўлса, мураккабликлар шунча кам бўлади. Менархе даври яқинлашган сари, инфекциянинг тарқалиши кўпроқ учрайди.

Баъзан ажралган йириңг таъсирида соннинг ички сатҳида дерматит кузатилади. Жинсий аъзодан ажралган йирийг кўпинча тўғри ичакни заарлайди. Уйнинг шиллик қавати шишиб, қизаради ва йириңги карашлар билан қопланади. Ич келганида бола кучли оғриқ сезади. У ичини тутиб туришга интилади. Бунинг натижасида ичакнинг пастки қисмида ахлат йифилиб, бу ҳам ўз навба-тида шу соҳада қоннинг тирагиб қолишига сабаб бўлади, яллигланиш жараёнини янада оғирлаштириб юборади.

Касалликнинг ўткир формасида тана ҳарорати кўтари лади. Бу давр 2 — 4 ҳафта давом этади. Кейин сурункали ёки ўртacha ҳолатга ўтади. Бунда заарланган аъзолардаги шишлар, қизиллик ва чиқиндилар ҳам камаяди, аммо касалликни кўзғатувчи микроб ҳали ҳалок бўлмаган бўлади.

Касалликнинг сурункали даврида ташхис қўйиш бироз қийин бўлади.

Касалликни кўзғатувчилар без йўлларида узоқ туриб қолиши мумкин.

Ташхис қўйиш касалликнинг ўткир даврида унча қийин бўлмайди, аммо сурункалига ўтса, унда мураккаблашади. Одатда гонококкни топиш учун сийдик чиқариш йўли, бачадон бўйни канали ва қиндан суртма олинади. Без йўлларидан суртма олиш учун, шу йўллар енгил массаж қилинади ва шундан кейин суртма олинади. Суртма грамм усули билан бўялиб, микроскопда дипло-кокк (кўшалоқ кокклар) кўрилади. Энг

яхшиси, олинган чиқиндини асцит суюқлигига ёки қонли агарга экиш йўли билан бактерия тури аниқланади.

Қасаллик сурункали кечганда ҳам гонококкни топиш бирмунча қийин кечади. Чунки у чукур бурмали жойларга яшириниб олган бўлади. Суртмадан ҳам гонококкни ҳар доим топиш мумкин бўлавермайди.

Шунинг учун гонококкни топишда уни қўзғатиш (provokация) усулидан фойдаланилади. Яна, ҳайз кўрил ган вақтда қасаллик зўрайиб, микробни топиш осон бўлади (физиологик провокация).

Балоғатга етган қизларнинг бачадон бўйни каналига, унинг шиллиқ қаватига 5 — 10% ляпис (азот-кислотали кумуш) суртилиб, бачадон бўйни қитиқланади, ана шунда чукурда жойлашган микроблар анча юзага чиқади ва уларни топиш осон. Кўшимча равишда комплемент боғлаш, бактериологик ва серологик текшириш усувлари- дан ҳам фойдаланиш мумкин.

ДАВОЛАШ

Даволашни асосан венерологлар олиб боради. Шундай бўлса-да, биз даволаш усувлари устида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Қасалликнинг ўткир даврида бемор ўрнида ётиши ва суюқликни кўп истеъмол қилиш лозим (бунда сийдик билан микроблар чиқиб кетиши кўзда тутилади). Даво- лашда керакли натижаларга эришиш учун инфекция манбайнин йўқотиш ва инфекция тарқалишининг олдини олиш лозим бўлади.

Аввало овқатланишини тартибга солиш, енгил ҳазм бўладиган ва клетчаткаси кам, аччиқ бўлмаган овқатлар буюрилади (болаларнинг ёшига қараб). Қасаллик кўзга ўтмаслиги учун, болага қўлини тез-тез ювиб туриш тайинланади. Жинсий аъзолар бир кунда бир неча марта 1:10,000 калий перманганат (марганцовка) ёки 2% ли риванол эритмаси билан чайилади, кейин артилиб, цинк мойи суртилади. Яна қўшимча равишда, сульфаниламид препарати, пенициллин ва бошқа антибиотиклардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпроқ пенициллин ишлатилади. Сурункали турида, айниқса, сўзак проктитида(тўғри ичак яллиғланиши) проторголнинг 0,5 — 5% ли эритмаси билан хўқна (клизма) қилиш ҳам фойда беради. Ваға, Гойого^ (1953) қуйидаги усуlda муолажа қилишни тавсия қиласидилар: 1000 бирликдаги кристалли пенициллинни (қасалликнинг бошида) 1 соат давомида ҳар 5 минутда 10 — 15 томчидан кўз томизғичи ёрдамида қинга томизи- лади, уретрага томизиш лозим. Бу хилдаги жойли даволаш 2 кун давом эттирилади. Бундан ташқари, 2 кун давомида мускул орасига 100.000 — 400.000 бирликда пенициллин- дан укол қилинади (ёшига қараб). Муолажа тамом бўлгач, бир неча кун давомида ўтирадиган ванна буюрилади. Одатда пенициллин билан даво

қилингач, гонококклар 24 соат ичида йўқолади. Даволаб бўлинган- дан кейин 5 кун ва яна 2 — 3 хафта давомида бемор назоратдан ўтказиб турилади. Бу назорат то беморда касаллик белгилари қолмагунча давом эттирилади.

Болаларда сўзакнинг оқибати унча ёмон бўлмайди, у айтарли деструктив ўзгаришларга олиб келмаслиги мумкин. Албатта, бу муолажани ўз вактида бошлансагина шундай бўлади. Сўзак сурункали формага ўтса, юқорида келтирилган белгилар давом этаверади. Касалликнинг торпид формасида сўзак бошланган биринчи кундан юқоридаги белгилар кузатилиб, аммо суст бориши мумкин.

ЦЕРВИЦИТ (БАЧАДОН БЎЙНИ СЎЗАГИ, СЕВУ1С1Т18 60М0ККН01СА)

К. А. Коришеванинг айтишича, сўзакнинг бу тури қизларда 50 — 60% учрайди. Қасалликнинг ўткир турида бачадон бўйни жуда қизариб кетади ва бўйни каналидан йиринг ажралиб туради. Сурункали шаклида эса, бачадон бўйни кўкимтири рангда бўлади. Цервицит одатда сурунка- ли кечади.

ПРОКТИТ (ТЎҒРИ ИЧАК СЎЗАГИ, РКОСТ1Т18 601ЧОНКНО1СА)

К. А. Коришеванинг фикрича, проктит 60% ҳолларда ўткир, 40% ҳолда эса сурункали кечар экан. Касалликнинг ўткир формасида ичакнинг баъзи қисмларида шиллиқ қават эпителийси кўчиб тушади, натижада шу соҳада яраги, эрозияли юза кузатилади. Шиллиқ қаватда майда хужайрали инфильтрация ва плазматик хужайралар топилади. Гонококк факат эпителий остигагина кириб қолмай, балки ичак деворларидаги қўшимча тўқимани ҳам заарлайди. Кейин абсцесс пайдо бўлиши мумкин. Улар ичак бўшлиғига ёки чот (бут) га шимилади. Проктитдан кейин чандиқлар пайдо бўлиб, улар туфайли ичак торайиб қолиши мумкин. Қасаллик бошланишида шу соҳада ачишиш, оғриқ сезилади, дерматит ҳам бўлиши мумкин. (Беморда тез-тез ич келиши-топизм хохиши туғилади). Ахлат юзаси йиринг билан қопланган бўлади. Сурункали турида бу белгилар бўлмаслиги ҳам мумкин. Даволаш омиллари вульвовагинитда айтиб ўтилган.

СЎЗАК ПРОФИЛАКТИКАСИ

Сўзакни даволашдан кўра олдини олиш фойдалироқ- дир.

Аёллар маслаҳатхонасида ҳомиладорларни ҳар то- монлама текширилади Қин чиқиндилари, бачадон бўйни ва сийдик чиқариш йўлларидан суртмалар олинади. Чиқиндилар экилиб, текширилади. Булар чақалокни сўзакдан асраш мақсадида

қилинади. Бундан ташқари, ота-оналар ўртасида маориф-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, болалар муассасаларида уларни кўриқдан ўтказиб туриш ҳам касалликнинг олдини олади.

Сўзак билан оғриб, тузалган болаларни йилига бир неча марта (камида 3 марта) клиник ва лаборатория кўригидан ўтказилганидан кейингина, болалар муассасала- рига қатнашларига рухсат бериш мумкин бўлади.

ҚИЗ БОЛАЛАР ЖИНСИЙ АЎЗОЛАРИНИНГ СИЛИ

Сил умумий инфекцион касаллик бўлиб, одатда сурункали кечади. Унинг қўзгатувчиси — сил таёқчаси — ЎасШае Косъае. У биринчи марта 1882 йилда Кох томонидан аниқланган.

Аслида жинсий аЎзолар силини ўрганиш XVIII асрдан бошланиб, уни дастлаб Морганье 14 ёшли қизнинг жинсий аЎзосидан топган.

Сил таёқчасининг узунлиги 2 микрондан 4 микронгача, бироз эгилган бўлади. Кислота ва спиртга чидамли.

Бу таёқчанинг организмга тушиши хар доим ҳам касаллик қўзғатавермайди. Бунинг учун организмнинг қаршилик кучи камайган (бошқа касалликлар, оиласи шароит, овқатланишининг бузилиши ва ҳ.к.) бўлиши керак.

Силнинг вужудга келиши 2 қисмга бўлинади:

1. Бирламчи сил.
2. Иккиласи сил.

Бирламчисида касаллик лимфонгант ва унинг атрофи- даги лимфа безларининг касалланиши натижасида рўй беради.

Иккиласиси деб, сил билан оғриб ўтган беморлардаги касалликка айтилади.

Жинсий аЎзолар силни кўпроқ гематоген (кон томир) йўли, кам ҳолларда лимфа йўли орқали, жуда камдан-кам ҳолларда қўшни аЎзолардан (рег сопНтиШит) ўтади.

Сил касали учун специфик пролифератив ўзгаришлар характерли бўлиб, бунда сил гранулемалари дўмбогининг шаклланиши билан характерлидир. Бу дўмбог одатда эпителиал хужайралардан (кўшимча тўқималардан ву- жудга келган пластинаксимон, рангиз бўяладиган, пу- факчаларга ўхшашиборли), томирлар эндотелийсининг ретикуляр хужайраларидан ташкил топган. Дўмбокча- ларнинг биринчи характерли хусусияти — унда кўп ядроли «гигант» хужайраларнинг борлигидир. Иккинчи хусусияти — сил туфайли яллигланиш юз берганда, унда сузмага ўхшашиборли козиоз некрознинг ҳосил бўлишидир.

Жинсий аЎзолар силининг тузалиши организмнинг умумий қаршилик кўрсатиш кучи ва заарланган аъзо- ларнинг қолатига боғлиқ бўлади.

Сил дўмбоқчалари туфайли бачадон бўйни, кин ва ташки жинсий аъзоларда ярачалар ҳосил бўлади. Қиз болаларда жинсий аъзолар сили, улар яллиғланиш касаллиги билан оғриганларидан кейин пайдо бўлади. Улар бу касаллик билан 8 — 15 ёшларда кўп оғрийдилар.

Л. Р. Аветисова (1980) нинг кузатишича, 12 — 16 ёшдаги қизларда жинсий аъзолар касаллиги кўпроқ учрайди. Қлиник кузатишларга қараганда, бунда асосан бачадон найчалари заарланади.

Н. В. Кобозева ва бошқаларнинг фикрича, бачадон найчаларида сил кўп (деярли 100 фойиз) учрар экан. Эндометрий сили 30 — 45 фойизни ташкил қилиб, кўп ҳолларда бачадон найчаларининг заарланиши билан кечади. Тухумдан сили 10—12 фойиз учрайди.

НАЙЧАЛАР СИЛИ

Найчалар сили (умумий жинсий аъзолар силига нисбатан) кўп (100%) учрайди. Асосан гемоген йўли билан юқиб, шу соҳадаги қон томир капиллярлар турларининг кўплиги туфайли инфекция осон ўтади.

Найчалар кўздан кечирилганда, клиник ҳолат ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди, уни микроскоп орқали кўриш мумкин бўлади.

Агар касаллик энди бошланган бўлса, бунда найча- ларнинг шиллиқ қавати қалинлашиб, улarda милиар дўмбоқчалар борлиги кўзга ташланади. Шиллиқ қават бурмалари кўпинча бир-бирига ёпишиб қолади, найча бўшлиғида кўп микдорда экссудат бўлади. Шиллиқ қават эпителийсида 2 хил жараён кузатилади. Бир жойда пролиферация (ўсиш), иккинчи жойда дисквамация (кўчиш) бўлади. Қасаллик бошида найчаларнинг мускул ва сероз қавати заарланмаган бўлади. Баъзи ҳолларда сил чегараланиб, шу ерда оҳакланиш кўринади. Агар найчанинг ампуляр қисми бекилиб қолмаган бўлса, касаллик авж олиб, найчаларнинг барча қаватини заарлаб, қўшни аъзоларга ҳам тарқалади. Натижада сил мезосальпингити ва пересальпингит вужудга келади. У ҳолда найчаларнинг мускул қаватида лимфоид эле- ментлар ва ҳатто сил дўмбоқчаларини ҳам кўриш мумкин. Сил оғирлашгани сари, дўмбоқчалар бир-бирига кўшилиб парчаланади ва оқибатда казиоз ҳолат кўринади. Найча- лар ичи козиоз масса билан тўлади.

Агар найчаларнинг ампуляр қисми бекилиб қолса (облитерация), унда секрет найчалар ичидаги тутилиб ва оқибатда найчалар трубага (ретортга) ўхшаб қолади, унинг ичи суюкроқ (казиоз) масса билан тўлган бўлади. Инфекция лимфа йўллари ёки аъзолар бўйлаб, ўзининг яқинида жойлашган ичак, сийдик

қопи ва чаноқнинг сероз пардасигача етиб боради. Чаноқ пардасида экссудация ва кейин продуктив яллиғлаш жараёни рўй бериб, оқибатда чандиқлар пайдо бўлади. Организмнинг қаршилик кучи бора-бора пасайиб, ниҳоят найчалар тешилиб, ичаклар, сийдик қопида найча-ичак ёки найча-сийдик қопининг оқмаси пайдо бўлади.

ТУХУМДОН СИЛИ

Касаллик найчалардан тўғридан-тўғри ёки лимфа-қон йўллари бўйлаб тухумдонга ўтади. Бу касалликнинг икки тури учрайди: периоофарит (тухумдон атрофидаги тўки- манинг яллиғланиши) ва сил оофарити (тухумдоннинг яллиғланиши).

Агар инфекция тухумдон паренхемасига кирса, унда сил дўмбоқчаларининг йифиндиси тухумдон бўшлиғида вужудга келади. Улар кейинчалик абсцесс ҳосил қиласи. Тухумдон сили вақтида ва тўғри даволанса, тез тузалади.

Бу жараён камдан-кам ҳолларда оғирлашади, унда тухумдонни олиб ташлашга тўғри келади.

БАЧАДОН СИЛИ

Бачадон найчаларидағи тешик орқали эмас, балки лимфа йўли орқали заарланади. Сил касаллиги эндо- метрийнинг ўзинигина заарлаши кам учрайди. Эндо- метрий сили 3 хил формада учрайди:

1. Продуктив формаси — эндометрийда дўмбоқлар кўпаяди.
2. Милиар формаси — тарқалган шакли.
3. Козиоз парчаланиш — мускул қаватига ўтадиган формаси.

Эндометрий силида ҳайз цикли текширилганда, турли ҳолларни кўриш мумкин. Баъзи муаллифларнинг фикрича балоғатга етган қизларда ҳайз циклининг 7-куни (пролиферациянинг эртанги муддатида) сил аниқланмайди. 7-12 куни бачадон шиллиқ қаватининг пролифератив фазасининг кейинги муддатида айрим эпителиал ҳужайра- лар кўзга ташланади. Шиллиқ қаватнинг секреция фазасида гигант ҳужайралар эгаллаган аниқ сил дўмбоқ- лари кўринади. Сил касаллиги айниқса ҳайз кўриш олдидан яққолроқ намоён бўлади. Унинг продуктив фазасида бачадондан олинган қирма жуда оз бўлади. Агар тухумдон фаолиятига путур етмаган бўлса, ҳайз цикли нормал бўлиши мумкин. Силнинг милиар формасида, интоксикация туфайли ва гормонал система фаолиятининг пасайганлиги сабабли, ҳайз цикли бузилади. Одатда, продуктив экссудатив формаси авж олади. Бунда диффуз- ли, лимфоидли инфильтрация эндометрий безларини заарлаши, жараённинг мускул қаватига ўтиши кузатила- ди. Бундай ҳолатда (оғир

ҳолатда) бачадон шиллик қаватининг функционал қаватида реакция бўлмайди.

Казиоз формасида эса, жараён анча оғирлашади, эндометрий билан мускул қавати ҳам заарланади. Бунда пиометра ҳосил бўлиб, бачадон бўшлиғида сузмагаўхаш йиринг йигилади. Агар касаллик яхши тугаса, бачадон ичида чандиклар қолади. Қиз болалар балогатга етгач уларда бирламчи аменорея ҳолатини (атепоггьеа) куза-тиш мумкин бўлади.

БАЧАДОН БЎЙНИ СИЛИ

Баъзан бачадон бўйнининг ташқи тешиги атрофида сўрғичсимон ўсимталарни кўриш мумкин. Урак (сара-тон), захм ва папилляр эрозия билан дифференциал тарзда ташхис қилиш, биопсия олиш йўли орқали аниқланади.

Захмда Вассерман реакцияси ҳам ёрдам бериши мумкин. Қольпоскоп ҳам текширишда анча ёрдам қиласи. Бачадон бўйни ракида бўладиган айрим белгилар (тегиб кетганда қонаш — контакт) ва Шиллер белгилари уни силдан ажратиб олишга (фарқлашда) кисман ёрдам беради.

ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР СИЛИ

Аъзо сатҳида ясси, сарғимтири ёки қизгиш-кулранг караш кўринади. Уларнинг чети ярали, туви эса бир оз инфильтрланган бўлади. Яра четларида сўксимон оқимтири тугунчалар кўринади. Агар яра жинсий лаблар ёки клиторда бўлса, бу аъзолар катталашиб, қаттиқ ҳолга келган бўлади, бундан ташқари, чот (бут) соҳасидаги лимфа безлари ҳам қаттиқлашади.

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР СИЛИ ТАШХИСИ

Бунинг учун аввал қиз боланинг сил касали билан оғриган бемор билан мулоқатда бўлган-бўлмагани, бола- лигига бу касаллик билан оғриганми ёки йўқлиги она- отасидан сўраб аниқланади. Ташхис қўйиш ва касалликни аниқлашда анамнезнинг аҳамияти жуда катта бўлади.

Бармоқлар ёрдамида тўғри ичак орқали кўрилганида, турли ҳажмдаги сил дўмбоқчаларини сезиш мумкин. Аммо бундай дўмбоқчаларни тухумдан раки, серозли (па- пилляр) кистома ва бошқа касалликларда ҳам сезиш мумкин. Шунинг учун олинган шу маълумотнинг ўзигина етарли бўлмайди. Бунда лаборатория текширишлари яқиндан ёрдам бериши мумкин. Қонда специфик ҳолат кузатилмайди.

В. А. Покровскийнинг айтишича, силнинг продуктив фазасида лейкоцитлар миқдори камаяди (ошмайди), экссудатив формасида ошади, аммо бу турғун бўлмайди. Қазиоз парчаланиш фазасида эса интоксикация туфайли лейкоцитоз юқори бўлади. Агар сил жараёни яна кучайса, унда интоксикация окибатида лейкопения вужудга келади.

Сил билан оғриган кўпгина беморларда лимфоцитоз кузатилиб, оғир формасида лимфоцитоз учрамайди. Бундай беморларда моноцитоз кузатилади. Яна эритроцитлар ва гемоглобин камайиб кетиб, анемия юз беради.

Ўпкада, суюкларда сил касаллиги бўлган-бўлмаганлиги рентген орқали аниқланади. Агар бўлган бўлса, ана шу жой инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади. Ташқи жинсий аъзо, қин ва бачадон бўйнига ташхис қўйиш мақсадида улардан биопсия олинишини биз юқорида айтиб ўтдик.

ТУБЕРКУЛИН БИЛАН ТЕКШИРИШ

Бу усул ёрдамида сил юқсан-юқмаганлиги аниқланади. Аммо касалликни аниқлашда Пирке-Манту усули, клиник текшириш билан бирга олиб борилса, аниқроқ маълумот олиниади.

Пирке усули — билакнинг ички сатҳи терисига олдин бензин ва эфир суртилиб пипетка ёрдамида бир томчи Қоҳ туберкулини томизилади, ундан бир неча сантиметр пастга контроль (назорат) эритма (0,5% ли карбол ачимини, 0,5 мл, глицеринли аралашмали физиологик эритмани) томизилади, ундан кейин шу томчилар устидан, ҳар бир томчига алоҳида пинцет (ёки нина) олиниб, унинг устидан чизилади. Агар бу реакция ижобий бўлса, унда 24 — 28 соатдан кейин туберкулин томизилган жойларда папула пайдо бўлади (силнинг грануляцион тўқимаси). Унинг ҳажми 1 см бўлиб, атрофи 0,5 см га яқин жойда қизариш бўлса, унда реакция ижобий бўлади.

МАНТУ УСУЛИ

Бунда тери бурмасига, тери ичига 0,05 мл дан то 0,1 мл гача 1:10.000 маротаба суюлтирилган туберкулин юбори-ладш Қонтроль реакция 0,5% ли фенол ёрдамида ўтказилади. Агар реакция салбий бўлса, унда 2 кун ўтгач, туберкулин анча юқори концентрацияда (1:1000) тери остига юборилади. Укол ўрнидаги тери сатҳи кўтарилади. 8 соатлардан кейин шу жой қизаради, баъзан пуфакчалар ҳосил бўлади. Реакция 30 соатлардан кейин аниқ бўлади. 48 соатдан кейин папулалар қайтади.

Сил бациллаларини аниқлашда бачадон бўйни канали, ярали юзалар, чиқиндилар, орқа гумбаздан нина суқиб олинган суюкликлар, Кафка қалпокчаси ёрдамида (бача-дон бўйнига

кийгизиб қўйилиб) олинган бачадон чиқинди-лари бактериологик ва бактериоскопик текширувлар ўтказилади.

КАСАЛЛИКНИНГ НАТИЖАЛАНИШИ

Ҳозирги даволаш усуллари тўғри қўлланилса, маълум даражада яхши натижага эришилади. Аммо бунда жинсий аъзолар функциясига путур етиши, хусусан, бепуштлик келиб чиқиши мумкин. Касаллик баъзан қайталаниб ҳам туради.

ДАВОЛАШ

Даво бир неча тадбирлардан иборатдир.

Биринчи навбатда беморнинг яшаш шароитини яхшилаш, режим билан овқатланиш, боланинг ёшига қараб овқат калорияси ва таркибини яхшилаш, витаминларга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш, иқлим шароитини таъминлаш, антибиотиклардан фойдаланиш, касалликнинг турига қараб даво чораларини қўллаш, керак бўлса, операция қилиш лозим бўлади.

М. С. Ермолова стрептомицинни ПАСК билан бирга ишлатишни тавсия этади. У бир даволаш курсини 20 кун деб белгилайди.

Сил эндометритида боланинг ёшига қараб бачадон бўйни қалинлигига 0,1 дан то 0,5 г гача стрептомицин юборилади. Яна, ҳар 6 соатда 0,1 — 0,5 г дан мускул орасига ҳам юбориш керак. У билан бир вақтда боланинг ёшига қараб 0,1 — 0,5 г дан фтивазид 2 — 3 маротаба ёки 0,5 — 2,0 г дан ПАСК юборилади.

М. С. Ермолова катталар учун стрептомициннинг умумий дозаси 50 г ёки фтивазиднинг 50,0 ёки ПАСКнинг 400 — 500 глик дозасини мақбул, деб ҳисоблайди. Унга қараб, болалар учун ишлатиладиган доза бироз камайтирилади. 1,5 — 2 ой ўтгач, муолажа курси яна қайтарилади.

Бачадон бўйни, қин ва ташқи аъзолар ярасида, уларнинг соҳасига ҳар 6 соатда 0,05 — 0,5 г гача бўлган миқдорда стрептомицин, бир вақтнинг ўзида фтивазид ёки 0,05 — 2,0 г гача ПАСКдан (ёшига қараб) кунига 4 — 5 маҳал бериб борилади.

Бунда катталар учун белгиланган даво дозаси шундан иборатки, 30 г стрептомицин, 50,0 фтивазид ёки 400 — 500 г ПАСК нинг даво дозаси белгиланади. Болаларга ҳам шулардан ёшига қараб буюрилади.

Даволаш жараёни умуман мутахассислар томонидан олиб борилади. Гинеколог врачларнинг вазифаси ташхис-ни аниқлаб, сил билан оғриган bemorларни маҳсус муассасага йўллашдан иборатдир.

КИН ДИФТЕРИЯСИ

У күпинча болаларда учрайди, чунки дифтерия асосан болалар касаллиги ҳисобланади.

Томоқ дифтерияси болаларнинг ифлос қўллари орқали инфекцияни юқтиришлари сабабли рўй беради. Қин дифтериясида, ташқи жинсий аъзоларда оқимтирик ёки кулранг караш юзалар (сатхлар) кузатилади, буни оқлик (молочница) билан адаштириш мумкин. Бу карашни кўчириб олиб бўлмайди. Қин дифтериясида касаллик ўзидан кейин чандиқ қолдиради. Бунда қиз боланинг қини торайиб ёки бутунлай битиб қолиши мумкин.

Касаллик асосан бактериологик йўл билан аник-ланади.

Даволаш инфекцион касалликларга мўлжалланган стационарларда ўтказилади.

ВИРУСЛИ ВУЛЬВОВАГИНИТ

Бу хилдаги патологик ҳолат болалик ёшида кўпроқ учрайди. Айникса вульвит, вагинит ва цервицитлар билан қиз болалар кўпроқ оғрийдилар. Вирусли цервицит асосан жинсий алоқада бўлган қизларда учрайди. Вирусли вульвитнинг вужудга келишида герпес вируси, цитомегало-вирус, урогенитал вирус, грипп вируси, парагрипп вирусла-ри сабаб бўлади. Баъзан уларнинг аралаш турлари ҳам учрайди. Бундай вақтда касаллик анча оғир кечади. Агар она генитал герпеси билан оғриган бўлса, унда генитал герпетик инфекция ва урогенитал инфекциялар чақалоққа туғруқ пайтида, туғруқ йўлидан ўтаётганида, ўтиб қолади. Бу хилдаги вирус кўпроқжинсий ва бошқа йўллар орқали тарқалади. Мабодо она шу касаллик билан оғриган бўлиб, ваннада қизи билан бирга чўмилса ҳам, шу касаллик болага ўтиши ҳақида маълумотлар бор.

Баъзи фикрларга қараганда цитомегаловирус ҳомила-га йўлдош тўсигидан ўтиб, бола организмида узок вақтгача ҳаёт кечирар экан.

Урогенетал инфекция цистит, уретрит, вульвитлардан ташқари, чақалоқда яна коњюнктивитни ҳам кўзгатиши мумкин. Унинг белгиси чилла даврининг 8 — 9 кунларида юзага чиқади

Қиз болаларда жинсий аъзолар герпетик зааралangan-да, улар вульва соҳасида оғриқ, қичишиш ва ачишиш борлигидан шикоят қиласидилар. Баъзан вульвада, қин деворида сувли пуфакчалар кўриниб, уларни Иг тувишишган, инфильтрланган ва бироз қизарган бўлади. Бир неча кундан кейин бу пуфакчалар ёрилиб, эритема шакидаги яралар ҳосил қиласиди. Бу яралар бора-бора битиб кетади. Аммо баъзида иккиласми инфекция қўшилиб, касаллик оғирлашиши ҳам мумкин.

Касалликнинг яширин даври унча аниқ бўлмайди. Иммунитет суст бўлиб, касаллик бир неча ойдан кейин яна қайталаниши ҳам мумкин. Даволаш қанча эрта бошланса, натижада

ҳам шунча яхши бўлади.

ДАВОЛАШ

Антибиотиклар герпеснинг ҳамма турида ҳам ёрдам бермайди. Факат урогенитал герпесда левомицетин, сигмамицин, окситетрациклиналардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундан олдин албатта вирус ва организмни антибиотикларга сезгирилигини аниқлаб, кейин фойдала- ниш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан, бошқа вируслар мавжуд бўлиб, қўшимча инфекция қўшилган бўлса, бу ҳолда ҳам антибио- тиклардан фойдаланилса, касаллик бироз енгил кечиши мумкин.

Н. В. Қобозева ва бошқаларнинг фикрича, ка- салликнинг биринчи куни иммуноглобулин юбориш, дека- рис, пирогенал (интерфероноген)ларни кўллаш ва витами- низация қилиш лозим. Бундай жойли даволашга аҳамият бериш, касаллик белгиларига қараб, заарланган сатқни камфорали мой билан артиш, ниҳоят, этиопатогенетик аҳволга қараб даволаш лозим. Яна 3 кун давомида, кунига 3 маҳал жинсий аъзоларни йоднинг 5% ли эритмаси билан артиб туриш ҳам яхши фойда беради. Бунинг учун 5% йод ва 2% дезоксиуридиннинг диметилсульфоксид билан бирга кўшиб суртилади. 30% ли интерфероноген мойини ҳам 2 ҳафта давомида суртиб (1 г мойда ИВС ёки ЖЭВлар, интерферон 500 бирликда бўлади) турилади. Булар ҳам яхши ёрдам беради.

Қасалликнинг биринчи ҳафтасидаёқ теброфен, окса- лин, флоренал, риодоксал, bonaftan мойларидан фойдала- нилса, беморнинг тузалиши янада тезлашади.

Н. В. Қобозева қўйидаги рецептни тавсия этади:

Кр : 1п1ег1егош 7500 ЕО О1. уавеHш 5,0 ҶапоНп! 10,0 т. 1. ипF.

В. 8. Яллигланган жойларга 4—6 марта суртилади.

XVII БОБ

ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР

ТРИХОМОНИОЗ (ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ)

Бу касаллик асосан гинекологик касаллик билан оғриган аёлларда 3,5% —4% ҳолларда учрайди. У вене- рик (теританосил касалликлар) касаллик бўлиб, факат жинсий мулокот орқали юқади. Авваллари ўрин-бош, ванна ва мочалкадан ҳам юқади, деган фикр юрарди. Аммо бу фикр хато экан. Аммо қиз болаларда баъзан, «нейтрал» даврда оиласда шу касалликка

чалинган бемор бўлса, оналар гигиеник қоидаларга амал қилмасалар қиз бола трихомониоз касали билан оғриши мумкин.

Кин трихомониозининг қўзгатувчиси—Тпсъботопаз уа^таНз ҳисобланади. Ичак трихомониозини қўзгатувчи- лар фақат йўғон ичақда яшайди. Трихомониоз жгутли паразитар касалликлар турқумига киради.

Кин трихомониозининг устки қобиғи бўлиб, кучли ва кўп ҳаракат қилганлиги туфайли, унинг шакли турғун бўлмайди. У баъзан нок, баъзан думалоқ, понасимон ёки нотўғри шаклда бўлиб кўринади. Узунлиги 7 — 23, ҳатто баъзан 30 мм бўлади. Танасининг орқа қисми юмалоқ, дум қисми эса учлироқ бўлади. Олдинги сатқида 3—5 та хивчинлари бўлиб, уларнинг олдинги томонида катта ядро ва оғиз йириғи — цистостомаси бўлади. У метилгрюнгирон билан бўялади. Трихомонада оддий усулда бўлиниб кўпаяди. Унинг патогенлиги ҳақида бир қатор мулоҳаза- лар мавжуд. Унинг яширин даври турғун эмас.

Керакли даво чоралари қўлланилмаса, касаллик анча узоққа чўзилади.

ТРИХОМОНАДА КОЛЬПИТИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

Касалликнинг' ўткир кечиши даврида қиндан кўп йиринг ажралади. Лекин бу ажраладиган йиринг вульгар колъпитдан фарқ қиласди.

Вульгар колъпитда йирингли чиқинди бўлса, трихомонадада эса йиринг суюқ, сувсимон ва кўпикли бўлади. Чиқиндининг кўп ажралиши сабабли, қинда, қинга кириш жойида, ташқи жинсий аъзолар соҳасидаги бичилиш, қичишиш ва ачишиш bemорни безовта қиласди. Қорин пастида оғриқ сезилади. Бунга тез-тез сийиш ва си-йганда оғриқ сезилиши ҳам кўшилиши мумкин. Бу сийдик чиқариш йўлининг ҳам заарланганлигини билдиради. Агар трихомонада тўғри ичакни зааррлаб ёки қиндан оққан чиқинди ичак соҳасининг ҳам бичилишига олиб кел- ган бўлса, у ерда ҳам қичишиш ва ачишиш сезилади.

Беморнинг ташқи жинсий аъзоси кўздан кечирилганда, ташқи жинсий аъзонинг шишганлиги, улар сатҳида дерматит борлиги кўринади. Қиннинг шиллик қавати қизарган, чиқинди кўп, бироз сарғимтири рангда, кўпириб турган ҳолатда бўлади. Кўшимча тарзда яна бачадон бўйни ҳам заарланиши учраб туради. Унда бачадон бўйни каналидан кўп шиллик аралаш йиринг оқаётганини кўриш мумкин бўлади. Қасаллик сурункали равишда кечиб, вақти-вақти билан кучайиб туради.

Ташхис қўйишида, ота ва онасидан олинган маълу- мотлар, улар чалинган касалликлар(қиннинг яллиғлани- ши ва ҳ.к.лар) уретрит, унинг сурункали кечиши ва юқорида айтиб ўтилган клиник белгиларга амал қилинади. Бундан ташқари, лаборатория

текширишлари ҳам зарурдир. Бунинг учун қин чиқиндиси қиннинг орқа гумбази соҳасидан илгак ёрдамида олиниб, буюм ойнаси устига қўйилади ва микроскоп остида кўрилади.

Трихомонадалар баъзан бошқа паразитар касаллик-ларни кўзғатувчилари билан бирга ҳам учраши мумкин.

Кўп муаллифлар, қинга 5 — 6 мл физиологик эритма қуийб, шундан трихомонадани қидириш керак дейдилар. Трихомонада ўзининг кўзғатувчанлиги билан аниқ ажра-либ туради.

ДАВОЛАШ

У асосан специфик кольпитлар каби олиб борилади. Даволаш учун: метронидозол (флагил, трихопол), интрамидазин, тинидазол (фасижин), орнидазол, тиберал, корнидозол ва ҳ.к.лар қўлланилади. Н. В. Кобозева ва б.қ.лар таклиф этган даволаш усуллари қуида^ичадир: Беморнинг ёшига қараб, асосан трихопол ишлатилади: 5 ёшгача — 0,25 г, 5 ёшдан 10 ёшгача — 0,5 г, 11 ёшдан 15 ёшгача — 0,75 г дан буюрилади. Даволашнинг бир курси 8—10 кун давом этади.

Бундан ташқари, унинг ярим дозаси кукун (пудра) ҳолида ташқи жиисий аъзолар ва қин соҳасига сепилади. Қин ингичка катетер ёрдамида гидрокарбонат натрийнинг 1% ли эритмаси билан чайилади, кейин қинга 1 — 2 — 2,5% ли иитазол суспензияси суртиб қўйилади. Маҳаллий даволаш умумий даволаш билан биргаликда олиб бори-лади.

З ёшгача бўлган қиз болаларнинг қинига 1 мл миқдорида 1 % ли метил кукуни сепилади. Бир курси 7 кун бўлиб, кейин қиндаги мухитни яхшилаш ва қаршилик кучини ошириш учун қинга 1 мл стерилланган балиқ мойи киритилади. Болаларга осарсол ишлатилмайди.

Трихомониоз билан оғриб ўтган болалар фақат 3 маротаба лаборатория ва клиник кўриқдан ўтганларидан кейин уларга болалар муассасаларига қатнашга руҳсат берилади.

МОЛИНИАЗ (МОЛОЧНИЦА) — 800К

Бу касаллик қинга замбуруғлар кириши (МопШа аИмсанв) натижасида келиб чиқади. Микроскоп остида улар зич тўр ва спираллардан иборат бўлиб кўринади. Бундаги клиник белгиларидан ташқари ташқи жиисий аъзоларда қичишиш ва қинда ачишиш белгиси ҳам сезилади. Қин кўздан кечирилганда, унинг шиллиқ қавати қизарган, бироз шишган, сатҳида турли ҳажмдаги оқ карашлар кўринади. Улар қийинчилик билан кўчади. Қасалликнинг бошида бу караш деярли енгил кўчиши мумкин. Қейинчалик кўчириб кўрилса, қин шиллиқ қаватини жароҳатлаши ва қонаши кузатилади. Унга бактериологик текшириув асосида ташхис. қўйилади

ДАВОЛАШ

Организмнинг қаршилик кўрсатиш кучини ошириш учун қўлланиладиган омиллар билан биргаликда, ма- ҳаллий муолажа мақсадида, қинга 20% ли бор (Вогах) ни глицеринли эритмаси киргизиб қўйилади.

Профилактикаси асосан гигиеник қоидаларга риоя қилиш, жинсий аъзолар соҳасини тоза тутиш, кийим- бошларни қайнатиш ва дазмоллаш, тез-тез ички ки- йимларни алмаштириб туриш зарур.

ЭНТЕРОБИОЗ

Бу касаллик қинга гижжалар тушиши натижасида келиб чиқади (Ег Вего-Бюоиз уегпий-Шапз охуппз).

Унинг кўриниши оқ ипсимон, узунлиги 4 — 6 мм ли паразит бўлиб, тўғри ичакнинг пастки қисми ва йўғон ичак бўйлаб жойлашади. Гижжалар орқа чиқариш тешиги соҳасига ўрнашиб олиб, шу ерда кўпаяди ва яна тухум қўяди. У қинга ва ҳаттосийдик қопига ҳам ўтиши мумкин. Касалликнинг асосий белгиси: ташқи чиқазиш тешиги, қинга кириш соҳасида қичишиш, сийишда оғриқ сезилади. Бунинг натижасида бола мастурбацияга одатланиб қолиши ҳам мумкин.

Ташхис асосан шу соҳадан қирма олинниб, микроскоп остида текшириш орқали қўйилади.

ДАВОЛАШ

Аввало гигиеник қоидаларга риоя қилиш, кичик ёшдаги қизларнинг жинсий аъзоларини олдидан орқасига қараб ювиш, ички кийимларини тоза тутиш ва ҳ.к.лардир. Даволашдан мақсад, гижжаларни йўқотишга қаратилган тадбирлардир. Яна зааралangan жойларни: қинни ва ташқи аъзоларни ювига туриш, мавжуд бўлган ҳоллар (қичишиш, ачишиш, яллиғланиш)ни даволашдан ибо- ратдир.

ЭХИНОКОКК

Бу касаллик болаларда кам учрайди, унинг асосий манбаи — итлардир. Ит ахлати орқали эхинококк ва унинг тухумлари тарқаши мумкин. Болалар ҳам итлар билан мулоқотда бўлиб, шу касални юқтиришлари кўп учрайди. Микроби болаларга овқат орқали ўтиб, овқат йўлидан вена ва лимфа томирларига, ундан кейин бутун организмга

тарқалади. Улар кўпроқ ўпка ва жигарга жойлашиб, пулфакчалари ёрилганидан кейин, жинсий аъзолар ва чаноқ ичидаги юмшоқ тўқималар, тухумдан соҳасига ўтиб олади ва ўша жойларни

зараарлайди. Жинсий аъзолар эхонококкининг клиник белгилари унча характерли эмас.

Ташхиси асосан бошқа аъзоларда эхинококк киста- ларини топиш, эхинококк ҳакида олинган маълумотларга таяниб кўйилади.

Конда кўпинча эозинофилия кузатилиб, Каццони реакциясидан фойдаланиш орқали ҳам ташхисни аниқлашда муваффақиятга эришиш мумкин.

Каццони реакцияси қўйидагича қилинади: Тери остига 0,1 мл эхинококк пупфакчасидан олинган суюқлик юборила- ди. 5 — 20 минут ўтгач, шу жойда оқ пупфакча пайдо бўлади, унинг ҳажми 1,5 см бўлиб, атрофида қизарган сатҳлар кўринади.

Бу касалликнинг **оқибати** анча оғир. Чунки аъзо, системаларга тарқалиб кетган касаллик анча узоққа чўзилади.

Даволаш асосан оператив услугуб бўлиб, эхинококк пупфакчаларини олиб ташлашдан иборат бўлади.

Профилактикаси. Умумий паразитар касалликларда қўлланиладиган омиллар.

XVIII БОБ

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРДАГИ ЎСМАЛАР

Жинсий аъзолардаги барча патологик ҳолатлар беморнинг умумий ҳолатигагина таъсири қилиб қолмай, балки унинг асаб тизимиға ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бошқа патологик ҳолатлар орасида жинсий аъзолардаги ўсмалар асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ЎСМАСИ

Аёллар жинсий аъзоларининг тараққиёт даврида, хусусан вульванинг шаклланишида энтодермал элемент- лар билан биргаликда, эктодермал элементлар ҳам иштирок этади. Эктодермал элементлардан (зшиз иго^егп- (аИз), кин даҳлизи (уезНЬШит уа^тае), қизлик пардаси ва кичик жинсий лаблар оралиғидаги йўл (зШсиз путрийо^утепаИз) ва орқа кемасимон чукурча (1озя поу1си1ап8) вужудга келади. Эктодермал тўқимадан: катта ва кичик жинсий лаблар (1аъ1ит ридепола ттопз е(та]'оп8), клитор ёёғи (ргаери!ит сШопсНа), тер ва ёғ безлари, сочсимон кўшувчи тўқималар вужудга келади. Шундай қилиб, жинсий аъзоларда барча тўқима эле- ментлари бўлгани каби, ўсмаларнинг турлари ҳам кўп бўлади. Ташқи жинсий аъзо — вульгадаги заарсиз ўсмаларга: миома, фиброма, липомалар, гемангиома, лимфангиомалар кирса, хавфли (зараарли) ўсмаларга: саркома, невромалар киради.

Болалардаги рак олди касалликлариға сүгалли ўсим- талар (кондилома, экземалар) киради.

Вульваларда учрайдиган ўсмаларга күп ҳолларда узок давом этадиган яллиғланиш жараёни сабаб бўлади.

Р. Р. Макаров (1969) уларни баъзан чот (бут) кистаси билан адаштириш мумкин деб хисоблайди. Миомада ўсма анча қаттиқ ва чегараланган ҳолда жойлашиб, оғриқ сезилмайди. Ангиома ва лимфоангиомаларда қаттиқ эластиклик ҳолатй бўлиб, уларнинг шакллари ҳар хил бўлади. Фиброма ҳам лаблар қалинлигига жойлашган бўлиб, чегараси аниқ ва ўзи қаттиқ бўлади. Липома анча юмшоқ бўлиб, чегараси ҳамма вакт ҳам аниқ бўлавёрмайди. Ташқи жинсий аъзоларда баъзан ёғ ва тер безлари кистаси учраб, улар унча катта бўлмайди.

Парауретал йўллар кистасида сийдик чиқариш йўли ёнида унча катта бўлмаган кисталарни учратиш мумкин.

Бартолин бези кистаси кўпроқ учрайди. У бартолин бези йўлларининг яллиғланиш жараёни туфайли торайиб, битиб қолиши натижасида вужудга келиб, ретенцион кисталар қаторига киради.

Киста катта жинсий лабларнинг бир томонида ёки ҳар иккала томонида (кўпроқ сўзак касалидан кейин), 3 — 1 пастки қисмда, бирмунча овал ёки думалоқ шаклда, қаттиқ, эластик ва оғриқсиз ўсма топилиб, у одатда 7 — 8 см катталиқда бўлади. Бемор бироз ўнгайсизликдан жинсий аъзолар соҳасидаги тортишишдан шикоят қиласи, аммо оғриқ сезмайди. Баъзан киста ичига инфекция тушиб, бартолинит вужудга келади.

Операция қилиниб Бартолини безини олиб ташланади, шунда унинг капсуласини қолдирмаслик керак, акс ҳолда, киста яна қайта ўсиши мумкин.

Бизнинг клиникамиздаги олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида қуйидаги даволаш усуллари тавсия қилинайти: Бунда киста ёки абсцесс йирингли халтacha капсуласи 50% ли аг&еп1ит пНпсигп эритма билан куйдирилади. Бунинг учун олдиндан 50% ли аг&епШт пИпсит эритмаси тайёрланиб, «А» шкафига солиб қўйилади. ўКинсий аъзо соҳаси асептик эритма билан ювилади ва йод суртилади. Кейин қирқиладиган жойдан ташқари, жинсий аъзонинг бошқа қисмларига, анус соҳасига қалин қилиб Лассаре пастаси ёки вазелин суртилади. Операция сатҳи чойшаб билан ўралиб, чегараланади. Жинсий лабнинг энг дўппайиб чиқсан сатҳидан тикка қилиб, киста ёки бартолинит қирқилади, қирқилган жойларни асистент пинцет билан ушлаб, кенгайтириб туради. Жарроҳ зондга пахта ёки дока ўраб, ляписга хўллайди ва эҳтиёткорлик билан без капсуласини куйдириб чиқади. Операциядан 3 — 4 кун ўтгач, без капсуласи худди қўлқопга ўхшаб ажралиб чиқади ва яра сатҳи бита бошлайди. Бу усулнинг афзал томони шундаки, деярли қон кетмайди ва касаллик бошқа

қайталамайди.

Вульвада яна заарарли (хавфли) ўсмалар ҳам бўлади. Қиз болаларда рак олди касалликларида эпителия- ларнинг сўгалли ўсимталари (кондиломалар) кузатилади. Бу хилдаги патологик ҳолат сурункали яллигланиш жараёни (сурункали вульвовагинит) натижасида рўй беради.

Ўсма қизлик пардаси соҳасида ҳам учрайди (Бутеп). Бу ўсма эмбрионнинг тараққиёти жараёнида қизлик пардаси ҳамда Мюллер ипларининг ёнида жойлашган Вольф канали қолдигидан вужудга келиб, бу хилдаги кисталар қизлик пардасининг қин деворининг ён томоии бўйлаб ўсади. Баъзидан ҳатто бачадонгача ҳам етади, гохида кенг бойламлар орасига, ҳатто параовариумгача боргани ҳақида маълумотлар бор. Бу хилдаги кисталар Гартнер томонидан 1822 йилда ёзилган. Шу сабабли, бу кисталар «Гартнер йўллари кистаси», деган ном билан юритилади. Даволашда жарроҳлик усулидан фойдаланилади.

XIX БОБ

ҚИН ЎСМАЛАРИ

Қинда хавфсиз (заарсиз) ўсмалар анча кам учрайди.

Гартнер йўли кистаси. Биз олдинги бобларда, қинни Мюллер ипларининг бир-бирига қўшилиши натижасида вужудга келади, деб айтиб ўтган эдик. Унинг ҳар икки ёнидан Вольф канали (Гартнер йўли) ўтади, кейин у облитерацияга учрайди ва ниҳоят, йўқолади. Баъзан унинг қолдигидан кисталар пайдо бўлади. Бу йўллар топографик жиҳатдан кенг бойлам вараклари орасида бўлиб, қин ва бачадоннинг ён деворларида тасма шаклида жойлашган бўлади. Бирор сабабдан бу Вольф каналининг бир қисми ёки бўйи бўйлаб облитерацияга учрамай, оқибатда шу жинсий аъзоларнинг бирор қисмida киста пайдо қиласи. Ўжинсий тешик орқали дўппайиб чиқиб турган бўлса, уни қин деворининг пастга силжиши, деб ўйлаш мумкин.

Бу хилдаги кисталар баъзан бачадон томонига ҳам ўтган бўлади. Унинг ташхиси — сийдик йўлларидағи ўсмалар, уретра кенгайиб кетган бўлиши ва бошқа патологик ҳол ҳамда кисталар қиннинг ён деворида жойлашишига қараб белгиланади.

Даволаш асосан операция йўли билан амалга оширилади.

Қин саркомаси (загсота ^ОътоМез) ракка нисбатан анча хавфли ўсма бўлиб, уни «шингил сифатли саркома» деб юритилади. У қиз болаларда 1—2 ёшларида, кам ҳолларда 3 ёшдан кейин ҳам учрайди. Демак, бу хил патология факат

кичик ёшдаги болаларга хос экан. Қин саркомаси күпинча қиннинг олдинги деворидан, баъзан орқа ва ён деворлари ҳамда бачадон бўйининг' қин қисмидаги ривожланади. У пуфаксимон, ярим айлана шаклидаги юмшоқ кенг асосли ўсма бўлиб, жуда тез ўсади ва полипоз характерини олади, қиннинг бутун бўшлиғини тўлатади ҳамда қўшни тўқималарга ҳам ўтади. Ўсма ташқи кўринишидан узум шингилига ўхшаб кетади, шунга кўра уни «шингилсимон ўсма» деб юритилади.

К. П. Үlezко-Строганованинг фикрича, бу хилдаги патологик кўриниш ўсмани бирламчи буйрак ва Вольф йўлларининг қолдиги, деб хисобланар экан. Унинг келиб чиқиши эмбрионал тараққиёт билан боғланади.

Шингилсимон саркоманинг асосий белгилари — унинг қин девори ва бачадон бўйининг қин қисмидан бошлаб ўсиши, ўсма некрозланиб, парчаланганида ва инфекция кирганида қон кетиши, қиндан йирингли чиқинди чиқиши, қовуқ деворига ўтганида сийдик ажралишининг бузилиши, ўсма параметрияга тарқалганида ва ҳажми катталашга-нида қорин пастида оғриқ ва атрофдаги чов (пах) безларининг катталашиши хисобланади. Беморнинг ахво- ли бора-бора оғирлашади, интоксикация белгилари ву- жудга келади, bemor озиб кетади, камқонлик авж олади.

Юқоридаги белгилардан ташқари, гистологик усул билан текширилиб, ташхис кўйилади. Кўпчиликнинг фикрича, бирдан-бир даволаш тадбири бу радикал операция амалиёти экан. Баъзилар операциядан кейин рентген ва радий нурларидан фойдаланиш керак, десалар, кўпчилик буни рад этадилар.> Кўпинча бундан кейин касаллик қайталар экан.

Афуски, кўпинча ташхис вақтида кўйилмай bemorda оғир ҳолатлар кузатилади.

ҚИН РАКИ

Бошлаб кўпинча қиннинг орқа девори заарланади, аввал яра пайдо бўлиб, унинг маркази чукурлашган ёки диффуз ҳолатда қиннинг деворларига тарқалган бўлади. Асосан яssi эпителийдан авж олади. Ташхис кўйишда қиндан ажралган чиқиндиларни характерига ва уларни цитологик текширишга, вагиноскопия ва гистологик усусларга асосланади.

Кинда қон ва лимфа томирлари кўп бўлиб, бошқа аъзолар билан зич муносабатда бўлгани сабабли, рак жараёни чаноқ ичидаги бошқа аъзоларга, ҳатто узоқдаги аъзоларга ҳам жуда тез ва осон тарқалиши мумкин.

Бунда ҳам аввал жарроҳлик усули билан, кейин рентген

ва телегамма. усулида даволанади. Н. В. Қобозеванинг фикрича, ракнинг барча босқичида ҳам кимётерапиядан фойдаланиш мумкин;

БАЧАДОН ЎСМАЛАРИ

Бачадон мускул, биринчи түқима, эпителиал ва бошқа турдаги түқималардан ташкил топганлигига кўра, унда ҳам шу түқималарга хос ўсмалар бўлиши мумкин.

Миома қиз болаларда менархегача жуда кам учрайди, шунга кўра, биз бу хилдаги ўсмаларга таъриф бериб ўтмаймиз. ■

БАЧАДОНДАГИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАР

Бачадон бўйни раки жинсий аъзоларнинг бошқа қисмларига нисбатан кўпроқ учраб турадиган ўсмадир. Кўпроқ катта ёшдагиларда учраса ҳам, қиз болаларда баъзан болалик, балогатга етиш ва балоғат даврларида кузатилади. У морфологик жиҳатдан турлича: ясси ; хужайрали ёки бачадон бўйнининг қин қисмидаги ци- линдрик эпителийли, безлар формасида бўлади.

Рак даставал бачадон бўйни каналининг чуқурлиги ёки бўйнининг ташки тешиги соҳасидан бошланади. Шу заараланган қисмда майда хужайрали инфильтрация бошланиб, аммо ҳимоячи биологик тўсиқ туфайли, шу ерда ўсманинг деструктив, инфильтратив ўсиши бошлана ди. Бу жараён аввал чегараланган ҳолда бўлади. Шу заараланган жойда ўсманинг анча қаттиқ қисми топилади. Жараённинг дастлабки жойлашиши ва тарқалишига қараб бачадон бўйни раки 3 турга бўлинади:

1) экзофит тури (формаси) — бунда ўсма бўйнидан ташқарига йўналган бўлиб, ўсиши гул қарамга ўхшайди;

2) эндофит формаси — бачадон бўйни тўқимасининг қалинлигига қараб ўсади (йўналган бўлади);

3) аралаш формасида — агар бола эмиш даврида бўлса, ташқарига ҳам (экзофитда, инфильтратив) (эндо- фит) шаклда бачадон бўйни қалинлигига қараб ўсади.

Клиник белгилари: оқчил ажralishi, тез фурсатда қонли характерга ўтиши билан билинади. Қиндан ажral- ган чиқинди аввал ҳидсиз бўлади, кейин инфекция тушиши, ўсма тўқимасининг парчаланиши туфайли бора- бора сассик ҳидли бўлиб қолади. Жараён жуда тез тараққий қиласи. Бу ҳолат қиз болани ҳар томонлама текшириш кераклигини талаб қиласи. Бунда вагиноскопия усулидан фойдаланиш керак.

Қасаллик авж олгани сари қиндан қон ажrala бошлайди, бу хавфли ўсманинг авж ола бошлаганидан дарак беради.

Шунга кўра оналар дарҳол врачга мурожаат қилишла-ри лозим, ташхис қанча кеч қўйилса, қасалликнинг оқи-бати шунчалик оғирлашади. Агар жараён оғирлашиб, II — III — IV даражага ўтса, айниқса III даражада оғриқ пайдо бўлиб кучая бошлайди. Қасаллик қўшни аъзоларга тарқалса, шу аъзоларнинг фаолиятига ҳам путур етказади, шунда уларга хос белгилар вужудга келади.

Даволаш — саратон жараёнининг тарқалиш даражасига қараб олиб борилади. Ракнинг I — II даражалари радикал йўсинда операция қилиниб, бачадон бўйни, бачадоннинг ўзи ва қиннинг $\frac{3}{1}$ қисми олиб ташланади (³УегШееш усули) ва кейин нурлантирилади.

Нурлантириш усули III — IV даражада қўлланади.

БАЧАДОН ТАНАСИННИГ РАКИ

Бу қасаллик асосан ёши улғайган аёлларда учрайди, илмий адабиётларда ёзилишича, 7 — 18, хатто 3 ёшли қиз болаларда ҳам қузатилган. У асосан 2 формада учрайди, деб ҳисоблайдилар:

а) чегараланган формаси — бунда жараён анча чегараланган ҳолда соғлом шиллик қаватдан ажралиб турди, полипга ўхшаб оёқли бўлади, ранги оқимтири ёки кулранг-қизил бўлади.

Касаллик авж олиши баробарида некрозланиб париаланиши натижасида бўшлиқли яра ҳосил бўлади;

б) диффуз формасида рак кенг ва ҳар хил қўринишда тарқалади. Бу формада тугунчалар, полип-яралар ҳосил бўлади. Некроз туфайли тўқималар (чегараланган) парчаланади, улардан сассик ҳид келади, агар бачадон бўйни бекилиб, бачадондан чиқадиган чиқинди ташқарига чиқа олмай қолса, унда пиометрия вужудга келади.

Гистологик жиҳатдан бачадон танаси раки адёно-карцинома, безли, цилиндр хужайрали, камдан-кам ҳол-ларда ясси хужайралардан ташкил топган бўлади.

Бачадон ракига ташхис қўйишда, анча қийинчилик туғилишини назарда тутган ҳолда, қуйидаги усуслардан фойдаланилади:

Цитологик усулда текшириши — бунинг учун бачадон бўйни ва орқа гумбаз соҳасидан аспирация усулида бачадон шиллик қаватидан суртма олиниб (биопсия қилиш орқали), текширилади. Баъзан гистерография усулидан фойдаланилади. Бачадон шиллик қавати кам-дан-кам ҳолларда қирилиб, текширилади.

Даволаш: Ракнинг биринчи босқичида жарроҳлик амалиётидан фойдаланилади. Бунда бачадон, унинг

кўшимчалари ва лимфа тугунлари биргаликда олиб ташланади. Бошқа босқичларида: нурлантириш, радиј билан даволаш усуллари кўлланилади.

Хозирги вақтда хавфли ўсмалар билан онкологлар шугулланадилар. Шу сабабли биз бу ҳақда қисқача тўхталдик.

ТУХУМДОН ЎСМАЛАРИ

8. Спагамез (1866) биринчи маротаба 13 яшар қизнинг тухумдонини олиб ташлаш амалиётини бажарган. Ту-хумдон ўсмалари турли ёш даврларида учраб, гинекологик касалликларнинг 6 — 8 фоизини ташкил қидади.

Тухумдон раки (ўсмаси) ҳали унча яхши ўрганилма-ган. Унинг вужудга келиш сабабларини кўпчилик олимлар гипоталамус ва гипофиз ҳамда тухумдон фаолиятининг бузилиши билан боғлайдилар. Баъзи олимлар эса бунга ҳужайралар ва гуморал иммунитетнинг ўзгаришини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Гистологик ва физиологик характеристикага асослан ган ҳолда, бид куйида шу классификация (тасниф) ни келтирамиз (Л.. Н., Василевская ва б.қ.лар):

1. Эпителиал ўсма.
2. Жинсий тасма' стромасининг ўсмаси
3. Липид (ёғ) ҳужайрали ўсма.
4. Терминоген ўсма.
5. Гонабластома.
6. Юмшоқ тўқима ўсмаси (тухумдонга хос бўлмаган).
7. Таснифланмаган ўсмалар.
8. Иккиламчи (метастазли) ўсмалар.
9. Ўсмалар кўринишидаги ўсмалар.
10. Сероз кистома.

Бу турдаги ўсмалардан айрим турлари қиз болаларда учрайди.

ПСЕВДОМУЦИНОЗ КИСТОМАЛАР

Бу хилдаги кистомалар қиз болаларда, балоғатга этиш ва балоғат даврларида ҳам учрайди. Қистоманинг бу хилида унинг сатҳи бачадон бўйни каналини эслатувчи баланд цилиндрик эпителия билан қопланган бўлади. У қўп хоналарга ажралган, думалоқ ёки овал шаклида бўлади. Эластик консистенцияда, кўпинча бир томонда жойлашади. Бу турдаги ўсма эвертирловчи (центрофугал) типида тез ўсади. Қатта ҳажмда бўлиши мумкин. Унинг бўшликларида қуюқ шиллиққа ўхшаш (псевдотиуцин) моддалар бўлиб, унинг таркибида гликопротеоидлар бўлади. Бундай ўсмалар тез

ўсганлиги туфайли бемор қорин соҳасида тобора оғирлашаётган оғрикни сезади (асцит деярли кам бўлади).

Бола организмининг тез ўсиши, ўсмаларнинг катталардагига нисбатан тезроқ авж олишига ва ёмон сифатли ўсмага айланишини енгиллаштиради.

Н. В. Қобозева ва б.қ.лар (1988), болаларда учрайди- ган тухумдон ўсмаларининг қуидаги характеристерини келтирадилар:

1. Тухумдондаги ретенцион кисталар (фолликула ва сариқ тана кисталари);

2. Чин ўсма — кистомалар (тератоид ўсмалар); дистероминомалар, текагранулез хужайрали гормон ишлаб чиқарувчи ўсмалар.

ТУХУМДОННИНГ РЕТЕНЦИОН КИСТАЛАРИ

Бу турдаги кисталарни кўп олимлар ҳақиқий ўсмалар қаторига кўшмайдилар. Улар бирор без йўли (ташқи жинсий аъзоларда — бартолин ва Скине безининг кисталари, Гартнер йўли кисталари, бачадон бўйнидаги шиллиқ ажратадиган безлар йўлининг эрозиядан кейин) бекилиб қолиши натижасида вужудга келувчи наботий номи билан аталувчи кисталари қаторига киради.

Тухумдонда эса фолликулнинг ёрилмасдан қолиши, сариқ тана орқага қайтиш жараёнининг тўхтаб қолиши натижасида бу кисталар вужудга келади. Бу хилдаги тухумдон кистаси, аёл ҳомиладор вақтида чақалоқларда қам учраши мумкин. Бунинг сабабини, асосан ҳомила- дорликнинг кечишидаги патологик ҳолатга боғлайдилар.

Аммо кўп кузатишлар шуни кўрсатдики, бу турдаги тухумдон кисталари қиз болаларнинг балоғатга этиш даврларида кўп учрар экан.

Тухумдон кисталари унча катта бўлмай, уларнинг ҳажми кўпинча 4 — 5 см бўлади. Фолликуллар ёрилмай, сариқ тана орқага қайтмай, яъни шу жараён тўхтаб қолиши сабабли, ҳайз циклининг издан чиқиши кузатида- ди. Бундан ташқари, бу хилдаги кисталар оёқли бўлганли- ги учун, кўпинча буралиб қолиши мумкин. Бемор бунда қорин пастида бёхосдан 'оғрик сезади, томир уриши тезлашиб, қорин пасти кўпчий бошлайди. Бундай белги сезилса, кисталар ҳажмидан қатъий назар, дарҳол операция қилиш лозим бўлади. Ретенцион кисталар, одатда, консерватив усулда даволанади. Ретенцион кистанинг вужудга келиш сабабини аниклаб, ўшанга қараб муолажа қилинса, яллигланиш жараёни (гормонал ҳолат), касаллик белгилари операциясиз тузалади.

ТУХУМДОННИНГ ТЕРАТОИД (ТЕРМИНОГЕН) ЎСМАЛАРИ

Тухумдондаги тератоидли ўсмани эмбрионда бўлган нуқсонлар натижасида вужудга келган, деб хисоблайди- лар.

М.И. Фалина ҳайвонлар билан ўтказган тажрибалари давомида, бу хилдаги ўсмалар жинсий хужайраларнинг дифференциацияси жараёнида тератома юзага келганди- гини кузатган (5% ли рух хлоридни хўroz мояигига юборган).

ЕТИЛГАН ТЕРАТОМА (ТЕКАТОМА А01Л.Т11М — ДЕРМОИД КИСТА)

Бу кисталар заарсиз турдаги ўсмаларга кириб, кўпинча 20 — 40 ёшдаги аёлларда учрайди. Аммо қиз болаларда ҳам учраб туради.

Олиб борилган кузатишлардан қиз болаларда учрай- диган тухумдан бирламчи ўсмаларининг 1/3 қисмини шу хилдаги кисталар ташкил қилиши аниқланган. Кистанинг ҳажми 10 — 15 см дан ошмайди, оғирлиги ҳар хил, ҳатто 1 — 2 кг гача этиши мумкин. Шакли думалоқ ёки тухумга ўхшаш, устки сатҳи баъзан текис, баъзан ғадир-бўйир бўлади. Қойсистенцияси бир хил эмас (бир жойи эластик, иккинчи жойи каттиқ), ранги оқимтири ёки бироз сарғимтири рангда бўлади.

Даволаш — асосан жарроҳлик усулида бўлиб, кистага айланган тухумдан олиб ташланади.

ҲАЛИ ЕТИЛМАГАН ВА ЕТИЛГАН ТЕРАТОМАЛАР

Ҳали етилмаган тератомаларда тўқима элементларида дифференциал жараён нисбатан анча паст бўлади, бу ҳолатни кўп муаллифлар тератобластомага ўтиш жараёни, деб хисоблайдилар

Етилган тератомаларга нисбатан бу хилдаги кисталар, кистомалардан ўзларининг клиник кечишлари ва белгила- ри билан кам фарқ қиласди.

Бу кистанинг белгиси дермоид кистага ўхшаб кетади. Унинг ҳам баъзи қисмлари қаттиқ ёки эластик бўлади. Рентген ёки УУТ да кўрилганда суюк тўқимаси аниқлана- ди.

Маълумки, бу хилдаги кисталарда ҳам оёқчалар бўлганлиги сабабли, улар ҳам буралиб қолиши ва баъзан йиринглаши мумкин.

Етилмаган кисталарнинг 1 — 2 фоизи хавфли ўсмага айланиши мумкин. Шунга кўра уни ўз вақтида аниқлаб, операция йўли билан олиб ташлаш лозим.

ТУХУМДОН ТЕРАТОБЛАСТОМАСИ (ТЕКАТОВЕА8ТОМА)

Тухумдон тератобластомаси хавфли ўсмалар қаторига кириб, у эмбрионал тератома (лега(ота етъопаи) деб юритилади. Макрбскопик жиҳатдан бу Тератома хавфли ўсмага

ўхшамаса ҳам, микроскоп орқали текширийлганида тўқималарнинг дифференциал даражаси жуда паст, Ҳатто баъзан бутунлай бўлмаслигини аниқлаш мумкйин. Унинг етишган тератомадан фарки шуки, эмбрион варафининг етишмаган қисмидан, хусусан мия моддаси, кўз бош-ланғичи, тоғай, суяқ, тишлар бошланғичи, соchlардан ташкил топади.

Бу турдаги ўсма қорин пардасига жуда тез ёпишиб қолади ва қорин пардаси орқасидаги лимфа тугунларига ўтади, қон томири йўллари орқали бош Мия, жигар ва ўпка ҳамда бошқа аъзо ва системаларга тарқалади.

Даволаш — асосан ўз вақтида операция қилиниб, бачдонни қўшиМчалари билан биргаликда олиб ташлаб, ренУген ва радий билан чуқур даволашдан иборатДир. Касалликнинг оқибати кўп ҳолларда ябуда ёмби.

ТУХУМДОННИНГ ГОРМОНЛАР АЖРАТУВЧИ ЎСМАЛАРИ

Бу хилдаги ўсмаларни вужудга келиши ҳакида жуда кўп назариялар мавжуд. Гормон ажратувчи ўсмаларга: гранулез — хужайрали ўсмалар, текабластома, арре- нобластомалар киради. Улар ўзларидан гормон ажратади.

Болалар орасида бу хилдаги ўсмалар кам учрайди ва уларнинг гормон. ажратиш қобилиятлари жуда суст бўлади. Балоғатга етиш ва етган даврда қиз болада шу хилдаги ўсмалар бўлса, улар қиз боланинг ёшига қараб гормон ажратадилар.

Гранулез — хужайрали ўсма (фолликулома — (оШси- 1ота).

Фолликулома асосан заарсиз сифатли ўсмалар қаторига кирса ҳам, камдан-кам ҳолларда, уларнинг хавфиллари ҳам учраб туради. Улар ҳам метастаз беради. Ўсмани микроскопда текширганда, гранулез — хужайра- ларнинг шакли ва катта-кичиклиги ҳар хил эканлиги кўринади. Улар шакл жиҳатидан думалоқ ёки тухум шаклида бўлиб, ядро ва протоплазмалари аниқ кўринади. Унинг ич қисми цилиндрисимон бўлиб эпителиялар билан думалоқ ёки тухумсимон иплари кўзга ташланиб, улар фолликулинни эслатади. Шунга кўра, бу хилдаги ўсма- ларни фолликулома, деб атайдилар. Баъзи бир гранулез хужайралар стромадан аниқ чегара билан ажралиб туради.

КЛИНИК КЕЧИШИ

Гранулез хужайрали ўсмалар эстроген ишлаб чиқариш хусусиятига эгадир. Бу қиз болаларда жинсий тараққи- ётнинг эрта бошланиши билан намоён бўлади, (кўкрак безлари ўсади, қов устига туклар чиқади, клитор, жинсий лаблар катталашади, баъзан киндан қон ҳам келади).

Ўсма ажратган гормон фақат сийдикдагина эмас, ҳатто қонда, ўсма ажратган гранулез хужайралар суюқли- гида ҳам

топилади.

Агар қиз бола түгри ичак орқали текширилса, унда бачадон ёнида қаттиқ, тухумдонни эслатувчи ўсма сезилади. Шиллик пардадан биопсия ёки қириб олиб кўрилса, безли гиперплазияни, безларнинг кисталар каби кенгайганини, кон томирларининг ҳам кенгайганлиги кўринади.

Бачадоннинг мускул қаватида мускул толаларининг гипертрофияси кузатилади. Пубертат ёшида ўсма туфайли ҳайз цикли бузилиши мумкин.

Даволаш асосан операция қилиб, уни олиб ташлаш- дан иборатдир.

ТЕКОБЛАСТОМА (THECOBLASTOMA)

Тухумдан текобластомаси асосан тухумдан стромаси ва теко тўқимадан вужудга келади. У ўзининг тузилиши билан тухумдан фибромасини эслатади. Аммо клиник кўриниши билан ундан бутунлай фарқ қиласди. Бу хилдаги ўсма эстроген ажратувчи ўсмадир.

Теко тўқима нормал ва атрофияга учраган фоллику- лалар атрофида жойлашган бўлади. Текома пубертат ёшида жуда кам учрайди. Хавфли ўсмага ҳам жуда кам ўтади.

Текобластоманинг клиник кўриниши гранулез-хужай- рали ўсмаларга ўхшаб кетади. Аммо тажрибалардан кўринишича, теколютеоцитлар эстроген гормонини кўпроқ ишлаб чиқаради (хужайрали ўсмаларга нисбатан), шунга кўра текомада эстрогенлар кўп бўлади. Текобластомада қиз болаларнинг пубертат ёшида жинсий тараққиёт эрта бошланиб, қиндан ҳайзни эслатувчи қон келади, иКки- ламчи жинсий белгилар вужудга келади.

Даволаш. Асосан операция йўли билан бўлиб, шу ўсма бор бўлган тухумдан олиб ташланади.

АРРЕНОБЛАСТОМА (АКВНЕМОВЦАТОМА)

Арренобластома кам учрайдиган ўсмалар қаторига кириб, буйрак усти безининг пўстлоқ қавати ёки буралган каналчаларидан вужудга келади.

Ажратган гормони жуда фаол тестостерон бўлиб, шунга кўра бу хилдаги ўсмалари бўлган беморларда дефеминизация (кўкрак безининг кичиклашиб қолиши (аменорея), маскулинизация (юзда, кўкрак соҳасида жун ўсиши, овознинг йўғонлашуви, клиторнинг катталашиши ҳолатлари) кузатилади.

Одатда, арренобластома бир томонда бўлади. Клиник кечиши бўйича у хавфсиз ўсмалар қаторига киради.

Ташхиси клиник алломатларига қараб ва сийдикда

кетостеронларнинг кўпайганлигига қараб белгиланади. Бу қиз болаларда ҳам учраши мумкин.

Даволаш — операция йўли билан уни олиб ташлаш. Операциядан кейин шу ўсма туфайли вужудга келган белгилар аста-секин йўқолади.

ХХ БОБ

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ЖАРОҲАТЛАНИШИ

Қиз болаларда жинсий аъзоларнинг жароҳатланиши йиқилганда, урилганда, ўткир ёки тўмтоқ жойга бехосдан ўтириб қолганида ва қиз боланинг номусцга зўрлаб тегидганида рўй бериши мумкин.

Қиз бола йиқилса, жинсий аъзо соҳаси билан тўмтоқ жойга урилса, шу жойга қон куйилади (гематома). Кўп ҳолларда шу гематома урилган жойдагина чегараланиб қолмай, қинга ва ҳатто ундан юқорига ҳам кўтарилиши мумкин.

Гематома атрофдаги тўқималарга тарқалса, ўша жой 1—2 кун кўкарган ҳолда бўлиб, анча дўппайиб, тери сатхидан кўтарилиб туради. Унинг ҳажми ўша урилган қисмидаги ёрилган қон томирлари микдорига боғлиқ. Агар тери остидаги қон томири ёрилса, гематома шу урилган жойда чегараланган ҳолда бўлади. Мабодо тери остидан чуқурроқда жойлашган қон томирлари шикастланса, бу ҳол анча оғир кечади. Чунки гематоманинг чуқурлаша бориб, юқорига томон кўтарилиши кўп учрайди. Гематома- нинг белгилари — унинг жойланишига қараб ҳар хил оғирликда бўлиши мумкин. Агар гематома фақат жинсий лаб соҳасига жойлашган бўлса, у жойда ҳам оғриқ сезилади. Чунки жинсий аъзоларда нерв томирлари (толалари) кўп тарқалган ва улар юқори даражада сезув- чан бўлади. Бола оғриқдан шикоят қиласи ва шу соҳада шиш сезилади. Жароҳат кузатилганида юқорида айтил- ган белгилар кўзга ташланади. Бунда гематома 1 — 2 кун- лари кўқимтири рангда бўлса, 3 — 4 кунлари қондаги эрит- роцитларнинг парч^{ланишидан} ажralган гемосидерин ту- файли сарғая боради ва ниҳоят из қолдирмай йўқолади.

Аммо жинсий аъзо соҳасида (сийдик йўли, тўғри ичак) инфекциялар кўп бўлади. Шу туфайли гематома йирингла- ши ва қиз бола оғриқнинг кучайганидан, шу соҳадаги лўқиллаган оғриқдан шикоят қиласи. Тана ҳарорати кўтарилиади, томир уриши тезлашади. Бундай вақтда албатта жарроҳ ёрдами талаб қилинади.

Агар гематома анча чуқур жойлашган ва юқорига тарқалган бўлса, оғриқ анча кучли бўлади. Боланинг гематома туфайли қон йўқотиши камқонликка сабаб бўлади. Гематома кўпайгани сари боланинг умумий аҳволи оғирлаша боради.

Ташхис кўйишда жинсий аъзо соҳасини дикқат билан

кўздан кечириш, агар гематома кўпайганлиги аломатла- ри кўринса, унда албатта, ёрилган томирни топиб, қонни тўхтатиш лозим бўлади. Аммо бунда анча қийинчи- ликларга дуч келинади. Чунки гематома орасидан ёрилган томирни топишнинг ўзи бўлмайди. Операция умумий наркоз остида амалга оширилади.

Гематома аниқлангани заҳоти шу жойга совуқ нарса қўйиш лозим (грелка ёки шиша ичига совуқ сув солиниб, чот орасига 2 соатча қўйиб турилади, бироз вақт олиниб, кейин яна қўйилади). Совуклик қон томирларни торайти- риб, кён окишини камайтиради ва тўхтатади. Баъзан хлорид кальций бериш ёки ундан укол қилиш, зарур бўлганида қон ёки унинг ўрнини босадиган эритмалар қўйиш керак бўлади.

Гематомалардан ташқари, бошқа турдаги жароҳатлар ҳам бўлади.

Н. В. Кобозеванинг кузатишича, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг 0,8 фоизи, мактаб ёшидаги бола- ларнинг 4,7 фоизида жинсий аъзолар жароҳати кузатилган ва уларнинг сабаблари 3 гурухга бўлинган:

- 1) тери ости ёғ қатламиининг ҳали етарли бўлмагани;
- 2) эпидермал сатҳнинг ҳали жуда юпқалиги ва механик таъсиранд ҳимоя қила олмаслиги;
- 3) тўқималар орасидаги ва тубидаги бириктирувчи тўқималарнинг етарли тараққий қилмаганлиги.

Агар клитор жароҳатланган бўлса, ундан жуда кўп қон кетади, у каверноз тана бўлганлиги сабабли, қонни тўхтатиш қийин бўлади.

Мабодо, жароҳат ўткир нарса таъсирида тешилган бўлса, унинг қай ҳолатда, қандай қилиб тешилганини аниқлаш зарур. Тешилиш ўткир нарса таъсиридан бўлса, унда жароҳат анча чуқур бўлиб, ички жинсий аъзолар, қов ва ҳатто ичакларнинг ҳам тешилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда анамнез катта ёрдам беради. Тешилишга сабаб бўлган нарсани албатта кўздан кечириш зарур. Қиз болани синчиклаб текшириб, бошқа аъзоларига ҳам зарар етмаганлигига ишонч ҳосил қилингачгина, даволашга киришилса бўлади. Бунинг учун жароҳат атрофи, сатҳи асептик эритмалар билан ювилиб, йод ёки бриллиант кўкидан (кўк дори) суриб қўйилади.

Врач шуни унутмаслиги керакки, тери сатҳи жароҳат туфайли бузилган бўлса, албатта столбняк (қоқшол)'га қарши зардобдан укол қилиш керак.

Агар яра сатҳи йиртилган бўлса, шу жойни ҳам тозалаб, тикиб қўйиш даркор. Акс ҳолда, тикилмаган бу жой инфекция манбай бўлиб қолади. Тикилаётган яра чуқурлигига чўнтақчалар қолмаслигига ҳам эътибор бериш керак. Ҳолбуки шу чўнтақчалар ҳам инфекция манбай бўлиб, кейин оғир оқибатларга олиб келади.

Баъзан клиникага зўрлаш натижасида жинсий аъзолари жароҳатланган кичик ёшдаги қизларни олиб келади- лар. Бунда ташки жинсий аъзолар билан бирга қин ва ҳатто тӯғри ичакнинг ҳам йиртилиб кетган ҳоллари кузатилади. Шундай вақтда тӯғри ичакнинг шакли тикланиб тикилади, қин девори ва ташки жинсий аъзолар ҳам тикиб қўйилади. Бу хилдаги жароҳат энг оғир жароҳат ҳисобланади. Жароҳат битганидан кейин ҳам шу соҳада чандиклар қолиши, келажакда > анча ноҳуш ҳолатлар (қинга кириш жойи, тӯғри ичакларнинг чандик туфайли торайиб қолиши) ни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, агар тикилган жой яхши битмаса, у жойда оқмалар (қов ҳам заараланган бўлса, сийдик ва ахлатнинг оқиши) келиб чиқиши ва қиз болани қайта операция қилиш лозим бўлади. Бу жараён қиз боланинг асаб системасига ёмон таъсир қилиб, ҳатто оиласвий ҳаётига ҳам путур етказади. Яна шуни эсда тутиш керакки, зўрлаш ҳолати рўй берганида қиз болани албатта венерик касалликларни текширувчи лаборатория текширувидан ўтказиш шарт (сўзак, трихомоноз, захм ва ҳ.к.лар).

Боғча ёшидаги болалар баъзан таналарининг бирор очиқ жойига (кулок бурун каваги ва қинга) бирор нарсанни суқиб қўядилар (шпилька, калит, тўғноғич. ва б.қ.лар), бора-бора шу тикиб қўйилган нарсанинг жароҳатидан қиз бола қинида яллигланиш белгилари сезила бошлайди. Қиндан чиқинди ажралиши қўпаяди, шу чиқинди ҳатто ташки жинсий аъзо соҳасининг бичилишига ҳам сабаб бўлади.

Чиқинди аввал серозли бўлса, кейинчалик йирингга айланади, сўнг септик ҳол юзага келади.

Бу ноҳуш ҳолнинг олдини олиш учун, яллигланиш белгилари сезила бошлаши билан болани врачга олиб бориб, уни ҳар томонлама текширтириш, қизлик пардаси ва ташки жинсий аъзоларига шикаст етганми ёки йўқлигини аниқлаш, мабодо қизлик пардасига жароҳат етган бўлса, унда қинда ёт нарса бор-йўқлигини ҳам аниқлаш лозим. Шу мақсадда қин зонд орқали текшириб қўрилади.

Қиндан ёт жисм олиб ташланганидан сўнг, яллигла- нишни даволаш учун ингичка катетер ёрдамида қин асептик эритмалар билан чайилади. Лозим бўлса, антибио- тиклардан ҳам фойдаланиш лозим бўлади

Агар жароҳат туфайли қорин бўшлиғидаги аъзолар (ичаклар, сийдик қопи, сигма) шикастланган бўлса, унда қорин девори орқали операция қилишга тӯғри келади.

Клитор жароҳатланганда қонни тўхтатиш қийин бўлади. Ҳатто тикканда ҳам қон тез тўхтамайди. В. И. Бодяжина тампонлаш ва қон тўхтатадиган қисхич- лар қўйишни тавсия этади. Кўп ҳолларда 8 (саккизсимон) чоклар ёрдамида қониқарли натижага эришилади.

Корин бўшлиғидаги аъзоларнинг ҳолатини аниқлаш учун

вагиноскопия, цистоскопия, ректороманоскопия, түғ-ри ичакни бармоқлар ёрдамида текшириш, УТТ (ультра-төвшү тадқиқоти), рентгенлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қизларнинг тузалиб, стационардан чиқишиларидан олдин уларнинг ота-оналари билан сухбат ўтказиш шарт. Бундан ташқари, шу қизга қандай ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида ҳужжат берилиб, касаллик тарихига ҳам ҳужжат берилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиши лозим. Агар бунга қизнинг отаси ёки яқинлари касаллик тарихига ҳужжат олганликларини в.а уларга тушунтириш ишлари ўтка-зилганлигини тасдиқлаб, имзо қўйисалар янада яхши бўлади.

Акс ҳолда вақт ўтиши билан айрим ота-оналар врйчга даъво қилишлари ҳам мумкин.

XXI БОБ.

ҚИЗ БОЛАЛАР ГИГИЕНАСИ

ҲОМИЛАДОРЛАР ГИГИЕНАСИ

Бўлажак фарзандларининг соғ-саломат туғилиши, ота-онанинг саломатлигига, хулқига ва қандай ҳаёт кечиришига боғлиқ бўлади. Шу сабабли оила қураётган ёшлар ҳомиладорликнинг қандай юз берishi, фарзандла-рининг она қорнида ривожланиш хусусиятлари, ҳомила-дор аёлнинг ўзини қандай тутиши, ота-онанинг касаллиги ҳомилага қандай таъсир кўрсатиши ва унинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Аёл организмини оналика тайёрлаш у чақалоқлиги пайтидан бошланади. Ҳар бир она ўз фарзандининг саломатлиги ва тарбияси ҳақида қайфуар экан, шу қизалоқнинг бир куни келиб, ўзи каби она бўлишини унутмаслиги лозим.

Ҳомиланингзарланиши, нимжон ёки ўлик туғилиши-га олиб келувчи асосий сабаблардан бири — кислород етишмаслигидир. Ҳомиладорларда қоннинг кислородга ёлчимаслиги билан кечадиган дар қандай касаллик ҳомиланинг ахволига таъсир қиласи. Ҳомиладр аёлларда қайси касаллик жараёнида кислород етишмаслиги келиб чиқади?

Биринчи навбатда — юрак ва ўпка касалликларида, яъни кислород алмашинувида муҳим ўрин тутадиган аъзолар касаллигига. Кислород етишмаслиги камқонлик касалида ҳам кузатилади. Гипертония, оғир инфекцион касалликлар ва бошқа ҳолларда аёл организмидан ҳомилага кислородни ташиб учун транспорт воситала-ри — эритроцитлар етишмай қолади. Шу сабабли бола нимжон ёки чала туғилади. Ҳомиланинг тўғри ривожланиши учун етарли миқдорда турли-туман моддалар:

оксил, ёғ, углевод, витамин, микроэлементлар (мис, йод, кобальт, марганец ва б.қ.лар) керак бўлади. Бу моддаларнинг ҳаммасини ҳомила она организмидан олади, шу сабабли ҳомиладор аёлнинг овқати сифатли бўлиши керак.

Эмбрионнинг барча аъзолари ва системалари ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталаридан шаклана бошлар экан, бу даврда ривожланаётган эмбрион ўзига зарур моддаларни онадан керакли миқдорда олиши жуда муҳимdir.

Ҳомиланинг нормал тараққиёти учун умуман вита- минлар, хусусан А, С, Э, Е лар зарур. А, Е витаминалари ҳомиланинг, туғилгандан кейин ҳам нормал ривожланиши ва ўсиши учун ҳам зарурдир. Она организмида А витамини етишмаслиги сабабли ҳомила чала туғилиши мумкин. Э витамини фосфор ва кальций алмашинувида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу витамин етишмас, ҳомила суяклари нотўғри ривожланади. Витаминалардан ташқари она организмига ҳайвон ва ўсимликдан олинадиган оқсил маҳсулотлар: сут, творог, кефир, пишлоқ, тухум, балиқ, гўшт, нўхат ва турли ёрмалар керак бўлади. Аёл спиртли ичимликлар ичмаслиги керак. Токсик моддалар, гиёҳ- вандлик ҳам ҳомила тараққиётида оғир нуқсонларни келтириб чиқаради. Ҳомиланинг тараққиётига яна турли инфекцион касалликлар, нурланиш, кимёвий моддалар, турли хил дори-дармонларни ўринсиз ишлатиш ва ҳоказо- лар путур етказади.

Эндокрин безлар фаолиятининг бир-бирига бўлган муносабатининг бузилиши, резус-факторнинг она билан болада мос келмаслиги, ирсий ва хромосом касалликлар ҳам ҳомиланинг ривожланишига тўсқинлик қиласди

Юқоридаги сабабларни, соғлом авлод етишириш соҳасида кўзда тутилган мақсадларни назарга олган ҳолда, врачлар консультацияга келган аёлларга ўз вақтида ва малакали ёрдам беришлари ва профилактикага оид тадбирларни ҳам ўз вақтида амалга оширишлари зарур.

ЧАҚАЛОҚЛАР ГИГИЕНАСИ

Янги туғилган чақалоқларнинг қонида, онадан ўтган гормонлар туфайли бир неча кун давомида қинида нордон реакция бўлишига қарамай, жинсий органларининг тўла етилмаганлиги, уларнинг сатҳини қоплаган эпителий ва терининг яхши тараққий қилмаганлиги сабабли, шу жойга тушган инфекция осон авж олади. Гонококк микроби чақалоқнинг кўзига тушса, бленорреяни кўзгатади. Унинг олдини олиш учун профилактика чораларини кўриш зарур. Бунинг учун қиз бола туғилиши биланоқ, унинг кўзига ва жинсий аъзоларига 30% ли альбуцид томизисла, шу аъзоларнинг яллигланишининг олди олинган бўлади. Баъзан, онадан ўтган гормонлар туфайли, чақалоқ қинидан 2 — 3 — 4 кунлари бироз

қон келади, бу жинсий кризниң бир күриниши бўлиб, қон озодан 2 кўнча ке- либ турди, кейин бутунлай тўхтайди ва боланиң ривож- ланиши нормал кечса, то менархегача бошқа қон кел- майди.

«Жинсий криз»— бу патологик ҳолат бўлмаса-да, аммо ажралаётган қон қин муҳитини ўзгартиради ва инфекцияниң тушиши, тарқалиши ва кўпайиши учун қулай шароит ҳисобланади.

Чақалоқни парвариш қилишда энг муҳими — тоза- ликка риоя қилиш ва уни эмизиш тартибига амал қилиш- дир. Чақалоқ териси доимо тоза бўлиши лозим, чунки тери нафас олиш ва нафас чиқариш ҳамда иссиқликни идора қилиш функциясини бажаради. Янги туғилган чақалоқ териси жуда нозик бўлиб, салга шикастланади. Бола терисини шикастланишдан сақлаш ва чиниқтириш учун уни ҳар куни чўмилтириш, ҳар гал жинсий аъзолари сатҳини ювиш, ювганда олд томонидан орқа тешиги томонига қаратиб ювиш лозим. Акс ҳолда, тўғри ичак соҳасидаги инфекция (ичак таёқчasi, сальмонеллёз ва б.қ.лар) ёки гижжа тухумлари (маълумки, гижжалар тўғри ичакниң ташқи тешиги соҳасига тухум қўяди) жинсий аъзоларга ўтиши мумкин.

Баъзи чақалоқларда онадан ўтган гормонлар таъсири- да, уларниң кўкрак безлари вақтинча бироз катталашиб, ҳатто баъзан сут (дастлабки сут-молозиво) ҳам ажралиши мумкин. Бу бора-бора ўзидан ҳеч қандай асорат қолдир- май қайтади. Айрим оналар қизларини даволаш мақсади- да кўкрак безини сиқиб, сутни чиқаришга уринадилар. Бундай қилинганда боланиң сут безига инфекция тушиб, уни яллиғлантириши мумкин. Яллиғланиш жараёни ўзидан, бир қатор асоратлар қолдиради. Баъзида бош- ланғич сут бези бўлакларининг яллиғланиши туфайли, ҳатто некрозланиш ва чандиққа айланиб қолиш ҳоллари ҳам учраган. Бунда қиз бола тараққиёт ва балоғатга этишда орқада қолади. Шунинг учун кўкрак безини тўғри парвариш қилиш зарур бўлади.

Боланиң кўкрак безлари соҳаси ва кўкрак учини (инфекция асосан шу сўргич тешиклари орқали киради) асептик эритмалар билан (1:1000 калий перманганат, фурациллин, бор кислота эритмаси) артиб туриш керак.

Н. В. Кобозева ва б.қ.лар (1988) камфара мойидан компресс қилишни тавсия этадилар.

ЭМИЗИКЛИ ЁШДАГИ (БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН) БОЛАЛАР ГИГИЕНАСИ

Бу «нейтрал» давр ҳисобланиб, бола ҳали нозик, организмининг қаршилик кўрсатиш кучи кам бўлади.

Лозим бўлган барча гигиеник муолажалар — болани тез-тез чўмилтириш, жинсий аъзолари соҳасини тоза сақлаш, унга ишлатиладиган чойшаблар юмшоқ, ботмай- диган бўлиши,

уларни қайнатиб, дазмоллаб ишлатиш, боланинг чиниқиб бориши учун уни кўпроқ тоза хавода олиб юриш керак. Бу болани бақувват қиласи ва касалликларга қаршилик кўрсатиш кучини оширади.

Кўкрак ёшидаги болаларнинг юқори нафас йўллари касалликлари билан касалланишлари анча хавфидир. Бола бурни билан нафас ололмаса, яхши ухлай олмайди, ёмон эмади ва озиб кетади. Мабодо, она боланинг жинсий аъзоси соҳаларини қунт билан парвариш қилмаса, бола хўл чойшаб устида узоқ ётиб қолса, унинг жинсий аъзо соҳаси бичилади ва йирингли яралар пайдо бўлади Чунки бола сийдигига ботган ҳолда ётади ва шу соҳада азотли моддаларнинг парчаланиши кузатилади.

Болага синтетик матодан тикилган кийим кийгизиш мумкин эмаслигини ҳар бир она доимо ёдида тутиши керак. Шунингдек чойшабларни ҳам синтетик порошоклар билан ювмасдан, балки хўжалик совунлари билан ювиш керак бўлади.

МАКТАБ ЁШИГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДА БЎЛГАН . БОЛАЛАР ГИГИЕНАСИ

Бу ёшдаги боладар «нейтрал» даврни бошдан кечира- дилар. Яъни, жинсий аъзолар фаолиятини бошқарадиган гормонлар ҳали жуда кам бўлади. Шунинг учун уларнинг аъзолари турли инфекцияларга бардош бериш қобилияти- га эга бўлмайди. Хусусан, қинларидағи мухитнинг ишқорли ёки нейтрал бўлиши, ташқи жинсий аъзо сатҳини қоплаган тери ва қин шиллиқ пардасининг юпқа бўлиши туфайли, инфекция ва тўғри ичакдаги гижжаларнинг ўтиши осон бўлади. Инфекциянинг яллиғлантириши ва гижжалар туфайли жинсий аъзолар қичииди ва аъзо сатҳини жароҳатлайди Шу жароҳат юзасига инфекция осон тушиб, йирингли яралар ҳосил қиласи ва септик жараён рўй беришига олиб келади. Болаларнинг қинга турли нарсаларни тикишлари ҳам инфекция тушиб, яллиғланишига олиб келади. Шунинг учун бу ёшдаги қиз болаларда яллиғланиш ҳоллари кўп учрайди.' Бу ҳолнинг олдини олиш катта аҳамиятга эгадир.

Профилактика омиллари: қиз боланинг ичи келтанида ва сийганида унинг жинсий аъзоларини олдиндан орқасига қаратиб ювиш, ички кийимларини тез-тез алмаштириб туриш, уларни қайнатиб ва тескарисидан дазмоллаб кийдириш лозим. Унинг танаси тоза бўлиши, тирноқлари калта қилиб олинган бўлиши лозим. Бўлмаса улар тирноқлари билан бехосдан жинсий аъзоларини жаро- ҳатлаши мумкин. Она ва тарбиячилар болаларнинг жинсий аъзоларига бирор нарса қўймасликларини доимо кузатиб боришлари керак бўлади.

Бола ҳар куни шу тарзда ювинтирилиб турилса, унга одат бўлиб қолади. Қиз бола шундай ювинтириб турилма- са, у катта бўлганида жинсий аъзоларини қандай ювишни билмайди. Уни

ўргатиш учун қўғирчогини ювинтириб кўр- сатса ҳам бўлади. Болалар бу орқали жуда тез ўрганадилар.

Жинсий аъзолар кўполлик билан ювилмаслиги лозим, акс ҳолда аъзоларй жароҳатланиши ва жинсий қўзғалиш хавфини туғдиришга олиб келиши мумкин. Жароҳатлан- ган жойга инфекция тушиб, кўнгилсиз ҳолларга олиб келиши ҳам мумкин.

Киз боланинг жинсий аъзолари тез-тез ювилмаса, сийдик, ахлат ва қин чиқиндилирининг қолдиқлари бузи- либ, инфекциянинг манбаига айланиб қолади ва ташқи жинсий аъзоларни яллиғлантиради.

Кўпинча оналар қизчаларини иштончанг қўядилар. Болалар ҳар хил жойларга ўтирадилар, шунда жинсий аъзоларига инфекция кириши мумкин. Шунинг учун болаларга ҳар дойм иштон кийдириб қўйиш керак.

Н. В. Кобозева ва б.қ.лар (1988) гижжаларни йўқотгандан сўнг, қўйидаги гигиеник омилларга риоя қилишни маслаҳат берадилар:

1. Ҳўл мвва ва сабзавотларни болага беришдан олдин унинг қўлларини совунлаб ювдириш ва мевани ҳам қайнаган сувда чайиш.

2. Киз болани ювинтиргандан кейин унга қайнатиб, дазмолланган кийим кийдириш (ич кийим чокларини яхшилаб дазмоллаш).

3. Бола ётадиган хонадаги буюмларни ҳар куни латта билан артиш, хонани шамоллатиш, тувак ва унитазларни қайнаб турган сув билан ёки тиббиётда ишлатиладиган эритмалар билан тозалаб туриш.

4 Қиз бола билан бирга яшайдиганларнинг гижжаси бор- йўқлигини текширтириш ва лозим бўлса, даволатиши.

МАКТАБ ЁШИДАГИ ВА БАЛОГАТГА ЕТИШ ДАВРИДАГИ КИЗ БОЛАЛАР ГИГИЕНАСИ

Бу ёшдаги қизларнинг умумий ривожланиши учун бадантарбиянинг аҳамияти жуда каттадир. Улар орга- низмини чиниқтириш зарур, чунки бу даврда бола организми турли инфекцияларга жуда сезгир бўлади.

Қизлар одатда 12 — 14 ёшда, баъзан 14 — 15 ёшлари- да биринчи марта хайз (менархе) кўрадилар. Бунда умумий мадорсизлик, иш қобилиятининг вақтинча паса- йиши кузатилади. Шу даврда уларнинг спорт билан шуғулланиши, совук сувда чўмилиши ва бошқа оғир жиСмоний машқлар қилиши ман этилади.

Хайз даврида шахсий гигиена қоидаларига тўла Ва катъий риоя қилиш лозим. Қиз болалар совунлаб ювилган қўллари билан жинсий аъзоларини ҳар куни кдмида икки- уч марта қайнатилган илиқ сув билан совунлаб, олдиндан орқага йўналтириб

ювишлари лозим. Ҳар галги ювишдан сўнг ташқи жинсий аъзоларга қўйиладиган дока, гигро- скопик стерил пахта ёки яхшилаб қайнатилиб, дазмоллан- ган латтадан бир неча қават қилиб тикилган ва белбоққа тугмалаб қўйиладиган латтани кўядилар. У кунига 3 — 4 марта алмаштирилиб турилади.

И П Па влов таълимотига биноан, балоғатга етган қизларда уйқунинг давомийлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Қиз боланинг руҳий такомиллашуви ва нерв системасида юзага келиши мумкин бўлган функционал бузилишларнинг нормаллашуви учун унинг тунги уйкуси 8 — 9 соатдан кам бўлмаслиги керак. Бунинг учун эрта ётиш ва эрта туриш янада фойдали бўлади. Уйқу режимига вақт кам бўлган пайтда (дарс кўп берилган, имтиқон), шунингдек, таътиллар пайтида ҳам риоя қилиш зарур.

Шунингдек тўғри овқатланиш ҳам муҳимдир. Таркибида оқсил, осон сингийдиган углеводлар, ёғ, туз, темир ва кўп микдорда витаминалар бўлган овқатлар истеъмол қилиш керак. Овқатлар таркибида янги сабзавотлар, мевалар, сут маҳсулотлари, қора нон ҳамда ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотлари ҳам бўлиши керак.

Ўқиши, меҳнат қилиш ва дам олишни тартибга солиш, спорт билан шуғулланиш, турли ҳаваскорлик тўгараклари- га қатнашиш, экспурсияларга чиқиш, маданий хордиқ чиқариш омилларидан тўла фойдаланиш қиз боланинг соғлом ўсишининг гаровидир.

Шундай қилиб, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиш, юқумли касалликларга олиб келувчи муҳит таъсиридан сақланиш, касаллик бошланиши билан унинг авж олишига йўл қўймай тезроқ даволаниш ва организмнинг ҳар қандай инфекцияга қарши фаол курашишга тайёр бўлиши учун амал қилинадиган асосий қоидалардан бири — шахсий гигиенага риоя қилишдир.

Қиз боланинг қандай кийиниши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қизларда кўкрак безининг ўзиш жараёнида сийнабанд (лифчик) кийиш шарт эмас, аммо бадантарбия дарслари ва спорт машғулотларида кўкракни қаттиқ сиқмайдиган сийнабанд тақишилари керак бўлади.

Унинг скелет суюкларининг тўғри тараққий қилишида оёқ кийимлари ва мактабдаги парталар ҳам муносиб ўрин тутади.

М. В. Порохова (1980) нинг фикрича, қиз бола оёқ кийимининг тузилиши ҳам аҳамиятли экан. Унинг айтишича, қиз болаларнинг оёқ кийимлари 2 ёшдан 6 ёшгача 0,8 см. баландликда пошнали, 7 — 9 ёшгача 1 — 2 см, 10 — 15 ёшгача 3 — 5 см бўлиши керак. Агар пошна баландлиги 4 см дан ошса, унда тана оғирлиги орқа умуртқага тушиб, унинг бел қисми кўпроқ букилиб қолади, натижада чаноқ ҳолати ўзгаради, бу эса ўз навбатида кичик чаноқнинг тўғри ўлчовларининг камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, қиз болалар калта пайпоқ қийишила- ри ҳам мүмкін эмас. Чунки резина оёқни сиқиб, унда қон ва лимфа айланишига путур етказади.

Қиз боланинг жинсий тараққиётининг ҳам нормал кечишини таъминлаш зарур. Унинг жинсий тараққиётида оила, болалар муассасалари, мактаб шароитининг аҳамия- ти каттадир.

Қиз бола ТАКОМИЛЛАШГАНИ САРИ, АЙНИҚСА 5 — 6 ОЙЛИГИ- I да қиз болаларга хос хусусиятлар намоён бўла бошлайди.

У қўғирчоққа интилади, уни бағрига босади Тана [тузилиши ҳам шакллаша бошлайди.

1 — 2 ёшли қизчалар қўғирчоқни чўмилтириш, йўргак- I лаш ва овқатлантиришга интиладилар. Уларда аёлларга [хос белгилар пайдо бўлади, 3 — 4 ёшларида бу белгилар янада ривожланади, борган сари кучая боради.

Шунинг учун оиласидаги тутувлиқ, ўзаро ва болалар орасидаги муносабатларнинг аҳамияти катта. Пубертрат I даврда вужудга келиб, кейин авж оладиган асабий патологик ҳолатлар қиз бола яшаётган шароитининг 1 таъсиридир. Н. В. Қобозеванинг айтишича, пубертрат даврда қўпчилик қизларда дисморфофобия — ўзининг ’ ташки кўринишидан қониқмаслик, шу ёшга нисбатан оёқ- қўлларнинг узунлиги, соннинг йўғонлиги, бурун шаклли қорин деворида ёғ қатламишининг кўплиги, бошқа ҳолатлар I кузатилади. Шу мавзуда қиз бола билан оиласда, мактабда I сухбатлар ўтказиб туриш лозим.

Дарҳақиқат, 10— 12 ёшларида қиз бола анча кўрим- [сиз бўлиб, оёқ-қўллари, бўйи узунлашиб, симметрик ҳолат [бўлмаслиги уни анча кўримсиз қилиб қўяди.

Агар заарлар мухит бўлмаса, қиз болада аста-секин I аёлларга хос белгилар пайдо бўла бошлайди. Бу жара- ёнларни қиз бола билиши лозим.

Жинсий тараққиётдаги ёлғон гермафродитизмда ота- она боласининг қайси жинсга тааллуқлиги билмасдан, ; болаларига ўғил бола кийимини кийгизадилар. Балоғат , ёшига этиши даврида унинг қиз бола эканлиги аниқла- | нилса (эндокринолог врач томонидан), болада қанақа | асабий дақиқалар, ҳолатлар вужуга келишини тасаввур ■ қилиш мумкин. Шунга кўра қиз боланинг асаб тизимини !' аяш керак бўлади.

Қиз бола балоғатга ета бориши давомида унга вақти- I вақти билан жинсий яқинлик ҳақида тушунча бериб < бориши, покликни сақлаш кераклигини, жинсий. алоқани эрта бошлашнинг заарли томонларини (жинсий аъзога Г заар этиши, юқумли тери-таносил касалликлари ва ҳ.к.лар) гапириб, унга маслаҳатлар бериш она ва ўқитувчиларнинг асосий вазифасидир. Бунинг учун она ва • ўқитувчиларнинг ўзлари бу соҳадан яхши хабардор бўлишлари керак. Улар қиз боланинг пато-физиологик I хусусиятлари, феъл-авторини билиб, кузйтиб боришлари I лозим. Ана шуйдагина тарбияда кўзлангай

натижани I қўлга киритиш мумкин бўлади.

Н. В. Қобозева ва б.қ.лар (психоген) нерв анорексияси I ҳақида шундай дейдилар. Бу психоген касаллигининг айрим формаси бўлиб, асосан пубертат ёшида рўй беради. Бунда қиз боладаги жисмоний «етишмовчиликни тўгри-лаш» учун овқат истеъмол қилиш тартибини сақлаш керак. Бу қасаллик 3 — 5 йилгача давом этиб, боланинг ўлими билан тугалланади. Н. В. Қобозеванинг келтиришича, бу қасаллик: Шотландияда ҳар 100.000 кишига 0,61, Данияда 100.000 тага 16 тадан тўғри келар экан. Яна, бу хилдаги патологик ҳолат анча катта ёшда ҳам (23 — 25) учраб, қиз болалар у билан ўғил болаларга нисбатан 10 — 20 маротаба- ба кўпроқ қасалланар эканлар.

Қасалликнинг асосий белгиси: озишга интилиш, жуда кўп харакат қилишдан иборат бўлиб, аввалига уларда меҳнат қобилияти анча баланд бўлади, улар озиб, бир қатор соматик белгилар (аменорея, ошқозон-ичак системаси фаолиятининг бузилиши, камконлик, трофик ҳолат-нинг бузилиши ва б.қ.лар кузатилади). Қасалликнинг бошида уларнинг иштаҳаси яхши бўлади.

Н. В. Қобозеванинг фикрига кўра, гинекологик ва эндокринологик қасаллар билан оғриган қизларда нерв (психоген) анорексияси 1 фоиз учар экан. Айниқса, бу хилдаги патологик ҳолат эрта балоғатга етган ёкажинсий тараққиётдан орқада қолган қизларда кўпроқ учрайди, деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, гигиеник омиллар-га риоя қилинса, қиз болаларнинг жинсий жиҳат-дан тараққиётининг тўғри кечишини таъминлаган бўй-ламиз.

Кузатишлардан маълум бўлишича, кўпроқ жинсий аъзолар яллиғланишида (вульвит, вульвовагинит) рўй берадиган қичишиш туфайли, тор, қалин, кўпол чокли нштонлар кийгизилганда, қизларнинг жинсий аъзолари қитиқланади, яна шунингдек болалар кўриши мумкин бўлмаган киноларни кўришлик, спиртли ичимликлар жинсий аъзоларнинг қўзғалишига сабаб бўлади. Шундай ҳолларда кўпчилик қизлар онанизм билан шуғулланади-лар. Бундан хабардор бўлган ота-оналар болаларини уриб сўқадилар ва қўрқитадилар. Бу йўл билан тарбия қилиш жуда хавфли бўлиб, боланинг руҳи ва жисмоний тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Даволаш — қиз болани шу аҳволга тушишига сабаб бўлган омилларни йўқотиш керак бўлади. Тарбиявий ишлар олиб бориш, қизларга онанизмнинг зарари ҳақида тўла маълумот бериш, баъзи муаллифларнинг айтишлари-ча, ҳатто гипноздан фойдаланиш (аммо бунга кўпчилик гинекологлар кўшилмайдилар), зарурат туғилганда паст дозада транквилизаторлардан фойдаланиш лозим бўлади. Онанизм

билин тез-тез шуғулланадиган болалар психоте- рапевтик стационарда даволанишлари лозим.

Н. В. Кобозева — мактаб врачининг қиз болалар тарбиясида тутган ўрни ва вазифаси, жавобгарлиги жуда каттадир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, мактабда биология муаллими мактаб врачи билан биргаликда қиз болалар тарбияси принципларини ўрганишлари, қизлар билан доимо мулоқотда бўлган ҳолда иш юритишлари лозим эмиш. Бундан ташқари, мактаб врачи қиз болалардаги тараққиёт босқичлари, бу босқичларда рўй берадиган патологик, физиологик ҳолларни яхши тасаввур қила билиши даркор. У доимо педиатр ва гинеколог врач билан бирга иш олиб бориши, қизларни йилда камида 3 марта кўрикдан ўtkазиб туриши керак.

Киз болаларнинг руҳий ва жисмоний томондан соғсаломат бўлишларини таъминлаш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан биридир.

Киз болаларнинг юқумли касалликлар билан оғришларининг олди олиниши, оғриган тақдирида ҳам ка- салликнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик керак бўлади. Аёлнинг жисмонан кучли ва руҳий соглом бўлиши ҳомиладорлик ва туғруқнинг яхши кечишига ёрдам беради. Организмнинг кучсизланишини осон енгади. Демак, соглом авлодни ўстиришда гигиеник омиллар асосий ўрин тутади.

XXII БОБ

БОЛАЛАР ГИНЕКОЛОГИЯСИ АМАЛИЁТИДА ЭТИКА ВА ДЕОНТОЛОГИЯ

Врачлик фаолиятида «Гиппократ қасами» ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган.

- Ота-оналар билан бир қаторда врачлик маҳорати- ни эгаллаган кишини ҳурмат қилиш;
- Ҳаёт тантанасига хизмат қилиш;
- Беморнинг соғайиши учун бор кучни фойдали йўналишга йўналтириш,
- Врачлик сирини сақлаш;
- Тўғри яшаш ва меҳнат қилиш;
- Онтга (қасамга) содик қолиш.

Бундан 15 аср олдин врачларга бир қатор этик (ахлоқий) талаблар кўйилган.

Шарқ (Тибет) тиббиёти, Ҳиндистон, Мўғилистон, Хитой (Чин-Мочин), Япония ва бошқа мамлакатларнинг тиббиёти соҳасидаги тажрибаларни ўрганганд ҳолда, ҳозирги замон

врачлари учун ҳам фойдаланиш зарур бўлган 6 та ҳикматли сўзлар етиб келган. Врач чуқур мулоҳаза қиладиган, ақлли, ўз ваъдасида турадиган, ташки таъсиrotларни тез англайдиган, ўз фаолиятида ҳаракатчан. илмни ўрганишда сабоатли бўлиши керак экан.

Хўлқ ва этика маълум ҳолатда деярли бир хил бўлиб, деонтология — бу врачлар этикасининг бир қисми ҳисобланади.

Врач этикаси (этика — юонон (грек) чадан олиниб одат, хулқ) врач аҳлоқи, деган маънони билдиради. У врач билан беморнинг бир-бирига бўлган муносабати қандайлигина эмас, балки уларнинг қариндош-уруглари ва бошқа тиббиёт ходимлари, жамоа умуман омма билан бўлган муносабати ва муомаласини ўз ичига олади. Врачнинг оиласида ўзини тутиши, жисмоний ва руҳий, ахлоқий томондан поклиги ҳам бунга киради.

Бола касал бўлиб қолса, бундан ота-она қаттиқ ташвишга тушади. Бундай пайтда бир оғиз шири-н сўз унга таскин беради. Агар бола эсини таниган ёшда бўлса, врачнинг ҳатти-ҳаракати, муомаласи ва ўзини тутишига аҳамият беради. Врачнинг сўзларига жон-дили билан қулоқ тутади. Врач ножӯя ҳаракатлар ва қўпоплик қилса бу бола асабига ёмон таъсир қилади. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Бундан 20 йил илгари бир кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлганман:

Тугруқхонанинг гинекология бўлимига 13 яшар бир қизчани олиб келишиб Уни врач гинекология столига ётқизиб кўриб. ташки жинсий аъзоси сОҳасига қйндйн чиқиб турган ўсмани кўриб, шу заҳоти қизнинг от'a- онасига: «Э, ёмон бўлиптиқу, бу рак, қизингизнинг умрига зомин бўлибсизлар», деб қизнинг олдида айтган. Қиз эсини таниган бўлиб «энди ўлиб қолар эканман» деб додлай- верган. Буни қўрган ота-она ўзини тутиб туролмаган. Бу врач кечириб бўлмас хатога йўл қўйган. У буни ётифи билан ота-онанинг ўзига тушунтириб, яна текшириш ўтказиш кераклиги, балким унинг ўйлагани хато бўлиши мумкин эканлигини айтиб, уларни вақтинчага бўлса ҳам тинчлантириши лозим эди. Айниқса ёш боланинг (умуман беморнинг) олдида бундай гапларни ҳеч қачон айтмас- лик керак Чунки боласи бемор ёки бирор нуқсонли бўлган ота-она учун врачнинг ҳар бир сўзи дармон бў- лади, унинг ҳар бир гапига бутун вужудлари билан қу- лоқ соладилар, гапларига тушуниб етишга қаракат қила- дилар.

Агар врач беморга эътиборсизлик билан қараса, бу беморга ҳамда ота-онасига ёмон таъсир қилади. Улар — врач яхши қарамаяпти, касални аниқлай олмаяпти деган хуросага келадилар. Бу врач ота-она олдида ўз обрўсини йўқотади. Бемор ҳам, унинг яқинлари ҳам врачга ишонсалар, умид боғласалар,

шунинг ўзи ярим даводир. Врачнинг беморга бўлган муомаласи унинг тез тузалишига ёрдам беради.

Болалар ширин гапнинг гадосидир. Айниқса, касал бўлгандан бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўладилар. Шунинг учун врачлар болани даволашда, у билан дўстлашиб қолсалар, бу боланинг соғлиғига ҳам, руҳига ҳам ижобий таъсир қиласди. Болалар гинекологиясида этика ва деонтология жуда катта ўрин тутади. Чунки бу болаларда шундай нуқсонлар ва камчиликлар бўладики, уни бошқалар билиши мумкин эмас. Буни фақат врач ва ота-оналар биладилар. Ҳатто кўп ҳолларда боланинг ўзидан ҳам яширишга тўғри келади.

Бундан бир неча аср илгари Ҳиндистонда чоп этилган «Ҳаёт» китобида жуда чуқур маъноли сўзлар келтирилган:

«Агар врач ўз амалиётида муваффақиятга эришишни истаса, у соғлом. камсукум, матонатли, босик, хушмуоми-ла ва ишонтира олиш қобилиятига эга, тоза қалбли, ростгўй, эзгуликка интиувчан бўлиши лозим.

Бола ота-онасидан, ўқитувчисидан кўркса ҳам, врач-дан кўрқмаслиги керак. Врач болага ота-онасидан ҳам яқинроқ бўлиши зарур».

Юқоридаги сўзлардан шундай хулоса чиқадики, врач, айниқса болалар врачлари ва гинекологлари этика ҳамда деонтология қонунларига тўла риоя қилган ҳолда иш тутишлари керак.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| СҮЗ БОШИ | 3 |
| Кисқача тарихий маълумот | 5 |
| I Б О Б. Балогатта етгаи киз болалар жинсий аъзоларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари қақида кисқача маълумот | 7 |
| Ташки жинсий лаблар | 7 |
| Ички жинсий аъзо бойламлари | 13 |
| Чаноқ клетчаткалари..... | 15 |
| Жинсий аъзоларнинг қон ва лимфа билан таъминланиши | 16 |
| Жинсий аъзоларнинг нерв системаси | 17 |
| Тухумдон физиологияси | 18 |
| II Б О Б. Жинсий аъзолар тараққиётига таъсир кўрсатадиган асо- сий системалар | 20 |
| III Б О Б. Ички секреция безларининг физиологик хусусиятлари. . 26 | |
| Гипофиз | 27 |
| Тиреотроп гормон (ТГТ)..... | 27 |
| Гонадотроп гормонлар | 28 |
| Лактотроп гормон | 28 |
| Адренокортикотроп (АКТГ) гормони | 29 |
| Соматотроп гормон (СТГ) | 29 |
| Меланцитларни рағбатлантирувчи гормон | 30 |
| Нейрогипофиз гормони | 30 |
| Антидиуретик гормон (АДГ) — вазопрессин | 30 |
| Окситоцин | 31 |
| IV Б О Б. Киз боланинг тараққиёт боскичлари | 31 |
| V Б О Б. Киз болаларнинг тараққиёт боскичи .. . | 34 |
| Қомиланинг тараққий этиши..... | 34 |
| Ташки жинсий аъзолар тараққиёти..... | 36 |
| Киннинг эмбрионал тараққиёти | 38 |
| Бачадон тараққиёти | 39 |
| Тухумдоннинг тараққий этиши..... | 41 |
| VI Б О Б. Киз болаларнинг жинсий аъзоларидаги ёшига караб рўй берадиган ўзгаришлар..... | 42 |
| Чақалоқлик ва болалик даври..... | 42 |
| Препубертат даври | 44 |
| VII Б О Б. Балогатта этиш даври физиологии | 46 |
| Пубертат даври | 46 |
| Киз боланинг асаб тизимидағи ўзгаришлар | 51 |
| Соматик ўзгаришлар | 51 |
| Эндокрин безларнинг балогатга этиш давридаги хусусиятлари ва шу тизимда учрайдиган нуксонлар | 52 |
| Гипофиз | 53 |
| Гипогонадизм | 53 |
| Гипергонадизм | 53 |
| Прогестрон | 54 |
| Бўқоқ ости | 54 |

| | | |
|------|--|----|
| | Буйрак усти бези | 54 |
| | Менархенинг кечиши | 55 |
| VIII | Б О Б. Қыз болаларни гинекологик текшириш усуллари ... 55 | |
| | Қыз болаларни умумий текшириш усули | 56 |
| | Қыз болаларга мос келадиган гинекологик текшириш усул- лари | 57 |
| | Күшімча, маҳсус текшириш усуллари | 59 |
| | Кольпоцитология текшириш | 60 |
| | Функционал диагностика усули | 61 |
| | Күй корачиғи «феномени» | 62 |
| | Шилликнинг кристаллга айланыш белгиси (арборизация) 63 Бачадон бүйин канали шиллигининг чўзилиш даражасини аниклаш | 64 |
| | Қин чикиндисини цитологик усулда текшириш (Кольпоцито- логия) | 64 |
| | Кольпоцитограмма | 66 |
| | Жинсий хроматинни аниклаш | 67 |
| IX | Б О Б. Гинекологияда күшімча текшириш усуллари 68 | |
| | Рентгенолбик текшириш | 68 |
| | Газли рентгенопельвиография | 68 |
| | Гистерография | 69 |
| | Чанокни пельвиография килиш | 69 |
| | Чанок лимфограммаси | 69 |
| | Ультратовуш ёрдамида текшириш (УЗД)..... | 70 |
| | Ректоскопия | 70 |
| | Цитоскопия | 70 |
| | Кульдоскопия | 70 |
| | Кольпоскопия | 71 |
| | Гормонлар ёрдамида текшириш | 71 |
| X | Б О Б. Қыз бола тарақкіётидаги нұқсонлар..... | 72 |
| | Гипофизар нанизм | 74 |
| | Тиреогенли нанизм (кретинизм, ўсмир ёшидаги микседема) | 74 |
| | Даун касаллiği | 74 |
| | Хондродистрофия | 75 |
| | Хомила бошига сув йигилиши — гидроцефалия | 75 |
| | Анэнцефалия : | 76 |
| | Мия чурраси..... | 76 |
| | Орқа умуртқаннинг ажралган бўлиши..... | 76 |
| | Киндиқ чурраси | 76 |
| | Кўл ва оёқ нұқсонлари | 76 |
| | Юкори лабнинг ажралган бўлиши (кўёнлаб) ва «бўри оғиз» | 77 |
| | Хомилаларнинг бир-бираига ёпишиб колиши | 77 |
| | Юрак-кон томири тизимидағи нұқсонлар | 77 |
| | Овқат ҳазм килиш аъзоларидаги нұқсонлар..... | 78 |
| | Сайдик чикариш йўлидаги нұқсонлар | 78 |
| XI | Б О Б. Жинсий аъзолардаги нұқсонлар..... | 78 |
| | Бачадон, унинг күшімчалари (наичалар) ва қиннинг нук- сонлари | 79 |
| | Қин ва бачадоннинг иккига ажралган ҳолати | 80 |
| | Қызылк пардаси (Бутеп)даги нұқсонлар (Бутеп осслизи\$) | 83 |
| | Псевдогермафротитизм | 85 |
| | Сайдик чикариш тизимидағи нұқсонлар | 86 |
| | Ички сайдик йўли нұқсонлари | 86 |
| | Эписпадия | 86 |
| | Гипоспадия | 87 |
| | Сайдик копи (ковук)нинг жойлашишидаги нұқсонлар | 87 |
| | Сайдик йўли оқмаси..... | 88 |
| | Чурра | 89 |
| XII | Б О Б. Жинсий тарақкіётидаги нұқсонлар | 89 |
| | Қыз боланинг жинсий жиҳатданвақтидан олдин етилиши 89 | |
| | Клиникаси | 90 |

| | |
|---|-----|
| Эрта балоғатта етишишда гормонал фаол ўсмаларнинг ишти- роки | 91 |
| А1Б1£1 синдроми (эрта балоғатта етиш жараснининг суяк- ларнинг фиброзли дисплазияси билан бирга кечиши) | 93 |
| Суяклардаги ўзгаришлар | 93 |
| Касалликнинг натижаланиши | 94 |
| . Гетеросексүал турдаги эрта жинсий тараққиёт(оддий вирилизация құлувчи формадаги туғма адреногенитал синдром) | 94 |
| Клиникаси..... | 95 |
| Муолажаси | 96 |
| Кечиккан жинсий тараққиёт ва жинсий етишмовчилик | 97 |
| Идиопатик типидаги кеч балоғатта етиш | 98 |
| Жинсий тараққиёттинг семириш билан бўладиган етишмовчи- лик синдроми FrеHсЬ | 98 |
| Гипоталамус фаолияти туфайли жинсий тараққиётдан орқада қолиши | 99 |
| Жинсий тараққиёттинг семиришга боғлик бўлмаган ҳолда орқада қолиши | 99 |
| Хенде — Мюллер — Крисчен касаллиги (Краниал қсантомоз) | 99 |
| Гипофизар — гипогонадотропнинг евнуходизми | 100 |
| Гипофиз фаолияти туфайли гипохонадотропнинг вақтинчалик евнуходизми | 100 |
| XIII Б О Б. Гипотадамус— гипофизар системанинг заарлани- шида учрайдиган клиНик синдромлар | 100 |
| Гипопитуитар синдром. Симмснде касаллиги | 101 |
| Этиологияси | 101 |
| Патологик анатомияси | 102 |
| Клиник кечиши..... | 102 |
| Муолажаси | 103 |
| XIV Б О Б. Жинсий тараққиёттинг бўлмаслиги..... | 103 |
| Гонадалар дисгенезияси | 104 |
| Этиологияси ва патогенези | 104 |
| Клиникаси | 105 |
| Гонадалар дисгенезиясининг «тоза» формаси..... | 105 |
| Гонада дисгенезиясининг аралаш формаси | 106 |
| Гонада дисгенезиясининг ташхиси | 107 |
| Шерешевский-Тернер синдроми | 107 |
| Пубертат ёшида ҳайз циклининг бузилиши | 108 |
| Ҳайз бўлмаслиги (аменорея) | 109 |
| Муолажаси | 110 |
| Леренс-Мун-Бидл синдромида бирламчи амсонрея | 110 |
| Этиологияси ва патогенези | 110 |
| Муолажаси | 111 |
| Киз болаларда ҳайнзинг бошланиши ва кечиши. Ҳайнзинг оғ- рикли бўлиши (альгомснорея, альгодисменорея) | 111 |
| XV Б О Б. Жинсий аъзолар фаолияти бузилганида бачадондан қон кетиши (дисфункционал қон кетиши) | 114 |
| Клиникаси | 116 |
| Бачадондан дисфункционал қон кетишида текшириш усул- лари | 117 |
| Диффренциал ташхис | 120 |
| Бачадондан дисфункционал қон кетишини даволаш | 121 |
| XVI Б О Б. Киз болалар жинсий аъзоларининг яллиғланиш касал- ликлари | 126 |
| Жинсий аъзоларнинг спсцифик бўлмаган яллиғланиш жараснлари | 131 |
| Спсцифик бўлмаган яллиғланиш жараёнларининг этиоло- гияси | 131 |
| Даволаш | 133 |
| Вульвовагинит (ташки жинсий аъзо ва қиннииг яллиғ- ланиши) | 133 |
| Даволаш | 135 |
| Аппендикуляр генитал синдром | 137 |

| | | |
|-------|--|-----|
| | Сопогъбосйс, қиз болаларда сўзак касаллиги | 139 |
| | Вестибулит (қин даҳлизи сўзаги) ... | 144 |
| | Кольпит (кин сўзаги) | 144 |
| | Уретрит (сийдик чикариш йўли сўзаги)..... | 145 |
| | Сўзак вульвовагинити | 145 |
| | Клиникаси- | 145 |
| | Даволаш | 147 |
| | Цервицит (бачадон бўйни сўзаги) | 148 |
| | Проктит (тўғри ичак сўзаги) | 148 |
| | Сўзак профилактикаси | 148 |
| | Қиз болалар жинсий аъзоларининг сили.. | 149 |
| | Найчалар сили | 150 |
| | Тухумдон сили | 151 |
| | Бачадон сили | 151 |
| | Бачадон бўйни сили | 152 |
| | Ташки жинсий аъзолар сили | 152 |
| | Жинсий аъзслар сили ташхиси | 153 |
| | Туберкулин билан тскшириш | 153 |
| | Манту усули | 154 |
| | Касалликнинг натижаланиши | 154 |
| | Даволаш | 154 |
| | Қин дифтерияси | 155 |
| | Вирусли вульвовагинит | 155 |
| | Даволаш | 156 |
| XVII | Б О Б. Паразитар касалликлар | 157 |
| | Трихиомониоз. Жинсий аъзоларнинг гляллигланиши . . 157 | |
| | Трихомонада кольпитининг клиник белгилари..... | 158 |
| | Даволаш | 159 |
| | Молиниаз (молочница)— 5ооғ | 159 |
| | Даволаш 160 | |
| | Энтеробиоз | 160 |
| | Даволаш | 160 |
| | Эхинококк..... | 160 |
| XVIII | Б О Б. Жинсий аъзолардаги ўсмалар .. . | 161 |
| | Ташки жинсий аъзолар ўсмаси | 161 |
| XIX | Б О Б. Қин ўсмалари | 163 |
| | Қин раки | 165 |
| | Бачадон ўсмалари | 165 |
| | Бачадондаги хавфли ўсмалар | 165 |
| | Даволаш | 166 |
| | Бачадон танасининг раки | 167 |
| | Тухумдон ўсмалари | 167 |
| | Псевдомуциноз кистомалар..... | 168 |
| | Тухумдоннинг ретенцион кисталари..... | 168 |
| | Тухумдоннинг тератоид (терминоген) ўсмалари..... | 169 |
| | Етишган тератома (<сга!ота айпийит — дермоид кистаси) . 169 Кали | |
| | стилмаган ва етилган тератомалар | 170 |
| | Тухумдон тератобластомаси (1cra1ob1az1ota) | 170 |



| | |
|--|-----|
| Тухумдоннинг гормонлар ажратувчи ўсмалари | 171 |
| Клиник кечиши | 171 |
| Текобластома | 172 |
| Арренобластома (аггИеповъ1а81оша) | 172 |
| XX Б О Б. Жинсий аъзоларнинг жароҳатланиши | 173 |
| XXI Б О Б. Қиз болалар гигиенаси | 176 |
| Хомиладорлар гигиенаси | 176 |
| Чақалоқлар гигиенаси | 178 |
| Эмизикли ёшдаги болалар (бир ёшгача бўлган) гигиенаси | 179 |
| ■ Мактаб ешигача ва мактаб ёшида бўлган болалар гигиенаси | 180 |
| Мактаб ёшидаги ва балофатга етиш давридаги қиз болалар гигиенаси | |
| XXII БОБ Болалар гинекологияси амалиётида этика ва деонто- логия.... | |
| 185 | |
| | 181 |

Ўқ,ув нашири

ҚОДИРОВА АСОЛАТ АЗИЗОВНА,

Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор,

АЮПОВА ФАРИДА МИРЗАЕВНА,

тиббиёт фанлари номзоди,

НАЖМИДДИНОВА ДИЛБАР ҚАМАРИДДИНОВНА,
тиббиёт фанлари доктори

БОЛАЛАР ГИНЕКОЛОГИЯСИ

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Таҳририят мудири *Б. Мансуров*

Муҳаррир *Ш. Илагомова*

Бадиий муҳаррир *М. Эргатева*

Техник муҳаррир *В. Мецерякова*

Мусаххих *Г. Ширинова*

ИБ № 2274

Босмахонага 03.11.97да берилди. Босишига 08.01.98да руҳсат этилди. Бичими 84X108/32. Газста қофози. Офсет босма. Адабий гарнитура. Шартли босма табоқ 10,08. Шартли бўёқ оттиски 10,29. Нашр босма табоқ 10,69. 8—97-ракамли шартнома. Жами \$100 нусха. 5352-ракамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Тошкент матбаа комбинатининг изжара корхонаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.